

371
УМ23

www.pedkutubxona.uz

К.Қ. Мамедов,
М.И. Соатов, П.М. Пұлатова

Олигофрено- педагогика асослари




У 37
М23

www.pedkutubxona.uz

К. К. МАМЕДОВ, М. И. СОАТОВ, П. М. ПУЛАТОВА

ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги педагогика институтларининг дефектология факультетлари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этган.



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Ушбу ўқув қўлланмада олигофренопедагогиканинг умумий ма-
салалари: ақли заиф болалар таълим-тарбияси, бундай болалар
таълим-тарбияси билан шуғулланувчи муассаса тармоқлари, таъ-
лим-тарбия, ривожланиш ва тузатиш ишларининг ягона жараён
эканлиги ҳақида назарий маълумотлар берилган. Шунингдек, қўл-
ланмада ёрдамчи мактабларда таълим жараёни, унинг ўзига хос
томонлари, таълим туркumlари, услублари, уларнинг ёрдамчи
мактабларда қўлланиш хусусиятлари очиб берилган. Ақли заиф
болаларни тарбиялаш масалалари, уларни амалга ошириш хусу-
сиятлари ҳамда мактаб йўналишидан айрим маълумотлар берил-
ган.

Қўлланма асосан дефектологларга, талабаларга ҳамда ёрдам-
чи мактабларнинг барча ходимларига, шунингдек оммавий мак-
табларнинг бошланғич синф ўқитувчиларига, тарбиячиларга мўл-
жалланган.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор Р. А. Мавлонова

Психология фанлари доктори, профессор Ф. Б. Шоумаров

Педагогика фанлари номзоди, доцент М. Рўзиқулов

Педагогика фанлари номзоди, доцент В. С. Раҳмонова

Низомий номли Тошкент педагогика институти ўқитувчиси З. М. Сур-
алимова.

M 23

Мамедов К. Қ. ва бошқ.

Олигофренопедагогика асослари: Педагогика
институтлари дефектология фак. талабалари
учун ўқув қўлланма/ К. Қ. Мамедов, М. И. Соатов,
П. М. Пұлатова.— Т.: Ўқитувчи, 1994.—
168 б.


I. 1, 2. Автордош.

74. Зя73

M 431000000—38
353(04)—94 Бил. хати, 94

© «Ўқитувчи нашриёти, 1994.

ISBN 5—645—02531—8



СУЗ БОШИ

Нуқсонли болалар таълим-тарбияси билан шуғулланадиган муассасалар тармоқлари собиқ шўро ҳудудида айниқса, 1920 йиллардан кейин жадал суръатлар билан ривожланди. Кўрлар, карлар, ақли заифлар, нутқи бузилганлар учун маҳсус, алоҳида мактаблар очила бошланди. Маҳсус ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, услубий адабиётлар яратилди. Ақлий ва жисмоний ривожланишда камчиликлари бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ишга жойлаштириш ҳақидаги (1975) қарордан кейин турли нуқсонли болаларга бўлган муносабат бирмунча кучайди. Бунинг натижасида анча мукаммаллаштирилган дарсликлар яратила бошланди.

Бироқ, ёрдамчи мактаб, унинг мақсади, вазифалари, бу мактаблардаги таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, дарс, унинг тузилиши, таълим принципларининг қўлланилиш хусусиятлари, таълим усуллари, унинг ўзига хос томонлари, ақли заиф болаларни тарбиялаш масалаларини ва бошқа қатор муаммоларни очиб берувчи олигофренопедагогика фанидан ўзбек тилида бирорта қўлланманинг йўқлиги, қилинаётган ишларимизнинг янада самарали бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Шуларни инобатга олиб, муаллифлар томонидан мазкур қўлланма яратилди. Маориф ходимлари ва мутахассислар қўлланма ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар деган умиддамиз. Улар томонидан билдирилган фикр келажакда қўлланмани такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Қўлланма қўйидаги боблардан иборат: I боб. Олигофренопедагогиканинг умумий масалалари; II боб. Ёрдамчи мактабларда таълим назарияси; III боб. Ёрдамчи мактабларда тарбия назарияси.

Қўлланманинг сўз бошиси, I бобини К. Қ. Мамедов,

II бобни М. И. Соатов, К. Қ. Мамедов, III бобни К. Қ. Мамедов, П. М. Пұлатова ёзган.

Республикамизда дефектология фанининг тараққиёти ҳақида айрим маълумотлар

Тарихга, аниқроғи ўз тарихимизга назар солиш ҳар тарафлама фойдадан ҳоли эмас. Шу нуқтани назардан қараганда бизда шундай фанлар мажмуалари борки, улар ўлкамизда бошқа жойлардагидай ривожланган эмас. Олигофренопедагогика ана шундай фан соҳала-ридандир Олигофрен жиҳатдан болаларга таълим-тарбия бериш соҳасида «октябрь инқилобига» қадар деярли бирор ижобий ишлар қилинмаган. Шу сабабли бутун ишнинг ёзилиш давомида, бизлар хоҳламаган ҳолда собиқ мамлакатимиз маълумотларидан фойдаланишга мажбурмиз. Зоро, шундай тарихий ҳужжатлар ҳам, шахслар ҳам, уларнинг ишлари ҳам бизнинг Ўрта Осиё республикаларида маҳсус таълимнинг ривожланишига ижобий таъсир этган. 1920 йилларга қадар бизнинг ўлкаларда дефектология соҳасида деярли кўзга кўринган ишлар қилинмаган. Шу боис бу соҳада маълум ютуқларга эришган рус ва чет эл дефектологларининг маҳсус таълим-тарбия соҳасидаги ишларидан фойдаландик ва фойдаланишга ўзимизда эҳтиёж сездик. Ўрта Осиёда 1920 йилларда бирорта турдаги маҳсус муасасалар йўқ эди. Чор Россиясида эса бу даврда нуқсонлилар таълим-тарбияси билан шуғулланган хусусий мазмундаги синфлар, хайрни жамиятлари мавжуд эди. 5—6 фоизгина нуқсонлилар маҳсус давлат томонидан ташкил этилган таълим-тарбияга жалб этилган эди.

Мамлакатда авж олиб кетган юқумли касалликлар, очлик, тозаликка хилоф шароитлар, ҳар хил шикастланишлар ва бошқа бир қанча сабаблар келтириб чиқарган болалардаги нуқсонлилик жуда кенг тарқалган эди.

Тошкент, Самарқанд ва Бухоро мадрасалари ҳузурида бадавлат синф вакилларининг болалари учунгина «қориҳона» гуруҳлари ташкил этилиб, бу гуруҳларда кўр, кар болалар қуръоннинг муқаддас суръаларини ёдлаб олиб, истар-истамас руҳонийларга хизмат қиласа ҳамда уларни қўллаб-қувватлар эдилар.

Бадавлат оиласалардан чиққан болаларнинг ниҳоят-

да чекланган қисмиғагина уларнинг қисматини енгиллатувчи тадбирлар амалга оширилган. Камбағал, йўқсил аҳолининг нуқсонли болалари ҳақида, ҳатто жамоатчилик, матбуот ҳам лом-мим демас эди.

Чор ҳукуматининг синфий ва миллатчилик сиёсати 1920 йилларга қадар бўлган Осиёда баҳтсиз болалар фойдасига кўрсатиладиган «бечораларга ёрдам» фаолиятига ҳам тўсқинлик қилиб, дефектологик ишларнинг кенг йўлга қўйилишига сира имкон қолдирмаган эди. 1919 йил 10 декабрдаги қарорда кар, кўр, ақли заиф, асаб ва руҳий жиҳатдан бемор болаларга таълим ҳамда тарбия беришда ва уларнинг саломатликларини муҳофаза этишда асосий вазифалар белгилаб берилган эди. Бу қарор Ўзбекистонда ҳам маҳсус таълим-тарбия муассасаларининг очилишига ёрдам берди. 1920 йил июнь ойида РСФСР ҳалқ маорифи комиссариати болалар ўртасида тарқалган нуқсонлиликка қарши курашга бағишлиланган I Бутунrossия съездини чақириди.

Съездда болалар орасида учрайдиган нуқсонлиликка қарши кураш, маҳсус муассасалар очиш, мутахассислар тайёрлаш масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Оқибатда, серфайрат педагог Л. И. Новоселованинг ташаббуси билан 1920 йилда Тошкентда 18 та ўқувчиси бўлган кўр ва карлар бошпанаси очилиб, кейинчалик у нуқсонли болалар Тошкент мактабига айлантирилди. Шу билан бир қаторда Тошкентдаги айрим умумий мактаблар ҳузурида ақли заиф болалар синфлари очилиб, 1933 йилда 66- ёрдами мактабга бирлашган мустақил ақли заиф болалар таълим-тарбия муассасаси юзага келди.

1929 йилда Ўзбекистон республикаси марказий ижроия қўмитаси раиси Иўлдош Охунбобоев ташаббуси билан нуқсонли болалар учун Тошкентда алоҳида мактаб очилди.

Кўр болалар учун мўлжалланган бинода дастлаб мактаб ёшидан ўтган 20 та бола таълим олди. Ундан сўнг бу мактабга мактабгача ёшдаги болалар қабул қилинди. 1931 йилдан эътиборан И. Охунбобоев номли мактабда мактабгача тарбия гуруҳи ишлай бошладики, бу болалар орасидаги нуқсонлиликка қарши олиб борилган муҳим кураш эди. 1930—31 ўқув йилида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган кўр болалар 1-синфининг очилиши муҳим сиёсий аҳамият касб этган воқеа бўлди. 30- йилларнинг охирларига келиб, Қўқон

ва Бухорода ҳам худди шундай мактаблар очилди. 1931 йилда нуқсонли болаларни мажбурий таълимга жалб этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Москва ва Ленинград педагогика олий ўқув юртларида ҳамда Тошкентдаги З-педагогика билим юртида ўзбек тилида маҳсус мутахассислар тайёрланса бошланди.

1941—45-йиллардаги уруш даврида ҳам республика халқ маорифи раҳбарияти, маҳаллий халқ маорифи органлари нуқсонли болаларнинг, жумладан уруш кетаётган жойлардан кўчириб келтирилган болаларнинг аҳволини ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳамма жойларда нуқсонли болаларни таълимга тортиш ишини давом эттирилар. Нуқсонли болаларга таълим-тарбия бериш вазифалари ижтимоий-фойдали меҳнат билан узвий боғланган ҳолда ҳал этила бошланди. Маҳсус мактаб ўқувчилари фронт учун маълум миқдорда асбоб-ускуналар тайёрлаб бердилар.

Урушдан кейинги даврда республика маориф вазирлиги «Кар, соқов ва кўр болаларнинг умумий мажбурий таълимини таъминлаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилганилиги муносабати билан бу тоифа нуқсонлилар учун, шунингдек, катта ёшдаги бундай нуқсонли болалар учун маҳсус мактаб-интернатлар сони анча кенгайди. Шу билан бир қаторда республиканинг турили вилоят, шаҳарларида ақлий ривожланишида орқада қолган болалар учун мактаб, мактаб-интернатлар ташкил этила бошланди. Кўрилган тадбирлар оқибатида руҳий ва жисмоний нуқсони бўлган анчагина болаларни маҳсус таълим билан қамраб олиш имкони туғилди. Агар 1960—1961 ўқув йилида Узбекистонда 20 та маҳсус муассасалар бўлган бўлса, 1973—74- ўқув йилида бундай муассасалар 43 тага етиб, тарбияланувчилар сони 9000 дан ортиб кетди. 1991—92- ўқув йилига келиб эса бундай маҳсус муассасаларнинг 77 таси иш олиб борди. Таълим-тарбияга жалб этилган нуқсонлилар 20000 тага яқинлашиб қолди. Собиқ мамлакатимизда олий дефектологик маълумотли мутахассислар Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Олмаота, Кишинёв, Минск, Свердловск, Шауляй ва бошқа шаҳарларда тайёрланар эди.

Республикамида маҳсус мактаблар учун олий маълумотли дефектологлар тайёрлаш иши 1967 йилда Урта Осиёда биринчи бўлиб бошланган эди. Дастлаб Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг

педагогика ва психология факультети қошида, ҳозирда эса мустақил факультет бундай мутахассисларни тайёрламоқда. Дастлаб, 4 йиллик кундузги бўлим ташкил этилиб, 1968—69- ўқув йилидан бошлаб кечки бўлим ҳам фаолият кўрсата бошлади. 1973 йилдан бошлаб кар ва қулоғи заиф эшитувчилар мактаблари учун сурдо педагоглар тайёрлаш бошланди. 1 та ҳаракат системаси бузилган болалар мактаби фаолият қўрсатмоқда. Кейинги йилларда руҳий ривожланиши сустлашган болалар ҳам алоҳида маҳсус таълим-тарбия олишмоқда. Ҳозирги кунда Бухоро ва Қўқонда шу тоифа болалар мактаблари, Тошкентда эса 30 дан зиёд тенгглаштириш синфлари мавжуд.

1- Б О Б. ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

1. ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МАВЗУ БАҲСИ ВА УСЛУБЛАРИ

1920 йиллардан кейин республикамизда турли нуқсонлилар таълим-тарбияси ўзига хос мазмун касб этиб, ривожлана бошлади. Қишилик жамияти тарихида биринчи марта ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болалар умумжамият эътиборига олинди. Улар учун барча қулайликларга эга бўлган маҳсус мактаблар ташкил қилинди. Ёрдамчи мактаблардаги педагогик жараёнларнинг назарий асосини маҳсус фан — олигофренопедагогика ташкил этади (грек тилида «олигос»— кам, «френ»— ақл дегани).

Олигофренопедагогика — ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан бўлиб, дефектологиянинг бир қисмини ташкил қиласди. Педагогиканинг умумпедагогик ва дидактик принципларини қўллаш ақли заиф болалар таълим-тарбиясида ўзига хос хусусиятлар касб этади. Таълимий материалларни танлаш, меҳнат тайёргарлигини аниқлаш, ақли заиф болаларни жисмоний ривожлантириш ишлари тузатиш мазмун касб этиши керак. Тузатиш деганда ақли заиф болаларнинг жисмоний ва руҳий нуқсонларини тўғрилаш, юмшатиш, ҳаётга мослаштириш тушунилади. Тузатиш ишларида нуқсонли боланинг ривожланиш имкониятларига асосланилади.

Ақли заиф бола деганда бош миясининг органик бузилиши натижасида билиш фаолиятларининг турғун пасайишини тушунамиз.

Ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларни ўрганишнинг назарий масалалари қатор фанларнинг ютуқларига асосланади. Олигофренопедагогика умумий психология, логопедия, педиатрия, невропатология, анатомия, физиология, генетика, биохимия ва бошқа фанлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ютуқларидан кенг фойдаланади.

Олигофренопедагогика маориф ходимларини, ота-

оналарни, дефектология факультети талабаларини ёрдамчи мактаблардаги таълим-тарбия ишининг ўзига хос томонлари, ақли заиф болаларнинг билим эгаллаш хусусиятлари ҳақидаги тегишли маълумотлар билан қуроллантиради. Ҳар бир фанда бўлганидек олигофренопедагогика ҳам ўзига хос ривожланиш, шаклланиш тарихига эга.

Ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланиш ишларига 200 йилдан ошган бўлса-да, бир тизимда атрофлича, бир бутун, тугалланган ишлар XX аср бошларига тўғри келади. Кузатиш ва қидирув ишларининг узоқ муддатлилиги, тажрибаларнинг секин-аста тўпланганилиги, айrim назарий хуласаларга келиш учун узоқ вақт талаб қилинганилиги сабабли олигофренопедагогика фанининг изчил тарихи нисбатан қисқарган.

Олигофренопедагогика фанининг дастлабки, бошланғич даври ақли заифликнинг моҳиятини аниқлаш билан характерланади. Биринчи марта психиатр Ф. Платтер (1537—1614) руҳий касалликлар орасидан ақли заиф болаларни ажратиб берди. Ақли заиф болаларни таснифлаш, уларга клиник тавсифнома бериш ишлари Ф. Пинел (1775—1838). Ж. Эскирол (1772—1840) томонидан бажарилди. Ж. Эскирол биринчи марта «ақли заифлик» атамасини фанга киритади.

XIX аср мобайнида жамиятда рӯй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли нуқсонли болаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги ҳақида жамоатчилик фикри юзага келди. Шу жараён асосида ақли заифликни даволаш, диагностика қилиш, таснифлашга оид қатор материаллар матбуотда чиқа бошлади. Уларга педагогик ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳам турли фикрлар эълон қилина бошланди.

Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясининг юзага келишида Э. Сеген (1812—1880)нинг педагогик ва илмий фаолияти катта ўрин эгаллади. Айниқса, унинг 1846 йилда ёзилган «Ақлий нормал бўлмаган болаларнинг тарбияси, гигиенаси ва ахлоқий давоси» асари олигофренопедагогика фанида катта ютуқ бўлди.

Э. Сеген томонидан ақли заиф болалар тарбияси назарий асосларининг чуқур ишлаб чиқилиши бу йўналишдаги илмий ишларнинг янада жонланишига сабаб бўлди. Махсус педагогиканинг юзага келгунига қадар,

ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалалари даволаш педагогикасининг мавзу баҳси эди.

Даволаш педагогикасининг асосий ғоялари «руҳий ортопедия» ва «сенсомотор маданият» тушунчалари асосида берилар эди.

Бу йўналиш тарафдорлари (Б. Меннель, А. Фукс, Р. Вайс, Ж. Филипп, Поль Бонкур, Ж. Демор, О. Декроли, М. Монтессори ва бошқалар) шахснинг шаклланисида ирсий омилларга кўпроқ эътибор беришган бўлсалар-да, нуқсонлилар таълим-тарбиясида педагогика билан тиббиётни бир-бирларига яқинлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

О. Декроли ва Ж. Деморларнинг айрим ишларида ақли заифларга педагогик ёрдамнинг ижобий томонлари очиб берилган. XIX аср охирлари, XX аср бошлирида Европа ва Америкада ақлий нуқсоннинг енгил турларига эътибор кучая борди. Шу асосда шундай болалар билан ишлайдиганлар фаолиятида педагогик йўналиш асосий ўринни эгаллай бошлади. Рус педагоглари, психологлари, шифокорлари Е. К. Грачёва (1866—1934), В. П. Кашенко (1870—1943), Г. И. Россолимо (1860—1926), М. П. Поставская (1865—1953), А. Н. Граборов (1885—1949) ва бошқаларнинг амалий педагогик фаолиятларида бу фикрлар ўз аксини топди. Россияда ақлий нуқсонли болаларга ижтимоий тарбия бериш масалалари К. Д. Ушинский ва П. Ф. Лесгафтнинг педагогик ишларида, илфор рус шифокорлари, физиологлари ва психологлари В. М. Бехтерев, И. М. Сеченов, И. П. Павлов, И. В. Маляревский, Г. Я. Трошбин, А. Ф. Лазурский, А. В. Владимирский ишларида ривожлантирилди. Илфор рус зиёлилари чор ҳукумати билан кескин курашлар асосида ўзларининг замонавий, қимматли фикрларини олға сурдилар. Ақлий нуқсонлиликни ўрганиш, таснифлаш, таълим-тарбия назарияларини ишлаб чиқиш, нуқсонлиликни тўғрилаш борасида жуда кўп ютуқларга эришдилар.

1920 йиллардан эътиборан собиқ мамлакатимизда кўрлар, карлар, ақли заифлар ва бошқа нуқсонлиларга сифат жиҳатдан янги ижтимоий тарбия тизими ташкил этилди. Шулар асосида маҳсус мактаблардаги ўқув-тарбия жараёнларининг назарий асослари ишлаб чиқила бошланди. Бу ишларга педагогика, психология, физиология, тиббиёт соҳаси вакиллари, ижтимоий тъминот органлари, жамоат ташкилотлари жалб этилди.

Олигофренопедагогиканинг назарий асосларининг ишлаб чиқилишида 1918 йилда бўлиб ўтган маориф ва ижтимоий таъминот ходимларининг I Бутунrossия съездиде, 1920—1921 йилларда бўлиб ўтган болалар орасидаги нуқсонлик ва қаровсизликка қарши курашга бағишлиланган съезд материаллари, 1924 йилда бўлиб ўтган вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқ томонидан химоя қилиш (СПОН) II съезди ҳужжатлари жуда катта аҳамият касб этди. Бу съезд ва кенгашларда А. В. Луначарский, А. М. Горький, В. М. Бонч-Бруевич (Величкина), А. И. Елизарова, В. П. Кашенко, А. И. Граборов, Л. С. Выготский ва бошқаларнинг чиқишила-рида ақли заиф болалар таълим-тарбиясининг муҳим етакчи принциплари очиб берилди. Жамоа бўлиб ҳа-ракат қилиш асосида нуқсонли болалар таълим-тарбия-сининг янги мақсад, вазифалари ва асосий принциплари аниқланди. Махсус педагогиканинг назарий асослари 1925 йилда А. Н. Граборов томонидан тайёрланган ва Харьковда босмадан чиққан «Дефектология» ўқув қўлланмасида очиб берилди. Кейинчалик кўрлар, карлар, ақли заифлар таълим-тарбияси, диагностикаси, дифференциация қилиниши асосида дефектологиянинг янги тармоқлари: сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия шакллана бошлади. 1941 йилда А. Н. Граборов, Н. Ф. Кузмина, Ф. М. Новик томонидан ёзилган олигофренопедагогика ўқув қўлланмаси чиқди. Бу ўқув қўлланмада биринчи марта системалаштирилган ҳолда ақли заиф болалар таълим-тарбиясининг назарий асослари очиб берилди. Олигофренопедагогика — ақли заиф болалар таълими, тарбияси ҳамда улар тараққиётидаги руҳий, жисмоний нуқсонларни тўғриловчи фан сифатида юзага келди.

Олигофренопедагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси

Олигофренопедагогика инсон ҳақидаги фанларнинг тараққиёти билан, айниқса, педагогика фанлари билан. узвий боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Бу фанларнинг мақсади, вазифалари ҳам бирдир. Шу билан бирга олигофренопедагогика умумий педагогиканинг бирор қисми бўлмасдан балки, мустақил фандир. У умумий педагогиканинг мақсад ва принципла-

рига бўйсунган ҳолда ўзининг махсус вазифаларини амалга оширадиган усул ва принципларни ишлаб чиқади.

Олигофренопедагогика педагогик психология ва ёш психологияси билан узвий боғлиқ. Тарбия ва таълимнинг кўпгина масалаларини ҳал қилишда ўқитувчи педагогик психология ва ёш психологиясига оид кўпгина билимлардан фойдаланиши керак. Ёш психологияси таълим таъсирида киши маънавий қиёфасининг шаклланиш қонуниятларини, турли ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини, шунингдек, болаларнинг билимларни, малакаларни ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини, уларнинг мустақилликлари ва ижодларининг ривожланишини, ўқувчилар шахсининг камол топиш қонуниятларини ўрганади. Бу ўқув-тарбия ишини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга.

Олигофренопедагогика таълимнинг бошқа услубиятлари (ёрдамчи мактабларда ўқитиладиган ҳамма фанлар услубияти) **билан боғлиқ.** Предметлараро боғланнишни тұғри амалга ошириш учун ўқитувчи буни ҳисобга олиши жуда муҳимдир. Юқори синфларда предметлараро боғланнишни амалга ошириш қийинлашади, чунки ҳар қайси предметни маълум бир ўқитувчи олиб боради, бунинг устига предмет ўқитувчilarinin ишләшида яқындан алоқа бүлмаса, предметлараро боғланнишни амалга ошириш масаласи анча мураккаблашиб кетади. Бошланғыч синфларда бундай эмас. Ҳамма фанларни бир ўқитувчи олиб боради ва шу сабабли унинг олдida предметлараро боғланнишни амалга ошириш имкониятлари очилади.

Олигофренопедагогика — ақли заиф болалар иштирок этадиган педагогик жараён билан боғлиқдир. Бу ҳолат нуқсонли боланинг илк ёшидаги анатомик, физиологик, руҳий маълумотларнинг зарурлигини тақозо этади. Айниқса, ақли заифликнинг сабаблари, ривожланишида клиникасига оид материаллар талаб этилади. Шу сабабли олигофренопедагогика ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалаларини ишлаб чиқишида анатомопатологик, патофизиологик, патопсихологик маълумотларга таяниши лозим. Айниқса, асаб касалликлари, руҳий касаллар, болалар психоневрологияси, ақли заифлик клиникаси, генетика, махсус психология маълумотларига асосланиши керак. Бу маълумотлар ақли заиф болалар таълим-тарбиясида, уларни ҳаётга

тайёрлашда бирмунча самарали усул ва воситаларни қидириб топишига ёрдам беради.

Нуқсонли шахснинг ривожида табиий ва ижтимоий омилларнинг ўзаро муносабати, ёрдамчи мактаб ўқувчилари билиш фаолиятларидағи умумийлик ва хусусийлик, ички ва ташқи омиллар, таълим-тарбия ва ривожланиш, коррекциялаш, таълим-тарбияда умумпедагогик ва маҳсус усуллар ва бошқалар олигофренопедагогика фанининг умумий масалаларини ташкил этади.

Олигофренопедагогиканинг мавзу баҳси — нуқсонли болалар таълим-тарбияси ва ривожланишидир. Бу эса ҳар доим ғоявий курашлар учун манба бўлиб келган.

Ақли заиф болаларнинг ривожланиш имкониятлари ва уларнинг ижтимоий меҳнатга мослашиш масалалари ҳам ўтири мунозараларга сабаб бўлган.

Чет эл дефектологларининг таъкидлашича, ақли заиф болалар онги ташқи оламни акс эттириш сифатида эмас, балки уларнинг ички нуқсонли ҳолатининг акс этишидир. Шу асосда улар ақли заиф болаларга «ахлоқий нуқсонлилик», «ахлоқсизлик» хосдир деб туширишишга уринадилар. Гўёки ақли заиф болалар туғма ёлғончилик, эгоизм, қайсарлик каби хислатлар билан дунёга келар эканлар. Уларнинг таъкидлашича, ақли заиф болалар ривожланишга, тузатилишга имкониятлари бўлмаган нуқсонлиликдир.

Бунга ўхшаш қарама-қаршиликлар айниқса, собиқ ҳукуматнинг «Наркомпрос системасидаги педагогик бузилишлар ҳақида» чиқарган қароридан кейин авж олди. Педалогия ёрдамчи мактабларга болаларни саралаш принципларига жуда катта салбий таъсир курсатди. Болаларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш вақтларида тестлардан нотўри фойдаланиш натижасида нормал бўлган болаларнинг кўпчилиги асоссиз равишда ёрдамчи мактабларга юборилди. Бу нарса ҳақиқий ақли заиф болаларнинг таълим-тарбия усулларини, принципларини ишлаб чиқишига жуда катта салбий таъсир этди. Қарордан кейин педалогия фан сифатида тугатилди.

Олигофренопедагогика нуқсонли шахс ривожида ирсий омилларга алоҳида эътибор беради. Аммо ирсий, наслий белгилар шахснинг ижтимоий мөҳиятини белгиламайди. Билимлар, ахлоқий мойиллик, кўнкима ва

малакалар хромосомлар орқали наслий йўл билан авлоддан-авлодга берилмайди. Балки, булар ҳаёт жараёнида орттирилиб борилади. Инсон тұғма табиий белгилар билан, унга таъсир этувчи ҳолатларнинг ўзаро маҳсулидир.

Инсон жамиятда моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида шаклланиб боради.

Нуқсонли шахснинг ривожланиши нормал шахс ривожланиши сингари генетик ва ижтимоий дастур асосида юз беради. Аммо, бу ерда ақли заиф боланинг ижтимоий ривожланиши нуқсон асосида ривожланишини унутмаслигимиз керак. Бу нарса ақли заиф боланинг билиш имкониятларини торайтиради. Бош мия ярим шарларда органик бузилишлар борлиги оқибатида ақли заиф болалар атроф-муҳитни бузилган ҳолда қабул қиласидилар.

Ҳозирги замон дефектологияси бош миядаги органик бузилишлар маълум нуқсонларга олиб келади, аммо бу нуқсон ўзгармас ҳолат эмас, деб тушунтиради. Бундай ҳолларда организмнинг ҳимоявий кучлари ўз таъсирини ўтказиб, организмнинг кейинги шароитларга мослашишига ёрдам беради. Бунда организмнинг ривожланиш имкониятлари ишга солинади. Ривожланиши нуқсон асосида давом этади. Таълим-тарбия таъсири остида айрим нуқсонлар түғриланса, айримлари юмшатилади, айримлари компенсация қилинади. Шу асосда барча соҳаларда олдинга қараб ҳаракат қилинади. Мана шу ишончли ғоя нуқсонли болалар таълим-тарбиясининг моҳиятини белгиловчи назарий ишларнинг методологик асосини белгилаб беради.

Олигофренопедагогикада фойдаланиладиган тадқиқот услублари

Барча тарбияга оид иш тажрибаларини ўрганмай ва умумлаштирумай, педагогик жараённи чуқур тадқиқ қилмай туриб, педагогика Фанини ривожлантириб бўлмайди. Диалектик материализм педагогикани илмий билишнинг умумий усули билан қуроллантиради, аммо бошқа ҳар қандай фан каби педагогика Фанининг ҳам хусусий ўзига хос тадқиқот усуллари мавжуд. Илмий-тадқиқот усуллари — бу қонуний боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни ўрганиш ва илмий назарияларни тузиш маҳсадида илмий ахборотларни олиш

усулларидир. Кузатиш, эксперимент, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, ўқувчилар ишларини ўрганиш, суҳбат ва анкеталар ўтказиш илмий-педагогик тадқиқот усуллари жумласига киради.

Илмий текшириш йўналишлари қўйидагилардан иборат:

а) ўқувчиларни педагогик ўрганиш, нуқсон тузилишини аниқлаш, шахсий сифатларини, билиш имкониятларининг ривожланиш даражасини ўрганиш;

б) ақлий тараққиётдаги нуқсонларни коррекциялашнинг самарали шароитларини аниқлаш;

в) ўқувчиларга педагогик таъсир этишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

г) нуқсонли болалар таълим тизими ва уларнинг ижтимоий меҳнатга мослашишини янада ривожлантириш имкониятларини аниқлаш.

Усуллар тизимида ўқувчиларни ўрганишга бағильтанганлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, олигофренопедагог амалда руҳий ривожланишнинг индивидуал мазмуни талаб этган мураккаб кўринишларга дуч келади. Мактаб ҳаётида ўқувчиларни ўрганиш учун кичик даражадаги информатив материаллар йиғилади. Буларга ўқувчилар билиш фаолиятларининг онглилиги, улардаги умумлаштириш ва **абстракциялашнинг** ривожланганлик даражаси, билиш жараёнларининг **динамиклиги**, мустақиллик даражаси, ўқувчанлиги, ўқув иш қобилиятлари ва бошқалар киради. Педагогик ҳолатларни текширишда олигофренопедагогика умумпедагогик, психологик, клиник усуллардан фойдаланади. Кузатиш, суҳбат, психолого-педагогик экспериментнинг турли варианtlари, клиник текшириш, ўқувчилар фаолият маҳсулотларини таҳлил қилиш, ижтимоий усуллар (сўраш, савол-жавоб, анкета, ўз-ўзига баҳо берилар)дан кенг фойдаланилади.

Бу усулларнинг қўлланилиш хусусиятлари педагогик адабиётларда етарли очиб берилган. Бу усуллардан фойдаланганда нормал ва нуқсонли болалар тараққиёти таққосланади. Турли клиник шакллардаги ақли заифлик натижалари нисбий ўрганилади. Айниқса, ақли заиф болаларни ўрганишга катта эътибор берилади. Бу **динамик характер** касб этиб, ўз ичига қўйидаги даврларни олади:

1. Боланинг ривожланишида четга чиқишлар аниқлангач, уни оиласда ўрганиш.

2. Бола соғлигини назорат қилиш, даволаш учун рат қилиш.

3. Оммавий мактаб даврида бола соғлигини назоруларни изчил кўриклардан ўтказиб туриш.

4. Болани ёрдамчи мактаб таълимига юбориш учун уни руҳий-тиббий-педагогик комиссияда ўрганиш.

5. Мактабга келиш олдидан болани такрорий мактаб тиббий-педагогик комиссияда ўрганиш.

6. Ўқитувчи ва тарбиячи томонидан болани изчил равишда, бутун мактаб таълими давомида ўрганиш.

7. Болани мактаб таълимидан кейинги катамнестик ўрганиш.

Болани бундай мунтазам, узлуксиз текшириш, ўрганиш барча тараққиёт даврларидағи материаллар билан объектив равишда таништиради. Ҳар бир текширилаётган кўрсаткич асосий ақли заифликнинг ядроий кўрсаткичи бўлган умумлаштиришнинг ривожланмаганилиги билан боғлиқлиги эътиборга олиниши лозим. Шахснинг айрим сифатлари текширилаётганда бир бутунлик принципига алоҳида эътибор берилади. Шахсга бундай муносабатда бўлиш болани ижобий ва салбий хислатлар йиғиндиси деб қараш эмас, балки ўзига хос бутунлик деб тушуммоғимиз даркор. Шу асосда асосий нуқсон ва иккиласмачи ҳосилаларни тўғри аниқлашимиз мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Олигофренопедагогиканинг умумпедагогик ва маҳсус вазифалари нималардан иборат?

2. Олигофренопедагогика фанининг мавзу баҳси нимадан иборат?

3. Олигофренопедагогиканинг асосий методологик асосларини курсатинг.

4. Олигофренопедагогика қайси илмий фанлар билан яқин алоқада ва бу алоқалар нималарда намоён бўлади?

2. АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР – ЎРГАНИШ, ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ МАНБАИ

Олигофренопедагогика фанининг мавзу баҳси ақли заиф болалар таълим-тарбияси, улардаги нуқсонни тузатиш дефектология фанининг алоҳида эътибор бериб келган соҳасидир. Ақли заифликнинг енгил даражаларида бу нуқсон ташқаридан қараганда унча кўзга ташланмайди. Бундай болаларни одатдаги нуқсонсиз

тengкүрларидан ажратиб олиш ҳам кўп ҳолларда қиёнчилик туғдиради. Баъзи ҳолларда тегишли таълимтарбия амалга оширилмаса, бундай болалар педагогик қаровсиз болалар сафига кириб қоладилар. Кўп ҳолларда енгил дараҷадаги ақли заифлик ҳоллари илк ёшларда аниқлаб олинмаслиги натижасида ривожланиши орқада қолган, сустлашган болаларга аралаштириб юборилади. Нуқсонли болаларни диагностика қилиш ишларидаги хатоликлар баъзи ҳолларда кўнгилсиз натижаларга олиб келиши мумкин. Масалан, оммавий мактабга тушиб қолган ақли заиф бола нуқсонсиз тенгкүрлари сингари улар билан бирга ўқув материаларини ўзлаштира олмайди. Уз вақтида малакали ёрдам олмагандан кейин борган сари бундай болаларнинг билим савиялари пасайиб, сурункали ўзлаштирмовчилар қаторига кириб қоладилар. Худди шу тарзда ақли заифлар қаторига нотуғри қўшиб қўйилган нуқсонсиз бола сунъий равишда ўз ривожланишида орқада қола бошлайди. Чунки нуқсонли болалар таълими материалынни унга енгиллик қиласди, у ўз онг-билим доирасига мос билим олмаслиги натижасида унинг ақлий ривожланиши секинлашади. Ердамчи мактаб дастури материалынни элементар, содда мазмунда тузилганлиги учун нуқсонсиз болаларнинг билишга бўлган талабларини қондира олмайди. Боланинг ақлий ривожланишигина эмас, балки умумий ривожланиши ҳам орқада қолади. Айниқса, шахсий сифатлари нотуғри шаклланана бошлайди. Булардан ташқари, бундай болаларнинг ота-оналарига ҳам оғир руҳий таъсир етказилади. Бундай нохуш, кўнгилсиз ҳолатлар ақли заифликнинг моҳиятини тушуниб етмаслик натижасида содир бўлади. Шунинг учун олигофренопедагогикада ақли заифлик масаласи алоҳида ўрганишини талаб этадиган мавзулардан биридир. Ақли заифлик деганда меъёрий руҳий ривожланишдан четлашиб, ҳақиқий, реал ақлий нуқсонликка олиб келувчи ҳолат тушунилади. Бундай ҳолат «ақли заифлик» номи билан атала бошланди. Бу ерда «ақли қолоқлик» билан «ақли заифлик» тушунчаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Аммо кейинги йилларда «ақли қолоқлик» тушунчасига эътибор кучаймоқда. Қандайдир илмий асослар етарли бўлмасада, турли манбаларда баъзан бир-бирларини тўлдирувчи фикрлар учраб туради. «Ақли заиф» ёки «ақли кам» тушунчаларида ақлнинг етарли эмаслиги кайд этила-

238683

ди. «Ақли қолоқ»ликда эса ақлнинг етарли эмасдигини эътироф этиш билан бирга, ақлнинг ривожланиш имкониятларини инкор этмайди. Чунки секинлашиш, орқада қолиш деганда ривожланиш тұхтаган деган маъно келиб чиқмайды.

Сүнгги йилларда ақли заифлик мөҳиятини тушунтиришда маълум руҳий касалликлар эмас, балки қобилиятларнинг ривожланмаслиги асосида келиб чиқадиган хулқнинг бузилишидир, деб кўрсатиш одат тусига кириб қолмоқда. Шулар асосида нотўғри ҳолда «ақлий қолоқлик» тушунчаси кенгайтирилиб, унга педагогик қаровсиз болалар, руҳий ривожланиши сустлашган болалар, ҳуқуқ-тартиб нормаларини бузувчи болалар ҳам киритилмоқда.

Бизнинг дефектологларимиз ақли заифлик масаласида материалистик йўналишда иш тутадилар. Ақли заифликнинг мөҳиятини нуқсоннинг моддий асоси билан боғлаб, бунга бош миянинг органик бузилишини кўрсатадилар. Бошқача айтганда ақли заифликнинг моддий асоси сифатида касалланган бош мия эътироф этилади. Бу касаллик натижасида боланинг билиш фаолиятлари кенг маънода бузилиб, ақлий ривожланиш тезлиги, самарадорлиги пасаяди. Бош мия касалликлари сабабини келиб чиқишига кўра ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) сабабларга бўлишимиз мумкин. Ақли заифликни келтириб чиқарувчи сабаблар турли илмий, услубий, психолого-педагогик ва тиббий адабиётларда турлича баён этилади. Бу сабабларни қисқача қўйидагича тарзда ифодалашимиз мумкин:

1. Ҳомила даврида турли салбий таъсир этувчи инфекция, интоксикация ва жароҳатлар;
2. Туғилиш вақтидаги жароҳат ва асфиксия;
3. Чақалоқнинг илк ёшида салбий таъсир этувчи юқумли интоксикация, овқатланишнинг бузилиши ва бошқалар;
4. Турли ирсий йўл билан авлоддан-авлодга ўтадиган ген, хромосома касалликлари.

Ақли заиф болалар бош мияси чуқур зарарланганини сабабли барча олий асаб фаолиятлари бузилган бўлади. Патологик бузилишлар шартсиз рефлексларнинг ҳосил бўлишида ҳам намоён бўлади. Бу бузилишлар бош миянинг қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларида ҳам ўз аксини топади. Ҳатто икки сигнал системаларининг ўзаро алоқаларида бузилишлар кўзга

ташланади. Дефектолог ва психологлардан Л. С. Выготский, Л. В. Занков, Г. Е. Сухарева, Г. М. Дульнев, Т. А. Власова ва бошқалар томонидан таъкидланишича, ақли қолоқликда руҳий нуқсон мураккаб тузилишга эга экан. Уларнинг кўрсатишича, бир томондан бирламчи нуқсон таъсирида оддий ақлий жараёнлар бузилса, иккиласми чи нуқсон сифатида руҳиятнинг олий шакллари, хотира, характер белгилари бузилар экан.

Олигофренопедагогиканинг маҳсус марказида турдиган манба нуқсоининг ўзи эмас, балки у билан боғланган бузилган руҳий ҳолатлардир. Шу билан бирга биз ақли заиф деб бу ҳолатнинг турғуналигини ҳам тушенамиз. Мана шу мезоннинг бор ёки йўқлигига қараб ақли қолоқликнинг бошқа унга ўхшаш турлардан фарқлашимиз лозим. Ақли қолоқликнинг асосий белгилари:

- а) бош мияда органик бузилишнинг мавжудлиги;
- б) билиш фаолиятларининг умумий, чуқур бузилганлиги;
- в) билиш фаолиятлари бузилганлигининг турғун характеристердалиги.

Ақли заиф болалар гуруҳига қўйидаги болалар кирмайди:

- а) ақлий ривожланмаганлик бош миянинг органик бузилишлари билан боғлиқ бўлмаган педагогик қаровсизлар;
- б) руҳий ривожланиши орқада қолган болалар;
- в) ақлий жиҳатдан сақланган бўлиб, чуқур нутқ камчиликлари бўлган болалар.

Амалиётда баъзан бош мияси заарланган болаларни ақли заифлар қаторига қўша олмаймиз. Бундай ҳолларда бош мия заарланишлари билиш фаолиятларининг бузилишига олиб келмайди.

Ҳозирги олигофренопедагогларимиз биологик омилларга катта эътибор берибгина қолмай, балки таълимтарбия, атроф-муҳитга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Ёрдамчи мактабларнинг бошланғич синфларидағи тузатувчи-тарбияловчи таълим таъсирида ақли заиф болалар руҳий жараёнларида жуда катта силжишлар юз беради.

Ҳозирги вақтда ёрдамчи мактабларимизда асосан ақли заифликнинг енгил даражаси — дебил болалар таълим оладилар. Булар бир тоифага кирмайдиган бо-

лалардир. Булар орасида амалда соғ ва касалликлари давом этувчи болалар ҳам учрайди.

Амалда соғ болалар тоифасига ақлий нуқсонлар илк ривожланиш даврида касалликка чалиниб, касалликларининг ривожланиши тұхтаган болалар киради. Бундай болаларнинг кейинги ақлий ривожланиши нуқсон асосида давом этади. Аммо булар амалдаги соғ болалардир. Олигофрен болалар бу тоифанинг асосий, типик вакилларидир. Бу болалар ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий қисмини ташкил этади. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг иккинчи тоифасини ақлий нуқсонлиликтен көлтириб чиқарған касалликлари давом этадиган болалар ташкил этади. Бундай болалар маълум ривожланиш давригача мөъёрида ривожланишиб, кейинчалик касалликка чалинганлардан иборат. Сўнгги йилларда табиий фанларнинг ривожланишини асосида олигофрениянинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги маълумотлар янада кенгайди.

Г. Е. Сухареванинг (1965, 1972) таснифномаси бирмунча кенг тарқалган. Г. Е. Сухарева томонидан олигофрениянинг қўйидаги шакллари ажратилган:

I. Эндоген характердаги олигофрения (даун, микроцефалия).

II. Эмбрио ва фетопатия (юқумли касалликлар, захм, гармонал бузилишлар).

III. Турли заарарли таъсирлар оқибатида келиб чиқадиган олигофрения.

Қатор олигофрения таснифномалари клиник-патогенетик принцип асосида тузилган. Буларга М. С. Певзнер (1959, 1965, 1979), С. С. Мнухин (1961), О. Е. Фрейеров (1964), Д. Е. Мелехов (1965), Г. Е. Сухарева (1965), Д. Н. Исаев (1970)ларни кўрсатиш мумкин.

М. С. Певзнер таснифномасида асосий нуқсон тузилиши билан бирга нейродинамик, психопатологик ва бошқа бузилишларни ажратади олиш имкониятлари берилган. Олигофренияни бундай таснифлаш улар билан олиб бориладиган психолого-педагогик тузатиш усулларини белгилашга яхши ёрдам беради. М. С. Певзнер олигофрениянинг қўйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

1. Олигофрениянинг мураккаблашмаган тури.
2. Нейродинамик жараёнлари бузилган олигофрения
3. Хулқи психопат характер касб этувчи олигофрения.

4. Турли анализаторлари бузилган олигофрения.

5. Пешона қисм етишмовчиликлари яққол кўриниб турувчи олигофрения.

Олигофрениянинг мураккаблашмаган турида қўпол руҳий, жисмоний бузилишлар деярли учрамайди. Бундай болалар одатда меҳнатсевар, интизомли бўладилар, уларнинг асаб системалари турғундир. Бирор иш бажаргандা улар етарли даражада диққатларини бир жойга йига оладилар. Ҳиссиётлари ҳам нисбатан сақланган. Мактабда, оиласда турли юмушларга ёрдам берадилар. Ёрдамчи мактаб дастур материалларини муввафқиятли ўзлаштирадилар. Мураккаблашмаган олигофренияда неврологик бузилишлар, тана тузилишидаги номутаносибликлар жуда кам учрайди.

Нейродинамик жараёнлари бузилган олигофренларда ақлий нуқсон қўзғалувчаник ёки тормозланувчаник билан бирга келади. Ақлий фаолият диққатнинг тарқоқлиги, импульсивлиги, ҳаракат тизимларнинг бузилганлиги натижасида янада кўпроқ бузилади.

Тез-тез бўлиб турадиган бош оғриғи, вегетатив дистония, невроз характердаги бузилишлар, ақлий фаолият жараёнларига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Бу тоифага апатик-динамик бузилишлари бўлган олигофренларни ҳам киритиш мумкин. Хулқи психопат мазмун қасб этувчи олигофренларда жинсий интилишларнинг бузилиши, дайдиб юришга мойиллик, ўғриликка ружу қўйиш ҳолатлари кўриниб туради. Бундай нуқсонлар асосан менингоэнцефалит, менингит, бош мияси жароҳат олган олигофренларга хосдир.

Бош мия органик бузилишлари натижасида келиб чиқувчи ақлий нуқсон билан бирга маълум анализаторларнинг жароҳатланиши ҳам юз бериши мумкин. Ақлий нуқсон кўриш, эшитиш, нутқ ва ҳаракат тизимидағи нуқсонлар билан бирга келади. Баъзи ҳолларда ақлий нуқсон марказий фалажлар билан қўшилиб ҳам келиши мумкин. Бунинг сабаблари турли-туман бўлиши мумкин. Организмда модда алмашинувининг бузилиши, резус фактор, генетик нуқсонлар ҳам бундай турдаги олигофрениянинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ақлий нуқсон пешона қисм камчиликлари билан бирга келганда билиш фаолиятининг мақсадга мувоғиқлиги қўпол бузилган бўлади. Айримларида пассивлик, бушанглик, сўзсиз бўйсуниш қўзга ташланса, бош-

қаларида уятсизлик, кайфиятнинг сабабсиз устунлиги, тез-тез диққатнинг тарқалиб туриш ҳоллари учраши мумкин. Бундай болалар нутқи ташқи томондан жуда бой, сермазмун бўлиб туюлса-да, аслида уларга ўзларининг гапларини тушунмаслик, бирорларнинг фикрларини қайтариш, ўзларига танқидий қарамаслик хислатлари хосдир. **Салбий таъсирларнинг бола организмига икки ёшидан кейинги таъсиридан келиб чиқадиган олигофрения деменция деб юритилади.** Деменцияни келтириб чиқарган сабаблар, унинг кечиш хусусиятлари, асоратларига қараб *органик, эпилептик ва шизофреник деменция* турларга ажратилади.

Барча ёрдамчи мактаб ўқувчиларини амалий мақсадда икки гуруҳга булиш мумкин.

Биринчи гуруҳга ривожланиш даврининг маълум босқичларда бош мияси заарланиб, нуқсон асосида ривожланадиган амалдаги соғ болалар кирса, иккинчи гуруҳга эса мактаб таълимни даврида ҳам касалликлари давом этиб борувчи болалар киради.

Биринчи гуруҳга киравчи болаларни яна иккита кичик гуруҳларга бўламиз. Биринчи кичик гуруҳни шартли равишда А деб белгиласак, иккинчи кичик гуруҳни Б деб белгилаймиз. А гуруҳга киравчи болаларнинг бош мияси ҳомила ёки илк чақалоқлик даврида заарланган болалар (олигофренлар) кирса, Б гуруҳга эса бош мияси заарланган боғча ёки кичик мактаб ёшидаги болалар киради. Иккинчи гуруҳга эса ҳаётда, таълим-тарбия жараёнида касалликлари давом этувчи ақлий нуқсонлилар киради. Бундай касалликларга мисол қилиб асаб системасининг ревматизми, бош мия захми, эпилепсия (тутқаноқ), шизофрения, гидроцефалия ва бошқалар киради.

Ақлий нуқсоннинг чуқурлигига қараб олигофренияни уч даражага ажратилади: дебиллик, имбэциллик ва идиотлик. Ҳар қайси даражада ҳақида қисқача тұхталыб үтамиз.

Дебиллик — бирмунча енгил даражада бўлиб, олигофрениянинг энг кўп тарқалган даражаларидир. Ёрдамчи мактабга болаларни саралаш вақтларидан асосан шу болалар билан иш олиб борилади. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий қисмини ҳам дебил болалар ташкил қилади. Бу болаларни саралаш вақтида ҳам маълум қийинчиликларга дуч келамиз. Бунинг асосий сабаби шуки, ақлий нуқсон у даражада чуқур эмас.

Бу болалар умумлаштира оладилар. Боғча ёши даврида примитив, содда мазмунли ўйинларни ташкил қила олади. Мактаб ёши даврида эса маълум конкрет ҳолатларни баҳолай олади, амалий масалаларни ечишда тўғри иш тутади. Нутқи асосан сақланган булиб, меҳаник хотираси нисбатан яхши натижалар беради. Буларнинг барчаси ёрдамчи мактаб дастури ҳажмидағи материалларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради. Дебил болаларда етарли ҳаракатчанлик, иш қобилиятлари сақланган бўлади. Бу болаларда нисбатан ҳиссийёт-ирода сифатлари яхши сақлангани натижасида ўзларини назорат қилиш имкониятлари мавжуд. Ёрдамчи мактабнинг маҳсус шароитлари туфайли дебил болалар 8 йил давомида оммавий мактаблар бошланғич синф ҳажмидағи ўқув материалларни эгаллаб, маълум ишлаб чиқариш, касб-ҳунар тайёргарлигини оладилар.

Қатор ижобий хислатларига қарамай, бу болаларга ҳам маълум даражада ақлий ривожланмаганлик хосдир. Бу болаларнинг тафаккурлари кўргазма-образ мазмунни касб этади. Тушунчаларнинг шаклланиши жуда қийин амалга ошади. Умумлаштириш, таққослаш жараёнлари, жуда заифдир. Ўқилган муайян мазмунни қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Фанларни тўғри идрок қила туриб, уларнинг ички боғланишларини тушунмайдилар. Бундай хислатлар дебил болалар билан мазмунли расмлар, изчил воқеаларни таснифлаш экспериментларни ўtkазилганда яққол кўринади. Ҳисоблаш малакалари ҳам қийин шаклланади. Сонлар, суратли арифметик белгилар моҳиятини етарли тушуниб етмайдилар. Улар содда масалаларнинг шартларини дастлабки тушунтиришларда била олмайдилар. Уни ечишда олдинги ишлаган йўлларни қўллайдилар. Тўғри ёзиш малакаларини қийинчилик билан эгаллайдилар. Уларнинг нутқи содда, грамматик томони бузилган, тили чучук бўлиши мумкин. Сўзли тушунтиришлар конкрет ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаса материални жуда қийин идрок этадилар. Дебил болаларнинг етарли ақлий тараққий этмаганлиги улар шахсининг шаклланмаганлиги билан бирга қўшилиб келади. Бу хислат фикр юритиш ва қараашларнинг мустақил эмаслигига, билимга интилишларнинг етишмаслнгига, ташаббус-корликнинг бўшлигига, меҳнат фаолиятларида намоён

бўлади. Ҳиссиёт-ирода соҳалари етарли сақланган ҳолда, айрим қайғуриш, хурсанд бўлиш вақтларида етарли, нуқсонсиз тенгдошларидек ўзларини тута олмайдилар. Айрим нозик дифференцирлашган ҳаракатлар, юзлардаги ифодалилик етишмайди. Баъзан неврологик белгилар, тана дисплазияси, эндокрин бузилишлар учрайди. Ўз вақтидаги тұғри таълим-тарбия, меҳнат малакаларни бериш, ақлий нуқсонни мураккаблаштирувчи асаб-руҳий таассуротларни йўқ қилиш орқали дебил болаларни мудаффақиятли равишда ҳаётга мослаштириш мумкин. Бу болалар ташаббус, мустақиллик, бир иш туридан бошқа иш турига тез ўтиш талаб этилмайдиган иш жараёнларида етарли унум билан меҳнат қиласидилар. Бу болалардаги амалий интилишларнинг борлиги, келажакда жамиятда ўз ўринларига эга бўлишларини билишлари асосида меҳнат малакаларини эгаллашларига ёрдам беради.

Имбециллик — дебил даражадан бирмунча оғир дарражадир. Ақлий нуқсоннинг имбециллик даражасида олигофрениянинг ўзига хос хусусиятлари ва намоён булиши бирмунча яққол кўринади. Биринчи навбатда, бу конкрет ҳолатларда умумлаштира олмаслик, ҳатто оддий тушунчаларни ҳосил қила олмаслиги билан ажралиб туради. Йимбецил болаларнинг мантиқий фикрлаш жараёнлари жуда паст даражада бўлади. Ўқиган материалнинг мазмунини илғаб ололмайдилар. Ёрдамчи саволлар орқалигина қисман мазмунини тушунишлари мумкин. Кўриш ва эшитиш анализаторлари қабул қилган ахборотларни таҳлил қила олмаслиги натижасида ҳарфларни эслаб қолишда қийналадилар, ўхшаш товушларни бир-бирларига аралаштириб юборадилар. Китобдаги матнларни механик равишда ўқиб, унинг мазмунини тушунмайдилар. Ўнгача санаш, ўн ичидаги ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Лекин уларда мураккаб сон ҳақидаги тушунчалар йўқ. Уларнинг сўз бойлиги кам бўлиб, нутқи ифодасиз, жумлалари қисқадир.

Уларнинг ҳаракати деярли дифференциялашмаган. Секин ҳаракат қилиш, бушанглик ёзув ва меҳнат малакаларини эгаллашларига халақит беради. Улар фаолиятларида ташаббускорлик, мустақилликка интилиш каби шахсий хислатлар бўлмайди. Ўзларининг мустақил ишларини ақлий жиҳатдан тушунтириб бера олмайдилар. Ўрганган иш услуги, малакалар ўзgartирилса бу болалар шошиб қоладилар. Шу сабабли уларни

ҳаётга мослаштиришда системали назоратга, раҳбарликка ва ёрдамга муҳтожлик сезадилар. Айрим маълумотларни ўзлаштириш қобилиятларини куриш мумкин. Баъзан содда жумлаларни тушуна оладилар, нарсаларнинг содда, умумий белгиларига қараб уларнинг фарқларини билишлари мумкин. Уларни ўқиш, ёзиш ва тартибли санаш элементларига ўргатиш мумкин. Ўзларига хизмат кўрсатишининг элементар малакалари бор. Элементар ҳиссиётлари нисбатан сақланган бўлиб, ҳамдардлик, ёрдам беришга интилиш, рағбатлантириш ва танқидга тўғри муносабатда бўлиш нисбатан сақланган. Ўз имкониятларига тўғри баҳо бериш, ўзларининг руҳий ва жисмоний нуқсонлари учун қайгуриш кам учрайди. Ҳаракат тизимлари қўполлиги билан ажралиб туради. Мураккаблашмаган олигофренияning енгил ва ўрта даражасидаги имбециллар жисмоний меҳнатнинг оддий турларини эгаллашлари мумкин. Имбецилликнинг оғир даражаларида уларни энг содда иш турларига ҳам ўргатиш мумкин эмас. Имбецилликда ақлий нуқсон турли хилда намоён бўлади. Имбецилликнинг енгил турларини дебилликнинг оғир турларидан ажратиш бирмунча қийин диагностик ишдир. Бундай ҳолларда яхшиси енгил даражадаги имбецилларни ёрдамчи мактаблардаги диагностик синфларга юбориш мақсадга мувофиқдир. Имбецил даражадаги олигофреларда рефлексларнинг бузилишлари ҳам кўзга ташланиши мумкин. Баъзан тутқаноқлар бўлиши мумкин: Бош мия тузилишининг дисплазияси микро ва гидроцефал ҳолатлар учрайди. Уларнинг тана тузилишида жисмоний бузилишлар, церебрал эндокрин бузилишлари кўзга ташланади.

Олигофренияning энг оғир даражаси **идиотлик** бўлиб, улар идрокларида қўпол ривожланмаганлик кўринади. Атроф-муҳитга бўлган муносабати мос эмас. Ўз шахсини аниқ билмайди. Уларнинг тафаккури деярли йўқ. Улар ўзларига қараб гапирилган гапдан кўра мимика ва юз ҳаракатларини нисбатан илғаб оладилар. Идиотлар нутқи ақлий нуқсон чуқурлигига боғлиқ. Улар нутқи маъносиз товушлардан, баъзан алоҳида сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин. Ҳиссиётлари ҳаддан ташқари содда бўлиб, физиологик хоҳишлар билан боғлиқдир. Хурсандчилклари, қонишишларининг асосида ўзларининг тўқлиги, турар жо-

йининг иссиқлиги, патологик интилишларини қондириш бўлиши мумкин (жинсий ўз-ўзини қондириш, бармоқларини сўриш, еб бўлмайдиган нарсаларни чайнаш). Хафагарчиликлари эса совуқ, очлик, оғриқдан бўлиши мумкин. Ўзларининг хурсандчиликларини ҳаракат, қичқириш, мимика ҳаракатлари билан намоён этсалар, хафагарчиликларини эса қайсарлик, ўз тана органларини жароҳатлаш билан кўрсатишлари мумкин. Идиотларнинг нисбатан енгилроқ турларида ижтимоий ҳисларнинг сақланганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳислатлар уларни боқадиган кишиларга бирмунча боғланниб қолганликларида, мақтаганида уларнинг хурсанд бўлишларида кўриш мумкин. Уларнинг умумий қайфиятлари гоҳ бефарқ, гоҳ бўшанглик ва хурсандчилик билан ифодаланиши мумкин. Ҳаракат тизимларининг ҳаддан ташқари камбағаллиги натижасида ҳатто юриш ва тик туриш малакалари ҳам бузилган бўлади. Фаолиятлари деярли кўзга ташланмайди. Ўзларига хизмат қилиш малакалари шаклланмаган. Хулқлари асосан уларнинг ўз талабларини қондириш билан боғлиқ. Баъзилари бир хилдаги стереотип ҳаракатлар қиласидар. Ритмик равишда тана ҳаракати, бир хилдаги бош, бўғинлар ҳаракатини кузатиш мумкин. Идиот даражадаги ақлий нуқсонлилиқда турли тутқаноқлар кузатилиши, баъзан жисмоний ривожланишида қўпол нуқсонлар учраши — тери нуқсонлари, ички орган камчиликлари, эндокрин ва модда алмашинувининг бузилишини кўриш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Э. Сеген фикрларини қандай тушунасиз?
2. Г. Е. Сухарева таснифини айтиб беринг.
3. Ақли заиф болалар ўрганиш манбайи деганда нимани тушунасиз?
4. Ақли заиф болалар тарбия, таълим манбайи деганда нимани тушунасиз?

3. НУҚСОНЛИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ МУАССАСАЛАР ТАРМОФИ

Нуқсонли болаларнинг атрофлича ривожланишида ижтимоий таълим-тарбия ниҳоятда катта аҳамията эга. Юнеско маълумотларига кўра нуқсонлиларнинг учдан бир қисмигина маҳсус таълим-тарбияга жалб қилинган.

Чили, Греция, Италия, Перу, Турция, Гондурас ва бошқа айрим мамлакатларда ақли заиф болалар таълимтарбияси мажбурий эмас. Бундай болалар билан шугулланиш қонуний йўл билан белгиланган мамлакатларда: АҚШ да 20—25%, Канадада 40%, Францияда 25%, Японияда 3,2% гина болалар махсус таълим билан қамраб олинган.

Нуқсонли болаларнинг таълим-тарбиясидаги асосий қийинчилик нуқсонни аниқлашдан иборат. Мутахассисларнинг таъкидлашича 0—2 ёшда 15,2%, мактабгача ёшда 17,7%, кичик мактаб ёшида эса 49,6% нуқсонли болалар аниқланар экан (Гольдовская Т. И., Тимофеева Л. И., 1970). Шундан кўриниб турибдики, 10 ёшли болалар орасида ҳам 20% га яқин нуқсонлилар учарар экан. Бунинг сабабларидан бири диагностик ишларининг такомиллашмаганлиги, етарли, ишончли психологияк-педагогик методикаларнинг етишмаслигидир.

Нуқсонли болаларга ижтимоий таълим-тарбия бериш ишлари республикамиэда кейинги 20 йил ичидаги бирмунча такомиллашди. Халқ маорифи қонунида таъкидланишича, «ўзларининг жисмоний ва руҳий нуқсонлари асосида умумтаълим мактабларида таълимтарбия олишга қодир бўлмаган болалар учун махсус умумтаълим мактаблари ва мактаб—интернатлари ташкил этилади. Бу муассасаларда нуқсонли болалар таълим-тарбия олиш ва даволаниш билан бирга ижтимоий-фойдали мәҳнатда қатнашишлари учун ҳам имконият яратилади».

Ҳозирги кундаги махсус муассасалар ўзларининг юзага келиш, ривожланиш, такомиллашишида маълум тарихий йўлни босиб ўтди. 1841 йилда Француз шифокор-педагоги Э. Сеген ташкил қилган мактаб-приют махсус мактабнинг дастлабки кўриниши эди. 1882 йилда Петербургда шифокор И. В. Маяревскийнинг «Даволаш-тарбиялаш муассасалари», Е. К. Грачёванинг 1894 йилда ақли заифлар учун очган хусусий мактаби, 1908 йилда В. П. Кашенко томонидан очилган «Нуқсонли болалар мактаб-санаторийиси» собиқ мамлакатимизда махсус муассасалар ривожида бошланғич босқич даврини ўтади. 1915 йилда Петербургда А. Н. Граборов томонидан очилган ақли заиф болалар мактаби биринчи ёрдамчи мактаб эди.

1930 йиллардан бошлаб собиқ СССР ҳудудидаги турли жойларда 4—8 ёшли ақли заиф болалар учун

боғчалар, 8—15 ёшлилар учун меҳнат мактаблари, 15—18 ёшлилар учун эса ўқув-ишилаб чиқариш корхоналари ташкил этила бошланди.

Республикамизда нуқсонлиларга ёрдам З йўналишда: халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирликлари орқали олиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги қошида: кўр, заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатлари ва улар қошида мактабгача ёшдаги болалар учун гуруҳлар: кар, қулоги яхши эшитмайдиган болалар учун мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ёшдагилар учун эса улар таълим-тарбия оладиган мактаб-интернатлар; ақли заиф болалар учун мактабгача муассасалар ва ўқув куни узайтирилган мактаблар: мактаб-интернатлар; мураккаб нуқсонлилар учун маҳсус таълим-тарбия муассасалари; ўрта умумтаълим мактаблари қошлида нутқ синфлари; руҳий ривожланиши сустлашган болалар учун мактаб-интернатлари ва тенглаштириш синфлари; ҳаракат-таянч системалари бузилган болалар учун мактаб-интернатлар; ўрта умумтаълим мактаблар, поликлиникалар қошидаги логопедик пунктлар ишилаб турибди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида эса нуқсонлиларга тиббий ёрдам кўрсатадиган маҳсус психоневрология санаториялари, руҳий шифохоналар, чуқур ақлий ва жисмоний нуқсонлилар сақланадиган муассасалар мавжуд. Ақлий жиҳатдан оғир нуқсонлилар (имбецил ва идиот даражада) учун ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли болалар уйлари мавжуд. Бу уйларга 4 ёшдан 16 ёшгacha бўлган болалар қабул қилиниб, 18 ёшгacha тарбияланадилар, 18 ёшдан ошганлар ногиронлар уйларига ўтказилади ёки улар ота-оналари билан бирга яшайдилар.

Халқ таълими тизими ҳамма ёшдаги нуқсонли болаларни таълим-тарбияга жалб қиласди. 4 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болалар маҳсус мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланадилар. Кўриш қобилияти заифлашган ақли заиф болалар учун маҳсус мактаб-интернат қошида ёрдамчи синфлар ташкил этилган. Ушбу синфларда тиббий, офтальмологик ҳамда коррекцион-педагогик кузатиш ишилари олиб борилади. Кўрлар мактабида умумий таълим мактабларининг Брайль системаси бўйича нашр этилган дарслик ва қўлланма-

лар ишлатилади. Кўзи хира кўрадиган болалар мактабларида умумий таълим мактабларининг йирик ҳарфлар билан нашр этилган дарслерлари асосида иш олиб борилади, маҳсус чизиқли дафтарлар ишлатилади.

Кўр болалар учун ташкил этилган мактаб-интернатда болалар 12 йил ичидаги 8 йиллик умумий таълим мактаби дастурини ўзлаштирадилар. Сўнгра кечки маҳсус мактабларда ўқиши давом этиришлари мумкин. Ушбу мактабларда халқ хўжалиги учун малакали ишчилар тайёрлаш, ҳунар-таълим ишлари олиб борилади. Меҳнат дарсларида 5—7 ўқувчи, умумий таълим дарсларида 12 бола қатнашиши керак. Дебил дарражали кар болалар эса маҳсус ташкил этилган ёрдамчи синфларда таълим оладилар. Бу синфларда болалар 7—8 кишидан ошмаслиги керак. Қулоғи оғир болалар учун ташкил этилган мактаб-интернат икки бўлимдан иборат бўлиб, амалий нутқга эга бўлган болалар, яъни гапира оладиган болалар биринчи бўлимда, жуда катта қийинчиликлар билан ноаниқ гапирадиган болалар иккинчи бўлимда таълим-тарбия оладилар. Биринчи бўлимда ўқиши мuddati 10 йил, иккинчи бўлимда эса 11—12 йил. Ҳар бир синфда 12 тадан бола ўқиши лозим. Ақли заиф қулоғи оғир болалар 7—8 кишидан иборат бўлган маҳсус синфда таълим оладилар. Оғир нутқ нуқсонлари бор болалар учун халқ маорифи вазирлиги қошида мактабгача ёшдаги болаларга мўлжаллаб нутқ боғчалари ёки болалар боғчалари қошида нутқ гуруҳлари ташкил этилган. Бу турдаги маҳсус боғчаларнинг асосий вазифаси нутқ камчиликларини иложи борича барвақт аниқлаб, уларни бартараф этиш ва шу йўл билан нутқ нуқсонларининг оғирлашиб кетишига йўл қўймасликдир.

Мактаб ёшидаги логопат, яъни нутқида камчиликлари бўлган болалар учун оммавий таълим мактабларида логопедик пунктлар ташкил этилган. Логопедик пунктга тумандаги бир неча мактабдан 25 та синф бириктирилади.

Логопед шу синф ўқувчиларини текшириб, логопедик ёрдамга муҳтоҷ болаларни саралаб олади. Улар билан гуруҳли ва якка машғулотлар олиб борилади. Болалар бундай машғулотларга кунора, ҳафтада 3 мартадан, нуқсон бартараф этилгунча қатнайдилар.

Оғир турдаги нутқ нуқсонлари туфайли ўрта мак-

таб дастурини ўзлаштира олмайдиган болалар махсус мактабларда таълим олиш учун юборилади.

Халқ таълими вазирлиги қошида ақли заиф болалар учун махсус боғчалар ташкил этилган бўлиб, бу ерга болалар 4 ёшдан қабул қилинадилар. 7 ёшга тўлганда эса улар ёрдамчи мактабларга юбориладилар. Қўлланмамиз ақли заиф болаларга тегишли бўлганилиги сабабли, қўйида ёрдамчи мактаблар ҳақида ба-тафсил маълумотлар берамиз.

4. ЕРДАМЧИ МАКТАБ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ёрдамчи мактаб, ёрдамчи мактаб-интернатлар, ақли заиф болалар боғчаларида барча таълим-тарбиявий ишларни амалга оширувчи, ташкил этувчи ўқитувчи, тарбиячилар — олигофренопедагоглар деб юритиладилар.

Олигофренопедагоглар ўқитувчи, тарбиячи, илмий бўлим мудири, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, директор вазифаларида ишлаши мумкин. Олигофренопедагог иши маориф вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган низом асосида белгиланиб, ёш авлодга тарбия, умумтаълим фанларидан билим бериш ҳамда меҳнат тайёргарлиги беришни кўзда тутади. Олигофренопедагог ўқувчиларни атрофлича педагогик ўрганиш асосида бутун таълим-тарбия ишларини режалаштиради, ақли заиф ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий нуқсонларини тузатади, уларнинг ҳаракат системаларини тўғрилаб боради, билиш фаолиятларини шакллантиради ва шулар асосида ўқувчиларда характер ва маданий хулқ-автор нормаларини тарбиялаб боради. У ақли заиф болаларнинг ота-оналари, жамоатчилик билан ҳам тарбиявий ишларни амалга оширади.

Мактабни битириб кетган ҳамма ўқувчилар билан мунтазам алоқа боғлаб катамнесик маълумотлар йиғиб боради. Уларнинг ишга жойлашишларига ёрдам беради. Илгор педагогик тажрибаларни ўрганиб, оммалаштириб боради.

Олигофренопедагоглар маориф тизимида ишлаётган барча педагоглар фойдаланадиган ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Нуқсонли болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг бирмунча мураккаблиги, турли-туманлигини ҳукуматимиз эътиборга олиб,

олигофренопедагогларнинг маошларини бирмунча юқори қилиб белгилаган.

Олигофренопедагог ақли заиф болалар билан ишлайдиган педагог бўлса, ақли заиф болаларни тарбиялаш, ўқитиш ҳақидаги фан олигофренопедагогика фани деб юритилади.

Олигофренопедагогика фан сифатида қўйидаги масалаларни ҳал қилишни ўз олдига қўяди: ақли заифликни педагогик таҳлил қилиш; ақли заифлик сабабларини ўрганиш; ақли заиф болаларнинг ривожланишини педагогик ва психологик ўрганиш йўллари ва воситалларини аниқлаш; ёрдамчи мактабларда турли характерли болаларга индивидуал муносабатни таъминлаш; ақли заиф болаларни тарбиялаш принциплари ва усуllibарини ишлаб чиқиш: ақли заиф ўқувчиларга умумий билим ва меҳнат тайёргарлиги бериш; ўқув фанларининг хусусий услубиятларини ишлаб чиқиш, ақли заиф болаларга маҳсус муассасалар тизими ва тузилмасини белгилаш.

Ақли заиф болалар ёрдамчи мактабда барча умумтаълим фанларидан маълум ҳажмда назарий, амалий билимлар оладилар, касбий меҳнат малакаларини эгаллайдилар. Ёрдамчи мактаб ва мактабгача муассасаларда таълим жараёнида тузатиш ишлари тизимини амалга оширади. Бу ишлар болалардаги ривожланишнинг потенциал имкониятларига асосланиб, ақли заиф бола шахсини атрофлича шакллантириш, билиш фаoliyatiларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Болалар орасида учраб турувчи нуқсонлиликни (карлик, кўрлик, ақли заифликни) бартараф этиш ижтимоий масалалардан бири бўлиб, бу ишни мувваффақиятли амалга ошириш давлатнинг умумий ишлари орқали рўёбга чиқарилиши мумкин.

Л. С. Виготскийнинг 1924 йилда айтган оптимистик башорати нақадар реал эканлигини ҳозир дефектология соҳасида эришилган, эришилаётган ютуқлар ҳам кўрсатиб турибди. «Эҳтимол, инсоният, эртами, кечми, кўрлик, карлик, ақли заифликни енгади. Аммо уларни биологик ва тибиёт томонидан кўра, ижтимоий ва педагогик томондан анча илгари енгади»,— деб таъкидлайди Л. С. Виготский. Турли нуқсонли болаларга таълим-тарбия бериш мактабларининг, даволаш муассасаларининг кенг тизими олим фикрининг далили эмасми?

Фан ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш асосида турли хил юқумли касалликлар умуман тугатилди. Билим эгаллаши мумкин бўлган нуқсонли болалар учун мажбурий таълим жорий этилди. Барча маҳсус мактаблар, мактаб-интернатлар, маҳсус боғчалар бутунлай давлат таъминотига ўтказилган.

Айрим чет эл мамлакатларида нуқсонли болалар таълим-тарбияси билан хусусий муассасалар, диний ташкilotлар, нуқсонлиларга ёрдам бериш жамиятлари ҳамда айрим маҳсус мактаблар шуғулланади. Улардаги таълим-тарбия ишлари қатъий тизим асосида олиб борилмайди. Биздаги ёрдамчи мактаблар оммавий мактаблар сингари ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни жамиятнинг фойдали кишиси қилиб етиштиришга хизмат қиласиди. Шу билан бирга ёрдамчи мактабларнинг маҳсус, хусусий вазифалари ҳам мавжуд. Буларга ақли заиф ўқувчиларнинг психофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга алоҳида ёндошган ҳолда билим бериш асосида билиш жараёнларини тузатиб бориш киради. Ёрдамчи мактаблар ақли заиф болалар учун дастлабки ва охирги ўқув юрти бўлганилиги сабабли, ўқувчилар мактабни битиргандан сўнг бевосита ҳаётга йўлланма олишларини ҳисобга олиб, уларга мактабда турли хил касбий меҳнат кўникмалари, малакалари берилади. Ёрдамчи мактабларда даволаш ишлари умумий таълим-тарбия ишлари билан биргаликда қўшиб олиб борилади.

Ёрдамчи мактаблар тажрибасини илмий жиҳатдан умумлаштириш асосида таълим-тарбия назариясини ишлаб чиқиши олигофренопедагогика фанининг мавзу баҳсини ташкил қиласиди. Таълимнинг дидактик асослари, дарснинг умумий тизими, мактабда ўқув ишларини ташкил этиш, хусусий услубиятларнинг умумий масалалари каби педагогик масалалар умумий педагогик талабларга суняди.

Олигофренопедагогика фани қатор умумий ва маҳсус фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ақли заиф болалар олий асаб фаолиятлари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, касалликлари, кечиши, даволаш ишларини невропатологиядан, ақли заиф болалар руҳий жараёнларининг хусусиятлари, уларнинг тараққий этиш хусусиятларини олигофренопсихологиядан, ёрдамчи мактабда даволаш-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш учун маълумотлар олиго-

френия клиникасидан олиб ўрганилади. Ёрдамчи мактабларда таълим 8 йил олиб борилади. Ўқув режасига кирадиган фанлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш.

1. **Ўзбек тили.** Ўқув режасидаги асосий фанлардан бири бўлиб, қўйидаги мақсад, вазифаларни ҳал қиради:

а) ўқувчиларни тўғри, ифодали ўқишга ўргатиш, содда бадиий ва газета-журнал материалларини ўқишга ўргатиш;

б) ўқувчиларда аниқ, озода, тушунарли, саводли ёзиш малакаларини шакллантириш ҳамда уларни грамматик жиҳатдан тўғри ёзишининг бошланғич түшунчаларини эгаллашларига ўргатиш;

в) ўқувчиларни ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда тўғри, изчил баён қилишга ўргатиш.

Ёрдамчи мактабнинг 1-синфида қабул қилинган болаларнинг кўпчилигида талаффуз камчиликлари бўлганлиги сабабли, алифбегача бўлган даврда талаффуздаги камчиликлар, фонематик малакаларни ривожлантириш устида иш олиб борилади.

2. **Математика.** Ёрдамчи мактаб ўқув фанлари ичада ўзининг илмий, тузатиш имкониятлари жиҳатидан математика фани барча фанлардан ажратиб туради.

Ёрдамчи мактаб I—VIII синфларида ақли заиф ўқувчилар математикадан қўйидаги билим, малака ва кўниумаларни эгаллашлари лозим:

а) натурал сон ҳақида тушунча, ноль ҳақида, натурал сонлар қатори тўғрисида, уларнинг хусусиятлари, оддий ва ўнли касрлар ҳақидаги түшунчаларни;

б) кўп хонали сонлар ва касрлар иштирокида тўрт арифметик амални бажариш;

в) узунлик ва вақт ўлчов тизими ҳақидаги билимларга эга бўлиш ҳамда улардан амалий фойдаланиш;

г) чизғич, тарози, соат ва бошқа асбоблардан фойдалана олиш;

д) содда ва мураккаб (3—4 амалли) математик масалаларни еча олиш;

е) геометрик фигуранларни ажратиб билиш, уларнинг хусусиятларини ажратиш, бу фигуранларни чизғич, циркуль, транспортир ёрдамида чизиш, ўлчаш асбоблари ёрдамида ясай олиш.

Математика фани ақли заиф болалар учун ниҳоятда мураккаб фан ҳисобланади. Тўғри ташкил қилинган, услубий талабларга жавоб берадиган дарслар

орқали ақли заиф ўқувчиларда юқорида айтиб ўтилган билимларни шакллантириш мумкин.

3. **Табиатшунослик.** Табиатшунослик фани ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Табиатшунослик дарсларида ақли заиф ўқувчилар қўйидаги билимларни эгаллайдилар.

— ўқувчилар тирик ва жонсиз табиат — сув, ҳаво, фойдали қазилмалар ҳамда ўсимлик, ҳайвон, одам танасининг тузилиши ва ҳаёти тўғрисидаги билимлар;

— табиий ҳодисалар: ёмғир, қор, шамол, булат, туман, фасллар ҳақида ақли заиф болаларда тўғри тушунчалар шакллантириш;

— табиатга тўғри, онгли муносабатда бўлиш ҳисларини тарбиялаш;

— ақли заиф болаларда ўсимликлар, ҳайвонларни парвариш қилиш малакаларини шакллантириш;

— соғлиқни сақлаш, мустаҳкамлашга оид одатларни таркиб топтириш.

Табиатшунослик дарслари кенг кўргазмали қуроллар, расмли материаллар, рангли ва рангсиз жадваллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

4. **География.** Ёрдамчи мактабларнинг V, VIII синфларида география фани ўқитилади. География дарслари орқали илмий, тарбиявий ишлар ва тузатиш ишлари амалга оширилади. Ақли заиф ўқувчиларга ер юзининг тузилиш шакллари, харита, ердаги сув, иқлим, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, кишиларнинг яратувчалик меҳнатига оид маълумотлар берилади. Тўғри ташкил қилинган дарслар орқали болаларда қизиқувчаликни, табиат ҳодисаларини кузатиш одатларини, таққослаш малакаларини, табиат ҳодисаларини ўрганиш кўнгималарини шакллантириш мумкин.

5. **Тарих.** Ёрдамчи мактабларда тарих дарсларини ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларда Ватанин севиши ва ватанпарварлик ҳисларини тарбиялашдан иборатдир.

Ёрдамчи мактабларда мамлакат тарихидан чуқур, кенг билимлар берилмайди, балки эпизодик тарзда асосий воқеалар, мавзулар берилади. Ақли заиф ўқувчиларга кўп миллатли республика халқларининг инқиlobий, қаҳрамонлик, меҳнат ютуқлари тарбиявий йўналишда тушунтирилади.

Тарих дарсларининг асосий вазифаларидан яна би-

ри ўқувчиларда давлат қонунларига яшаш — турмуш қоидаларига ҳурмат билан қараши тарбиялашдир.

6. Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия ёрдамчи мактаблардаги бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг асосий қисми бўлиб, ақли заиф ўқувчиларни атрофича, гармоник шакллантиришга хизмат қиласди, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлайди, жисмоний ривожланишидаги камчиликларни түғрилайди, ҳаракат системасини яхшилади. Шу сабабли жисмоний тарбия дарслари 8 йил давом этади. Аксарият ҳолларда ақли заиф болаларда жисмоний камчиликлар учрайди. Бошланғич синфлардаги ритмика дарслари, ундан сўнг жисмоний тарбия дарсларида ақли заиф болаларнинг билиш фаолиятларига ижобий таъсир этувчи машқлар тизими кенг ўрин олади.

7. Қўл меҳнати. Ёрдамчи мактаб бошланғич синфларида олиб бориладиган қўл меҳнати умумий ва хусусий вазифаларни ҳал этади. Қўл меҳнати дарсларига қўйидаги талаблар қўйилади:

а) дарс қатъий режалаштирилган бўлиши керак. Ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш зарур;

б) дарслар ўзига хос бўлиб, дарснинг асосий қисмига амалий ишлар, меҳнат ҳаракатлари бўлиши керак;

в) дарс яхши кўргазма қуроллар билан таъминланган бўлиши керак, асбоблар созланган ва сифатли бўлиши лозим;

г) қўл меҳнати дарслари орқали болаларнинг майда қўл ҳаракатлари яхшиланиши ва улар касбий меҳнат дарсларига тайёрланиши керак.

8. Ашула дарслари орқали ақли заиф болалар эстетик жиҳатдан тарбияланиб борилади. Атроф-муҳитдан, ҳаётдан гўзалликни сеза билиш, уни идрок этиш, тасаввур қилиш, тушуниш ақли заиф болаларга жуда кўп нарса беради.

9. Ёрдамчи мактабларда касбий меҳнат дарслари юқори синфларда ўқув режасининг асосий қисмини эгаллайди. Бунинг сабаби бор, албатта. Мактабни битираётган ўқувчи бевосита ишлаб чиқаришга, завод, фабрикаларга, ҳаётга йўлланма олаётганлиги сабабли юқори синфларда ҳафтасига бу меҳнат турига VI—VII, VIII синфларда 10—12 соат, баъзан ундан ҳам ортиқ вақт берилади.

Ақли заиф ўқувчиларга дурадгорлик, чилангарлик,

бичиши-тикиш ишлари, қишлоқ ҳўжалигига оид иш турлари бераб борилади.

Меҳнат таълими ақли заиф болаларда назарий билимларнинг ўзлаштирилишига уларнинг жисмоний ривожланишларига, бевосита ҳаётларини бошлаб юборишиларига жуда катта ёрдам беради.

Савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий тарбия нима?
2. Нуқсонли болаларнинг қандай тоифалари мавжуд?
3. Ёрдамчи мактабнинг умумий ва хусусий вазифалари нималардан иборат?
4. Республикада нуқсонли болаларга қандай ёрдам турлари ташкил этилган?

Таълим-тарбия, ривожлантириш ва тузатиш ишлари ягона педагогик жараёндир

Инсон ўзининг бутун умри давомида ўзгариб туради. Бу ўзгариш турли шаклда, мазмунда, кўринишида бўлиши мумкин. Чуқур, кенг ўзгаришлар болалик даврида юз беради. Бу даврда шахснинг жисмоний, маънавий сифатлари самарали равишда ривожланади. Инсоннинг руҳий, жисмоний ривожланиши қонуний жараён бўлиб, шахснинг турли фаолият жараёнларида шаклланади.

Болалар ва ўсмирларнинг ривожланиши ўз ичига ҳам жисмоний ҳолатларни, ҳам руҳий жараёнларни олади. Инсон биологик мавжудот бўлганлиги сабабли табиатнинг қонунлари унга ҳам тааллуқлидир. Аммо, бу қонунлар инсонга бошқа жонли мавжудотларга кўра бошқачароқ таъсир этади.

Бошқа жонли мавжудотлар ташқи муҳитга мослашиб, ўзларининг ҳаёт кечиришлари учун тайёр нарсалардан фойдаланса, инсон жамиятда яшар экан, керакли нарсаларни ўзи ишлаб чиқарди. Шахснинг ривожланиши, камолот даражасига этиши масаласига турли асрларда, турли ғоялар билан қуролланган олимлар, файласуфлар, психологлар турлича ёндашганлар. Инглиз файласуфи Джон Локк фикрича, жамиятда кишиларнинг ривожланишида етакчи омил — муҳитдир.

Америкалик психолог Э. Торндайк фикрича, болагенларнинг махсус зарядланган батареясидир, бу батарея ўзгармас бўлиб, боланинг фақат жисмоний ри-

вожланиш ҳолатинигина белгилаб қолмасдан, балки ақлий сифатларини ҳам белгилайди.

Ҳозирги замон Америка педагогика назариясининг вакили Джон Дьюи боланинг ривожланишини туғма инстинктлар, қобилиятлар билан белгилайди. Неотомистлар (Жак Маритен — АҚШ, М. Казотти Стефанини — Италия) шахснинг ривожланишини диний ва мистик оқимга йўналтиришади. Психология фанидан маълумки, шахснинг фаолияти унинг ривожланишида асос ҳисобланади.

Инсонлар ташқи оламни, атроф-муҳитни ўзгартириб бориш билан бирга ўзларини ҳам ўзгартириб борадилар. Бу фикр фаолиятнинг ролига ҳам тегишилдири.

Турли-туман, актив фаолият жараёнида инсонларнинг барча имкониятлари ривожланиб ва ижобий ҳаёт тажрибалари тўпланиб боради. Ўсиб келаётган киши дунёни чуқурроқ, тўлароқ билиб боради. Иккинчи томондан, инсон ўз фаолияти билан атроф-муҳитга таъсир этади. Конкрет шахс бөшқа одамларга, нарсаларга, воқеаларга ўз муносабатини билдириб ривожланиб боради.

Ўқувчиларнинг барча фаолият турларида ривожлантирувчи характердаги омиллар мавжуд.

Барча фаолият мазмуни, моҳияти болаларнинг дунёқарашларини, бойитиб боришга хизмат қиласиди. Шу асосда болаларнинг билиш жараёнлари ўсиб, ривожланиб боради ва шунга имконият юзага келади. Ҳар қандай фаолият, агар у педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил қилинса, шахснинг ақлий ва иродавий сифатларининг ривожланишига ижобий таъсир этади. Инсон ўз фаолиятини режалаштиради, олдига мақсад қўяди, охирги натижа устида бош қотиради, материаллар танлайди. Бу жараёнларда инсон фақатгина ҳаракат қилиб қолмасдан, мумкин қадар мукаммал усулларни қидиради, ижодий ёндашади.

Фаолият натижаси баҳо билан боғланади ҳамда фаолият натижаси намуна билан таққосланилади, таҳлил қилинади. Фаолиятни ташкил этиш қанчалик юқори даражада бўлса, бу фаолият шахс камолотига шунчалик катта таъсир этади. Барча фаолият турларида интилиш, мотивлар катта роль ўйнайди. Шу мотив асосида ўқувчи ўз фаолиятига турлича муносабатда бўлади. Мотивлар болада фаолиятга нисбатан қизи-

қиши ёки бефарқликни юзага келтиради. Шу асосда бола ривожига ҳам турлича таъсир этади. Болалардаги фаолиятга бўлган мотивлар турли-тумандир. Ўқувчи фаолиятини бир неча мотивлар асосида ташкил этиши мумкин. Қизиқиш, жавобгарлик, жамоадаги ҳаёт, ижтимоий мотивлар шулар жумласига киради. Фаолиятдаги мотивлар унга маълум йўналиш беради. Бу нарса шахснинг ривожи учун катта аҳамиятга эга. Фаолият усусларини, йўлларини эгаллаш ва уларни ривожлантириш ҳам шахснинг ривожига ижобий таъсир этади. Ўқувчилар турли кўникма, малакалар эгаллаб бориш билан бирга ўз фаолиятларини такомиллаштириб борадилар. Кўникма, малака, одатларни такомиллаштириш иродавий сифатларнинг ҳам ривожланишига ёрдам беради. Хуллас, фаолиятда яхши натижаларга эришиш учун шахс турли ҳиссий ҳолатларга тушади. Бу эса ўз навбатида шахсий сифатларнинг ўсишига олиб келади. Ўқувчининг ривожланиб бориши жараёнида фаолият ҳам ўзгариб боради. Агар болалардаги фаолият дастлаб таҳлил асосида амалга ошган бўлса, борган сари мустақил, ижодий характер касб этиб боради. Шахснинг ривожланиши давомида, тажрибаларнинг ортиши асосида, фаолият ижодий характер касб этадики, бунда шахс мустақил, оригинал йўлларни қидириб топа бошлайди. Бундай фаолиятда фақатгина шахснинг умумий хусусиятлари очилмасдан, балки хусусий, индивидуал томонларининг очилиши, намоён бўлиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Барча ёш даврларида фақатгина маълум фаолият ривожланиб қолмасдан, балки фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Масалан, боғча болаларида ўйин фаолияти, ўқувчиларда ўқиш фаолияти, ўсмир ва ёшларда меҳнат фаолияти. Ҳатто фаолиятнинг характеристи, унинг мазмуни, йўллари, мотивлар ҳам ўзгариб борар экан.

Инсон фаолияти — унинг ривожланишининг асоси-дир. Фаолиятсиз ривожланиш бўлмайди. Бу қонуният ёш авлод учун жуда зарурдир.

Фаолият турлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Ўйин — бола ривожига ўзига хос мактабдир. Ўйин жараёнида болалар ўзларининг идрок, тасаввур ва хаёл хусусиятларига кўра, нарсаларни ўзгартирадилар, уларга ижодий ёндошадилар. Мактабгача ёшдафи болалар учун ижодий ўйинлар улар томонидан атроф-

муҳитни билишда туганмас манбадир. Бу фаолиятда улар шифокор, тарбиячи, ўқитувчи, санъаткор, ишли, дәхқон қиёфалариға кириб ўзларининг кўрган, эшитган нарсаларини акс эттиради.

Ўйин жараёнида болалар ҳаракат йўлларини эгаллаб борадилар. Бола «даволайди», «жанг қиласди», «қурди», «отда улоқ чопади». Бундай ҳолатлар болаларнинг умумий ривожланишига чексиз самарали таъсир этади.

Жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинларда қоидалар борлиги туфайли, улар болаларда ирода шаклланишига ёрдам беради. Чунки бунда болалар қўйилган мақсадга кўра қийинчиликларни бартараф этиш асосида ҳаракат қиласди. Шахсий интилишлари борган сари кўпчилик манфаатига бўйсуниб боради. Ақлий ўйинлар қизиқувчанликни, чиниқишини, фаҳм-фаросатни ривожлантиради. Ақлий жараёнлар: таққослаш, фарқлаш, умумлаштиришларнинг машқ қилинишига имконият яратади. Жисмоний ўйинлар болаларни фақатгина жисмоний ривожлантириб қолмасдан, балки уларда ирода, кузатиш, таҳлил қилиш каби фикрлаш жараёнларининг ривожига ҳам ижобий таъсир этади. Ўқувчилар ривожидаги асосий фаолият тури — бу мактаблардаги изчил, режали ташкил этиладиган ўқишидир. Билим эгаллаш ёки ўқувчининг билиш фаолияти бошқа ҳар қандай фаолият турларидан ўзининг етакчи фаолият эканлиги билан ажралиб туради. Бу ишлар режа асосида, мақсадга мувофиқ, ўқитувчи раҳбарлигига амалга оширилганлиги сабабли, шахснинг ривожида бекиёс катта аҳамиятга эга. Таълим жараёни, синфдан-синфга ўтган сари болалар дунёқарашлари у ёки бу конкрет билимлар доираси билан қуроллантириб борилади. Шулар асосида ўқувчилар билим доиралари кенгайиб, чуқурлашиб боради. Ҳиссиёт ва сезирлик ҳам такомиллашиб боради. Таълим мазмунининг борган сари мураккаблашиб бориши, ўқувчини юқори поғонага олиб чиқади. Барча таълим йилларида ўқувчилар жуда катта ривожланиш йўлини босиб ўтадилар. Синфдан-синфга ўтган сари ўқувчилар ижодий фаолиятга лаёқатли бўлиб борадилар. Ўқувчиларнинг болалик, ўсмирилик даврларидаги меҳнат фаолияти уларнинг ривожланишида етакчи омиллардан биридир.

Меҳнат фаолиятида ёшлар маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишиб борадилар. Меҳнат турлари ўз-

гаради, кенгаяди, чуқурлашиб боради. Бошланғич синфлардаги асосий меҳнат ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб, юқори синфларда ижтимоий фойдали меҳнат, ишлаб чиқариш меҳнати билан алмашади. Синфдан-синфа ўтиш жараёнида меҳнат усуллари, мазмуни ўзгариб боради. Ўқувчилар ривожи учун меҳнатнинг моҳияти катта аҳамиятга эга. Меҳнатни тўғри ташкил этиш уни таълим билан боғлаб олиб бориш асосида ўқувчилар жуда кўп билимларни эгаллаб борадилар. Боланинг ижтимоий тажрибаси ортади, ишлаб чиқариш жараёнларидаги муносабатларни тушунади, меҳнатнинг ҳаётда тутган ўрнини англай боради. Меҳнат кўникмаси, малакаларини эгаллаб бориш жараёнида шахс ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожланиб боради. Меҳнат жараёнидаги интеллектуал, ижодий ривожланиш улардаги тушунчаларни чуқурлаштиради ва конкретлаштириб боради. Баъзи педагогик адабиётларда ижтимоий фаолият, бадиий фаолият, спорт фаолияти ва бошқа фаолият турлари ҳақида ҳам билимлар берилади.

Фаолиятда онг шаклланиб боради. Фаолият жараёнида шахс атрофлича ривожланиб, ташқи оламга муносабатлари ривожланади.

Мактабдаги бошланғич таълим даврида болаларни ўқитиши, тарбиялаш ва камол топтириб бориш жараёнлари ўртасидаги ўзаро боғланиш айниқса яққол намоён бўлади. Таълим билан тарбия боланинг руҳий камол топиб бориши учун белгилаб берувчи аҳамиятга эгадир. Камол топиб боришидаги олға ҳаракат эса ўз навбатида таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим жараёнида педагог шуни эътиборга олиши муҳимки, болалар ўзларига таклиф қилинган баъзи вазифаларни тамомила мустақил суратда бажара оладилар, бунда улар руҳий камол топиб боришнинг шу пайтгача эришилган даражасига, амалий тажриба, билим, малака ва кўникмаларга таянадилар. Шу билан бирга бирор мураккаброқ толшириқни мустақил суратда эплай олмаган бола уни ўқитувчи ёрдамида (унинг қўшимча тушунтириши, кўрсатиши, ёрдамчи саволлар бериши ва ҳоказо йўл билан) бажара олади. Бу ҳол бола имкониятининг гўёки иккиласми даражаси бўлиб, уни психологияда «энг яқин камол топиш зонаси» деб аталади. Шу сабабли, таълим жараёни актуал камол топиш даражасигагина, яъни шу пайтгача таркиб топ-

ган руҳий функцияларгагина таяниб қолмай, балки унинг потенциал имкониятларига, таркиб топаётган функцияларига, яъни энг яқин камол топиш зонасинг актуал камол топишига ўтишига ёрдам бериши лозим. Бу ҳолда бола бугун ёрдам олган тақдирдагина бажара оладиган вазифани, эртага мустақил бажара оладиган бўлиши зарур. Таълим билан камол топиш ўртасидаги ички боғланиш ҳам худди ана шундадир. Бинобарин, таълим билан камол топиб бориш ўртасидаги алоқа ғоят хилма-хил бўлса ҳам, боланинг камол топиб боришининг энг яқин зонасига таянувчи таълим-гина чинакам самарали бўлиши мумкин.

Камол топиб боришининг икки даражаси ҳақидаги, таълим билан камол топиб боришининг боғланиши тўғрисидаги ҳамда тўғри йўлга қўйилган таълимнинг камол топиб боришдан олдин бориши ва унинг тугалланган босқичларигагина таяниб қолмай, балки таркиб топаётган руҳий функцияларга ҳам таяниши кераклиги ҳақидаги ана шу асосий назарий қоидалар ёрдамчи мактаб таълими ва амалиёти учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Бу қоидаларни атоқли психологлардан бири Л. С. Виготский ўртага ташлади. Л. С. Виготскийнинг назарий қоидалари профессор Л. В. Занков раҳбарлигига амалга оширилган бир қатор тажриба ишлари билан тасдиқланди. Тадқиқотчилар таълим жараёнини шундай ташкил этдиларки, ўқувчиларнинг камол топиб боришининг умумий даражасини максимал оширишни мақсад қилиб қўйдилар. Бунда улар кузатишнинг шундай шаклларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бердиларки, уларни амалга оширишда тафаккур жараёнлари воқеликни реал ҳиссий билиш билан, идрок этиладиган нарсалардаги тафовутлар ва ўхшаш томонларни аниқлаш билан боғланди. Болада мавҳум тафаккурни ривожлантиришга, яъни бола атрофидаги воқелик обьектлари ўртасидаги боғланишлар ва муносабатларни ўрнатишга, шунингдек, болада амалий ҳаракатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилади.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай шароитларда болалар ўзларининг умумий камол топишларида анча юқори даражага эришадилар, билимларни, малака ва қўнималарни анча мувваффақиятли эгаллайдилар. Энг яқин камол топиш зонаси ҳамда таълим билан камол

топишнинг ўзаро боғланиши ҳақидаги назарияга асосланиб, сабиқ СССР ПФА Умумий ва педагогик психология институтидаги кичик ёшдаги болалар психологияси лабораторияси (Д. Б. Эльконин, В. В. Давидов) ўқувчилар камол топиб боришининг умумий даражасини ошириш, мавҳум тафаккурни ривожлантириш, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўқиб олиш негизидаги асосий қонуниятларни англаб олиш қобилиятини таркиб топтириш мақсадида экспериментал ўқитишни ташкил қилди. Бу тизим муаллифлари ўқиши ўргатиш жараёнида болага аввало сўздаги товуш шаклининг қурилиш принципини очиб бериш керак деб ҳисобладилар. Бу билан ўқиш ва ёзиш вақтида ана шу қўникмани тўғри вужудга келтириш учун шароит яратилади. Ташкил қилинган таълим болаларнинг камол топишида ёрдам беради ҳамда ўқувчиларга ўқув материалини юксакроқ даражада муваффақиятли ва сифатли ўзлаштиришга имкон яратади. Н. А. Менчинская, С. Т. Костюк, Б. Г. Ананьев ва бошқа психологларнинг кўпгина ишлари таълим ва камол топтириш масалаларига бағишлиланган. Бу ишларнинг ҳаммаси болаларга таълим беришда муайян бир усулларнинг қўлланиши болаларнинг камол топиш жараёнида ғоят катта таъсир кўрсатишидан далолат беради. Таълим ва камол топиш жараёнининг бир-бирини тақозо қилиши ва бир-бири билан мустаҳкам боғланиши камол топишида бирон-бир камчилиги бўлган болаларни ўқитишдаги қийинчиликлар таҳлил қилинганда айниқса яққол намоён бўлади. Таълим бериш жараёнида болаларда вужудга келадиган қийинчиликлар турли хил бўлганлиги сабабли, педагог бу қийинчиликлар нималардан келиб циқсанлигини ва уларнинг ички моҳияти қандай эканлигини англаб олиши зарур. Чунончи, бирор босқичда ёзувни билиб олмайдиган болалар бўлиши мумкин. Бунга қулоғининг оғирроқ бўлиб қолиши, болада сўзни товуш жиҳатдан таҳлил қилишни ўзлаштиришга халақит берадиган фонематик идрокнинг етарли даражада ўсиб етмаганини, паришонхотирлик, фазо тасаввурининг бузилиши, бу хил ёзувни қийинлаштиради, чунки алифбо ҳарфларини идрок этиш боладан фазони аниқ тасаввур қилишни талаб қиласи, чунки ҳарфлар муайян фазо шаклига эга бўлади ва бошқа бир қанча нарсалар сабаб бўлиши мумкин. Бола хулқ-атвори ва фаолиятидаги камчиликларнинг ҳар қандай турини динамик

таҳлил қилиш педагогга боланинг камол топишидаги камчиликларнинг характерини англаб олишга ҳамда тузатиш-тарбиявий ишларнинг турли усулларини ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Таълим—максус ташкил этилган билиш фаолияти бўлиб, кишилик жамиятининг турли соҳадаги тажрибаларини эгаллашга хизмат қилади. Буларга илм-фан, техника, ғоя, ахлоқ, маданият, санъат киради. Максус мактаблардаги таълим ҳам ёш авлодга шулар ҳақида қисқа, оддий тасаввурлар беришдан иборат бўлибгина қолмай, балки шу билимлар орқали мавҳум тафаккур жараёнларини тузатишдан иборат. Тафаккур жараёнларига таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция — дедукция, таққослаш, хулосалаш ва бошқа фикрий жараёнлар киради. Ақли заиф ўқувчиларда баъзан турли анализаторлар ҳам у ёки бу даражада бузилган бўлади. Бизларга маълумки, ҳар қандай билиш жонли мушоҳададан бошланади. Жонли мушоҳада деганда дастлабки маълумотларни эшлишимиз, кўришимиз, тери сезгиларимиз, ҳид билиш, тэъм билиш органларининг иштироқида қабул қилишимиз тушунилади. Қабул қилинган маълумот бош мияда қайта ишланиб, ундан амалиётга, амалга йўлланади. Ақли заиф болаларда энг катта нуқсон тафаккур жараёнларининг бузилганилиги сабабли, бутун түғрилаш, юмшатиш, тузатиш ишлари шунга қаратилади.

Корекция (тузатиш) сўзининг моҳияти, мазмуни ҳақида педагогик асарларда қатор тушунчалар берилган. Дефектология лугатида «ақли заиф болалардаги руҳий ва жисмоний камчиликларни тугатиш, олдини олишга, юмшатишга қаратилган педагогик ишлар системасидир», деб кўрсатилади. Италиялик дефектолог М. Монтессори (1870—1952) ақли заифлиқда асосий ишни сезгиларни тарбиялашдан бошлаш лозим деб кўрсатади. Унинг фикрича, максус машқлар орқали болалар сезгиларини ривожлантириш асосида тафаккурни тузатиш мумкин экан.

Унинг фикрларини давом эттирган бельгиялик О. Декроли (1871—1933) тузатиш ишларини З та бўғинга ажратган. I бўғинда сезгиларга таъсир этиш, II бўғинда тафаккурга таъсир этиш ва III бўғинда эса ҳаракатларга таъсир этиш.

Монтессори ва Декроли қарашларининг чекланганилиги (улар руҳиятнинг бир бутунлигини тұла тушун-

мадилар), торлиги рус дефектологи А. Н. Граборовнинг педагогик тизимида бирмунча юқори босқичга кўтарилди. Бу тизим асосида ўйин, қўл меҳнати, фанларни ўқитиш, экспурсиялар ётади. Аммо унинг тизимида ҳам сенсор тарбия батамом барҳам топмади. Бу унинг тизимидаги камчилик эди.

Х. С. Замскийнинг кўрсатишича, ёрдамчи мактаблардаги тузатиш ишлари биринчи навбатда айрим камчиликларни тўғрилашга қаратилмасдан, балки шахсни бир бутунлигича: билимларни эгаллаш, малака, кўникмалар билан қуроллантириш, меҳнат фаолиятига тайёрлашни ҳам ўз ичкга олиши лозим.

Г. М. Дульневнинг ёзишича: «Меҳнат таълими билан ақли заиф болалар камчиликларини тузатиш орасидаги боғлиқлик, нормал бола таълими ва ривожланиши орасидаги боғлиқликка ўхшайди. Бу ерда таълим фаол мақсадга мувофиқ тузатиш-ривожлантириш шаклида ташкил қилинса, умумий камолотда етакчи вазифани ўтайди».

Бу масалани тўғри тушуниш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Ж. И. Шифнинг таъкидлашича: «ақли заиф болалар таълими тузатувчи-тарбиявий характер касб этиши лозим».

Рус олигофренопедагогикасида тузатувчи таълим назарияси Г. М. Дульнев номи билан чамбарчас боғлиқ. Дефектология илмий текшириш институтида ёрдамчи мактаблар секторини 20 йилдан ортиқ бошқарган Г. М. Дульнев ёрдамчи мактаблар учун ўқув режаси, дастурлари, дарслеклари, услубий адабиётлар яратиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди ва бунда фаол иштирок этди. Г. М. Дульнев томонидан ёрдамчи мактабларда меҳнат таълими масалалари айниқса атрофлича, кенг ўрганилди. Ёрдамчи мактабларнинг маҳсус тузатиш вазифаларига тўхталиб, таълим ўқувчиларда умумлаштиришни ўстириши, нутқнинг етакчилик ролини ривожланшини таъминлаши лозим деб кўрсатади муаллиф. У ёрдамчи мактабларда таълимий ишлар билан тузатиш ишлари ҳар доим органик бирликда олиб борилишини таъкидлайди. «Билим эгаллашдаги ҳар бир янги қадам, нуқсонли бола шахсини тузатиш, ақлий ривожланшини таъминлашдаги янги қадам бўлиши керак»,— деб кўрсатади у.

Г. М. Дульневнинг таъкидлашича: «Педагогикада-

ги сенсуализм, хусусан олигофренопедагогикада ҳам, таълимнинг бола камолотидаги фаол етакчилик ролини пасайтириб, қонуний тарзда болада инсонга хос туғма берилган маънавий кучлар таъсирида ривожланади, деган идеалистик йўналишга олиб қелади».

Тузатиш ишлари эшитилишидан осонгина тұғрилаш, юмшатиш деган маънони берса ҳам, амалда, мактаб ҳәётида ақли заиф болалар билан иш олиб борадиган амалий ходимлар бунинг жуда ҳам мураккаблинин яхши тушунадилар. Чунки билимлар тизимини бериш, тарбиялаш, шахсни шакллантириш бевосита, тұғридан-тұғри амалга оширилмайды. Бу иш қар бир соатлик дарс жараёнларида, тарбиязий ишларда үқувчининг бутун ҳәёти давомида амалга ошириб борилади. Бу ишлар соатлаб үлчанмайды, балки ҳафталаң, ойлаб, йиллаб амалга ошириб борилишини тақозо этди. Тома-тома күл бұлур, дейди доно халқымиз. Ҳа, 8 йил давомида заррачадан сингдирилиб борилса ҳам, ҳаёт бұсағасида ақли заиф болаларда жуда катта үзгаришлар бўлганligини кўрамиз. Бу ўринда машҳур француз шифокори ва олигофренопедагоги Э. Сегеннинг чуқур ақли заифларга оид қўйидаги фикрлари жуда ҳам таъсирилди: «Агар у (нуқсонли бола) иш-ёқмас, қобилиятсиз, эътиборсиз бўлса, бир сўз билан айтганда унда сиз ёқтирадиган бирорта ижобий фазилат бўлмаса, шунда ҳам руҳан тушманг. Агар у қар доим ётса турғазиб, ўтқазиб қўйинг, агар у ўзи емаса, овқатлантириш вақтида унинг бармоқларини ушланг, агар у умуман ҳаракатланмаса, унинг мускулларини ҳаракатлантиринг, агар у қарамаса, гапирмаса, унга сиз гапиринг, кўзларига қаранг: уни ишлаётган кишилардек овқатлантиринг ва бирга ишлашга мажбур этинг; унинг иродаси, тафаккури бўлинг. Агар сиз 3—4 йил ичидан унда бирор қобилият, нутқ, тафаккур элементларини шакллантира олмаган бўлсангиз ҳам, сизнинг меҳнатларингиз зое кетмаган бўлади.

У муваффақиятларга эришмаган бўлса ҳам, қар ҳолда у соғломроқ, кучлироқ, қулоқ соладиган, ахлоқийроқ бўлади. Бу камми? Бу сизнинг меҳнат маҳсулингиз эмасми? Нима қўлингиздан келса, ҳаммасини килдингиз. Бу ҳамма нарса эмасми?» Демак, ёрдамчи мактаблардаги таълим олаётган ақли заиф болаларнинг гармоник ривожланишида маҳсус мактаб таълими жуда катта потенциал имкониятларга эга. Ёрдамчи

мактаб, мактаб-интернатлардаги тузатиш-тарбиялаш ишлари асосан қуйидаги йўллар билан коррекцион-ри-вожлантирувчи мазмунли таълим, меҳнат, ўйин, болалар ҳайтини ташкил этишдаги кун тартиби, синфдан, мактабдан ташқари ишлар, даволаш-профилактик ишлар орқали амалга оширилади.

Савол ва топшириқлар

1. Нуқсонни тузатишнинг моҳияти нимадан иборат?
2. Тузатиш-тарбиялаш ишлари қандай воситалар билан амалга оширилади?
3. Маълум бир дарсни тузатиш нуқтаи назардан таҳлил этинг.
4. Қайси дефектологларнинг таълим-тарбиявий ишларида тузатиш ишлари қўлланган?

2- Б О Б. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

5. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МОҲИЯТИ

«Олигофренодидактика» атамаси грекча «дидактос» — ўргатувчи, «олигос» — кам ва «френ» — ақл сўзларидан олинган бўлиб — «ақли камларни ўқитиши» маъносини беради. Олигофренодидактика олигофренопедагогиканинг бир қисми бўлиб, ақли кам болалар таълим-тарбиясининг назариясини ишлаб чиқади. Хусусан, ёрдамчи мактабларда таълим мазмуни, жараёни, принциплари, усуслари ҳамда педагогик жараённи ўюштириш шакллари ҳақида батафсил маълумотлар беради. Унинг назарий асослари инсон шахси, унинг тараққиёти ҳақидаги илмий билимларга асосланади. Олигофренодидактика умумий дидактика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг умумий қонун-қоидаларидан фойдаланган ҳолда, умумий, педагогик, маҳсус психология ютуқларига ҳам асосланади. Қомусий олим Абу-Райхон Беруний ҳақли равища: «Одамларда таълимтарбияга қобилият турличадир. Бировлар бу қобилията эга, бошқалар эса маҳрум. Маҳрумлар мashaққатли меҳнат, интилиш, тиришқоқлик орқали тушунишлари мумкин»,— деган. Демак, нуқсонлилар таълимтарбиясида шахсни ўрганиб, муомала қилиш зарур.

Ёрдамчи мактаблар дидактикасининг узвий бўлимларидан бири — таълим жараёнининг моҳиятидир. Ёр-

дамчи мактаблардаги таълимнинг умумий вазифалари маҳсус ақли заиф ўқувчилар нуқсонларини тузатиш вазифаси билан бирга олиб борилади. Шу сабабли ёрдамчи мактаблардаги таълимнинг асосий, зарурый хусусиятларидан бири унинг нуқсонни тузатишга йўналганлигига бўлса, иккинчи хусусияти унинг боланинг ривожланишида ўзига хос амалга оширилишидадир. Бош мия фаолиятлари нуқсони асосида ақли заиф ўқувчиларнинг ривожланиши чекланган бўлиб, орқада қолади. Ақли заиф бола кам ривожланган эмас, балки ўзгача ривожланган ва ривожланаётган боладир. Унинг ривожланиши нуқсонли равиша боради. Ақли заиф ўқувчининг билиш фаоллиги ва мустақиллиги бирмунучча паст бўлади. Бу камчилик уларнинг бевосита ҳаёт қийинчиликларига дуч келганларида намоён бўлади.

Меъридаги болалар маълум воқеаларга эътибор бериб, улар ҳақида билим эгалласалар, ақли заиф болалар бу воқеаларни сезмасликлари мумкин. Бу ҳолат ёрдамчи мактаблардаги таълим-тарбияни қийинлаштиради. Шунга қарамасдан ёрдамчи мактаб таълими бу болаларда фаоллик, мустақилликни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Шуни таъкидлаш ўринлики, ақли заиф болалардаги бузилган руҳий жараёнлар педагогик таъсирга яхши берилади. Шу сабабли ёрдамчи мактаб таълимида «яқин орада ривожланиши мумкин бўлган зона»га алоҳида эътибор берилади.

Ёрдамчи мактаб таълимининг учинчи, ўзига хос хусусияти таълим назарияси ва амалиётининг боғлиқлигидир. Ёрдамчи мактаб таълими амалий йўналишга эга. Амалиёт ақли заиф болаларнинг назарий билимларни эгаллашларига ёрдам беради ҳамда улар амалиётда қатнашиб, назарий билимларини ошириб борадилар.

Ёрдамчи мактаб таълимининг кўргазмалилиги ҳам унинг ўзига хос томонларидан биридир. А. Н. Грабовнинг таъкидлашича, кўргазмалилик идрок, тасаввурларни тузатишга имконият яратади. Шу сабабли ёрдамчи мактабларда кўргазмалилик оммавий мактаблардан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Ақли заиф болалар кўргазмалилик орқали нарса, воқеаларнинг ички мөҳиятини тушуниб борадилар. Шу орқали уларнинг фикрлаш фаолиятлари тўғриланиб борилади. Ҳар қандай кўргазмалилик билан мақсаддга эришиш мумкин эмас. Балки, кўргазмалилик оғзаки тушунтиришлар

билинг бирга намойиш этилсагина, кутилган мақсадга эришиш мумкин. Шундагина ақли заиф болаларнинг нутқи, тафаккури бирга ривожланиб боради. Ёрдамчи мактаб таълими жараённида ақли заиф болаларнинг фаол эмаслигини, мустақил ишлашларининг чегараланганлигини эътиборда тутиш керак. Ақли заиф болалардаги бу хусусиятлар ёрдамчи мактаб таълим мининг охирида ҳам нормал тенгдошларига етмайди. Шу сабабли ёрдамчи мактаб барча синфларида ўқитувчилар бу камчиликларни ривожлантириб боришлари керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёрдамчи мактаб таълими содда, болалар нуқсонига мос slab механик тарзда берилиши туфайли, ҳар доим ҳам кутилган натижа бермайди. Шу сабабли ўқув материаллари қанча содда бўлмасин, албатта онгли, тушунарли тарзда берилиши керак. Шундагина бу таълим болалар нуқсонларини тузатишга ёрдам беради. Ёрдамчи мактабдаги таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, ўқувчиларнинг билим олишига, зарур кўникма ва малакалар ҳосил қилишларига хизмат қиласди.

Ўқитувчининг фаолияти деганда ўқитиш, болаларга билим бериш тушунилади. Таълимда эса ўқитувчининг вазифалари бирмунча кенгаяди, яъни ўқитувчи билим бериш билан кифояланиб қолмасдан кўникма, малакалар ҳам беради. Мустақил билим эгаллаш йўлларини тушунтиради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг билиш фаолиятларига раҳбарлик қиласди ва уни бошқариб боради. Ўқувчилар фаолияти деганда уларнинг маълум билимлар йиғиндисини эгаллаб боришлари тушунилади. Таълим билан ўқиш бир-бирлари билан узвий bogliқdir. Билим эгаллаш таълим жараённинг асосини ташкил қиласди ва унинг асосий моҳиятини белгилайди.

Билим, кўникма, малакалар эгаллаб бориш жараёнида ақли заиф ўқувчиларнинг билиш жараёнлари шаклланиб боради ҳамда уларнинг ҳиссиёт-ирода сифатлари ривожланади. Шулар оқибатида болада билимга қизиқиши, иш қобилияtlари, тиришқоқлик каби шахсий сифатлар такомиллашиб, у бир бутунлигича тарбияланиб, унда ҳаётга бўлган муносабатлар шаклланиб боради.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактабда таълим ва тарбия ягона ўқув жараённига айланади. Ўқитувчи болаларни ўқитар экан, шу билан бирга уларни тарбия-

лайди ҳам. Таълим, тарбия шахснинг ривожига қартилади. Ўқув жараёни таълим, тарбия, камолот бирлигини таъминлайдиган мураккаб жараёндир. Бу ҳақда олдинги бўлимда фикр юритилган эди. Таълим, тарбия, камолот боғлиқлигининг мураккаблиги асосан икки омил билан белгиланади. Биринчи омил — таълим, тарбия, ривожланиш жараёнининг ташқи шароитлари (ўқитувчининг маҳорати, унинг малакаси, шахсий сифатлари, таълим-тарбияни ташкил қилиши, таълим-тарбия усулларининг мақсадга қаратилганлиги) бўлса, иккинчи омил — таълим, тарбия ва ривожланиш жараёnlарининг ички томони бўлиб, ўқувчиларнинг ёш, индивидуал ва характер хусусиятларидир. С. Л. Рубинштейн ҳақли равишда ташқи сабаблар, таъсиротлар ички шароит орқали таъсир қиласи деган эди. Шу сабабли ўқитувчи таълим жараёнини ташкил қилишда уларнинг барча хусусиятларини эътиборга олиш билан бирга, ички ҳолатларини, конкрет, якка бола хусусиятларини ҳам назарда тутиши даркор.

Таълим жараёнида ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар шаклланиб боради. Педагогикадан маълумки, билим деганда инсоният томонидан эгалланган объектив, реал тушунчалар, фикр юритиш, қонун ва қоидалар тушунилади. Таълим орқали бериладиган билимлар илмий характер касб этган бўлиши шарт. Ўқувчилар онгига тўғри билимлар шакллантириш учун таълимда хусусийдан умумийга ўтиш принципи асосида иш юритилади. Билим билан малака узвий боғлиқдир. Болалар маълум билимлар асосида мисол, масала ечадилар, грамматик таҳжил қиласидар. Ақли заиф болаларда аналитик-синтетик фаолият стереотип мазмунда бўлганлиги учун улар кўп ҳолларда самарали фаолият усулларидан фойдалана олмайдилар. Бу камчиликларни бартараф этиш ҳам ёрдамчи мактаб таълимининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг билимларни эгаллашлари асосида кўникма ва малакалар шаклланиб боради ва ўқитувчи томонидан алоҳида эътиборни талаб этади. Ақли заиф болалардаги дунёқарашнинг жуда мураккаб ва динамик жараён бўлганлиги сабабли барча таълим босқичларида изчил иш олиб боришини талаб этади. Ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги янги билимлар, тажрибалар олдин эгалланган билимлар тизимига албатта таъсир этади. Янги билим, фактларни эгаллаб бориш асосида болаларда атроф-

муҳитга, бошқа кишиларга муносабати ўзгариб боради. Шу таҳлитда, таълим жараёнида ақли заиф болаларда уни ўраб олган муҳитга муносабатнинг динамик тизими таркиб топа боради. Билимларни эгаллаш, ўрганиш ўзига хос равишда бир неча босқич асосида юз беради.

Билишнинг биринчи босқичида нарса, воқеалар идрок этилиб, қисман тушунилади. Бу босқичда ёрдамчи мактаб ўқитувчисининг асосий вазифаси мумкин қадар болалар идрокини осонлаштирадиган ишлар қилиши лозим. Янги билимлар эгаллаш учун асос бўла оладиган нарса олдинги билимларнинг қанчалик мустаҳкам ўзлаштирилганлик даражасидир. Болаларнинг қизиқишилари, ўқув материалларини қанчалик тушунишлари уларнинг сезги ва идрок хусусиятларига боғлиқ. Бу омиллар улар билиш фаолиятларининг ўзига хослигидан ҳам келиб чиқади.

Ақли заифлик нуқсонида сезги ва идрок бирмунча сақланган руҳий жараёндир. Марказий асаб системасидаги органик жароҳатлар натижасида баъзан айрим анализаторлар ишида патологик ўзгаришлар кузатилилади. Ақли заиф болаларнинг сезги ва идрок хусусиятлари уларнинг тафаккури, нутқи ва бошқа психик жараёнларнинг ривожланмаганлиги билан яқин алоқада бўлади. Материалларни дастлабки идрок этиш асосида таққослаш, содда умумлаштиришлар амалга оширилади. Шу сабабли ўқитувчи ўқувчилар фаолиятини шундай ташкил этиши керакки, дастлабки идрок вақтида материаллар мазмунини улар тушунсинлар. Ўқитувчи саволлар орқали болаларнинг идрок, тушуниш даражаларини аниқлаб боради. Айрим ҳолларда ўқув материалларини эгаллашларида ифодалилик, ҳиссий кайфият ҳам катта роль ўйнайди. Шу асосда идрок этилган ўқув материаллари тушунила бошланади. Шу вақтдан бошлаб материални тўла тушуниш бошланади. Ўқувчилар айрим нарса, ҳолат, воқеаларни бошқалари билан таққослайдилар. Улар орасидаги боғлиқликни топадилар, таҳлил қиласидилар. Шулар асосида умумий хулоса чиқарадилар. Бу босқичда ўқитувчининг муҳим вазифаси мумкин қадар болаларнинг фикрлаш имкониятларини фаоллаштиришдан иборатдир. Бу босқич ўзининг мураккаблиги билан бошқа босқичлардан ажralиб туради. Чунки ақли заиф болалардаги асосий нуқсон тафаккурнинг ривожланмаганлигидир. Болаларнинг тасаввuri билимларни

эгаллашда сезги босқичидан тафаккур босқичига ўтадиган боғловчи кўприк бўлиб, болаларда тушунчалар, билимлар шаклланишида асос вазифасини бажаради. Ақли заиф болалар тасаввурининг юзакилиги, камбағаллиги, аниқ эмаслигини таълим жараёнида тузатиб бориш талаб этилади.

Ўқувчиларни кузатишга, асосий ғояни аниқлашга, таҳлил этишга ўргатиб боришимиз керак. Бу нарса болаларда атроф-муҳит ҳақида онгли билимлар шаклланишига ёрдам беради. Олигофренопсихологиядан маълумки, тафаккурнинг етарли ривожланмаганлиги ақли заифликнинг асосий белгисидир. Уларда кўргазма-ҳаракат, кўргазма-образ ва боғлиқли тафаккур турлари кўпроқ заарланган бўлади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари тафаккурининг асосий камчилиги умумлаштиришнинг заифлигидир. Тафаккурнинг юзакилиги, секинлиги, бўшлиги, секин ҳаракати, торлиги, танқидий эмаслиги, мустақил эмаслиги, мақсадга мувофиқлигининг бузилиши ҳам учраб туради. Таълимнинг мақсади ушбу камчиликларни тўғрилаб боришдан иборат.

Билим эгаллашдаги иккинчи босқич эгалланган билимларни кўникма, малакалар шаклида мустаҳкамлашдан иборат. Бу босқич ниҳоятда муҳим. Бу босқичда хотира жараёнининг аҳамияти катта. Чунки олинган билимлар хотирада сақланиши, керак бўлганда ишлатилиши мумкин. Эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш жараёнлари бузилганлиги сабабли, бу босқич ҳам тўғрилаш ишларини талаб этади. Ўқитувчи болалар томонидан эгалланган материалларни мустаҳкамлаш учун қайтариш, такрорлашнинг турли кўришиларидан фойдаланиши лозим. Учинчи босқичда эгалланган билим, кўникма ва малакалар янги шароитларда қўлланилади. Бу босқичда ўқитувчи болаларда янги, нотаниш ҳолат, шароитлардан қўрқмасдан ишлаш малакаларини шакллантириши керак. Олдин эгалланган билимлар умумлаштирилади.

Билимларни эгаллаш жараёнини таҳлил қилас эканмиз, билиш фаолиятининг тузилиш компонентлари ҳақида деярли тўхталмадик. Билиш фаолиятида қизиқишининг ўрни ниҳоятда катта, чунки қизиқишиз билимга онгли муносабатни шакллантириб бўлмайди. Ақли заиф болаларда билиш қизиқишиларини шакллантириш жуда қийин. Бунга юқори синфлардагина қис-

ман эришиш мумкин. Шунга қарамай, уларнинг қизиқишлари бир томонлама, юзаки ифодаланган бўлади. Бошланғич синфларда ўйин ва амалий ишлар уларда айниқса жонли қизиқиш ўйғотади.

Ақли заиф болалар диққатларининг тарқоқлиги уларнинг ҳаракатларида ҳам кўзга ташланади. Юқорида айтиб ўтилган барча нуқсонлар янги билимларни эгаллашда, қийинчиликка дуч келганда айниқса яққол намоён бўлади. Уларда ихтиёрий диққатни тарбиялаш ҳам мураккаб ишлардан саналади. Шу сабабли таълим жараёнларида уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга нисбатан алоҳида-алоҳида муомала ишларини амалга ошириш керак. Таълим жараёнида тузатиш-тарбиялаш ишларини амалга ошириш натижасида юқорида айтиб ўтилган билиш фаолиятларидаги нуқсонларни бартараф этиш мумкин. Ўқитувчи ишининг самарадорлиги ҳар бир конкрет ўқувчи ишининг самарадорлиги билан ўлчанади. Шу сабабли ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан ишлаш асосида бутун синф билан самарали ишлашга ўтади.

Савол ва топшириқлар

1. Олигофренопедагогика фани нимани ўрганади?
2. Ёрдамчи мактабларда таълимнинг қандай хусусиятлари бор?
3. Таълим, тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги нимада?
4. Таълим жараёнида ўқитувчининг бошқарувчилик роли қандай таъминланади?
5. Боланинг ривожланишида таълимнинг роли қандай?

6. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ҚУЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълим принциплари ўқитишнинг моҳиятини, таълимнинг барча томонлари: мазмуни, методлари, ташкилий шаклларини белгилаб берувчи дастлабки омилдир. Педагогикада таълим принциплари тарбия билан узвий диалектик боғлиқликда бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари хусусиятларини психология ва социология маълумотларига асосланиб ҳисобга олади.

Ёрдамчи мактабда ҳам таълим дидактик принциплар асосида олиб борилади. Педагогикада ишлаб чиқилган дидактик принциплар ёрдамчи мактабларда ақ-

ли заиф ўқувчиларнинг психофизик ривожланиш хусусиятларини назарда тутиб амалга оширилади. Ёрдамчи мактаблар ўқитиш дидактикасида асосан қўйидаги принциплар қўлланилади: таълимнинг тарбиявий характердалиги, фаоллик ва онглилиқ, илмийлик, тушунарлилик, системалик ва мунтазамлилик, кўргазмалилик, ўқувчиларга дифференциал муносабат, назариянинг ҳаёт билан боғлиқлиги.

Олигофрен болалар билиш фаолиятининг ўзига хослиги умумий дидактик принципларни ёрдамчи мактаб иш тажрибасига механик равишда олиб ўтилишини истисно этади. Умумтаълим принциплари ақли заиф болаларни ўқитиш масаласига татбиқ қилинган ҳолда амалга оширилади, ақли заиф болаларнинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни қонуниятларидан келиб чиқади.

Ақли заиф болаларни ўқитиш принципларини маҳсус дидактика белгилайди. У эса ёрдамчи мактабда умумий дидактик принципларни амалга оширишнинг хусусиятини асослаб беради.

Дидактик принциплар таълимнинг мақсадларидан келиб чиқади ва ўқув материялини ўзлаштиришнинг муайян қонуларини акс эттиради. Ана шу асосий қонулар дидактиканда таълим принциплари ёки дидактик принциплар деб аталади.

Ҳар бир принцип тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. Ёрдамчи мактабларда таълимнинг тарбияловчи характерда бўлиш принципи асосий, етакчи принциплардан саналади. Чунки ақли заиф болаларга билим бериш билан бирга, асосий эътибор уларда шахсий сифатларни шакллантиришга қаратилади.

Тарбияловчи таълим принциплари

Таълим тарбияловчи характерда бўлиши керак. Дидактиканинг биринчи талаби шундан иборат. Бу принцип дидактик принципларнинг бутун системасини бирлаштиради ва уларни мактабнинг асосий вазифаси — болаларни атрофлича тарбиялашнинг конкрет йўлини амалга оширишга йўналтиради. Бошқача айтганда, бу принцип мактабларда бутун таълимнинг ғоявий йўналишини белгилайди.

Ёрдамчи мактаб шароитида бу принцип қай даражада ва қайси йўллар билан амалга оширилиши мумкин?

Ёрдамчи мактаб тажрибаси, бу мактаб ўқувчила-рида меҳнатга тўғри муносабатни, ўқув ва меҳнат жа-моасида феъл-автор малакасини тарбиялаш ва шунинг асосида ватан олдидағи ўз бурчининг зарурий тасав-вурларини вужудга келтириш мумкинлигини ишонарли кўрсатди.

Ёрдамчи мактаб республикамизнинг ижтимоий ҳаёти билан турли йўллар орқали маҳкам боғланган, шунинг асосида ақли заиф ўқувчиларнинг тушунишлари мумкин бўлган ижтимоий фойдали тадбирларни уюстириш имкониятига эга. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари, масалан, жамоа хўжалигига ёрдам бериш ишларида: ҳо-силини йиғиштириш, ёш чорва молларини боқиш ва бошқа ишларда зўр қизиқиш билан қатнашадилар.

Мактабдаги болалар ташкилоти — мактабда ва синфда навбатчиликни муваффақиятли ташкил қилишади, болалар эрталиклари, турли йиғинлар ва бошқа шунга ухшаш тадбирларни уюстиради.

Болаларни атрофлича тарбиялашда, ўқув материали мазмунининг ғоявий йўналиши катта аҳамиятга эга. Ёрдамчи мактаб дастури ва дарсликлари у ёки бу ўқув материалининг тушунарли бўлишини албатта назарда тутади. Бироқ, ўқитувчи у ёки бу материални расмий равишда ўтиш йўлидан бормай, ўқувчилар материални қанчалик тушуниб етишларига эътибор бериши керак.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда меҳнат таълими мұхим омил ҳисобланади.

Болаларни ўқув устахоналарида ўқитиш жараёни-даёқ уларда меҳнатга ва жамоат мулкига нисбатан тўғри муносабат тарбияланади. Махсус ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги мактабни тугатиб кетгандаридан сўнг фабрика, завод, ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашиб, меҳнатга нисбатан ҳалол, жамоат мулкига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлар эканлар. Бу жуда мұхим, зеро ишлаб чиқариш меҳнатида қатнашиш таъсири остида бу ўқувчилар ўз ишларининг жамоат учун фойда келтиришини тушуна бошлайдилар ва бу уларнинг умумий камолотига са-марали таъсир этади.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактаб нуқсонли боланинг ақлий ривожланишини тўғрилайди, ўқувчиларнинг онтида, хулқида, иш фаолиятида шундай характер ву-жудга келтирадики, бу хусусиятлар ўқувчиларни жамият

учун фойдали фуқаролар бўлиб етишишларига ёрдам беради.

Ўқитишда билимларни пухта ўзлаштириш принципи

Таълим бериш билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлаши керак. Бу дидактик принципнинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар хотирада сақланиши лозим. Бу эса исталгандан бир пайтда хотирада сақланган билимлардан зарур маълумотлар олиш ва уларни ўзларининг ўқувва меҳнат фаолиятида қўллаш имкониятини беради.

Уtkазилган кўпдан-кўп кузатишлар ва тажрибалар (А. А. Смирнов, П. И. Зинченко) шуни кўrsатадики, эсда олиб қолиш бирон-бир фаолиятда рўй берган вақтлардагина энг самарали бўлади.

Махсус воситалар ва усусларни (материалнинг маъносига қараб гуруҳларга ажратиш, маъно жиҳатдан муҳим жойларни белгилаш, режа тузиш, эсга тушириш билан алмасиб турадиган унумли такрорлаш ва ҳоказо) қўлланган ҳолда, эсда олиб қолиш соҳасидаги махсус ташкилий фаолият бўлган ёдлаш катта аҳамиятга эга. А. А. Смирновнинг ўтказган тажрибалари шуни кўrsатадики, масалан, матнни тушиб чиқилган режка асосида ёдлаш режага асосланмаган ёдлашдан эсда олиб қолиш тезлиги жиҳатидан ҳам, эсда сақлашнинг мустаҳкамлиги жиҳатидан ҳам икки баравар самаралироқ экан.

Маълумки, ўқув материалини маъносига тушуниб эсда олиб қолиш фақат зарур бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга механик эсда олиб қолишдан беқиёс даражада самаралироқдир.

Шунинг учун ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг билимларини мустаҳкам ўзлаштиришга эришишнинг муҳим шарти ўқув материалини улар томонидан тушунишни таъминлаш ҳисобланади.

Бу принцип ўқувчилар билимларни онгли, тушунган ҳолда, системалаган билим, малака, кўникмаларни узоқ муддат эсда сақлашларини талаб қиласди.

Ўқувчилар материалини тугатилган, маъноли бўлакларга бўлиб, муҳимини ажратиб, тўғри ёдлашга ҳам ўргатилиши керак. Бунда ёрдамчи мактаб ўқувчилари-

нинг бир хусусиятини ҳисобга олиш лозим. Улар муҳими
мини ажратолмай, одатда бутун ўқув материалини сўз-
ма-сўз ёдлаб оладилар. Сўзма-сўз ёдлаш айрим ҳол-
ларда, масалан: таърифлар, ифодалар, шеър ва шунга
ўхшаш материалларни ёдлашда зарур. Бироқ, ўқув
материалининг катта қисми сўзма-сўз ёдлаб олишни
эмас, балки унинг маъносини ўз сўzlари билан түғри
айтиб беришни талаб қиласди. Бу жиҳатдан ёрдамчи
мактаб ўқувчилари доимий ёрдамга муҳтождирлар.

Ёрдамчи мактаб ўқитувчисининг ишида билимлар-
нинг мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлашда ўқув
материалини мустаҳкамлашга катта ўрин ажратилиши
керак.

К. Д. Ушинский бу борада шундай деган: «Мате-
риални ўз вақтида мустаҳкамламаган ўқитувчи, юкни
ёмон боғлаб аравани қувган аравакашга ўхшайди.
Орқасига қарамай, аравани қувиб манзилга етиб кел-
гач, аравада ҳеч нарса қолмаган бўлади. У эса узоқ
масофани босиб ўтганлигидан хурсанд бўлади. Ўқитув-
чи ҳам ўз вақтида материални мустаҳкамлаб бормаса,
фан ўқиб тутатилгач боланинг онгида ҳеч нарса қол-
маслиги мумкин».

Янги материал ўтилганда ўқувчиларга машқлар
бериб, уларнинг янги материални қандай тушунганил-
ларини аниқлаш мумкин.

Мустаҳкамлашнинг зарур шарти машқ қилиш бў-
либ, у қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим:
1) машқнинг мақсадини, қандай натижаларга эришиш
кераклигини аниқ билиш зарур;

2) бажаришнинг аниқлигини маҳсус кузатиш, агар
хатолар пайдо бўлса, улар мустаҳкамланиб қолмасли-
ги учун машқларнинг натижаларини кузатиш, ўз
ҳаракатларини намуна билан таққослаш, қандай мувваф-
фақиятларга эришиб бўлинганини англаш ва камчи-
ликларга барҳам бериш учун улардан қайсиларига диқ-
қатни қаратиш кераклигини билиб олиш зарур;

3) ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусият-
ларига боғлиқ бўлган машқлар сони малака ҳосил
қилиш учун етарли бўлиши лозим. Агар машқлар етар-
ли бўлмаса, малака мустаҳкамланмайди балки тез-
роқ барбод бўлади. Машқлар ҳаддан ташқари кўп
бўлса, одатда ўқувчилар бу машқларга салбий муно-
сабатда бўла бошлайдилар ва бу ҳол эътиборни пасай-

тиради, натижада малаканинг ҳосил бўлишига хала-
қит беради;

4) машқлар бир хилдаги ҳаракатларнинг тасодифий
йиғиндисидан иборат бўлмаслиги лозим. Бу машқлар-
га муайян система, уларнинг аниқ режалаштирилган
тўғри изчиллиги, хусусан уларни секин-аста мураккаб-
лашиб бориши асос қилиб олиниши керак;

5) машқлар бир қадар узоқ муддатга узилиб қол-
маслиги лозим, акс ҳолда малака секин ҳосил бўлади
ёки агар у мустаҳкамланмаган бўлса, тезда сусайиб
қолади, тормозланади, ҳатто умуман йўқолиб кетади.

Ўтилганларни такрорлашни тўғри ташкил қилиш
билим ва малакаларни мустаҳкамлаб ўзлаштиришга
эришишнинг жуда муҳим шарти ҳисобланади. Эсдан
чиқаришнинг олдини олиш мақсадида албатта систе-
мали равишда ўтилганларни такрорлаб туриш керак.

Шунинг учун ёрдамчи мактабда ҳар бир дарсда
дастурнинг мавзу бўлими тутагтилгандан сўнг, йилнинг
охирида такрорлаш олиб борилади. Келгуси синфда
ҳам ўқув йили бошидан олдинги синфда ўтилганлар
такрорланади.

Бироқ, ақли заиф болаларни ўқитишида муҳими фа-
қат ўтилганларни қайта-қайта такрорлаш эмас, балки
ӯтилган материал билан янги материал орасидаги
боғланишни ўқувчиларнинг тушунишларига ҳаракат
қилмоқ керак. Шу сабабли ўқитувчи янги материални
ўрганишга оид дарс режасини тузар экан, у албатта
боғланишни аниқлаш зарур бўлган ўтилган материални
такрорлашни ҳам назарда тутиши, уларнинг ўхшашлик
томони ва фарқини кўрсатиши зарур.

Такрорлашга қўйидаги талаблар қўйилади:

1) такрорлаш мақсадга мувофиқ бўлиши керак;
2) такрорлашда шундай объект, тажрибаларни кўр-
сатиш керакки, унда такрорланаётган билимлар, хусу-
сиятлар, маълумотлар янгидан намоён бўлсин;

3) такрорланаётган материалга шундай саволлар
киритиш лозимки, бу саволлар амалий масалаларни
ешишни талаб қилсин ва такрорланаётган материал-
нинг янги томонларини очиб берсин.

Ниҳоят, ўрганилаётган материалга нисбатан ўқув-
чиларда қизиқиш уйғотиш, билим, қўнікма ва малака-
ларни мустаҳкам ўзлаштиришга эришишнинг зарурий
шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, ўқитишида мустаҳкамлилик прин-

ципи дидактиканинг бутун принциплар системаси билан ўзаро боғлиқ бўлади ва ёрдамчи мактабнинг зарурый қисмини ташкил қиласди.

Ўқитишида мустақиллик принципи

Билим ва малакаларни онгли ўзлаштириш ўқувчиларнинг ўзидан маълум даражада мустақиллик ва фаолликни талаб қиласди. Шунга қарамай, ақли заиф ўқувчилар кўпинча юқори синфларда ҳам ҳатто содда саволларнинг ечимини тўғри танлашда қийналадилар.

Ёрдамчи мактаб болани ўқитишида дастлаб шундай шароит яратадики, бу вақтда ўқувчиларга доимо ҳар ерда ёрдам берилади. Қисқаси, ўқув топшириқларини бажаришдаги мустақиллик ўқувчилар томонидан анча чегараланган бўлади. Шунга қарамай болаларни қуий синфлардан бошлаб ишларни мустақил бажаришга одатлантироқ зарур. Бу мустақиллик дастлаб тўлиқ бўлмасин, бироқ ўқувчига ёрдамни уюштириш шундай бўлиши керакки, унда ишни мустақил бажаришга хоҳиш ва ўз кучига ишонч тарбиялансин.

Ўқувчи устидан ҳаддан ташқари узоқ ва доимий ҳомийлик унда ўзига ишонмаслиқ, журъатсизлик ҳиссини мустаҳкамлаши мумкин. Шунинг учун ақли заиф болалар билан ишлашнинг биринчи босқичида уларга мустақил бажариш учун етарли даражада тушунарли бўлган ёки арзимас ёрдам билан бажариладиган (ўқув қўлланмаларини тарқатиш, синфдаги гулларни парвариши қилиш, синфни тозалаш, мактаб ер участкасида ишлаш ва ҳоказо) унча мураккаб бўлмаган топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир.

Дастлаб ўқитувчи ўқувчиларга мустақил бажариш учун топшириқлар беришда бир томондан, ҳар бир топшириқнинг тушунарли бўлишини, иккинчи томондан, уларнинг мураккаблигини аста-секин орттириб боришини таъминловчи тартиби атрофлича ўйлаб қўради. Сўнгра болаларни навбатдаги топшириқни бажаришга тайёрлайдиган барча ишлар ўқитувчининг раҳбарлиги остида олиб борилади.

Ниҳоят, ўқитувчи конкрет вазифа билан бирга олиб бориладиган кўрсатма мазмунини, шаклини ўйлаб чиқади ва аниқлаб олади, ҳар бир ўқувчининг ишини кузатиб боради.

Ишда мустақилликни таркиб топтиришда оғзаки

кўрсатма беришнинг тўғри ва тушунарлилиги муҳим восита ҳисобланади. Ўқувчига топшириқ берибгина қолмай, бу вазифани қандай изчилликда бажариш кераклигини қайта-қайта такрорлаш ҳам керак.

Бу босқичнинг ҳаммасида болаларга мустақил иш учун бериладиган топшириққа асос қилиб олинадиган ўқув материалининг хусусиятини ва синф ўқувчилари илгари эгаллашлари керак бўлган билимлар заҳирасини эътиборга олибгина қолмай, балки ҳар бир ўқувчининг тайёргарлигидаги индивидуал фарқларни ҳам, ҳар бир боланинг руҳий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг раҳбарлиги ишнинг тайёргарлик босқичида унинг турли томонларини қамраб олиши керак, аммо охирги мақсад болаларни топшириқни ўқитувчининг бевосита ёрдамисиз тамомила мустақил бажаришга тайёрлашдан иборат бўлиши лозим.

Ўқувчилар мустақил ишининг асосий хусусияти шундан иборатки, бундай иш жараёнида ўқувчи бирор вақт оралиғида ўзи одатланиб қолган ўқитувчи томонидан бериладиган ёрдамдан маҳрум бўлиб, ўз олдинга қўйилгай вазифа билан яккана-якка қолади. Топшириқни бажаришда ўқувчи ўз кучини синаб кўриши ва ўз билимларига, маҳоратига, малакасига, зийраклигига суюниб, уни ечиш йўлини топиши ва ечишни кутилган натижага олиб келиши керак.

Янги мавзу ўтилганда ўқувчиларга машқлар бериб, янги материални улар қандай тушунганликларини аниқлаб олиш мумкин, сўнгра билимни қўлланишга доир вазифа бериб, ўқувчиларда тегишли маҳорат ҳосил бўлганми-йўқми текшириб кўриш лозим.

Бу иш тизимида хато қилиб қўйиш эҳтимоли туғилиши биланоқ ўқувчининг ишини тўхтатиш, хатонинг юз бериш эҳтимолига қарши ҳамиша ва ҳамма ҳолларда ўқитувчи томонидан чора кўрилиши, олди олиниши муҳим омил ҳисобланади.

Билим ва малакаларни ўзлаштиришда онглилик уларни амалий фаолиятда актив қўллаш кўнинмасини назарда тутади. Маълумки, ақли заиф ўқувчилар, бир томондан, мактабда олган билимларини кўпинча тезда эсдан чиқарсалар, иккинчи томондан улардан фойдаланишда қийналадилар. Масалан, ўқувчилар синфда етарли даражада саводли баён ёзишлари, бироқ

ўртоқларига хат ёки ишга қабул қилиш ҳақида ариза ёзишда мутлақо саводсиз ёзишлари мумкин. Ақли заиф болаларнинг бу хусусиятларини йўқотиш учун мактаб таълимни шундай уюштирадики, билим ва малакаларни амалий фаолиятда қўллашлари учун ўқувчиларни етарли машқлар билан таъминлайди.

Она тили ва математика дастурларида ишга оид хат, тортиш, ўлчаш, турли савдога оид ҳисоблашлар ва ҳоказо машқлар кўзда тутилган. Бу машқлар билим ва малакаларни бирмунча онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришни таъминлайди.

Ўқувчилар билимларининг қўлланишини тўғри ташкил қилиш уларда мустақил, унумли фикрлаш маҳорати ҳосил қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Билимларнинг қўлланиши ўқитиш натижасига ижобий таъсир этувчи муҳим бир омилни таъминлайди, яъни ўқитувчининг ўқув материалини қандай ўзлаштираётганини доимо назорат қилиб туришига имконият вужудга келтиради.

Ўқитишда тушунарлилик принципи

Бу принципнинг моҳияти шундан иборатки, таълимнинг мазмуни, ҳажми ҳамда усуллари болаларнинг ёши ва ақлий ривожланишига, уларнинг билими савиясига тўғри келиши керак.

Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга берилаётган ҳамма материал улар учун тушунарли ва уларнинг кучи етадиган бўлиши лозим. Фақат шу ҳолдагина материал онгли равища ўзлаштирилиши мумкин.

Ўқувчиларнинг тушунишлари учун қийин материал нари борса улар томонидан механик тарзда ёдлаб олиниши мумкин. Бу нарса болани ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришда фойдали натижалар бермаслиги билан бир қаторда, аксинча, катта зарар келтиради, яъни материалнинг маъносига тушунмаган ҳолда уни эсда сақлаш одатини тарбиялайди.

Ердамчи мактабда ўқув материалининг тушунарлилигига амал қилиш айниқса муҳим. Шунинг учун ёрдамчи мактаб таълим мазмунини акс эттирувчи дастур ва дарсликларда бу дидактик қоидалар ўз аксини топган.

Берилган билимларни тушунмаслик ўқувчиларнинг унга бўлган қизиқишини пасайтиради, кўпинча шу

ўқув фанигагина эмас, балки умуман ўқишига нисбатан ҳам салбий муносабатда бўлишга олиб келади. Одатда, оммавий мактабда узоқ вақт бўлган ақли заиф ўқувчида шундай **ҳол** юз беради.

Маълумки, оммавий мактабда **ҳар** бир синф бир хил ёшга эга бўлган ўқувчилар билан, яъни ўқув материалини ўзлаштиришда тахминан бир хил имкониятга эга бўлган болалар билан бутланган бўлади.

Ақли заиф болага таълим беришда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва тушунарлилик принципини амалга ошириш анча бошқача юз беради.

Энг аввало ақли заифлик шакли ва даражасига қараб фарқ қилиниши туфайли бир синфнинг ўзида ёши ҳар хил бўлган ўқувчилар бўлиши мумкин. Ёши ҳар хил бўлган ўқувчилар билим ва малакаларни ўзлаштиришда тахминан бир хил имкониятларига эга бўладилар. Демак, ёрдамчи мактаб синфларини бутлашда болаларнинг ёшига аниқ риоя қилиш амалда мумкин бўлмайди.

Сўнгра, ҳар бир синфда шундай болалар борки, уларда ақли заифлик турли сабаблар орқали келиб чиқсан бўлиб, ўзига хос типологик хусусиятларга эга. Ёрдамчи мактабдаги таълим жараёнида шу типологик хусусиятларни ҳисобга олиш ўқитувчи ишида мажбурий талаблардан биридир.

Кейинги вақтларда ёрдамчи мактабларда ақли заифлик даражаси анча оғирроқ бўлган болалар учун алоҳида маҳсус синфлар ташкил қилинган. Бу синфларда билим ва малакалар ҳажми ҳамда ўқитиш тезлиги ёрдамчи мактабнинг одатдаги синфларига қараганда бирмунча пасайтирилган, осонлаштирилган бўлади.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактаб ақли заиф болаларга таълим беришда фақат уларнинг ёшини эмас, балки типологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Ўқитувчи ўқув материалини танлаганда унинг болаларга тушунарли бўлишига алоҳида эътибор бериши керак. Бундан берилаётган материал ниҳоятда содда бўлиши керак деган хулоса чиқарилмайди. Болалар учун тушунарли бўлган янги билимларни ўзлаштириш ва малакаларни вужудга келтириш ҳам айрим қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади.

Ўзлаштиришда ўқувчи қийинчиликларга дуч кели-

ши зарур. Таълим жараёнида қийинчиллик билан тўқнашиш, уни енгиш, педагогик жараённинг асосий рафбатлантирувчи омили бўлиб хизмат қиласди.

Таълим жараёнида педагог шуни эътиборга олиши муҳимки, болалар ўзларига таклиф қилинган баъзи вазифаларни тамомила мустақил суратда бажара оладилар, бунда улар психологик жиҳатдан ривожланиб боришнинг шу пайтгача эришилган даражасига, амалий тажриба, малака ва кўнкималарга таянадилар. Шу билан бирга бирор мураккаброқ топшириқни мустақил суратда эплай олмаган бола уни педагог ёрдамида (унинг қўшимча тушунтириши, кўрсатиши, ёрдамчи саволлар бериши ва ҳоказо йўл билан) бажара олади. Бу ҳол бола имкониятининг гўёки иккиламчи даражаси бўлиб, психологияда «энг яқин камол топиш зонаси» деб аталади. Шу сабабли таълим жараёни фаол камол топиш даражасигагина, яъни шу пайтгача таркиб топган психик функцияларгагина таяниб қолмай, балки боланинг потенциал имкониятларига, таркиб топаётган функцияларига, яъни «энг яқин камол топиш зонаси»га ҳам таяниши лозим.

Таълимда учрайдиган қийинчилкларни четлаб ўтиш эмас, балки ўқувчи имкони борича, бу қийинчилкларни ўқитувчи раҳбарлигига енгиб бориши керак.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактаб таълимида тушунарлилик принципини амалга оширишда ўқитувчидан ўқувчиларнинг ёши, типологик ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Ўқитишда онглилик ва фаоллик принципи

Ўқитишда онглилик ва фаоллик принципи дидактикалининг жуда муҳим принципи ҳисобланади. Бу принципнинг моҳияти қўйидагилардан иборат: таълим ўқув материалини ўқувчиларнинг тўлиқ тушунишларини таъминлаши керак, ўқувчиларда ўқишга нисбатан онгли муносабатни тарбиялаши керак, фикрлашда ижод ва мустақилликни ҳамда ўзлаштирилган билим, малакаларни амалий фаoliyатда фаол ишлатиш кўнкимасини ривожлантирмоғи керак.

Ёрдамчи мактаб шароитида бу принципни амалга оширишда ўқитувчи бир қатор қийинчилкларга дучкелади. Ақли заиф ўқувчилар билан тегишли тарбиявий иш олиб борилмаса, уларда ўқишга нисбатан қизи-

қиши пайдо бўлмайди. Бу нарса кўпинча оммавий мактаб шароитида ўқишда муваффақиятсизликка учраши натижасида бўлади, бунинг устига ўқишга нисбатан салбий муносабат озми-кўпми янги шароитда ҳам бир-мунча вақтгача сақланиши мумкин.

Ақли заиф болаларда ўқишнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниши қийинлашган бўлиб, анча кеч ҳосил бўлади. Бундан мутлақо аниқки, таълимда онглилик принципини амалга оширишда ўқитувчининг бирдан-бир вазифаси, ақли заиф болаларда ўқув ишига тўғри муносабатни тарбиялашдан иборат бўлади.

Ақли заиф бола ўзи учун енгилроқ бўлган таълим олиш шароитида ўқув материалини тушуниши биланоқ ўқишда шубҳасиз муваффақиятлар пайдо бўла бошлиди ва бу муваффақиятлар таъсири остида ундаги ўқишга бўлган салбий муносабат тез фурсатда йўқотилади.

Ўқувчиларнинг ўқишга муносабати уларнинг ўқишга диққат-эътибор беришида, унга қизиқишида, қийинчиликларни бартараф қилиш учун ирода кучини сарфлашга тайёр эканлигига ифодаланади. Бундан ташқари, ўқишга ижобий муносабатда бўлиш ўқувчига ўрганаётган материалнинг аҳамияти қанчалик тушунарли эканлигига, бу материал ўқувчи қизиқишиларнинг ўқишдан ташқари соҳаси билан қанчалик боғлиқлигига, ўқитувчи материални қанчалик аниқ ва тушунарли қилиб баён этишига, ўқитиш усулларининг қанчалик хилма-хил эканлигига боғлиқдир.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларида ўқишга мумкин қадар эртароқ қизиқиш уйғотиш керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўқув материалини тулиқ тушуниб ўзлаштиришлари талаб қилинади. Бу жиҳатдан ёрдамчи мактаб ўқитувчиси айрим қийинчиликларга дуч келади. Чунки, дебил болалар учун ақлий етишмовчилик характерлидир. Бу ҳол уларда мавҳум умумлаштиришга, атроф-муҳитдаги нарсалар билан воқеалар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликни белгилай олмасликка, таҳлил ва тасниф қилишга қобилият йўқлигига ифодаланади.

Маълумки, ўқув материалининг маъносига тушуниб эсда олиб қолиш фақат зарур бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга механик эсда олиб қолишдан бекиёс дарражада самаралироқдир. Ўқувчи улғайиб боргани сари унинг ақлий фаолиятида маъносига тушуниб эсда олиб қолиш тобора катта роль ўйнайди.

Бизнинг олигофренопедагогикамиз ақли заиф болалар билиш фаолиятининг ривожланишини тұхтатувчи расмий машқ қылдириш асосида үқитиш ғоясини кескин рад қылди ва таълимнинг онглилик принципиға амал қилиш мақсадга мувофиқлигини ва мумкинлигиди ишбот этди.

Шунинг учун ақли заиф боланинг мактабга биринчи келган кунидан бошлаб ақлий ривожланишини таъминлаш керак. Бунга эришиш учун ёрдамчи мактабда ҳар қандай фанни үқитиш шундай тузилиши керакки, үқувчиларга айрим билим ва малакаларни берибина қолмай, уларнинг ақлий камчиликларини ҳам тұғрилаши лозим. Бунда боланинг таҳлил ва тасниф қилиш қобилиятини аста-секин вүжудға көлтирувчи педагогик усулдар бениҳоят мұхым ақамиятга әга.

Үқувчи бирор умумий қоиданы, кузатилған фактларни ва ҳодисаларни таққослаш ҳамда улардаги үхашашлик ва фарқларни юзага чиқариш туфайли үзлаштиради.

Таққослаш ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Үқишиш ва үрганишдаги муваффақият күп жиҳатдан үқувчиларда таққослаш, яғни үхашашлик ва фарқни күра билиш малакасининг пайдо бұлғанлығига боғлиқдир.

Психологларимиз үқувчиларнинг билиш фаолигини ошириши учун таққослашнинг (қиёслаш ва қарама-қарши қўйишнинг) ролини батағсил аниқлаб чиқдилар. Бу усул умумлаштирувчи тафаккур учун ғоят са-маралидир. Шу сабабли «фарқини топ» мазмунидаги топшириқлар дарсларда кенг қўлланиши лозим.

Үқувчи баён қилинаётган янги материални пассив ҳолда идрок қилмасдан, балки фаол ёндашган ҳолдағина берилған билимни тұла, онгли равища үзлаштириши мумкин. Масалан, бирор арифметик қонунни—қўшишнинг ўрин алмаштириш қонунини умумлаштиришда үқувчи қўшишга доир мисоллар ечиб, қўшилувчиларнинг ўрнини алмаштиришдан йиғиндининг үзгармаслигини ўзи топса, шундагина умумлаштиришни онгли равища үзлаштирган бўлади.

Фаоллик фақат фикрлаш жараёнига (ўқувчидан тушунчалар ва қонунларни үзлаштириш талаб қилинганда) ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки эсда қолдириш жараёнига ҳам таъсир этади, эслаб қолишиш қобилиятини оширади, унумли эсда қолдиришга ёрдам беради.

Ақли заиф ўқувчи ўқиш жараёнида актив бўлиши учун биринчидан, унга ўқиш ишида мустақиллик кўрсатиш учун кенг имконият бериш, иккинчидан, уни унумли усул билан мустақил ишлашга ўргатиш, учинчидан, унда мустақилликка интилишни ўйғотиш керак, бунинг учун унда тегишли ички-интилиш вужудга келтириш, яъни берилган вазифаларни ечишга мустақил, ижодий тарзда ҳаракат қилишини ҳаётий муҳим вазифага айлантириш лозим.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, таълимда онглилик ва фаоллик принципи ақли заиф боладаги нуқсонларни тузатишда ёрдамчи мактаб таълимининг зарурый шарти ҳисобланади.

Фронтал ишга дифференциациялашган ва индивидуал ёндашишни бирга қўшиб олиб бориш принципи

Ёрдамчи мактабда ўқув материалининг тушунарлиги, ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари билан ҳам белгиланади. Ёрдамчи мактаб ўқитувчисига маълумки, боланинг дебиллиги (ёрдамчи мактаб болалар таркибининг асосий қисми) бола ўқув имкониятларининг кўрсаткичи ҳисобланмайди. Бу ҳолда ҳам у озми ёки кўпми орқада қолиши мумкин. Бу ҳол ҳиссий-иродавий соҳанинг турли ҳамчилклари, жисмоний етишмовчиликлар ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактабда бир синфнинг ўзида бир-биридан кескин фарқ қилувчи ўқувчилар учрайди. Улардан баъзилари ўқув материалини осон, баъзилари эса жуда қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Ўқиш жараёнида баъзилари жуда фаол, баъзилари пассив бўлади ва ҳоказо. Бунинг ҳаммаси бир хил диагнозга эга бўлган болаларнинг ўқув материалини тушунишида фарқ бўлишига сабаб бўлади.

Ўқиш жараёнида намоён бўладиган ўқувчиларнинг индивидуал-психофизик фарқларини ҳисобга олганда гина, ўқитишда юқори натижаларга эришиш мумкин.

Индивидуал ёндашиш ўқитишнинг барча босқичларида: янги материални ўтишда, мустақил машқларни ташкил этишда, ўқувчилардан сўрашда ва уй вазифаларини топширишда мунтазам равишида олиб борилганда гина самарали бўлиши мумкин.

Таълимда индивидуал ёндашишнинг маъноси шуки, у ўқувчининг индивидуал-психологик хусусиятларига таянади, ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда иш кўрилади. Шу нуқтаи назардан синфдаги оддий таълим қандай рўй беришини қараб чиқамиз. Ердамчи мактабларнинг синфлари, юқорида айтиб ўтилганидек, тайёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириши турлича, ўқишга муносабати ҳар хил, қизиқишлари хилма-хил бўлган ўқувчилардан ташкил топади. Ўқитувчи анъанавий ташкил этилган таълим шароитида ҳаммага бир хилда баравар билим бера олмайди. Шунинг учун, ўқитувчи таълимни ўртacha даражага, ўртacha ривожланишга, ўртacha тайёргарликка, ўртacha ўзлаштиришга эга бўлган болага мўлжалланган ҳолда олиб боришга мажбур бўлади. Бу нарса муқаррар ра-вишда «кучли» ўқувчилар ўз ривожланишида сунъий равишида ушлаб турилади, ўқишга қизиқишлари қолмайди, ўқиш улардан унчалик кўп ақлий куч сарфлашни талаб қилмайди, «кучсиз» ўқувчилар эса, сурункасига орқада қолишга мубтало бўладилар, улар ҳам ўқишга қизиқмай қўядилар, ўқиш улар имкониятларидан ортиқроқ ақлий куч сарфлашни талаб қиласди. «Ўртacha» даражага кирувчилар ҳам ҳар хил бўладилар, уларнинг қизиқиши ва майллари турлича, идроқ, хотира, хаёл ва тафаккур хусусиятлари хилма-хил бўлади.

Дарсни режалаштиришда ўқитувчи ҳар бир болани алоҳида ўйлаши, унинг ривожланишнинг умумий қонуниятларидан четга чиқиш сабабини, унинг билим, қўникма ва малакалар ҳолатини, ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган қийинчиликларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабини билиши керак.

Ақли заиф ўқувчилар ўртасида кўпинча руҳан эзилган болалар учрайдилар. Улар қийинчилик билан ишга киришадилар, вазифани жуда секин бажарадилар, ташаббускорлик кўрсатмайдилар, айрим ҳолларда умуман ўқув жараёнидан четда қоладилар. Буларга нисбатан энг муҳими—уларни «тормоз» ҳолатидан бушташтиш», тез-тез савол ва вазифалар бериб уларга мурожаат қилиб туриш керак.

Айрим ўқувчиларда фаолият жараёни жуда суст бўлиб, улар ишда қийинчиликка дуч келадилар. Шунинг учун бундай болаларга қийинроқ вазифаларни бериб

бўлмайди, уларга ўз вақтида тегишли ёрдам бериб турниш керак.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари ўртасида ҳаддан ташкари ҳаракатчан болалар ҳам учрайдилар. Агар ўқитувчи ўртага савол ташласа, улар шу заҳотиёқ, ўйламай жавоб берадилар. Бу болалар билан олиб бориладиган асосий иш — уларнинг шошма-шошарлигининг олдини олиш, уларда ўйлаб жавоб бериш малакасини шакллантиришдан иборатdir. Бундай ўқувчилар билан индивидуал ишлашда жуда хотиржамлик, чидамли бўлишга амал қилиш лозим.

Ўқувчиларга индивидуал ёндашиш принципи фақат психофизик ривожланишдаги камчиликларни ҳисобга олибгина қолмай, балки нуқсонни муваффақиятли равишда тузатиш учун уларнинг ижобий сифатларини ҳам ҳисобга олишни талаб қиласди, бу сифатларга таяниш мумкин ва таяниш лозим. Масалан, айрим ўқувчиларда билиш имкониятларининг даражаси умуман пасайган бўлишига қарамай, тиришқоқлиги, ўқишни хоҳлаши, меҳнатсеварлиги уларнинг бу камчилигининг ўрнини босиши мумкин. Бу, албатта, уларда йўқ сифатларнинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Бундай ўқувчилар билан ишлашда уларнинг ана шу кучли томонларига таяниш лозим. Бу ижобий сифатлардан ўқитувчининг мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиши бу болаларнинг ўқишини анча енгиллаштиради.

Бошқа ўқувчиларда аксинча, ўзлаштириш хусусияти бирмунча жонлироқ бўлиб, аммо уюшқоқсизлиги, интизомсизлиги, ўқишни хоҳламаслиги туфайли уларни ўқитиш анча қийин бўлади.

Бу ўқувчилар билан олиб бориладиган ишнинг характерли хусусияти — улар психикасининг ожиз томонларига пассивлик билан мослашиш эмас, балки уларни максимал даражада ривожланириш учун уларнинг ақлий ривожланишига фаол таъсир кўрсатиш керак.

Ёрдамчи мактабда ўқитувчи баъзан мутлақо ўқишини (алексия), ёзишни (аграфия) ва ҳисобни (акалькулия) билмайдиган болаларга дуч келиши мумкин. Бу болалар бошқа ҳамма фанлардан ўзлаштирасаларда, аммо ёзишни ёки ўқишни, ёки ҳисоблашни ўрганиб ололмайдилар. Улар, албатта, индивидуал ёндашишга муҳтоҷ бўлиб, алоҳида тузилган режа асосида ўқитилишлари керак.

Бу ўқувчилар билан ишлашда ўқувчининг ўз кучига

ишониши, ўз имкониятлари ва қобилиятига ишонч билан қараси муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, улар билан ишлашни шундай ташкил этиш муҳимки, у ўзининг илгарилаб бораётганлигини ҳис қиласин. Уларга дастлабки муввафқиятларнинг қувончини ҳис этиш имкони берилиши керак. Ўқитувчи ўқувчининг (дастлабки пайтларида) гарчи оз бўлса ҳам, эришган муввафқиятларини таъкидлаши, унинг диққат-эътиборини (ҳали оз бўлса ҳам) эришган айрим ютуқларига қаратиш учун ҳар бир имкониятдан фойдалангани яхшироқдир.

Индивидуал ёндашишнинг асосий мақсадларидан бири — ҳар бир болани узоқ муддатли фронтал ишда муввафқиятли қатнашишга тайёрлашдир.

Лекин фронтал иш, албатта, ўқувчиларга алоҳида алоҳида ёндашиш билан бирга олиб борилиши керак.

Ёрдамчи мактаб дастури ўқувчилар таркибини ҳисобга олган ҳолда дифференциациялашган ёндашишини назарда тутади, бироқ улар ўқитувчини ҳар бир ўқувчи билан алоҳида конкрет ишлаш йўлини белгилаб беролмайди. Ёрдамчи мактабнинг ўзига хослиги шундан иборатки, дарсни режалаштиришда ўқитувчига ҳар бир ўқувчининг хусусиятларини ҳисобга олиш учун кенг имконият берилади.

Дифференциациялашган ёндашиш ўқувчиларнинг умумий гуруҳларга оид хусусиятларига (уларнинг билиш фаолиятининг хусусиятига, дастур материалини ўзлаштириш савиясига, мустақиллик даражасига, иш қобилиятига) қараб юқори, ўртacha ва паст гуруҳларга шартли равишда бўлишни, яъни синф ичидаги дифференциациялаштиришни мўлжаллайди. Шу хусусиятларга асосланган ҳолда ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун махсус вазифалар танлади.

Ўқувчилар гуруҳи уч хил вариандаги топшириқ устида ишлаб, кучи етган даражада билим, кўнинма ва малакага эга бўладилар. Гуруҳдаги иш барча синф билан бажариладиган фронтал иш билан биргаликда олиб борилади.

Ишни шундай ташкил этганда ўқувчиларнинг мунтазам ўсиши, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга — кучсизроқ гуруҳдан кучлироқ гуруҳга ўтишлари учун оптималь шароит туғилади.

Ишнинг бундай тизимининг тарбиявий томони жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўқув материалыни бўш ўзлаш-

тирувчи ўқувчилар ўз кучларига қараб топшириқ олганлари туфайли, юқори баҳо олиш имкониятига эга бўладилар, бу эса уларнинг ўқиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, янада яхши ўқиш ҳиссини ўйғотади.

Дифференциациялашган ёндашиб бир томондан ўқитувчининг мақсадга мувофиқ ишлаши учун зарур бўлса, иккинчи томондан ҳар бир ўқитувчининг билиш имкониятларидан оптимал равишда фойдаланиш ва уларни ривожлантириш учун зарурдир.

Илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принциплари

Дидактикада бу принципнинг моҳияти қўйидагилар билан аниқланади: мактабда ўқувчиларга бериладиган ҳамма билимлар замонавий фан савиясига мувофиқ равишда, муайян тизимда ва изчилликда ҳар бир фан ичида ва имкони борича айрим фанлар ўртасида ўзаро боғланиш сақланган ҳолда берилади.

Ёрдамчи мактабнинг хусусияти шундан иборатки, ўқувчилар мактабда таълим олиш даврида энг оддий билимлар ҳажмига эга бўладилар. Бироқ, билимларнинг оддийлиги уларнинг илмий бўлиши шарт эмас, деган маънони билдирамайди. Ўқувчиларда дунёқараши тўғри шакллантириш керак.

Ёрдамчи мактаб шароитида тизимлилик ва изчиллик принципини амалга ошириш катта аҳамиятга эга, чунки ақли заиф болалар нормал камол топиб бораётган ўз тенгдошларидан теварак-атрофдаги ҳаётий ҳодиса ва нарсалар устида камроқ тушунча ва тасаввурлар заҳирасига эгалар. Уларда эгалланган билимларни умумлаштириш ва тўзимга солиш қобилияти бирмунча ёмонроқ ривожланган. Ҳосил қилинаётган билимлар узуқ-юлуқ ўзлаштирилиши билан характерланади. Улар эгаллаган билимлар билан янгидан эгалланаётган билимлар ўртасидаги боғланишни аниқлашда анча қийналадилар.

Ўқитувчи олигофрен боланинг билиш фаолиятидаги бу хусусиятни ҳисобга олиб, ўқув материалини таснифлаши ва тизимга солиши керак, ўқув матэриалини танлаш ва ундан фойдаланиш тартиби ўқитилаётган фаннинг мазмунига мувофиқ бўлиши лозим.

Ёрдамчи мактабда илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принципини амалга оширишда муайян шартлар-

га амал қилиш зарур. Буларнинг биринчиси ўқувчиларда тасаввур ва тушунчаларни вужудга келтириш, уларда мактабгача ҳосил қилинган ноаниқ ва нотўғри тасаввур ва тушунчаларни тузатиш ҳисобланади.

Иккинчи шарти — билимларни ўзлаштириш, мактаб ўқувчиларининг амалий фаолияти билан боғланган бўлиши керак.

Ҳар қандай илмий билимлар бир текисда тузилган тизимни ташкил қиласди. Шунинг учун таълимда илмийлик принципи тизимлилик билан маҳкам боғлангандир. Ёрдамчи мактаб ҳам болаларни ўқитиш жараёнини айрим фанлардан билимлар тизимини уларга маълум қилиш асосида тузади. Масалан, математика ёки она тили, табиатшуносликдан ўқувчиларга берилаётган билимлар ҳар бир фан ичидаги маълум даражада энг оддий тушунчалар тизимиға мантиқий боғланган. Таълим беришда тизимлилик билимларни ўзлаштиришда муайян изчилликни, илгари ўзлаштирилган материал билан ўзлаштирилаётган материал ўртасидаги боғланнишни талаб қиласди. Педагогика курсидан маълумки, ўқитувчи ишида тизимлилик ва изчиллик қўйидаги қоидалар: конкретдан абстрактга, оддийдан мураккабга ва маълумдан номаълумга томон бориш билан ўниқланади.

Билимларни ўзлаштириш ва малакалар ҳосил қилинда улардан мураккаброқларини ўзлаштириш учун уларнинг асосини ташкил этувчи янада соддароқ билимларни эгаллаш талаб қилинади.

Билимларни бир текисда орттириш ва чуқурлаштириш, нуқсонли болаларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш мақсадида материал ўқув йилларига қатъий тақсимланади. Бунда янги материални тушуништиришда ўқувчилар кўрган, эшитган, билганларига асосланмоқ зарур.

Иккинчидан, ақли заиф ўқувчиларда муайян тушунча, малакаларни тўғри ташкил топтириш учун материал ва вазифаларни шундай танлаш лозимки, бутушунча, малакаларнинг ҳамма асосий элементларини олдин ишлаб чиқиш мумкин бўлсайн (масалан, 2 рақамини ёзишга ўргатишдан олдин бу рақамнинг элементлари ўрганилади).

Ўқитишида кўргазмалилик принципи

Таълимда кўргазмалилик принципидан тўғри фойдаланиш билим ва малакаларни мустаҳкам ва онгли ўзлаштириш шартларидан ҳисобланади. Ёрдамчи мактабларнинг асосий вазифаларидан бири борлиқни билишнинг биринчи поғонаси бўлган болалар сезги тажрибаларини вужудга келтиришdir.

Кўргазмалилик принципи ёрдамчи мактабда қўлланниши жиҳатидан жуда ҳам қимматли ва ўзига хос принциплардан ҳисобланади.

Мантиқий-абстракт умумлаштириш ҳақиқатни ҳиссий идрок қилишдан бошланади. Боланинг ҳиссий тажрибаси уни ўқитиши асосида ётади. Бола томонидан ҳақиқатни билишнинг биринчи босқичи унинг ҳиссий тажрибасини тўғри уюштиришдан иборатdir.

Олигофрен бола ўз нормал тенгдошидан таълим олишдаги характерли қийинчилклари билангина эмас, теварак-атроф дунё ҳақидаги тасаввурлари, уни идрок этиш хусусиятлари билан ҳам фарқ қиласди.

Олигофрен бола мактабда таълим ола бошлаган пайтда теварак-атрофдаги нарса ва воқеалар ҳақидаги билим ва тасаввурлари ниҳоятда камбағал ва тор доирада бўлади. Мактабнинг вазифаси болаларнинг тушунишлари осон бўлган нарса ва воқеалар билан бевосита таништириш орқали уларнинг тасаввурлар заҳирасини ҳар тарафлама кенгайтиришdir.

Бунда болаларни атроф олам ва одамларнинг ҳаёти билан таништириш учун уюштирилган саёҳатлар ва ёрдамчи мактабнинг қуий синфлари учун назарда тутилган фан дарслари тизими катта аҳамиятга эга. Бу дарсларда теварак-атрофдаги нарсалар ҳақида болаларда тўғри, умумлаштирилган тасаввурлар вужудга келади.

Шуни назарда тутиш керакки, ақли заиф болалар айниқса, кичик ёшдагилар мураккаб, реал нарсаларни идрок қилишда уларни мустақил равишда қисмларга ажратиш қобилиятига эга эмаслар. Масалан, қуш суратини муҳокама қилаётib, бола ундан қисмларни (боши, қанотлари, ранги, тумшуғининг хусусияти ва ҳоказоларни) ажратолмайди. Шунинг учун ўқитувчи боланинг идрок қилишини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириши, идрок қилинаётган объектдан қисмларини

ажратишда, таққослашда, тасвиirlашда ва ҳоказода унга ёрдам бериши керак.

Ақли заиф болаларни ўқитишда кўргазмалилик принципини амалга оширишнинг кейинги босқичи конкрет тафаккурдан мавҳум тафаккурга тўғри ўтказиш йўлини топиш ҳисобланади. Бу масала ўқувчиларда нутқни ўстириш масаласи билан бевосита боғланган. Болада тафаккурнинг меъёрида ривожланиши учун нарса ва ҳодисаларнинг кўргазмали тасвиirlаридан ташқари, унинг онгига ҳиссий идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини ўзида акс эттирадиган атамалар, сўз, жумлаларнинг мавжуд бўлиши зарур. Факат тил кишига конкрет тафаккурдан мантиқий мавҳум тафаккурга ўтишга имкон беради. Кўп ҳолларда кўргазмалилик тафаккурнинг таянчи вазифасини ўтайди.

Кўргазмалардан фойдаланиб, мактаб бир томондан ўқувчиларда теварак-атрофдаги дунё ҳақида аниқ тасаввурларни вужудга келтиришни таъминлаб борса, иккинчи томондан, мактаб болаларни реал дунёда кузатилаётган алоқа ва муносабатларни ифодалаш учун тил воситалари (сўз, жумлалар ва ҳоказолар)дан тўғри фойдаланишга ургатиши керак.

Буларнинг ҳаммаси ақли заиф бола нутқи ва тафаккурнинг яхши ривожланишини таъминлаш учун уни ўқитишда кўргазмалилик ва сўз воситаларидан ҳар бир дарс, ҳар бир ўқув машғулотида мақсадга мувофиқ равишда қандай фойдаланиш кераклигини синчиклаб ўйлаб кўришга ёрдамчи мактаб ўқитувчисини мажбур этади.

Демак, таълим беришда кўргазмалилик ўқув материалини мустаҳкам ва онгли ўзлаштириш шартларидан бири, ўқувчиларнинг нутқи ва тафаккурини тузатиш зарурий шарт ҳисобланади.

Ёрдамчи мактаб таълимида кўргазмалилик воситаларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда, яъни уларни ортиқча қўллаш фойдасиз бўлибгина қолмай, зарарли эканлигини ҳам эсда тутиш керак. Мактаб тажрибасида кўргазмали қуроллардан нотўғри фойдаланиш фактларини учратиб турдимиз. Масалан, ҳеч керак бўлмаган ҳолда кўргазмали қурол ишлатилади, баъзан эса кўргазмали қурол қўйилган ўқув мақсадига тўғри келмасдан салбий роль ўйнаши ҳам мумкин.

Ёрдамчи мактабда педагогикада маълум бўлган

ҳамма кўргазмали воситалардан фэйдаланилади; нату-
рал кўргазмалилик, тасвирий кўргазмалилик, сўз кўр-
гazmалилиги ва символ кўргазмалилик. Бу ўринда шуни
эътиборга олиш керакки, кўргазмалилик турли шакл-
ларда ифодаланиши мумкин: натурал кўргазмалилик
ўқувчиларнинг нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок
қилишини назарда тутади, синфда ўтказиладиган таж-
рибалар, саёҳатлар ҳам шунга киради. Тасвирий кўр-
гazmалилик, тасвирий воситалар — расмлар, муляжлар,
диапозитивлар, кинокартиналар ёрдамида амалга оши-
рилади. Тасвирий воситаларнинг мазмунига қараб
кўргазмалилик ҳақиқий, тасвирий ва символик кўргаз-
малилкка (картиналар, чизмалар, схемалар, жадвал-
лар, диаграммалар) бўлинади. Сўз кўргазмалилиги
деганда, ўқитувчининг ўқувчиларда конкрет тасаввур-
ларни уйғотадиган ёрқин, образли, жонли нутқи ту-
шунилади.

Модомики, ёрдамчи мактабда ўқитиш даврида ўқув-
чиларнинг нутқи ва тафаккури конкрет-образлидан, мавҳум-мантиқийга қараб ривожланар экан, турли
кўргазмали воситаларни қўллаш ҳам шунчалик ўзга-
риб боради. Қуйи синфларда нарсалар, ҳодисалар ҳа-
қидаги тасаввурларни вужудга келтириш учун натурал
ва тасвирий кўргазмалиликдан кенг фойдаланилса,
юқори синфларда тасвирий ва символик кўргазмали-
ликдан фойдаланилади, чунки бола ривожланишининг
дастлабки босқичларида мавҳум материални фақат
конкрет, кўрсатмали материал орқали ўзлаштиришга
қобилиятли бўлади.

Ёрдамчи мактабда таълим беришда кўргазмали-
ликни ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари билан боғ-
лаш жуда муҳим. Шунинг учун кўпинча фан дарслари-
да болалар ўрганилган нарсаларни ясайдилар ёки рас-
мини солиш билан тасвирлайдилар ёки уларнинг меҳ-
нати мактаб участкасида ҳамда синфда ташкил қили-
нади.

Шундай қилиб, кўргазмалилик принципи ўқитишни
фаоллаштиришга ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Кўргаз-
малилик принципига Беруний фикри билан якун яса-
сак: «Кўрган нарсаларни тасаввур қилишга одатлангач,
секин-аста фикрлашга ўтиш осонлашади».

Савол ва топшириқлар

1. Таълим принципларига таъриф беринг.
2. Ёрдамчи мактабларда таълим принципларининг қулланилиш хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ёрдамчи мактабларда таълим принципларининг боғлиқлиги қандай амалга оширилади?
4. Кўргазмалик принцидининг тузатиш аҳамияти нимадан иборат?

7. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ

Мактабдаги таълим мазмуни деганда мактабларда бериладиган билим, кўнигма, малакалар йиғиндиси тушиунилади, у ўқувчиларнинг психологик ва жисмоний ривожланишини таъминлайди, уларни меҳнатга, ҳаётга тайёрлайди.

Таълимнинг мазмуни «Нимани ўқитиш керак?» деган саволга жавоб беради ҳамда таълим ва тарбиянинг мақсади билан узвий боғлиқ бўлиб, ўқув режаларида, дастурларида ва дарслукларида очиб берилади. Таълимнинг мазмуни ҳозирги даражага етгунча ўзига хос тараққиёт даврларини босиб ўтган.

Классик таълим асосан уйғониш даврларида юзага келди. Диний схоластик таълим билан кураш жараёнида янада такомиллашди. Кейинчалик таълим формал-грамматик мазмун касб эта бошлади. Табиат ҳақидаги ҳамда бошқа фанлар ҳисобига тилларни кенг ўрганиш юзага келди. XIX аср охири, XX аср бошларидаги рус классик гимназиялари фаэлиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу гимназияларда умумий ўқув вақтининг 40 фойизидан ортиқ қисми тил дарсларига берилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб классик таълим рус реакционерларининг демократик йўналишдаги таълимига қарши курашда қуролга айланди. Россиядаги классик таълимнинг асосий мақсади чор ҳукуматининг ёшларни реал борлиқдан узоқлаштириб, илғор материалистик қарашлардан сақлаш эди. Таълимнинг классик мазмуни ҳозир ҳам қисман Фарбий Европа, Лотин Америкаси, Испания, Португалия, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларда ўз мавқеини сақлаб турибди. Табииёт фанлари, физика-математика билимларининг берилиши ҳақида илғор педагоглар К. Д. Ушинский, А. Авлоний, Т. Н. Қори-Ниёзий ва бошқалар ўзларининг қимматли фикрларини билдирилар.

К. Д. Ушинскийнинг таъкидлашича, шахсни атроф-муҳит фактларисиз ривожлантириш мумкин эмас, чунки тафаккур фактлар йиғиндиси орқали ривожланиб боради.

XIX аср ўрталарида табииёт ва техника фанларининг ютуқлари асосида таълим-тарбияда янги йўналиш юзага келди. Бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, ўқув фанларини танлаш унинг фойдалилик даражасига кўра амалга оширила бошланди. Бу йўналиш ўз вақтида таълимдаги формализмга қарши курашда ижобий роль ўйнади ва таълимнинг ҳаёт билан боғланишини бошлаб берди. Аммо бундай ижобий ишлар тагида ўзига хос камчиликлар ҳам бор эди. Улар мактабларда бериладиган билимларнинг илмий даражасини камайтириб юборди. Кейинчалик дастурлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Секин-аста маҳсус таълимга ҳам қаттиқ талаблар қўйила бошланди. Ёрдамчи мактаб ўқув фанларига ўй тутиш, ҳаёт кечириш, расм, жисмоний машқлар киритила бошланди.

1920 йилларда ёрдамчи мактабларнинг маҳсус ўқув режа ва дастурлари йўқ эди. Оммавий мактабларнинг дастурлари асосида иш олиб бориларди. Таълим тизимини такомиллаштириш ишлари оммавий мактаблар билан параллел равишда олиб борилди.

Ёрдамчи мактаб таълими ақли заиф болалар билиш фаолиятларини тузатиш билан узвий боғлиқдир. Шундагина нуқсонли бола шахси тўғри шаклланиб боради. Ўз вақтида Е. В. Герье ва Н. В. Чеховлар «тўғри ташкил этилган таълим орқали улар мустақил ҳаётга тайёрланадилар, ижтимоий хайрия ташкилотларига мурожаат қилмай ўзларини боқа оладилар»,— деган эдилар.

Рус олигофренопедагогика фани соҳасида 1930 йилларда қалбаки коррекцион ишлар тизими танқид қилинди. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид қатор психологик-педагогик изланишлар амалга оширила бошланди. Сўзли ва кўргазмали таълимга оид Л. В. Занков, Х. С. Замский, айрим ўқув фанлар услубларига оид М. Ф. Гнездилов, В. Г. Петрова, В. В. Воронкова, М. Н. Перова ишларини кўрсатиш мумкин. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашиши фақатгина умумтаълим билимлари билан чегараланиб қолмасдан, балки уларда жамоатчилик таъ-

сири орқасида шахсий сифатларининг ҳам шаклланиб бориши қатор изланишларда очиб берилди. Илмий изланишларнинг натижалари ёрдамчи мактаб ҳаётига тадбиқ этилди. Ақли заиф болалар таълим-тарбиясида нуқсонни тузатишга бўлган йўналганлик ўқув дастурларида ҳам ўз аксини топиши керак. Шу нуқтаи назардан ёрдамчи мактаб ўқув режаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув режалари

Ўқув режаси давлат томонидан тасдиқланган ҳужжат бўлиб, шу асосда ўқув фанлари белгиланади. Ёрдамчи мактабларнинг биринчи ўқув режаси ва дастури 1927 йилда қабул қилинган эди. Бу режа конкретлилик, соддалик, тугалланганлик принциплари асосида тузилган бўлиб, 5 йиллик муддатга мўлжалланган эди. Барча ишлар нуқсонни тузатиш мақсади асосида амалга оширилар эди. Бу дастурда болаларда кўникмалар ва мустақиллик тарбиялашга алоҳида эътибор берилган эди. Шу билан бирга ақли заиф болаларда ташабускорликни ривожлантиришга асосий ўрин берилганди. Асосий эътибор болаларнинг келажакдаги касб ишларига қаратилган эди. Таълим асосан ижодий фаолият жараёнида олиб борилган. Болалар бевосита кузатишлари асосида изчил билим ва тасаввурлар орттириб боришлари асосида хуносалар чиқаришлари талаб этилар эди. 1929 йилги ёрдамчи мактаблар ўқув дастурида:

- а) ўқувчиларни теварак-атрофдаги ҳаётга фаол қатнашишларини уюштириш билан уларга ҳаётий ҳодисаларни ўргатиш;
- б) сенсометор ва жисмоний тарбия бериш;
- в) ўқиш, ёзиш, ҳисоб малакаларини ўзлаштириш устида ишлаш;
- г) қўл меҳнати;
- д) бадиий тарбия асосий ўрин олган эди.

Ўқув режалари ва дастурларида асосий эътибор малака, кўникмалар шакллантиришга қаратилгани сабабли умумий таълим фанларига жуда кам ўрин берилган эди. Асосан тил ва математика билимлари бериларди.

Ёрдамчи мактабларнинг 1932 йилда қабул қилинган ўқув режасида политехник тайёргарлик ишларига катта ўрин берилди. Атроф-муҳит билан таништириш асосида тузатиш ишлари олиб борилди.

Шу йиллардаги ёрдамчи мактаб тажрибалари ёрдамчи мактабларда нормал интеллектли болалар борлигини кўрсатди. Бундай болалар сони йил сайн ортиб борди. Бу мактабларда таълим-тарбия ишларини олиб борадиган ўқитувчилар асосан шу болаларга кўпроқ эътибор қаратиб ишлаганликлари оқибатида, ёрдамчи мактаблар ўзига хос томонларини йўқота бошлиди. Ёрдамчи мактабга белаларни саралаш ишларида қўпол хатоликлар юз бера бошлиди. 1934 йилда икки кўринишили янғи ёрдамчи мактабларнинг ўқув режаси қабул қилинди: а) дебил даражали ақли заиф болалар ўқийдиган мактаблар учун ва б) имбецил ва идиот болалар таълим-тарбия оладиган болалар мактаблари учун. 1937—38 ўқув йилида янги режалар қабул қилинди. Буларга мувофиқ ёрдамчи мактабларда оммавий мактаб бошланғич синф дастури ҳажмида билим бериш бошланди. Бунда фақат умумтаълим билимлари бериш эмас, балки меҳнат тайёрғарлигига ҳам эътибор берилди. Бу режада биринчи марта фанлар бўйича таълим бериш тизими акс эттирилган эди. Ижобий хусусиятлари билан бир қаторда ушбу режанинг айrim камчиликлари ҳам бор эди. Буларга IV синфдан VII синфга қадар ҳафталик ўқув соатларининг оширилганлиги, биринчи синфларда ёқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш асосида тузатиш характеридаги маҳсус ишлар бирмунча камайди.

Бундан кейинги қабул қилинган барча ўқув режалари алоҳида умумтаълим фанлари ўқитилиши талаби асосида ишлаб чиқилди. 1938 йилдаги ўқув режасининг қабул қилинишида нормал психик ривожланганликни талаб этадиган материаллар олиб ташланди. Улар ўрнига ақли заиф болаларнинг ҳаётга мослашишини осонлаштирадиган маълумотлар киритилди. Оммавий мактаб бошланғич синфлари ўқув режасига қараб ёрдамчи мактабларда ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш асосида тузатиш характеридаги маҳсус ишлар бирмунча камайди.

Иккинчи жаҳон уруши ёрдамчи мактаблар ривожига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Уруш йилларида ҳам ёрдамчи мактаблар ўзларининг таълим-тарбия ишларини давом эттирди. 1943 йилда мактабларнинг янги ўқув режа ва дастурлари яратилди. Таълимда касб меҳнатига катта эътибор берилди. 4-синфдан бошлаб

хўжалик асослари берила бошланди. Бу дастурда ақли заиф болаларнинг билиш имкониятларига кўпроқ эътибор берилди.

Меҳнат таълимининг кенгайиши фақатгина уруш талаблари билан боғлиқ бўлмай, балки ёрдамчи мактаб таълимида нуқсонни тузатиш ва бола шахсини ривожлантирувчи йўналишнинг кенг ўрин олиши билан ҳам боғлиқdir. Урушдан кейинги йилларда ёрдамчи мактаб режа ва дастурларида баъзи бир ўзгаришлар содир бўлди. Дарсликлар эса оммавий мактаб бошланғич синфлари дарсликларига мослаштирилиб, баъзан 5—6-синф оммавий мактаб дарсликларидан ҳам фойдаланилди. Шу асосда бир неча йил ишлангач, маҳсус дарсликлар яратиш зарурлигини кўрсатди.

1952 йилда ёрдамчи мактабларнинг янги ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди. Мактаблардаги политехник таълим мазмуни ёрдамчи мактабларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Дастурларда, айниқса бошланғич синфларда, ўқувчиларнинг атроф-муҳит билан танишишларига кўп эътибор берилди. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари иш тажрибаларидан кўпроқ фойдаланиш белгиланди.

1955 йилдаги ўқув режасида фанлараро соатларнинг тақсимланишида ўзгаришлар бўлди. Барча синфларда нутқ нуқсонларини бартараф этиш мақсадида индивидуал машғулотлар киритилди. Биринчи марта логопедик машғулотлар амалга оширила бошланди.

1960 йилдан бошлаб ёрдамчи мактаб таълими 8 йиллик қилиб белгиланди. Таълимнинг 8 йил бўлиши ўқувчиларни касб-меҳнатга тайёрлаш ҳамда уларга назарий билимлар беришни бирмунча яхшилади. Шу билан ақли заиф болалар таълими тугаллаганлик характеристини касб этди. 1960 йил режасида умумий тайёргарлик ишлари кенгайтирилди. География, табиатшunoslik, тарих фанлари элементар курси ўқитила бошланди. Фанлараро боғлиқлик кучайтирилди, амалий йўналиш кенгайди.

Айрим фанларда ўлкашунослиқ элементлари киритилди. Таълим мазмуни кўпроқ ёрдамчи мактабларнинг умумий ва маҳсус вазифаларига мослаша бошлиди. Ёрдамчи мактаблардаги таълим мазмунига қўйиладиган, ўсиб бораётган талаблар 1970 йил режа ва дастурларида ўз аксини топди. Дастурда конкрет равишда ҳар бир алоҳида ўқув предметининг нуқсонни

тузатиш ва ўқувчи шахсини ривожлантириш имкониятлари очиб берилди. 1971—79 йилларда ёрдамчи мактаб режа ва дастурларида сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ.

1980 йилда ёрдамчи мактабларнинг янги ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ ёрдамчи мактабда ўқув йилининг тузилиши оммавий мактаблардагидек қилиб белгиланди. Барча синфларда ўқув машғулотлари 1 сентябрда бошланиб, 25 майда тугайди. Ўқув машғулотлари муддати 205 кунни ташкил қиласиди.

I—IV синфларда 26—29 майда табиат қучоғига, ишлаб чиқариш корхоналарига, давлат ва жамоа хўжаликларига ўқув саёҳатлари ташкил қилинади.

V—VII синф ўқувчилари ўқув машғулотлари тугағач, 12 кун мобайнида ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланадилар. VIII—IX синф ўқувчилари эса малака имтиҳонларига тайёргарлик кўрадилар. Бу режаларда ҳаёт талаблари эътиборга олинди ва меҳнат таълими бирмунча кенгайди.

Барча маҳсус мактабларда таълим олаётган ўқувчилар нуқсонларини тузатиш учун индивидуал машғулотлар кўпайтирилди. Ақли заиф болаларнинг ижтимоий-психологик, миший ҳаётга мослашишларини яхшилаш учун ўқув режаларига маҳсус фанлар киритилди. Бу машғулотлар орқали ақли заиф болалар ҳаётга янада чуқурроқ мослашадилар. Ёрдамчи мактабларнинг режаларини таҳлил қилганда уларнинг бир неча марта ўзгариб, тўлдирилиб келингандигини кўриш мумкин. Ёрдамчи мактабларимиз жуда мураккаб ривожланиш даврларини бошидан кечирди. 1970 йилдаги ўқув режасига биноан ёрдамчи мактабларда 12 та ўқув фани ўқитилади. Ҳар бир ўқув фани дидактик асосланган айрим фанлар ҳақидаги билим, кўникма ва малакалардан иборат. Ўқув фанларига асосий билимлар киритилади. Шу билан барча фанлар ақли заиф ўқувчиларнинг психофизик, ёш, индивидуал хусусиятларини ҳам хисобга олиб бориши керак. Ёрдамчи мактаб таълим мазмунига қўйиладиган талаблар асосида ўқув фанлари танланади, уларнинг ўқитилиш изчиллиги белгиланади. Ўқув режасида фанларнинг тутған ўрни унинг ақли заиф болалар дунёқараашларини шакллантиришдаги аҳамияти билан ўлчанади. Шу сабабли тил ва математика дарслари 8 йил мобайнида ўқитилади. Бу

фанлар умумтаълим фанларининг асосини ташкил этиб, бошқа фанларни ўрганишда асос ҳисобланади. Ёрдамчи мактабдаги тил дарслари орқали география, табиатшинослик фанлари; математика асосида эса чизматчилик, касб-меҳнат дарслари олиб борилади.

Ёрдамчи мактаблардаги таълим мазмуни дастурларда ҳам ўз аксини топган. Ёрдамчи мактабларнинг дастурлари ҳам оммавий мактаб дастурлари каби принциплар асосида тузилади. Улардан фарқли равишда кўргазма-амалий мазмун касб этади. Дастурлар режа асосида ҳар бир фан учун тузилади. Дастурда ҳар бир фанни ўқитишдан қўзланган мақсад, унинг мазмуни, болалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, макалалар очиб берилади. Дастурларда соатлар, ўтиладиган мавзулар тахминан тақсимланади. Мактаб дастурлари ҳар бир фан учун тушунириш хати билан бошланади.

Ёрдамчи мактаб дарслеклари

Дарслек дастурда белгиланган, ҳар бир фан бўйича бериладиган билимлар йиғиндиси баён этилган асосий қўлланмадир. Дарслек мазмуни дастур талабарига мос келиши лозим. Унда назария билан амалиёт узвий боғлиқ ҳолда берилиши керак. Ақли заиф болаларнинг билиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда, дарслеклар содда, ихчам, чиройли бўлиши лозим. I—III синф дарслекларида ҳарфлар катта шрифт, IV—V синфларда ўртача катталиктаги, 7—8- синфларда эса оддий шрифтларда берилиши лозим.

Савол ва топшириқлар

1. Ёрдамчи мактабда ўқув режаларининг ўзига хослиги нимадан иборат?
2. Ёрдамчи мактаб дастурининг оммавий мактаб дастуридан фарқли томонлари нималарда намёён бўлади?
3. Дарслеклар қандай тузилишга эга?
4. Режа ва дастурларнинг такомиллашиш тарихи ҳақида гапириб беринг.

8. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИННИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқитиши услуби тушунчаси дидактика ва услубиятнинг асосий тушунчаларидан бири.

Педагогикада ўқитиши деганда ўқитувчи ва ўқувчи-

ларнинг биргаликдаги фаолиятлари, иш усулларини тушуниш қабул қилинган, бу фаолият ёрдамида ўқитувчи билим беради, ўқувчилар бўлса билим, кўнижмаларни ўзлаштирадилар ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантирувчи, дунёқарашини шакллантирувчи малакалар вужудга келади.

Таълим услублари оммавий мактаб учун ҳам, ёрдамчи мактаб учун ҳам умумий ҳисобланади. Бироқ, қўлланилиши жиҳатидан бир-бирига айнан ўхшаш бўлмайди. Ақли заиф ўқувчиларнинг бутун таълим жараёни ўзига хос бўлганлиги сабабли, таълим услублари ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлади. Битта умумий, универсал таълим услуби бўлмайди.

Професор Е. Я. Голантнинг таъкидлашича, ўқитиш услублари ўқувчиларнинг билим эгаллашдаги мустақиллик даражаси ҳамда билим эгаллаш манбаларига кўра турларга бўлинади.

Дарсда ўқитувчи турли таълим услубларидан фойдаланади. Ўқитиш услубларини танлаш бир қатор омиллар: ёрдамчи мактабнинг ҳозирги босқичдаги тараққиёти, ўқув фани, ўрганиладиган материалнинг мазмуни, ўқувчиларнинг ёши ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда уларнинг ўқув материалини эгаллашга тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади.

Услуб танлаш ва уни қўллаш хусусияти фақат дарсдаги ўқув материалининг мақсадига эмас, балки мазмунига қараб ҳам аниқланади. Шу сабабли оғзаки услублар кўпроқ гуманитар фан дарсларида, амалий услублар эса меҳнат, расм, чизмачилик дарсларида қўлланилади.

Ўқитиш услубларини танлашга ёрдамчи мактаб таълимининг нуқсоини тузатиш томон йўналганлиги, ўқувчиларни муайян касб-ҳунар эгаллашга тайёрлаш ҳамда социал мосланиш вазифасини ечиш таъсир кўрсатади.

Ўқитиш услублари турли усуллардан ташкил топади. Масалан, китоб билан ишлаш — бу услуб, бирон режа тузиш, асосий саволларни эсга тушириш, матнни баён этиш, режа ва саволларни доскага ёзиш — булар услубият усулларидир.

Барча ўқитиш услубларини билим манбаларига кўра учта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Оғзаки услублар (тушунтириш, суҳбат, ҳикоя).

2. Кўрсатмали услублар: ҳар хил кўргазма қуролларни намойиш қилиш, таълимда техника воситаларидан фойдаланиш, экскурсия, мустақил кузатиши.

3. Амалий услублар: китоб билан ишлаш, ёзма ва оғзаки машқлар, лаборатория ва амалий ишлар, мустақил ишларнинг баъзи турлари.

Ҳар бир услугуб бир неча ундан кичик усууллардан иборат.

Оғзаки услублар

Оғзаки услублар қисқа муддат ичидаги ҳажми бўйича энг кўп ахборот бериш, ўқувчилар олдига муаммолар қўйиш, уларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиш имконини беради. Бу услублар ўқувчиларнинг мавҳум тафаккурларининг ривожланишига шароит яратади.

Тушунтириш. Билимларни тушунтириш услубининг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқитувчи материални баён қиласди, ўқувчилар эса уни тайёр ҳолда қабул қилиб олишади. Материалнинг баёни аниқ, тушунарли, қисқа бўлиши керак.

Материални оғзаки баён этиш. Бунга тушунтириш, ўқитувчининг ҳикояси киради. Ёрдамчи мактабларда маъруза қўлланилмайди. Ақли заиф болаларнинг психофизик нуқсонлари сабабли ҳикоя қилиш 1—4-синфларда 10 дақиқа, 5—8-синфларда эса 20 дақиқадан өшмаслиги керак. Тушунтириш бу янги материални мантиқий изчилликда баён этишидир. Бу усул ўқувчиларни назарий билимлар (қонда, атама, таъриф) билан танишишида қўлланилади.

Тушунтиришда ўқитувчи янги материални олдин ўтилган материал билан боғлайди, уни билимлар тизимига киритиб, ўқувчиларда бор билимлар билан ва яна эгалланувчи билимларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлайди. Бу ўзаро боғлиқликни аниқлашда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтган тажрибасига таяниб, уларда бор билимларни эслашга жалб қиласди.

Қўйи синфларда ўқитувчи тушунтиришда кўргазмали материаллар, қўлланмалар, тарқатма-дидактик материаллар, жадваллар, чизмалар ва ҳоказолардан кенг фойдаланади.

Ёрдамчи мактабда янги материални тушунтириш, айниқса қўйи синфларда узоқ чўзилмаслиги керак. Янги материални катта бўлмаган қисмларга бўлиш керак.

Битта дарсда унча катта бўлмаган материал баён қилинади. Ўқитувчи тушунтиришни аҳён-аҳёнда тұхтатиб, ўқувчиларга саволлар бериши мумкин: «Сизлар қандай ўйлайсиз, энди нима қилиш керак?» Бундай саволлар баён қилинаётган материалини ўқувчиларнинг тушуниши, кузатишга улгурислари ёки уларнинг диққатлари барқарорлигини аниқлаш мақсадида бериб турилади. Бундай саволлар ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, уларнинг диққатини йўналтиришга имкон беради. Кўпинча ўқитувчининг тушунтириши дидактик материаллар, амалий ишлар билан бирга қўшиб олиб борилади.

Ўқитувчининг ҳикояси бу воқеа, ҳодисаларни, қаҳрамонларга тавсифнома беришни очиқ, ҳис-ҳаяжон билан ифодалашdir. У вақт жиҳатидан қисқа бўлишига қарамай, ҳар доим фақат ўқувчиларнинг фикрига эмас, балки ҳис-туйғуларига ҳам таъсир этади. Шуниси муҳимки, ҳикоя ўқувчиларни қизиқтирадиган бўлиши, уларда дарсда эшитганларига нисбатан кўпроқ билишга хоҳиш уйғотиши керак. Мадомики ўқитувчининг сўзи асосий билимлар манбаи ҳисобланар экан, ўқитувчи сўзига жиёддий талаблар қўйилади. Булар қўйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчининг сўзи фонетик томондан тўғри равшан бўлиши керак.

2. Ҳар бир ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ўзининг сўзида бўлган камчиликлар устида ишлаши керак. Ўқитувчининг жонли, равон сўзи ўқувчиларнинг дарсга бўлган иштиёқини оширади.

Ўқитувчи сўзининг тез ва секинлиги ўқувчиларнинг дарс материалини эгаллаш қобилияtlарига боғлиқ бўлади. Агар ўқитувчи материални тез баён этса, ўқувчилар ўқитувчининг сўзларини қабул қилишга улгуролмай қоладилар. Натижада уларнинг диққати хаддан ташқари кучайиб, тезда пасаяди ва тарқалади. Шундан сўнг ўқувчи ўқитувчининг гапини эшитгиси келмайди, ўзини ишдан четга олади. Бироқ ёрдамчи мактабда нутқнинг жуда секинлиги ҳам яхши натижада бермайди. Чунки бола жумланинг охирини эшитгунча унинг боннанишини эсдан чиқаради.

Суҳбат услуби

Суҳбат бу ўқитувчининг савол-жавоб услубидирки, бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштири-

танликларини аниқлайди ва амалий тажрибаларига таянган ҳолда, маҳсус танланган саволлар системаси ва уларга бериладиган жавоблар йўли билан ўқувчиларни қўйилган таълим-тарбиявий ва тузатиш масалаларини ҳал қилишга олиб келади. Суҳбат ёрдамчи мактабда кенг тарқалган ўқитиш услубларидан бири ҳисобланади. Янги материални тушунтиришдаги суҳбат, одатда, ўқитувчининг ҳикояси билан бирга қўшиб олиб борилади. Бу ҳолларда ўқитувчининг саволлари қонун, қоидаларни ва воқеалар ўртасидаги боғланишларни тушунишга ёрдам беради.

Суҳбат буюмларни намойиш қилиш, ўқувчиларнинг амалий фаолияти ва мустақил ишлари билан қўшиб олиб борилади. Суҳбатни ўтказишга тайёрланишда ўқитувчи мавзуни ва мақсадни аниқлаб ва уни ўтказиши учун кўргазмали материалларни танлаб, саволларни пухта ўйлаб чиқади.

Ўқитувчининг саволларига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Савол бир ўқувчига эмас, балки бутун синфга қаратилиши керак. Қоидани бажариш ёрдамчи мактабда катта аҳамиятга эга. Чунки синфда ўтирган ҳар бир ўқувчи ўқитувчи томонидан берилган саволга жавоб бериш учун доскага чақирилиб қолиши мумкинлигини билган тақдирдагина ишга киришади. Шунинг учун битта ўқувчига берилгак савол қолган ўқувчиларни бу вазифадан озод этади.

2. Ҳар бир савол тўғри қўйилиши ва ўқувчиларга тушунарли бўлиши керак. Қўп сўзли саволлар берилмаслиги керак. Бундан ташқари, бир қанча саволларни бирданига, биринчи саволга жавоб олмасдан туриб бериш мумкин эмас.

3. Саволлар мазмунига қараб бир-биридан фарқ қилиши керакки, оммавий мактабларга қараганда ёрдамчи мактабларда саволлар кўпроқ берилади. Саволлар жуда қисқа ва конкрет бўлиши лозим.

4. Саволларнинг шакли ва унинг осон, қийинлиги ўқувчиларнинг ёшига қараб белгиланиши керак. Берилган саволларнинг ичida жавоби бўлиши керак эмас, аксинча берилаётган саволлар ўқувчиларни фикрлашта ундаши зарур.

5. Берилаётган савол олдинги саволга боғлиқ бўлиши керак.

6. Нутқида камчилиги бўлган ўқувчиларга шундай

саволлар берилиши керакки, улар жавобини кўрсатишлари, ёки ёзиб беришлари, ё бўлмаса оғзаки бир сўз билан жавоб беришлари мумкин бўлсин.

7. Ўқитувчи саволларни фақат оғзаки бериши шарт эмас, балки ёзма тарзда бериши ҳам мумкин. Бу ўқувчиларнинг фақат оғзаки нутқини эмас, балки ёзма нутқини ўстиришга ҳам ёрдам беради. Масалан, ўқитувчи:

- а) оғзаки сўраб, оғзаки жавоб талаб қилиши мумкин;

- б) саволларни синф доскасига ёзиб қўйиб, ўқувчилардан ё оғзаки ёки ёзма жавоб беришларини талаб қилиши мумкин;

- в) ўқувчиларга алоҳида ёзилган саволларни тарқатиб, улардан ўйлаб, шу саволларга жавоб беришларини сурashi мумкин.

Ўқувчининг жавобига қўйидаги талабларни қўйиш мумкин.

- 1. Ўқувчилар саволни тушуниб етишлари керак.

- 2. Мантиқий ўйлаб жумла туза билишлари керак.

Ёрдамчи мактабда ўқитувчи саволни тўғри қўйгани билан ҳар доим ҳам ўқувчилардан тўғри жавоб ололмайди. Ўқитувчи ҳар маҳал ўқувчиларнинг жавобини диққат билан тинглаши керак. Улар томонидан қилинган хатоларни ўз вақтида тўғрилаб бориши лозим. Тўғриланган хатоларни ўқувчилар томонидан такрорлашни талаб қилиш зарур.

Ақли заиф болалар кўпинча қисқа ёки бир сўзли йўқ ёки ҳа деган жавоб билан чегараланадилар. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ўқувчилардан тўлиқ жавоб талаб қилишидир.

Суҳбат жараёнидагина ўқувчини саволлар беришга ўргатиш имконияти яратилади. Дастлаб бу жуда қийин бўлади. Кейинчалик болалар секин-аста бунга ўрганиб борадилар.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактабда суҳбат усули таълим жараёнидаги ўқитувчи олдида турган умумтаълим ва тузатиш тарбиявий вазифаларни ечишга ёрдам беради.

Хикоя. Ўқитувчининг билимларни тушунтириши хикоя шаклида амалга оширилиши мумкин. Ўқитиши жараёнининг ҳамма босқичларида дарслик ва китоб билан ишланади, аммо бу иш ўқувчилардан маълум марака ва ўқитувчининг ёрдамини талаб қиласди.

Ердамчи мактаб амалиётида китоб ва дарслерлар билан ишлашнинг қуидаги усулларидан фойдаланилади: овоз чиқарип ўқиш, ичида ўқиш, матнни ўқитувчи нинг ўқиб бериши.

Ўқишнинг биринчи йилларида овоз чиқарип ўқишга катта аҳамият берилади. Тўғри, ифодали ва сидирға ўқиш кўп жиҳатдан ўқитувчини ўқишга қандай эътибор беришига боғлиқ бўлади. I ва II синфларда ўқувчиларнинг тўғри ўқишига катта аҳамият берилади. Чунки ўқувчилар товушларни бўғин ва сўзларга боғлашда жуда қийналадилар.

Юқори синфларда кўпроқ ичидан ўқишдан фойдаланилади, бунинг ёрдамида болалар китоб билан мустақил ишлашга ўргатилади. Матннинг ўқитувчи томонидан ўқилиши ёрдамчи мактабда намунали ўқиш сифатида, ўқилганни сўзлаб бериш ёки матн мазмуни устида суҳбат ўтказиш учун, ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурларини, нутқини диққатини, фонематик эшлишини, таҳлил ва тасниф қилиш жараёнларини тўғрилаш учун қўлланилади.

Бу усулнинг катта тузатиш-тарбиявий аҳамияти борлигини ҳисобга олиб, ундан ҳамма ўқув йилларида кенг фойдаланиш мумкин.

Ердамчи мактаб ўқувчиларини китоб билан ишлашга ўргатишда аввал уларда онгли ўқиш малакасини ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун дарслерда гап бораётган нарсалар ва воқеалар билан ўқувчиларнинг бевосита ёки кўргазма воситалар ёрдамида танишувини максимал таъминлашга эришиш керак. Болалар нима ўқиётганликларини тушунишлари ва тасаввур этишлари лозим.

Дарслик материалини онгли ўзлаштириш учун ўқувчилар матннаги ҳамма сўзларни тушунишлари зарур. Шунинг учун дарслик билан ишлаш ўқитувчидан маҳсус атамалар, қийин сўзлар устида луғат иши олиб боришини талаб қиласди.

Дарслик билан ишлашда ўқувчиларнинг диққатини матнда жойлаштирилган жадвал, карта, расмларга қаратиш керак. Матнни ўқитишдан олдин ўқувчилар билан биргаликда расмларни батафсил тушуниб етмоқ мақсадга мувофиқдир.

Кўрсатмали услублар

Ўқитишининг кўрсатмали услублари ўқувчиларга кузатишлар асосида билим олиш имконини беради. Кузатиш ҳиссий тафаккурнинг фаол шаклидир, бундан бошланғич синфларда кенг фойдаланилади. Атроф-борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг турли-туман моделлари (ҳар хил типдаги кўрсатма қўлланмалар) кузатиш обьектлари ҳисобланади. Ўқитишининг кўрсатмали услубларини ўқитишининг оғзаки услубларидан ажратиб бўлмайди. Кўрсатма қўлланмаларни намойиш қилиш ҳар доим ўқитувчининг тушунтиришлари билан биргаликда олиб борилади.

Ёрдамчи мактабда таълим беришда кўргазмалилик ўқув материалини мустаҳкам ва очгли ўзлаштириш шартларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, кўргазмалилик ўқувчиларнинг нутқи ва тафаккуридаги нуқсонларни тузатишда зарурий шарт ҳисобланади.

Кўргазмалардан фойдаланиб, мактаб бир томондан ўқувчиларда теварак-атрофдаги дунё ҳақида аниқ тасаввурларни вужудга келтиришни таъминлаб борса, иккинчи томондан, болаларни реал дунёда кузатилаётган алоқа ва муносабатларни ифодалаш учун тил воситаларидан (сўз, жумлалардан) тўғри фойдаланишга ўргатади.

Ёрдамчи мактабда педагогикада маълум бўлган ҳамма кўргазмали воситалар: натурал кўргазмалилик, тасвирий кўргазмалилик (расмлар, мулляжлар, диапозитивлар, кинокартиналар), сўз кўргазмалилиги ва символли кўргазмалилик (картиналар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар)дан кенг фойдаланилади.

Кўйи синфларда нарсалар, ҳодисалар устида тасаввурларни вужудга келтириш учун натурал ва тасвирий кўргазмалиликдан кенг фойдаланилса, юқори синflарда тасвирий ва символик кўргазмалардан фойдаланилади, чунки бола ривожланишининг дастлабки босқичларида мавҳум материални фақат конкрет, кўрсатмали материал орқали ўзлаштиришга қобилияти бўлади.

Ёрдамчи мактабларда таълим беришда кўргазмалиликни ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари билан боғлаш жуда муҳим. Шунинг учун кўпгина фан ҳарсларида болалар ўрганилган нарсаларни ясайдилар ёки

расмини солиш билан тасвирлайдилар ёки уларнинг меҳнати мактаб ҳовлисида ҳамда синфда ташкил қилинади.

Ўқув кино ва диафильмларни кўрсатиш ҳам таълимнинг кўргазмалилик усулига киради. Кинофильмни кўрсатишдан олдин ўқувчиларга қатор саволлар бериш керак. Болалар фильмни кўриш жараёнида уларга жавоб топишлари зарур.

Саёҳат ҳам кўргазмали усулга киритилади. Унинг афзаллиги шундаки, болалар саёҳатда нарсаларни табиий вазиятда ўрганадилар. Саёҳат ўқитувчи томонидан яхши ўйланиб, яхши тайёрланилса ва уюштирилсагина самарали бўлади. Ўқитувчи саёҳатнинг мақсадини, унинг ўқув материалини ўрганишдаги аҳамиятини шунингдек унинг тарбиявий аҳамиятини аниқ тасаввур этиши керак. Саёҳатни ўтказишдан олдин суҳбат ўтказиб болалардан кузатиладиган обьектдан уларга нима маълум эканлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Диққатни нимага қаратиш, нимани кузатишлари кераклиги устида болаларга кўрсатма бериш керак, уларнинг олдига саволлар қўйиш лозим, уларга жавобни болалар саёҳат вақтидаги кузатишлар жараёнида топишлари керак.

Саёҳатдан олинган таассуротларни, кузатиш натижаларини умумлаштириш жуда муҳимдир.

Янги билим беришда ўқитувчи дидактик материал, ҳарф ва сонларнинг ёзилишини ўқувчилар томонидан кузатилишини кенг қўллайди. Айрим ҳолларда математика дарсларида кузатишнинг ўзи етакчи усул бўлиб хизмат қиласиди. Ўқитувчи кузатиш усулидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шундай ташкил этадики, улар мустақил равишда ўзлари учун осон бўлган умумлаштириш, хулоса чиқариш ишларини амалга оширишлари мумкин. Масалан, IV синф ўқувчилари кузатишлар асосида сонларни 10 га кўпайтириш устида хулоса чиқаришлари мумкин. Ўқитувчи 10 га кўпайтиришга оид бир устун мисолларни доскага ёзиб ўқувчилардан кўпайтиришни қўшиш билан алмаштириб ечишни сўрайди:

$$4 \times 10 = 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 + 4 = 40$$

Мисоллар ечилгандан сўнг, ўқитувчи биринчи мисолнинг кўпайтмаси билан кўпаювчини таққослашни сўрайди. Қайси сонни кўпайтиридингиз? 4 ни 10 га жў-

пайтириб қайси сонни ҳосил қилдингиз? Кўпаювчи ва кўпайтманинг ўхшашлик томони нимада? Уларнинг фарқи нимада? Шундан сўнг ўқувчилари умумлаштирадилар. Сонни 10 га кўпайтириш учун унинг ўнг томонига, ёнига битта ноль ёзиш кифоя. Ўқувчилар бир хонали сонни 10 га кўпайтиришни кузатиш асосида умумлаштирадилар.

Кузатишни ташкил қилиш бир қатор усулларни қўллашни талаб этади. Бунда мақсадни қўйиш жуда муҳим. Болалар нимани кузатишлари керак эканлигини аниқ билишлари керак. Бундан ташқари, кўрсатилаётган буюмнинг характерли белгиларини аниқ билишлари керак. Ўрганилаётган объекти олдинги ўрганилгани билан таққослашдан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Ва, ниҳоят, объекти кузатишни ўқитувчининг оғзаки туширишлари билан бирга қўшиб олиб бориш зарур.

Амалий услублар

Малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёни билан боғлиқ бўлган услублар ўқитишнинг амалий услублари ҳисобланади.

Амалий услублар синфда ўрганилган материални чуқур тушуниб етишга, кўникма ва малакалар ҳосил қилишга имконият яратади. Амалий услубларни қўллашда ўқувчилар, фаолиятинин ўзи билим манбаи ҳисобланади. Бундай усулларга оғзаки ва ёзма машқлар, лаборатория ишлари, устахонада ва мактаб участкасида ишлаш киради.

Турли машқларни бажариш ўтилган материални тақрорлашга кўмаклашади. Она тили ва математика дастурларида ишга оид хат ёзиш, тортиш, ўлчаш, нолга оид турли ҳисоблашлар ва ҳоказо машқлар кўзда тутилган. Бу машқлар билим ва малакаларнинг бирмунча онгли ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди.

Амалий ишлар бу ўқувчиларнинг тарқатма дидактик материал билан турли нарсалар ясаш, расм солиш ва ҳоказо фаолиятидан иборатdir. Амалий иш усули кўникмаларни мустаҳкамлашда ва турли асбоб (чизғиҳ, транспортёр, торози ва ҳоказо) лар билан ўлчаш малакаларини вужудга келтиришда, узунлик, юза, ҳажмларни ўлчаш учун ўлчовлар тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкин.

Лаборатория-амалий ишлар мазмунига қараб бир

неча хилда ташкил қилиниши мумкин. Баъзи ҳолларда фронтал лаборатория-амалий ишни бутун синф билан ўюштириш мумкин: бунда ҳамма ўқувчилар мураккаблиги ва мустақил бажарилиш даражаси бир хил ёки яқин бўлган ишларни бажарадилар (масалан, буюм, шаклларнинг узунлигини ўлчаш, кесмаларни чизиш, юза ва ҳажмлағни ўлчаш). Бошқа ҳолларда бундай қилиш мумкин бўлмайди ва синф ўқувчиларини гурӯҳларга бўлишга тўғри келади. Масалан, болаларни тортиш, айрим юзани ҳисоблаш устида олиб борила-диган ишларга ўргатишда, бир гуруҳдаги болалар синфнинг юзини (саҳнини) ҳисобласалар, бошқалари коридорнинг юзини, учинчилари спорт залининг юзини ҳисоблайдилар ва ҳоказо.

Дидактик ўйин услуби

Ёрдамчи мактаб шароитида билимларни мустаҳкамлашда дидактик ўйин самарали услуб ҳисобланади.

Дидактик ўйинларда фикрлашнинг асосий жараёнлари — таҳлил, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳоказолар ривожлантирилади. Дидактик ўйин бир турдаги материални ўқувчилар учун қизиқарли қилиш имконини беради. Ўйинда ўқувчиларнинг ўзлари сезмаган ҳолда кўпдан-кўп ишларни бажарадилар.

Ёрдамчи мактабнинг математика дарсларида дидактик ўйинлар ҳар қандай мавзуни мустаҳкамлашда кенг қўлланилади.

Ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш устидаги изланишлар дастурлаштирилган ўқитишдан фойдаланишга олиб келди. Ўқув материалининг унча катта бўлмаган, мантиқан ўзаро боғланган қисмларини ўз ичига олган ва маҳсус ишланган топшириқлар бўйича материални ўргатиш дастурлаштирилган ўқитиш дейилади.

Дастурлаштирилган таълим усулининг ёрдамчи мактаб педагоглари ва услубиятчиларини ўзига жалб этишга сабаб тескари боғланишнинг мавжудлиги, ўқувчиларнинг ўз-ўзини текшириш малакаларига эга бўла олиш имкониятидир.

Дастурлаштирилган таълим элементларидан фойдаланиш тажрибаси ундан билимларни мустаҳкамлашда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Кузатишлиар шуни кўрсатадики, ўқувчилар дастурлаштирилган вазифаларга катта қизиқиш билан қарайдилар, уларни бажаришда юқори мустақиллик пайдо бўлади. Бу услугуб ўқитувчига вазифаларни бажаришда ўқувчиларнинг қийинчиликларини тезда аниқлаш ва уларга зарур ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Савол ва топшириклар

1. Ўқитиши услублари дейилганда нимани тушунасиз?
2. Бошлангич синфларда қандай оғзаки ўқитиши услублари қўлланилади?
3. Кўрсатмали услубларни қўллашнинг қиммати ва хусусиятлари нимадан иборат?
4. Ёрдамчи мактаблар ўқув жараёнларида амалий ишларнинг қандай кўринишларидан фойдаланилади ва уларнинг таълимий қиммати нимадан иборат?
5. Дидактик ўйинларнинг қиммати нимада?
6. Дарсда ўқитишининг ҳар хил услубларидан биргаликда фойдаланишнинг афзаллигини асослаб беринг.
7. Ёрдамчи мактабда дарсни кузатинг ва ўқитувчи қайси уқитиши услубларидан фойдаланганлигини кўрсатинг.

9. ЕРДАМЧИ МАКТАБДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. ЕРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ДАРС ВА ДАРСЛАР ТИЗИМИ

Ёрдамчи мактабларда таълим жараёнини ташкил қилишнинг индивидуал ва гуруҳли шаклларидан фойдаланилади. Асосан синф дарс тизими қўлланилади. Педагогика фанининг тараққиётида алоҳида ўринга эга бўлган буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида биринчи марта дарс масаласи атрофлича очиб берилди. Ундан кейин қатор олимлар, педагоглар дарснинг турли томонларини турлича ривожлантирилди. Ёрдамчи мактаблардаги дарс эса А. Н. Граборов, Г. М. Дульнев, И. Г. Еременко ишларида очиб берилди. Оммавий мактабларда бўлганидек ёрдамчи мактабларда ҳам ўқувчилар ўзларининг ёш ва билиш савияларига кўра маълум гуруҳларга бирлаштирилди ҳамда уларга назарий, амалий билимлар берила бошлайди. Дарс деганда маълум фанлардан, маълум ҳажмдаги билимларнинг маълум ёшдаги ўқувчилар гуруҳига, маҳсус тайёргарлиги бўлган мутахассис томонидан берилишини тушунамиз. Дарснинг самардорлигини ошириш, бериладиган билимлар савиясини кўтариш, назарий билимларни ҳаёт билан боғлаб олиб бориш, ақли заиф болалар нуқсонларини тузатиш ва

бошқа қатор масалаларни ривожлантириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Ёрдамчи мактаблардаги дарсга қўйиладиган асосий дидактик талаблардан бири унинг тузатиш тарбиялаш йўналганлигидир. А. Н. Граборов қўйидаги тузатиш-тарбиялаш вазифаларини ҳал этишни таклиф этади.

1. Таълимда мумкин қадар кўпроқ сенсор механизmlарни жалб этиш.

2. Кузатган ҳолатларни тўғри баён этишни машқ қилиш.

3. Ўқувчиларнинг кузатувчанлигини ривожлантириб бориш.

Таълим жараёнида ўқувчилар нарса ва воқеалар билан танишибгина қолмасдан, балки улар ҳақида фикрлайдилар. Бу эса, ўз навбатида, болаларда табиатнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларнинг шаклланишига олиб келади. Дарснинг тарбиявий мазмун касб этиши, берилаётган материал мазмунни билангина чегараланиб қолмасдан, балки ўқув материалларини эгаллаш усуллари билан характерлади.

Агар ўқувчилар билимлар эгаллаш вақтида фикр юритсалар, таққосласалар, хулоса қилсалар, ўз фикрларини баён этсалар, унинг тарбиявий томони янада ортади. Шу сабабли дарс материалларини танлаш, ҳар бир дарс учун таълим усулларини белгилаш зарурдир. Дарсдаги ўқув материалларининг ҳажми, ўқувчилар имкониятлари дастур талабларида белгиланган. Дарсдаги ўқув материали ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши керак. Агар ўқитувчи болаларга кучи етмайдиган ўқув материалларини берса, албатта уни эгаллашга боланинг кучи етмайди. Бунинг оқибатида болаларда чарчаş ҳоллари кузатилади. Аммо дарсда болаларга имкониятларидан кам ўқув материали берилса янада салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Маъноси содда материалларни қайтариш, ўқувчилар диққатини пасайтиради ҳамда материални ўзластиришга халақит беради.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари диққатининг турғун эмаслиги, тез чарчаши сабабли дарс жараёнида ўқувчиларнинг турли фаолиятларидан фойдаланиш тавсия этилади. Кўргазмали, оғзаки ва амалий иш усулларини бирга қўшиб олиб бориш мақсаддага мувофиқдир.

Таълим материалининг мураккаблиги ва ҳажми бо-

лаларнинг психологик хусусиятлари ва уларнинг ёш имкониятлари хусусиятлари билан белгиланади. Ёш улфайган сари болалар билан олиб бориладиган иш услублари ҳам ўзгариб боришини тақозо этади. Ёш улфайиши билан болаларнинг дарсдаги фаолият мазмуни ҳам ўзгариб боради. Бу ўзгариш билимлар, кўнишка ва малакалар эгаллашдаги мустақилликнинг ортишида намоён бўлади.

Ёрдамчи мактабларда дарсларга қўйиладиган муҳим дидактик талаблардан бири ўқувчиларнинг индивидуал, гуруҳли, фронтал ишларини тұғри қўшиб олиб боришдир. Ушбу талабни амалга ошириш асосан болалар биринчи марта синфларда жамоа бўлиб бирикишларида ва улар ўзаро маълум даражада индивидуал хусусиятлари билан фарқ қилғанларида аниқ намоён бўлади. Бу ўзига хос хусусиятлар ёрдамчи мактабларда турли тоифалардаги (олигофрен, шизофреник, бош мияси жароҳатланган ва ҳоказо) болаларнинг ўқитилиши, яъни уларнинг умумий характер хусусиятлари, ақлий жиҳатдан орқада қолганликлари билан белгиланади. Бироқ ана шу асосий етишмовчиликнинг намоён бўлиши касаллик характеристи, унинг келиб чиқиш сабаблари ва жароҳатланиш даражаси билан боғлиқ. Шунинг учун тоифадаги болалар, масалан дебил даражадаги олигофренлар, ўзларининг ўқиш имкониятлари билан тубдан фарқ қиласидилар.

Буларнинг ҳаммаси ўқитувчининг ишни шундай резжалаштиришини тақоза этадики, бунда синф билан фронтал ишлашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятлари ҳисобга олинсин. Бунда индивидуал ёндашиш ва ўқувчиларга дифференциал муносабат, уларнинг имкониятларига таянган ҳолда, дарсдаги фронтал ишга ҳамма болаларни жалб этишга қаратилади.

Гуруҳли ва индивидуал машғулотлар қолоқликни енгишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг қолоқ ўқувчилар уй вазифаларини қандай бажарганликлари устидан назорат қилиши, улар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш, жавоб бериш учун тез-тез доскага чиқариш, ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, керак бўлганда танбеҳ бериш—буларнинг ҳаммаси қолоқликнинг олдини олиш тадбирларидир. Шу мақсадда, билимни ўзлаштиришдаги камчиликни ўз вақтида аниқлаш ва керакли ёрдам бериш

учун ўқувчиларнинг янги материални қанчалик ўзлаштирганликларини доимо текшириб туриш зарур.

Шундай қилиб, дарсда фронтал, гуруҳли, индивидуал ишларни қўшиб олиб бориш, ўқув машғулотларини шундай олиб боришга имкон берадики, бунда яхшироқ тайёрланган ўқувчилар ишда ушланиб қолмайдилар, тайёргарлиги камлари эса уларга тенглашадилар. Ҳамма кўрсатилган дидактик талаблар олдиндан ўйлаб чиқилган тузилиш билан аниқланиши, дарснинг аниқ ташкилий тузилиши заруриятини келтириб чиқаради, бу эса дарснинг тури ва мақсади, шу билан бирга унинг дидактик, психологик, услугубий тугалланганлигига боғлиқ.

Дарснинг дидактик тугалланганлиги дарснинг тузилиши ва натижаларининг ўзаро мувофиқлиги билан белгиланади. Дарснинг психологик тугалланганлиги дарс давомида ўқувчиларнинг эгалланган билимлардан қониқиши ҳисси ва ўқитувчининг эса дарсдаги ўқувчилар фаолиятидан қониқиши ҳиссининг пайдо бўлиши билан белгиланади. Дарснинг услугубий тугалланганлиги қўйилган дидактик масалани муваффақият билан ечишга имкон беради ва дарснинг мазмуни, мақсадига мос келадиган аниқ ишланган услугубиятда ифодаланади. Ташкилий аниқликнинг зарурлиги материални бўлакларга бўлиш, ўқитиш усусларини танлаш ва дарснинг турли элементларининг ўзаро муносабати билан белгиланади. Шундай қилиб, ёрдамчи мактаблардаги дарсларга қўйидаги дидактик талаблар қўйилади.

1. Дарснинг тузатиш, тарбиявий ва таълимий мақсадларининг узлуксизлиги, ажралмаслиги.

2. Дарснинг ҳар бир қисми учун услугуб ва ўқув материалини тўғри танлаш.

3. Фронтал, гуруҳли ва индивидуал ишни қўшиб олиб бориш.

4. Дарснинг ташкилий аниқлиги.

Ўқитиш назариясида дарсни мавзулар бўйича таснифлаш мухчим масала бўлиб ҳисобланади.

Ёрдамчи мактаблардаги дидактик мақсадга мувофиқ ҳолда қўйидаги турдаги дарслар қўлланилади:

1. Янги билим бериш дарси.

2. Араплаш дарслар.

3. Амалий дарслар (дарсни мустаҳкамлаш ва эгалланган билимни амалда қўллаш).

4. Назорат, ҳисобга олиш дарслари.

5. Умумлаштириш, қайтариш дарслари.

Дидактик мақсад дарсдаги асосий иш турини аниқлайди (янги материални ўзлаштириш, уни қайтариш, системалаштириш ва ҳоказо). Дидактик мақсаддага қараб, маълум ишга вақт ажратилади, ўқитиш услублари ва дарснинг тўла тузилиши белгиланади.

Ёрдамчи мактаблардаги дарслар асосан нуқсонни тузатиш мақсадини кўзлади.

1. Янги мавзуни дастлабки ўқитиш дарси. Бу дарснинг асосий дидактик мақсади, ўқувчиларнинг янги билимлар билан қуролланиши, янги материални ўқиши ва тушуниши ҳисобланади. Бундай дарснинг кўп вақти янги билимларни тушунтиришга қаратилади. Ўқувчилар билимини текшириш ва қайтариш бу дарсларда чегараланган ҳолда олиб борилади.

Педагогик адабиётларда янги материални тушунтириш масаласига катта эътибор берилади. В. Л. Стрезиковиз ёрдамчи мактабларда ҳам қўлланиши мумкин бўлган, ўқувчилар томонидан янги темани ташкилий ўзлаштиришнинг қизиқ схемасини келтиради. Дарснинг бутун мавзуси бўйича янги материал катта бўлмаган элементларга бўлиниб, улардан ҳар бири ўқувчилар батамом тушунмагунларича ўрганилади. Ўқув материалининг ҳар бир ўзлаштирилган қисми тезда қайтарилади, бунга қаноат ҳосил қилингандан кейингина, яъни ўқувчиларнинг ушбу материални ўзлаштирганларидан кейин ўқитувчи кейинги қисмни тушунтира бошлайди. Бу янги билимни энг оддий ўзлаштириш деб аталади.

Янги билимни ўзлаштиришнинг бу усули ёрдамчи мактаблар амалиётида қўлланиладиган дастурлаштирилган дарсга олиб келади. Ишни шундай ташкил этишнинг афзаллиги, билимни элементар ўзлаштириш айrim ўқувчилар билимида уэилишлар пайдо бўлишининг олдини олади. Шу билан бирга бу ўқитувчи учун ишнинг ҳар бир босқичидаги натижаларни аниқлаш имконини бериб, уларни ҳисобга олган ҳолда материалнинг кейинги қисмини ўқитишга ўтилади. Бундан ташқари, ўқитувчи янги материални тўла ўзлаштира олмаган ўқувчиларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиб, айrim ўқувчиларга нисбатан индивидуал муносабатда бўлади. Бунинг ижобий томони яна шундаки, ўқувчилар фақат ўқитувчини тинглабгина қолмай, балки ўзлари мустақил равишда амалий машғулотларни бажариб, дарслик билан ишлайдилар. Бу ўрганилаётган

масала бўйича болаларга амалий ҳаракатлар усулини эгаллашга ёрдам беради (улар қўйилган саволга жавоб учун материал топиб уни ажратадилар, таққослайдилар, таснифлайдилар). Шундай қилиб, ўқитувчи ўқитишининг икки томони бўйича бошқариб туриш имконига эга бўлади: бир томондан тушуниш ва тасаввур этишининг шаклланиши ва бошқа томондан болаларда билишга бўлган ҳаракатнинг ривожланиши. Бу, шубҳасиз, ўқитишининг ривожлантирувчи принципини амалий жиҳатдан амалга ошириш имконини беради.

Ёрдамчи мактабларда янги мавзуни дастлабки ўзлаштириш дарси унча катта бўлмаган материалга эга. Шунинг учун ўқувчи кўнирма ва малакасини жамлаш учун олинган билим бўйича қайта машқ қилиш имкониятига эга. Ўқитувчининг тушунтириш билан ўқувчиларнинг мустақил ишларининг қўшиб борилиши қўйидаги тарзда тузилиши керак.

Ўқитувчи дарсни янги материални тушунтириш билан бошлайди, шундан кейин олинган билимни машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қиласди.

Ўқитувчи ўқувчиларга таққослаш учун бир қанча мисоллар келтириб, суҳбат ёрдамида ўқувчиларни хулоса чиқаришга олиб келади.

Бундай дарслар, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беради, чунки уларга таҳлил, тасниф, таққослаш ва умумлаштиришни машқ қилдиради. Бу эса уларнинг нутқларидағи асосий нуқсонларни тузатишга имкон беради.

Комбинациялаштирилган ёки мураккаб дарслар. Бу дарс бир қанча дидактик мақсадларни кўзлайди (янги материални тушунтириш, уни мустаҳкамлаш, аввал ўтилганларни такрорлаш ва билимларни ҳисобга олиш, текшириш). Бу эса ўқитиши жараёнининг бир қанча бўлакларига мос келади. Дарснинг ҳар бир қисми оз вақт (10—15 дақиқа) давом этади, фаолият тури ҳам дарс давомида тез ўзгариб туради. Берилган режадаги дарсни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг фаолиятини рангбаранглаш имконияти ва биринчи дарснинг ўзида ўзлаштириш жараёни деярли ҳамма босқичларини қўшиб олиб бориш имконияти, билимлар ҳажмининг унча катта эмаслигидан бўлиб, қути синф ўқувчилари билан ишлашни қулайлаштиради.

Амалий дарслар. Бу дарсларда ўрганилаётган ма-

териални қайтадан тушуниб етиш, эсга тушириш ва қўллаш, уни мустаҳкамлашга эришиш мақсади кўзда тутилади. Ўқувчилар масалалар ечишни машқ қиладилар, ўрганган қоидалар бўйича машқлар бажарадилар, қўникма ва малакаларни муқаммаллаштирадилар, аввал ўрганган факт ва тушунчаларни янгидан тушуниб етадилар. Материални дастлабки англаш жараёнида етарли ўзлаштирилмаган ёки умуман ўзлаштирилмаган қоидаларни билиб оладилар.

Маълумки, билим, қўникма ва малакани мустаҳкамлаш қайта тиклаш, машқ қилиш ва ижобий мустаҳкамлашга бўлинib, ўзаро ажралмас боғлиқликда ва доимо алоқада бўлади. Амалий дарслар бир хил бўлмаслиги зарур. Ўқувчиларнинг ишга қизиқиши давом этиши учун ўқитувчи бундай дарсларга пухта тайёрланishi, турли ишларни танлаши дарснинг жиҳозланиши ва қисмларга бўлинишни аниқ ишлаб чиқиши керак. Бу дарслар ўқувчиларнинг ишлаб чиқаришда, устахоналарда, касбга ўргатиш жараёнида ишлаётганларнда ўтилади, лекин улар математика, табиатшунослик, географияни ўрганиш жараёнида ҳам қулланилади.

4. Такрорлаш-умумлаштириш дарслари. Унинг дидактик мақсади ўтилган мавзуни қайтариш ва система-малаштиришдан иборат. У дастурнинг бирор бўлими ёки алоҳида мавзунинг ўқитилиши тугаллангандан кейин амалга оширилади. Умумлаштирилган дарсда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни қандай ўзлаштирганларини аниқлайди. Бу дарслар болаларнинг ўқув материалини юқори даражада тушунишига ва ўтилганларни янги шаклда қайтаришга имкон беради. В. А. Поставская ёрдамчи мактабларда умумлаштирилган ҳолда қайтариш айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. Қайтариш пайтида мавзу бўйича ҳамма ўрганилган материал умумлашади. Масалан, дарсларда ўқувчилар турли хил машқларни ўрганишади, умумлаштириб қайтариш дарсида эса уларни таққослайдилар. Ёввойи ва уй ҳайвонларини ўргандан кейин ўқувчилар бу гурӯҳ ҳайвонларни ўзаро солиштириб, ҳар бир гурӯҳ учун умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлайдилар.

5. Текшириш ва баҳолаш дарслари. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари бундай дарсларни ўрганилаётган мавзу ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ўтказадилар. Бундай дарслар

оғзаки, сўроқ шаклида ёки ўзма иш шаклларида ўтказилиши мумкин. Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳар бир дарс турида, унинг тузилишида умумий элементлар мавжуд бўлади. Бироқ дарс туридан қатъий назар ёрдамчи мактабдаги дарслар бир қанча қисм; тайёргарлик, асосий ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Тайёргарлик қисмининг мақсади ўқувчиларда ишга тайёргарликни вужудга келтириш, уларни ўқув жараёнига киришишига имкон яратишдан иборат. Дарснинг бу қисми бир қанча элементлардан: а) ўқувчилар ишини ўюштириш ва дарсга тайёрлаш; б) дарсдаги машғулотларга ўқувчиларни психологик тайёрлаш; в) ўқувчиларнинг дарсга дидактик тайёргарлигидан ташкил топади.

Ўқувчиларни ўқув ишига тайёрлаш учун ўқитувчи улар диққатини активлаштиради, боланинг асаб системасини оптимал ҳолатга келтиришга қаратилган алоҳида машқлар танлайди. Бунга ташкил қилинган пайтдан кейин 5—6 дақиқа вақт ажратилади. Тайёрловчи машқлар дарсдан кейинги ишлар мазмуни билан боғлиқ бўлиши керак. Мазмунга кўра улар ҳар хил бўлади: расмларни, буюмларни кўриш, улар тўғрисида сухбат ўтказиш. Нутқ билан боғланган ўйинлар, эртак ва ҳикоялар эшлиши, буюмни таниш, таснифлаш, ажратиш бўйича амалий топшириқлар, диафильмлар намойиш қилиш.

Синфда ўқитувчининг уй вазифасини текшириши, ўтилганларни такрорлаш асосида янги материални ўзлаштиришга ўқувчиларни тайёрлаши катта аҳамиятга эга. Бу дарснинг тайёргарлик босқичига жонли киришиб ўқувчиларга саволлар бериб, мустақил бажарилган ишларни кўз юргутириб текшириш, топшириқни бажариш, натижа ва ечимини текшириш шаклида ташкил қилинади. Текшириш қайси шаклда олиб борилмасин у янги материални ўрганишга киришишда катта аҳамиятга эга. **Ўқувчиларнинг дидактик, психологик тайёргарлиги** уларни фақат ёзув асбоблари билан, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш билангина белгиланмай, балки дарс мазмунини аниқ таърифлаш билан ҳам белгиланади. Айни шу босқичда ўқитувчи болаларга улар дарсда нимани ўрганганларини ва бунинг амалий аҳамиятини тушунтиради.

Ўқувчиларни янги материал билан таништириш, уни

ўрганиш, системалаштириш ва ўтилганларни чуқурлаштириш, билим, кўникма ва малакани мустаҳкамлаш ва ўқув материалларни тақрорлаш — буларнинг ҳамаси дарснинг асосий қисмига киради.

Дарснинг якунловчи қисмida эса ўқувчиларнинг ишлари баҳоланади ва улар мустақил ишларга жалб этилади, яъни уларга уй вазифаларини бажариш бўйича аниқ йўлланмалар берилади. Бу айниқса, ёрдамчи мактабларда жуда муҳим, чунки уй вазифаси дарс давомида қўлга киритилган билим, кўникма ва малакани мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, ўқувчилар активлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга, уларда ўз-ўзини назорат қилишини тарбиялашга хизмат қилади. Бироқ ривожлантирувчи аҳамиятга эга бўлган уй вазифаси, синфда бажарилган ишнинг давоми сифатида қаралганда ва ўқувчилар уни мустақил бажаришлари мумкин бўлгандагина шундай ҳисобланади. Уй вазифалари ўқувчиларни қийинчиликларни енгишга, топширикларни ўз вақтида бажаришга ва машқларни бажаришда энг унумли йўлни топишга ўргатиши лозим.

Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифасини тушунтириб, унинг бажариш йўлларини кўрсатиб бериши керак. Баъзида бутун синфагина эмас, балки айрим ўқувчиларга алоҳида тушунтириб, индивидуал вазифалар ҳам топширилади. Бундан ташқари, И. Г. Еременко дарснинг якунловчи қисмida иш жойини тартибга келтириш, нафас олиш учун жисмоний машқлар бажариш, дидактик ўйинлар, топишмоқлар топишни уюштиришни тавсия қиласи. Ёрдамчи мактабда қайтариш дарснинг зарурий элементи бўлиб ҳисобланади. Қайтариш бола материални эсидан чиқармасдан олдин бажарилиши керак. А. Н. Граборов иборасига кўра қайтариш — унутишнинг олдини олишдир. Шунинг учун ёрдамчи мактаблардаги дарснинг ҳар бир босқичи, аввал ўрганилган билими янги шаклларда қайтариш билан, билими амалий қўллаш жараёнида қайтариш билан боғлиқ бўлиши керак. Шунга кўра А. Н. Граборов ўзига хос аммо мажбурий бўлмаган, қайтариш алоҳида ўрин тутган дарс тузилишини таклиф қиласи.

1. Дарс ўқувчилар тажрибасини сафарбар қилиш билан бошланади.
2. Бу тажриба системалаштирилади.
3. Тема бўйича янги материал баён қилинади.

4. Янги ва ўтилган материал орасида алоқа ўрнатилади.
5. Материал тақорорланади.
6. Янги қоидаларга мисоллар ўйлаб топилади.
7. Материал умумлаштирилиб, якунловчи қайтариш ўтказилади.
8. Ўқувчилар онгода материални мустаҳкамловчи уй вазифаси берилади.

Ёрдамчи мактаблардаги қайтариш ўзгарувчан характерда бўлиб, у боланинг ривожланишига имкон яратиши керак. У айни ўтиладиган тема бўйича ўқувчиларда қандай кўникма ва малакани ишлаб чиқиши кераклигини, мустақил иш турларини белгилаши керак. Дарсга тайёргарлик жараёнида ўқитувчи алоҳида эътибор талаб қиласидиган ўқувчиларни белгилаб, аввалдан улар учун алоҳида савол, уй вазифалари ва топшириклар тайёрлаб, уни ўқувчиларга тушунтириб, бажариш усулини ишлаб чиқади, айрим ўқувчилар учун индивидуал топшириклар танлайди. Тайёрланиш даврида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакасини ҳисобга олиш ва текшириш усуллари ва турлари ҳам ишлаб чиқлади.

Ўқитувчи дарс режасини тузади, агар ўқув материали мазмуни талаб қилса, унинг қисқача конспектини ҳам олади. Бизнингча, дарс режасида қўйидаги элементлар ўз аксини топиши керак:

1. Дарс мавзуининг номи.
2. Дарснинг асосий дидактик мақсадлари, таълимиy, тарбиявий ва нуқсонни тузатиш вазифалари.
3. Дарсда фойдаланиладиган жиҳозлар.
4. Дарснинг тузилиши, яъни дарснинг асосий қисмлари ёки босқичларини, уларнинг кетма-кетлиги ва ўтказиш учун кетадиган вақтни тахминан аниқлаш.
5. Янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш, тақорорлашга оид ва наъватдаги темаларни ўрганишга оид ишларнинг мазмуни.
6. Дарснинг ҳар бир қисмида бажариладиган ўқув ишининг метод ва усуллари.
7. Дарснинг боришида суралиши керак бўлган ўқувчиларнинг фамилиялари.
8. Уй вазифаси.

Савол ва топшириқдар

1. Ёрдамчи мактабда дарсга қўйиладиган дидактик талаблар нималардан иборат?
2. Дарс деб қандай жараённи тушунасиз?
3. Ёрдамчи мактабда қандай турдаги дарслар қўлланилади?
4. Дарснинг дидактиқ, нуқсонни тузатиш ва тарбиявий мақсадлари орасидаги алоқа қандай амалга оширилади?
5. Ёрдамчи мактабларда дарснинг тузилиши қандай?

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолаш дарслари

Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш уларнинг билим эгаллашларини, унинг изчиллигини назорат қилишга хизмат қиласди. Болаларнинг билимлари назорат қилинмаса улар системали, изчил мустаҳкам билим ололмайдилар. Ўқувчилардаги билим даражалари тўғри, системали ва дифференциаллашган ҳолда текширилиб турилгандагина мақсадга эришиш мумкин. Болаларнинг ўзлаштирган билимларини текширишнинг тарбиявий таъсири шундаки, ўқувчиларда текшириш туфайли ўз-ўзини назорат қилиш хислатлари ривожланиб боради.

Ўқувчиларнинг билимлари кундалик, ҳар бир дарс давомида, дастурдаги маълум мавзулар ўтилгандан кейин, ҳар бир чорак, ўқув йили охирида текширилади. Шунга биноан баҳолашнинг жорий ва якуний турлари мавжуд. Ҳар бир баҳолаш турига мос келувчи текшириш усувлари ҳам бор. Кундалик баҳолашда ўқитувчи кузатиш, юзаки сўрашдан фойдаланса, жорий ва якуний баҳолашда эса, оғзаки сўраш, синов ишларидан фойдаланади.

Ёрдамчи мактабларда ўқувчилар билимини текширишнинг барча турлари қўлланади ва бунда ақли заиф болаларнинг ўзига хос хусусиятлари қатъий эътиборга олинади. Баҳолашнинг тарбиявий ва тузатувчи томонларига алоҳида эътибор берилади. Ёрдамчи мактабларда ҳам оммавий мактаблардаги каби беш балли баҳолаш системаси қўлланилади. Аммо, ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ақли заиф болаларнинг баҳога муносабатларига алоҳида эътибор билан қарashi талаб этилади. Ўқитувчи, тарбиячилар ақли заиф болаларга баҳога нисбатан онгли муносабат тарбиялашлари лозим. Объектив, ҳаққоний баҳо ҳар доим болаларда ўқишга нисбатан қизиқишларнинг ошишига ҳамда ўз

кучига ишонч ҳосил бўлишига ёрдам беради. Айниқса ёрдамчи мактабларда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, характер камчиликларини, уларда жисмоний нуқсонларнинг борлигини, қобилият чекланганингини эътиборга олиш лозим.

Айрим ҳолларда ақли заиф болаларнинг энг оддий ютуқлари ҳам ижобий баҳолашни талаб этади. Лекин бундан буни албатта барча ақли заифларга тадбиқ этиш керак деган маъно келтириб чиқармаслик керак. Шу сабабли ўқитувчи ўқувчиларни, уларнинг имкониятларини яхши билиши талаб этилади. Баҳонинг рагбатлантирувчи кучидан фойдаланиш керак. Ўқувчиларга топшириқлар бериш вақтида мумкин қадар топшириқларни индивидуаллаштириш зарур. Акс ҳолда бўш ўзлаштирадиган ўқувчилар системали равишда паст баҳо олиб юрадилар. Бунинг оқибатида эса ақли заиф болаларда дарсга нисбатан ёмон муносабат шаклана бошлайди. Бу ҳол уларнинг имкониятларини янада чегаралаб боради. Ёрдамчи мактабда айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган якка ҳолдаги тузатиш ишлари бирмунча узоқ муддат давом этади. Бундай болалар умумий болалар билан олиб бориладиган фронтал ишларга қўшилиб кетмагунларича индивидуал ишлар давом эттирилиши мумкин. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларининг имкониятларини билиши асосида, уларнинг келажакдаги ривожланиш режасини белгилashi мумкин.

Ёрдамчи мактаб дарсларида кенг тарқалган текшириш усули оғзаки сўрашdir. Оғзаки сўрашнинг турли шаклларидан фойдаланиш мумкин. Оғзаки сўраш янги билимлар бериш олдидан, янги билимлар бериш вақтида болаларнинг шахсий тажрибаларини, олдинги билимларини аниқлаш учун олиб борилади. Бу ҳолда оғзаки сўраш янги берилаётган материаллар билан олдинги эгалланган билимлар орасида боғлиқликни ҳосил қилиш учун қўлланади ҳамда болаларни янги билимларни яхши идрок этишга психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Оғзаки сўраш маълум мавзу ўтилгандан кейин материални қайтариш, назорат қилиш ва болалар билимларини бир системага келтириш учун қўлланилади. Бу ишлар оқибат натижада ақли заиф болалар тафаккурининг ривожига ижобий таъсир этиши кўзда тутилади. Ёрдамчи мактаб ўқитувчиларининг ўқувчиларга

бераётган саволлари болалардаги билимларни, географик номларни хронологик шаклда эгаллашга хизмат қилиши керак. Улар сабаб-оқибат боғланишлари орасида муносабатларнинг шаклланишига ёрдам берадиган мазмунда бўлиши зарур. Чунки бундай мазмундаги саволлар ақли заиф болаларда таҳлил ва тасниф, таққослаш, умумлаштириш, янада мураккаброқ фикрлаш жараёнларининг юзага келишига, уларнинг умумий камолотига ёрдам беради.

М. М. Нудельманнинг кўрсатишича, ақли заиф болалар бир тизимдаги саволларга яхши жавоб берар эканлар. Улар ўқиган материалларини бирмунча осон гапириб берадилар. Идрок этилган материал билан берилаётган сўроқ орасидаги боғлиқликни кўра билмайдилар. Ўқитувчи болаларга берилаётган саволлар мазмунини ўзгартира бориб, уларнинг ривожланишини, улардаги нуқсонни тузатиш ишларини бошқариб боради. Ўқувчилар билимларини текширишнинг турли-туман усулларидан фойдаланиб, ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ўқувчиларнинг ўқув материалларини янада самаралироқ ўзлаштиришларига эришиши мумкин. Ёрдамчи мактаблардаги ўқувчилар билимларини текшириш қатор вазифаларни ҳал этишини ўз олдига қўяди.

Текшириш орқали ақли заиф болаларга билим берилади, улар тарбияланади, диагностика ишлар амалга оширилади ҳамда рағбатлантириш учун баҳоланади.

Г. И. Шукина таҳрири остида чиққан «Педагогика» дарслигида ўқувчилар билимийн текширишнинг 4 та вазифаси кўрсатиб ўтилган. Булар назорат қилувчи, билим берувчи, ривожлантирувчи ва ташкил этувчи вазифалардан иборат.

Ақли заиф болаларнинг билимларини текширишнинг билим берувчи вазифаси шундан иборатки, билимларни текшириш жараёнида билимлар аниқланади, мустаҳкамланади, системалаштирилади ва умумлаштирилади. Текшириш, қайтаришнинг тарбиявий таъсири ҳам бор, чунки бу жараён ақли заиф болаларни тарбияга чақиради ва уларда жавобгарлик ҳисларининг ривожланишига ёрдам беради. Ўзларини назорат қилиш кучайиб боради. Ёрдамчи мактабларда тўғри ташкил қилинган текшириш ва сўраш ишлари ҳар бир ўқувчининг, бутун синф колективининг яхши билим олишига бўлган қизиқишларини оширади.

Текширишнинг диагностик вазифаси ҳам ўзига хос

аҳамиятга эга. Бунинг ёрдамида ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиш хусусиятларини, қобилиятларни, билим олувчанлигини ўрганиш мумкин. Бу вазифаларни мудаввафоқиятли ҳал этмасдан ёрдамчи мактабларда яхши ташкил этилган таълим жараёнини тасаввур этиш мумкин эмас. Ўқувчиларнинг хусусиятларини яхши билишимиз асосида, болаларга баҳо қўйишдан кўзланган мақсадни янада тўлароқ тушуниб борамиз. Ўқувчилар билимларини текшириш вақтида асосий эътиборни хотираси ёмон, иш қобилиятлари паст болаларга қаратишимиз керак. Ёрдамчи мактаб ўқитувчисидан текширишда изчилликка амал қилиши талаб этилади. Чунки билимларни мунтазам, изчиллик билан текшириб бориш асосидагина ўқувчилардаги индивидуал хусусиятларни аниқлаб олишимиз ва шулар орқали ақли заиф болаларга ўз вақтида ёрдам беришимиз мумкин. Ёрдамчи мактабларда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини текшириш сухбат шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ақли заиф болаларнинг тез чарчашини инобатга олиб, савол-жавоб ва сухбатларни 10—15 дақиқагача ўтказиш мумкин деб тавсия этади И. Г. Еременко. Берилётган саволлар оммавий мактаблардагидек барча синфга қаратади. Доскага чақирилган боланинг жавобларини барча синф ўқувчилари диққат билан тинглаши талаб этилади. Ўқитувчи хоҳлаган вақтда доскада жавоб беряётган ўқувчини тўхтатиб бошқа боланинг давом этиришини сўраши мумкин. Савол-жавобга иложи борича кўпроқ ўқувчилар жалб этилиши керак. Бошлиғи синфлардаги сухбатлар кўпроқ ўйин характеристерини каас этиши мумкин.

Ўқувчилар билим ва малакаларини аниқлаш учун ёзма ишлардан: диктант, баён, кичик ҳажмли ишо, расм, чизма чизиш, маълум жойнинг режасини тузиш ва бошқалардан фойдаланилади. Ёзма ишдан олдин ўқувчиларга кўрсатма берилади. Ақли заиф ўқувчиларнинг амалий топшириқларни бажаришлари ўзига хос равишда ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникмаларини текшириш усулидир. Чунки бундай топшириқлар орқали ўқувчиларнинг қанчалик ҳаётга тайёрланганини кўринади.

Болаларнинг билим ва кўникмаларини текшириш узвий тарзда баҳолаш билан боғлиқдир. Баҳосиз ўқувчилар билимини текшириш кам самара беради. Чунки

болалар ўз иш натижаларини кўрмайдилар. Шу сабабли ўзларини назорат қилиш пасайиб боради.

Ёрдамчи мактаб тажрибасининг кўрсатишича, ақли заиф болаларга баҳо қўйиш улар руҳиятига салбий таъсир этади деган фикрларни инқор этади. Мактаб ҳаётининг кўрсатишича, ҳақиқатан ҳам бир қисм болалар баҳога нохуш муносабат билдирулар, бир қисми эса баҳога умуман бефарқ бўладилар. Аммо, ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий қисми баҳога ўзларининг меҳнат фаолияти натижаси сифатида қарайдилар.

Болаларда баҳо объектив қўйилмагандага унга нисбатан нотўғри муносабат юзага келади. Болаларга олган баҳоларни тушунтириш лозим. Баҳо қўйишда ўқувчининг ютуқ, камчиликларини кўрсатиш керак. Ёрдамчи мактабларда ҳам беш балли баҳо системаси қўлланади: «5»—аъло, «4»—яҳши, «3»—қониқарли, «2»—қониқарсиз, «1»—ёмон. Эълон қилинган баҳо синф журналига ва ўқувчи кундалигига қўйилади. Баъзан оғзаки баҳо ҳам қўйилиши мумкин. Ҳар ҳолда оғзаки рағбатлантириш катта аҳамиятга эга. Баҳо қўйиш асосан кундалик текшириш орқали амалга оширилади. Шуни айтиб ўтиш ўринлики, «Дефектологический словарь»да баҳолаш тизими берилган. Шу ерда юқорида берилгандан фарқли равишда «2»—ёмон, 1—«жуда ёмон» баҳо деб кўрсатилган. Бизнингча, булар орасида бирор принципиал фарқлар йўқ. Қуйида турли баҳоларнинг мезонларини келтирамиз.

Юқори—«5» (аъло) балл билан ўқувчининг ўқувдастури мазмунини чуқур ва тўла эгаллаб олгани, ўқув материалида назарий ва амалий жиҳатларни ажратади билгани, мустақил равишда жавоб қила олгани, айтилган таърифларни, тушунчаларни изоҳлаб билгани, шунингдек, жавобнинг тўғри услубда ва бадиий шаклда эканлиги учун қўйилади. Жавоб ишонарли ва бехато бўлиши керак.

«4» (яҳши) балл ҳам материалнинг мазмунини чуқур ва тўла ўзлаштиргани учун, ўрганилган тушунчаларни, қоидаларни, таърифларни тўғри баён эта олиш ва исботлай билиш малакаси учун қўйилади. Лекин ўқувчи ноаниқликларга, жавоб мазмунида шакли ва услубида айрим хатоларга йўл қўяди.

«3» (ўрта) балл ўқувчи ўқув материалидаги асосий қоидалар ва боғланишларни ўрганганилиги ва тушунишини англатади. Лекин унинг тушунчаларни етарли дара-

жада чуқур әгаллаб олмаганлигидан далолат берадиган хатоларга йўл қўяди, айтадиган фикрини баён эта олмайди. Жавобида бирлик йўқ бўлади. Жавоб гарчи тўғри бўлса ҳам, у алоҳида, тарқоқ фикрлардан иборат бўлади. Ўқувчи одатда ўқитувчининг ёрдами билан жавоб беради.

«2» (ёмон) балл ўқувчи системасиз, тарқоқ билимларга эга бўлгани учун қўйилади. У асосий ва иккинчи даражали нарсаларни ажратмайди, назарий ва амалий мазмуннинг бир-биридан фарқини билмайди. Ўқувчи, одатда, ёд олинган ибораларни такрорлайди, бундан на унинг ўзида, на ўқитувчидаги қаноатланиш хисси туғилмайди. Дастурдаги материалнинг бундан кейинги урганилишини унга асосланиб ташкил этиб бўлмайди. Бундай билимлар ақлий ривожланишга камдан-кам ёрдам беради.

«1» (жуда ёмон) балл қачонки, ўқувчи дастурдаги материални билмаган ва тушунмаган, мазмунда қўпол хатоларга йўл қўйган ҳолларда қўйилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ердамчи мактабда баҳолашнинг қандай турлари бор?
2. Ердамчи мактабдаги баҳолашнинг оммавий мактабдаги баҳолашдан фарқи нимада?
3. Баҳолашнинг қандай вазифалари мавжуд?
4. Билимларни чорак ва якуний текширишнинг қандай шакллари бор?
5. Баҳолашнинг мезонлари ҳақида гапиринг.

Ердамчи мактабларда меҳнат таълими

Ердамчи мактаблардаги меҳнат таълими нуқсонли ўқувчиларни умумтехник, касб-ҳунар ва ҳўжалик-маишӣ билимлари, кўнишка, малакалар билан қуроллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва мактабларда шу мақсад асосида иш олиб боради. Ҳар бир айрим меҳнат турлари турли маҳсус мактабларда, маҳсус дастурлар асосида олиб борилади. Барча турдаги меҳнатнинг мазмуни, моҳияти, ташкил қилиниши ақли заиф ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш, уларда техник қобилияtlарни ривожлантириш, мустақиллик, фаоллик тарбиялашга қаратилади. Турли тоифадаги нуқсонли ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий ривожланиш хусусиятлари маҳсус мактаблардаги меҳнат таълимининг мазмунини, усуllларини белгилаб беради.

ди. Махсус мактаблар ўз ўқувчиларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш билан бирга; уларнинг нуқсонларини камайтириш учун меҳнатдан асосий педагогик восита сифатида ҳам фойдаланади. Бу вазифаларни ҳал қилишда барча педагогик, тиббий ва техник воситалардан фойдаланилади.

Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат таълими — ақли заиф ўқувчиларнинг психофизик нуқсонларини тузатишида асосий воситалардан бири саналади. Содда турдаги меҳнат фаолияти олигофрен болаларга бирмунча тушунарли бўлиб, улардаги барча сезги органларининг самарали ишлашига, фикрлаш жараёнларининг ривожланишига ёрдам беради. Ёрдамчи мактабларнинг асосий вазифаси, деб таъкидланади шу мактаблар дастурида, дебил даражадаги ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитишдан иборат. Ақли қолоқ болаларга хос, умумий нуқсон — билиш жараёнларининг чекланганлигидир. Шу сабабли, ақли заиф болалар таълим-тарбиясининг ривожланишида биринчи ўринга болаларнинг билиш фаолиятларини тузатишига алоҳида ўрии, эътибор берилган. Ёрдамчи мактабларнинг мана шу асосий, ўзига хос вазифалари асосида таълим мазмуни, -усуллари очиб берилади. Республикаизда ёрдамчи мактаблар махсус мактабларнинг бир тармоғи сифатида тараққий этди. Ёрдамчи мактаблардаги таълим бевосита нуқсонли болаларни ҳаётга мослаштиришга хизмат қиласди. Ёрдамчи мактабларни тутаган ўқувчиларнинг 90 фоизи ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ишга ўрнашиб, ўзларини моддий жиҳатдан таъминлай олар эканлар. Оз қисм ақлий нуқсонларгина ногиронлар муассасаларида, даволашмеҳнат устахоналарида рўйхатда турар эканлар. Бу маълумотлар ишончли тарзда ёрдамчи мактабларнинг ўз олдига қўйган ижтимоий вазифаларни муваффақиятли ҳал этилаётганлигидан далолатdir.

Ақли заиф болаларнинг бевосита жамият ишлаб чиқариш жараёнида қатнашилари натижасида бу ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий масалалари ижобий ҳал этилади, яъни улар ҳам нормал тенгдошлари қатори дам олиш, даволаниш, ижтимоий таъминотдан фойдаланадилар. Бир сўз билан айтганда, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида яшайдилар. Мана шу натижага эришиш учун барча мамлакатлардаги дефектологлар, педагоглар, шифокор-

лар, психологлар ҳаракат қилмоқдалар. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларга билим бериш, тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашни асосий мақсад қилиб қўйган экан, демак, биринчи ўринда маълум меҳнат турларидан билим бериш, уларда тегишили кўникма, малакалар шакллантириш турди. Меҳнат таълим мининг асосий етакчи вазифаси нуқсонларни тузатишdir.

Меҳнат таълимидағи барча тузатиш ишлари қатъий мақсад асосида изчил амалга ошириб борилиши керак. Болаларга бирор нарсани тайёрлаш жараёнини тушунтириш асосида айрим билиш жараёнларини тарбиялаш ҳам амалга ошириб борилиши эътиборда тутилиши керак. Бизнингча, билиш жараёнларини такомиллаштириш ва шахсий сифатларни ривожлантириш ўз-ўзидан таълим натижаси сифатида юз бермайди. Ақли заиф болалар билан олиб бориладиган меҳнат таълими ва тузатиш ишларига тааллуқли таълим жараёнида нормал болаларнинг ривожи орасида ўхашлик мавжуд. Бунда таълим етакчи роль ўйнайди. Бунинг учун таълим ўқитувчи томонидан ривожлантириш тузатиш руҳида ташкил этилиши даркор. Ёрдамчи мактабдаги тузатиш вазифалари умумижтимоий вазифалар билан борглаб олиб борилиши керак. Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат таълим мининг ижтимоий ва тузатиш вазифалари ўз навбатида, бу ишнинг аниқ, ташкилий усул ва шаклларни аниқлашга ёрдам беради. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг умумий тайёргарлик даражаси, ўз навбатида, маълум меҳнат турини танлашни тақо-зо этади. Ёрдамчи мактабни битирган ўқувчилар асосан биринчи ва иккинчи разрядли мутахассис бўлиб етишадилар. Ёрдамчи мактаб ўз ўқувчиларига содда, тор соҳа билимлари бериш билан кифояланади. Буларга темирчилик, дурадгорлик, тикув ишлари ҳамда картон муқовалаш, содда қишлоқ хўжалик мутахассисликлари киради. Булардан ташқари бўёқчилик, майший ишлар, қўғирчоқлар ясаш бўйича ҳам ақли заиф болалар маълум билимлар эгаллашлари мумкин. Буларнинг барчасида содда, мураккаб бўлмаганлик характеристерли белгидир. Демак, ёрдамчи мактаблардаги меҳнат таълим мининг биринчи вазифаси ақли заиф ўқувчиларни ишлаб чиқаришга жалб этса, иккинчи вазифа— меҳнат орқали уларнинг нуқсоиларини туғрилаш, юмшатиш, камайтириш, уларда ижобий шахсий сифатлар тарбиялашdir.

Барча ижодий фаолиятлар сингари меҳнат қилиш учун ҳам ўқищ, ўрганиш керак. Инсон маълум мутахассислик эгаллаши учун маълум вақтда, маълум ҳајмдаги билим, қўникма, малакалар эгаллаши лозим.

Таълимдаги муваффақият берилаётган билимларнинг мураккаблик даражасига, олиб борилишига, таълим усулларига ҳамда таълим олаётган ўқувчиларнинг психофизик имкониятларига боғлиқ. Мана шу омиллар орасида маълум боғлиқлик мавжуд. Болаларга маълум мутахассислик бериш учун улар жисмоний, ақлий томондан етилган бўлишлари керак. Агар берилаётган таълим «яқин вақтларда ривожланиши мумкин бўлган зона»да бўлса, унда боланинг психофизик қобилиятларининг ривожланишига ижобий таъсири этиди. Ақли заиф болалар билиш фаолиятларидаги мавжуд психофизик нуқсонлар асосида таълим жараёнинг айрим компонентлари орасидаги боғлиқлик қийинлашади. Меҳнат таълимининг ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг умумий камолотига таъсирини белгилашда буларни эътиборга олиш керак.

Маълумки, ҳар бир кишининг меҳнати жамоа ва жамоа учун амалга ошади. Шу сабабли ақли заинфларда меҳнатга ижобий муносабат, интизом, жамоада ишлаш қўникмаларини тарбиялаш керак. Кичик боланинг энг оддий, ихтиёrsиз, инстинктив ҳаракатлари секинаста ихтиёрий, онгли ҳаракатларга айланиб боради. Шу жараёнда таълим катта роль ўйнайди. Болаларда меҳнат малакаларига оид ҳаракатлар шакллантириш ҳам меҳнат таълими таркибига киради. Бу ҳаракатларни шакллантиришнинг ўзига хос қонуниятлари бўлиб, меҳнатда ақлий ҳаракатлар шакллантириш билан ўзвий боғлиқ. Меҳнат таълимидаги ақлий ривожланишнинг етакчи омили болаларнинг мустақил, мақсадга мувофиқ меҳнат фаолиятини ташкил этишдир. Бу эса ўз навбатида, уларнинг ақлий ривожланиши билан боғлиқ. Рус олигофренопедагогикасида меҳнат таълимига эътибор ўзининг характерли томонлари билан ажраблиб туради. 1910 йилда ё машҳур дефектолог А. Пабст ҳам қўл меҳнатига катта эътибор билан қараган эди. Қўл меҳнати ақли заиф болалар билан иш олиб борадиган ёрдамчи мактаблар учун айниқса муҳимдир. Бу ерда биринчилардан бўлиб психик ривожланишдаги нуқсонларни машқлар орқали бартараф этиш мумкинлиги амалда кўрсатилади. Ақли заиф болаларга ҳа-

қиқиң билим беришни бошлашдан олдин уларнинг сезги ва мускулларини машқ қилдириш, ривожлантириш зарур.

1913 йилда халқ маорифининг Бутун Россия қурултойида қўл меҳнати ақли заиф болалар камолотига яхши таъсир этувчи педагогик восита сифатида эътироф этилди. Бунда меҳнатнинг ривожлантирувчи аҳамияти тан олинди.

Ҳақиқатан, Е. К. Грачёва, М. П. Паставская, Г. Ч. Трошин, В. П. Кащенко, Г. Н. Россолимо, Д. И. Азбукин, А. И. Граборов ва бошқа дефектологларнинг ишларини таҳлил қиласак, уларнинг ҳар бири у ёки бу аснода қўл меҳнатига алоҳида эътибор берганлигини кўрамиз. В. П. Кащенконинг таъкидлашича, қўл меҳнати «асосий, етакчи фан сифатида тан олинниши ва барча тарбиявий ва таълимий ишларимизнинг асоси бўлиши лозим».

Бундан ташқари муаллиф қўл меҳнатини бошқа фанларда ҳам алоҳида иш усули сифатида фойдаланишни тавсия этган. Бизнингча, қўл меҳнатининг ижобий томонлари А. Н. Граборов ишларида бирмунча кенгроқ ва изчилроқ акс эттирилган. «Бола тафаккури билан унинг мускуллари орасида — деб ёзади у 1920 йилда,— узвий алоқа бор. Ақли заиф бола ишлай туриб, нарсалар ишлаб чиқара туриб, топшириқларни бажариб, ўзида ишонч тарбиялайди ҳамда шахснини такомиллаштириб боради». Демак, бола меҳнат фаолиятида ўз-ўзидан ривожланиб борар экан.

Инсоннинг меҳнат фаолиятида ҳаракатлар зарурий қисмлардан бўлиб, инсонга хос бўлган фаолиятнинг мақсадга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Меҳнат фаолияти таркибига кирувчи ақлий ҳаракатлар турли малакалар тарзида намоён бўлади. Буларга қўйидагилар киради:

- а) оғзаки, ёзма, сурат ва жадваллардан фойдалана олиш;
- б) ўлчаш, ҳисоблаш учун ўлчаш ишларини бажара олиш;
- в) буюмларнинг тартиб бўйича ясалиш жараёнини режалаштира олиш;
- г) ўз ишини изчил назорат қилиб бориш (таксимнан, асбоблар асосида);
- д) маълум буюмлар ясаш жараёнида сабаб-оқибат боғланишларни тушуна олиш.

Юқори малакали ишчиларнинг иш фаолиятларини психологик таҳлили юқорида айтиб ўтилган ақлий ҳаракатлар ишчига юқори даражада мустақиллик таъминлашини кўрсатди. В. В. Чебишев ва Б. Ф. Ломовларнинг таъкидлашларича, малакали ишчиларнинг иш жараёнлари доимо ўзларини назорат қилиш ҳолатлари билан алмасиб туради. Шу билан бирга юқори малакали ишчиларда барча иш жараёнлари автоматлашган ҳаракатлардан иборат бўлади. Нуқсонли болаларда эса, асосан мана шу автоматлашган ҳаракатларни юзага келтириш қийин амалга оширилади. Юқори малакали ишчи ҳар бир иш қуролининг турар жойи, вазифасини ёддан тасаввур этиб туради. Бу хислат унинг максимал даражада вақтдан унумли фойдаланишга ёрдам беради. Ўзоқ йиллик кузатишлардан маълумки, ҳатто юқори синф ўқувчиларида ҳам етарли мустақиллик шаклланмайди. Юқори синф ўқувчиларининг атиги 20 фоизигина у ёки бу даражада ишни мустақил ҳал қилаолади. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий кисми ўқитувчидан ёрдам олишга муҳтожлик сезадилар. Юқори синфларнинг ҳам ақли заиф болалари меҳнатга оид кўникма, малакалар етарли шаклланган бўлса ҳам, иш жараёнларйда қийналадилар. Бу қийинчиликлар асосан иш вақтида фикрлаш жараёнларини талаб этилганда юзага келар экан. Бу асосан ишни режалаштиришдан, назорат қилишда кўзга ташланади. Бошланғич синф ўқувчилари бажараётган иш жараёнини мустақил гапириб бера олмайдилар. Бу хусусиятлар В. И. Лубовский ва Н. И. Непомняшая ишларида тўла очиб берилган. А. Р. Лурияning кўрсатишича «Асосий асаб жараёнлари (айниқса тормозланиш)нинг тонуси сусайганлиги билан ажralиб туради. Асаб жараёнлари жуда сескин бир жойга тўпланади, арзимас ташқи таассуротлар бу жараёнларни тормозлаб қўйиши мумкин». Кўпчилик ақли заиф болаларнинг нутқи билан ҳаракатлари орасида боғлиқлик бўлмайди. Агар нормал болалар бирор ишни олдиндан режалаб, иш жараёнини гапириб, сўнг иш бошласалар, ақли заиф болалар, ишни тўғридан-тўғри бошлаб юборадилар. Бу ўз навбатида иш жараёнида қатор камчиликларга олиб келади. Ҳатто юқори синф ўқувчилари ҳам баъзан қилган ишларини оғзаки гапириб бера олмайдилар. Шу билан бирга ақли заиф болалар ясаган нарсаларини намуна билан таққослаб кўрмас эканлар.

В. И. Карвялис тадқиқотларидан маълумки, I—III спнф ўқувчиларининг 90 фоизи иш натижаларини на- муна билан таққосламас экайлар, қатор ақли заиф болалар ўзларининг ясаган дағал, қўпол, бесўнақай нарсаларини намунага тұғри келади деб тушунтира- дилар. Улардаги бу хислат шахсий сифатларнинг етар- ли шаклланмаганligини кўрсатади. Ўзларига танқи- дий қарашнинг йўқлиги асосида бу камчилик юз беради. Ақли заиф болаларда ўлчов бирликлари ҳақидаги та- саввур ва билимлар ҳам чекланганлиги иш жараён- ларидаги яққол кўзга ташланиб туради. И. Н. Манжуло- нинг таъкидлашича, 70% ақли заиф бола ўлчов иш- ларida хатоликка йўл қўяди. Атиги 5% гина болалар ўлчов ишларини тұғри бажарганлар. Ўқувчилардаги мм, см, м каби узунлик ўлчов бирликлари нотұғри шакл- ланганлиги оқибатида, кўз билан чамалаб ўлчашла- ри ҳам хатоликлардан ҳоли бўлмайди. Бу тахлитда- ги хатоликлар бурчакларни ўлчашда ҳам кўзга таш- ланади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари меҳнат қила туриб ҳам ақлан, ҳам жисмонан, ҳам шахсан такомиллашиб бо- ради. Албатта, бу такомиллашиш, ривожланиш нормал болалар даражасида бўлмайди. Чунки нормал бо- лалар онгли, тушунган ҳолда бажариб борсалар, ақли заиф болаларнинг аксарияти ишни механик тарзда, тушунмасдан бажарадилар. Шунинг оқибатида иш на- тижаларида ҳам кескин фарқлар юзага келади.

Нормал болалар ақлий жиҳатдан бирмунча тез ри- вожланадилар, чунки улар инсониятнинг умумлашган тажрибаларини ўзлаштириб борадилар деб эътироф этади. А. Н. Леонтьев. Ақли заиф болалар эса бу таж- рибаларни етарли эгаллай олмайдилар. Ақли заиф бо- лаларнинг меҳнат фаолиятида қатор камчиликлар бор- лигини таъкидлаш билан бирга, шуни эътироф, этиш лозимки, уларнинг асосий қисмида турли даражадаги ҳаракат бузилишлари мавжуд. Ақли заиф болаларнинг иш жараёнидаги камчиликлар асосида мана шу ҳара- кат нуқсонлари ҳам маълум роль ўйнайди. Олигофр- инопедагогика тарихида шифокор, педагог, психологлар- дан Ж. Демор, М. О. Гуревич, Н. И. Озерецкий, С. Я. Рабинович, А. Н. Граборов, А. Гезелл, Г. Я. Трошин, Г. Е. Сухарева, С. С. Ляпидевский, Л. В. Занков ва бошқа- лар нуқсонли болаларда ҳаракат системаларининг турли томонларини батафсил очиб берганлар. Ёрдам-

чи мактаб меҳнат таълимининг асосий вазифаларидан бири ақли заиф болаларнинг турли ҳаракат нуқсонларини ҳам тузатишдан иборатdir. Меҳнат таълими жараёнларида фақатгина билиш жараёнлари ривожланиб, тӯғриланиб, тузалиб қолмасдан, балки уларнинг ҳиссиёт-ирода соҳаларига ҳам самарали таъсир этилар экан.

Олигофренопедагогика фанининг ривожида меҳнатга оид турли фикрлар бўлишига қарамасдан, уларнинг барчасида ижобий шахсий сифатларнинг ривожланишига ёрдам бериши қайд этиб ўтилган.

Ақли заиф болалар ўзларининг ўйин, ўқиш, меҳнат фаолиятларида яхши ёки ёмон фикрлашлари билан бирга, барча фаолият натижаларига ижобий, салбий муносабат билдиради. Мана шу муносабат асосида секин-аста шахсий сифатлар шаклланиб боради. Шахсий, ҳиссий-иродавий сифатлар фикрлаш жараёнларига жуда катта самарали таъсир этади. Психик фаолиятнинг барча актив шакллари (иҳтиёрий диққат, эслаб қолиш, ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги) боланинг узоқ муддатли актив фаолияти самараси ҳисобланади. Уз вақтида Э. Сеген ҳам ақли заиф болаларда асбосий нуқсон ироданинг бузилганлигидир деб кўрсатган эди. В. Штроймайер эса, бу болаларда иҳтиёрий диққатнинг етишмаслигини таъкидлайди. Г. Я. Трошин эса ақли қолоқларда етакчи белги, бу болаларнинг иш жараённада мумкин қадар енгил йўл танлашларини кўрсатади. Буларнинг барчаси ўзича ҳақлидир.

М. С. Певзнер, олигофренияни таҳлил этганда асосий нуқсон — иш қобилияти ва мақсадга мувофиқ ҳаракатларнинг етишмаслигидир, деб таъкидлайди.

Л. С. Виготскийнинг интеллектуал ва ҳиссий-иродавий ҳолатлар биргаликда фаолиятдагина тараққий этади деган мулоҳазасини биз тўла эътироф этамиз.

Ёрдамчи мактаблар учун меҳнат таълимига оид дастур дастлаб 1938 йилда қабул қилинди. Бу дастурда меҳнат таълимига талаблар бирмунча кучайтирилган эди. Айрим талаблар ақли заиф болалар имкониятларига тӯғри келмас эди. 1940 йилда янги дастур тайёрлашга киришилди. Иккинчи жаҳон уруши ишни охирига етказишга имкон бермади. 1944 йилда янги дастурлар қабул қилинди. Лекин 1938, 1944 йилги дастурларда ҳам маҳсус мактабларнинг маҳсус вази-

фалари тўла очиб берилмаган, яъни меҳнат таълими жараёнларидаги ақли заиф болалар нуқсонларини тузатиш масаласи етарлича ёритилмаган эди. Ёрдамчи мактабда меҳнат таълими асосан икки босқичдан иборат:

1. Тайёргарлик босқичи (I—III синфлар);
2. Касб-ҳунар меҳнати (IV—VIII синфлар).

Тайёргарлик босқичида асосан қўл меҳнати машғулотлари олиб борилади.

Касб-ҳунар босқичида эса касб-ҳунар меҳнати турлари берилади. Бу меҳнат ёрдамчи мактабни битиргунча давом этади. Ақли заиф болалар маълум мутахассислик эгаллайдилар. Болалар 8 йиллик маҳсус таълим давомида тугалланган касб тайёргарлигини олишлари керак.

Касб-ҳунар меҳнатида ишлаб чиқариш амалиётининг ўрни жуда катта. Бу амалиёт маълум ишлаб чиқариш корхоналаридаги ўтказилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ёрдамчи мактабларда меҳнат таълимини амалга ошириш босқичлари ҳақида гапириб беринг.
2. Меҳнат таълимининг ақли заиф болалардаги шахсий сифатларнинг шаклланишига таъсири нимадан иборат?
3. Ёрдамчи мактабларда меҳнат таълимининг умумтаълим фанлари билан боғлиқлиги ҳақида гапириб беринг.
4. Меҳнат таълимининг тузатувчи, тарбиявий аҳамияти нимадан иборат?
5. Қўл меҳнати ва касб-корлик меҳнатининг ақли заиф болалар билиш жараёнларини тузатишдаги аҳамияти ҳақида гапиринг.

III БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

10. ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Тарбия назарияси янги инсон шакллантиришнинг умумий қонуниятларини очиб берувчи етакчи илмий ғоялар тизимидан иборат. Тарбия назарияси — тарбиянинг мазмуни, унинг болалар ёшига боғлиқлиги, тарбия принциплари ҳамда улардан самарали фойдаланиш шарт-шароитлари, ўқувчиларнинг мактабдан

ташқари ишлари, мактаб, оила, меҳнат жамоалари, жамоатчиликнинг бола тарбиясидаги биргаликдаги ишлари мазмунини очиб беради. Тарбия назарияси ва усуллари мактаблардаги тарбиявий фаолиятнинг илмий асосини ташкил этади. Аммо тарбияни таълимдан умуман ажратиб қўйиш мумкин эмас. «Ўқиш кенг маънода тарбия деб аталган гулнинг япроғи, холос. Гулга чирой баҳш этадиган япроқларнинг ҳаммаси бирдек бўлгани каби тарбияда ҳам асосий ва иккинчи даражали нарса бўлмайди. Тарбияда ҳаммаси — дарс ҳам, дарсдан ташқари вақтда болаларнинг ҳар тарафлами қизиқишиларни ўстириш ҳам, жамоада тарбияланувчиларнинг ўзаро муносабати ҳам асосий масалалардир»,— деган эди. В. Сухомлинский.

Демак, мактабларда соф тарбия бўлмаганидек, соф таълим ҳам бўлиши мумкин эмас. Айниқса ёрдамчи мактабларда тарбиялаб таълим бериш ва билим бериб тарбиялаш жуда зарур.

Бизга маълумки, ҳар қандай жараён, маълум бирор натижага олиш учун қаратилади. Жараён натижасиз, маҳсулсиз бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда ҳолат жараён бўла олмайди. Зеро, тарбия ҳам жараёндир. Тарбия жараёнидан қандай маҳсулот оламиз. Унинг асосий натижаси ҳар томонлама етук, уйғун, камол топган шахсни шакллантиришдир. Бу жараён икки ёқлама бўлиб, уюштиришни ва раҳбарликни ҳам, тарбияланувчи шахснинг фаоллик кўрсатишини ҳам тақозо қиласди. Аммо, бу жараёнда тарбиячи етакчи роль ўйнайди, чунки у тарбиянинг умумий мақсадларини амалга ошириш режа ва дастурини ишлаб чиқади, тарбия шакллари, усулларини асосли тарзда танлаб олади ва ҳаётга татбиқ этади.

Етук шахс тарбиялаш тарбиянинг якуний мақсадидир. Тарбия тизимининг тузилишини ғишт, бетон плиталари, темир материаллари ва бошқа деталлардан иборат қурилиш билан қиёслаш мумкин. Қурилишда ҳар бир деталь, буюмнинг ўз вазифаси бўлиб, айни вақтда муайян даражада умумий вазифаларни ҳам бажаради. Аммо, айни вақтда энг юқори сифатли буюмлар тўплами иморат бўлиб қолмагандай, тарбия жараёнининг ҳам алоҳида қисмлари, компонентлари зарур натижани бермайди. Бунинг учун тарбияда барча деталлар: мақсад, вазифалар, мазмун, шакллар, усуллар умумий, бирга бўлиши керак. Шахс тарбия-

сида атрофлча ёндошиш объектив равиша ақлий, ғоявий, ахлоқий, меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия бирлигини, ўқувчилар онги, хулқ-автори ва фаолияти-нинг бирлигини, тарбия жараёнида ташкил этишининг индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклларини қўшиб олиб боришни таъминлайдиган педагогик тизимлари-ни вужудга келтиришни ҳамда бу тизимларининг амал қилишини талаб этади. Тарбия жараёни шахснинг иж-тимоий қадрли фазилатларини шакллантиришга, унинг атрофга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга ва кенгайтиришга қа-ратилгандир.

Шахснинг турмушдаги турли жиҳатларига муносабатлари тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва чуқур бўлса, унинг ўз маънавий дунёси шунчалик бой бўла-ди.

Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп омилли маз-мунга эга. Бунинг маъноси шуки, бола шахсининг қа-рор топиши мактаб, оила, жамоатчилик, ижтимоий муҳит ва яқин атрофидаги вазиятнинг хилма-хил, бе-весита ва билвосита таъсири остида рўй беради. Ҳамма нарса: ота-оналар, бошқа одамлар, нарсалар, воқеалар, педагоглар тарбиялайдилар. Тарбия жараёни бошқари-ладиган характерга эгалиги билан ажралиб туради.

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишида ғилгариёқ бошланади ҳамда бутун умр бўйи давом эта-ди. Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса кўпгина сабабларга, ўқувчиларнинг индивидуал типологик тафовутларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий муносабатига боғлиқ. Шунинг учун бир хил тарбиявий таъсирнинг ўзи «шахснинг ҳиссий ларзага келишига» олиб келса, айни вақтда бошқа бола маънавий дунё-сига таъсир қилмаслиги мумкин.

Тарбия жараёни, одатда, қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитда у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва шахс хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади. Юксак дараражага эришадиган тар-бия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш вазифасини бажара-диган тарбиядир. Тарбия диалектик жараён эканлиги-ни унутмаслигимиз даркор. Бола атроф-муҳитнинг мур-раккаб олами билан хилма-хил муносабатларга кири-

шади. Реал тарбия жараёнида бу ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ҳолат тарбия жараёнига пухталик, жўшқинлик, ўзгарувчанлик олиб киради. Тарбия воситаларининг ~~ҳеч~~ бирин доимий бўла олмайди. Чунки бола ўзгариб, ривожланиб, мураккаблашиб боради. Тарбия жараёнининг алоҳида диалектикасига яна шу нарса сабаб бўладики, тарбияланувчи бу жараёнда объектгина эмас, балки купинча субъект сифатида ҳам қатнашади. Умуман тарбияда «субъект» ва «объект» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлиб, бир-бирини тақозо этади. Тарбия жараёнининг диалектикаси унинг зиддиятли эканлигида намоён бўлади. Аслида бу нарса тарбияланувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар билан, уларнинг тайёргарлик даражаси, ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этишга қаратилгандир.

Диалектилага биноан ҳар қандай ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи ички омиллардир. Аммо улар намоён бўлиши учун қулай ташқи шароитлар яратилган тақдирдагина ривожланиш мазмуни ва йўналишини белгилайди. Боланинг ички кучлари ташқи таъсир остида таркиб топиб, ўзгариб, шахснинг ўз ривожидаги юксакроқ даражага ўтиши учун шароит яратади. Тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи билан зиддиятлар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи зиддиятлар объектив мавжуд бўлган нарса билан атрофдаги кишилар юриш-туриши ўртасидаги номувофиқликда, тафовутда намоён бўлади. Кўпинча ёрдамчи мактаб ўқувчиси тенгдошлари ва катта ёшдагиларнинг ижтимоий нормаларга зид хатти-ҳаракат қилганикларининг гувоҳи бўлади. Тарбия жараёнининг ташқи зиддиятларидан бирин ташқи талаблар билан ақли заиф ўқувчининг ўз хулқ-автори ўртасидаги зиддиятдир. Тарбия жараёнининг обьекти бўлган ақли заиф боланинг характеристи хусусияти унинг реал имкониятлари билан, жамият томонидан унинг хулқ-автори ва фаолиятига қўйилган талаб ўртасида, тарбияланувчининг муносабати билан унинг мустақилликка интилиши ўртасидаги зиддиятдан иборатdir. Ёрдамчи мактаб ўқувчиси талаблари билан унинг имкониятлари ўртасидаги зиддият ҳам ички зиддиятлар жумласидандир. Бу зиддият хулқ-авторда равшан ифодаланиши мумкин: ваъда бериб, уни бажармаслик, бирор ишни бошлаб охирига етказмаслик ва бошқалар.

У ҳолда тарбия жараёнида низоли вазият вужудга келади. Инсоннинг шахс сифатида камол топишидаги асосий манбалардан бири талаблар билан уларни қондириш усуллари ўртасидаги зиддиятдир. Агар ёрдамчи мактаб ўқувчисининг талаблари тегишли ашё ёки ҳаракат билан ва зарур ҳажмда қондирилса, зиддият илк босқичдаёқ бартараф этилади ёки тўғриланади. Аслида эса бола талаблари дарҳол, тўла қондирилмайди. Бунинг оқибатида турли зиддиятлар келиб чиқади ва асабий ҳолат юз беради. Тарбия жараёнини илмий асосланган тарзда олиб бориш учун унинг қонуниятларини чуқур ўрганиш талаб қилинади. Бу қонуниятлар вазифаларнинг муайян ривожланиши учун шароит яратувчи сабаб ва оқибат ўртасидаги муҳим, зарур ички алоқаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Л. С. Виготскийнинг такъвидлашича, болани максимал даражадаги ижтимоий мавжудот деб аташ мумкин. Боланинг ташқи дунёга ҳар қандай, ҳатто энг оддий ибтидоий муносабати ҳам ҳамиша бошқа одамга муносабат орқали акс этган бўлади. Кўпгина фактлар, нарсалар шундан далолат берадики, бола қўлидаги ўйинчоқ кўпинча катталар билан муомала воситаси бўлади. Болалар катталардан ёрдам олиш учун эмас, балки муомалага бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳам ўйинчоқка мурожаат қиласди. Ақли заиф болалар муомаласи улар фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, бунда бошқа бир одат нарса сифатида намоён бўлади. Бу фаолиятда конкрет мазмун (ўқиши, дарс тайёрлаш, модель ясаш, гаплашиш, сайрга чиқиш) бошқа болалар билан муомала усулигина ҳисобланади. Ешликдаги муомала тенгдошларини ва ўзини билишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Инсоннинг шахс бўлиб шаклланиши учун фаолият турлари тўғри ташкил этилган бўлиши керак. Шаклланаётган шахс фаолиятининг асосий турлари педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилган тақдирдагина тарбиявий жараён воситалари бўла олади. Фаолиятнинг ижтимоий-фойдали бўлишининг ўзи кифоя эмас, у ўқувчининг ўзини қаноатлантириши, у ўқувчининг шахсий идеалига тўла мос келмаса-да асосий хусусиятлари билан мувофиқ келиши керак. Бола нима қилаётганигини, шу пайтда унда қандай руҳий кечинмалар рўй бераётганини ва у ни-

мага эришаётганлигини, атрофдагиларга қандай муно сабатда бўлаётганлигини ҳам назарда тутиш мұхимдир.

Ердамчи мактабларда турли фаолиятлар ичидә үйин алоҳида аҳамиятга эга. Үйин жараёнида бола ўз кучларини синайды ва ўзи яратган нарсаларга мустақил равишда эгалик қиласди. Ақлп заиф болаларнинг үйин фаолияти мактабгача бўлган ёшда вужудга келиб ўз ривожланишида ибтидоий тақлид қилиш шаклидан то мураккаб ролли үйингача бўлган йўлни босиб утади. Дастрраб болаларнинг үйини одамларнинг предметли фаолиятига ўхшаб кетади, сўнгра улар үйинда кишиларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий юриш туриш нормалари ва қоидаларини акс эттирадилар. Мактаб ёшидаёқ болалар уларни ҳаёт ва фаолиятнинг жамоа шаклларига ўргатадиган жамоа үйинларини афзал кўрадилар. Кузатишларнинг кўрсатишича, үйин вазиятлари болаларнинг ҳиссий идрокини бойитади. Қизиқишини оширади, тасаввур, фикр юритиш фаолиятларини ривожлантиради ва ўзларнинг истак ва кайфиятларини муайян талабларга бўйсундиришга ўргатади.

Бола үйинда ўзини қандай тутса, катта бўлганидан кейин кўп жиҳатдан ўзини ишда шундай тутади. Үйинда ихтиёрийлик асосий роль үйнайди, меҳнат эса, күпинча мажбурий характер касб этади. Үйинга киришиш пайти болаларнинг истагига боғлиқ бўлади, меҳнат фаолияти эса бурчга асосланади. Аммо хоҳини ихтиёрийлик, истак бўлмаган меҳнат болага оғир бетади. Шу мазмундаги үйин ҳам мажбурий тус олади болага ёқмайди. Үйинга юзаки қараганда беташвиш енгил туюлади. Аслида эса, үйин ижроидан ғайрат бардош, уюшқоқлик талаб этади. Шуни қайд этиш керакки, ҳар қандай үйин тарбия воситаси бўла оғайди. Үйин фаолиятига педагогик раҳбарлик бола эътиборини аста-секин, лекин тобора кўпроқ үйин ўрнини эгаллайдиган меҳнат соҳасига босқичма-босқич қаратишни тақозо этади. Болаларнинг үйин фаолиятини тезлаштириш, унга катталарга хос элементларни киритиш, болалар ташаббуси ўрнига юқоридан раҳбарлик қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ақли заиф болаларнинг ўқиш фаолияти ўзига хослиги билан ажralи туради. Ўқиш меҳнатнинг энг мураккаб тури — ақли мәҳнатга асосланади. Ақли заиф ўқувчиларда билимларни, малака ва кўникмаларни эгаллаш ўқиш жара-

ёнидагина эмас, балки ўйин ва меҳнат жараённда ҳам рўй беради.

Ақли заиф болалар меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тўла тушуниб етмасликлари натижасида уларнинг айримларида меҳнатга нисбатан салбий муносабатлар ҳам шаклланади. Турли хил меҳнат турларида машқ қилиш, уларни доимо бойитиб, такомиллаштириб бориши орқалигина ақли заиф болалар фаолиятнинг мустақил усулларига ўтадилар, ўзларини шахс сифатида англай бошлайдилар. Инсон бирорта ахлоқий ёки маънавий фазилатни тайёр ҳолда, мерос шаклида олмайди. Буларнинг ҳаммаси фаолият жараённда, аввало меҳнатда тарбияланади, ривожланади, шаклланади ва такомиллашиб боради. Ёрдамчи мактабларда ўқитувчи ва тарбиячилар болаларнинг меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этиб, уларни меҳнатга фаол жалб эта олса, бу фаолият тарбиянинг етакчи воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Тарбиялаш ақли заиф болаларга қандай ишларни қилиш-қилмаслик ҳақида кўрсатма беришдангина иборат эмас. Тарбияланувчи ана шундай хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий мазмунини англаб олишига, унда тўғри хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий ёки шахсий қадри борлигига ишонч ҳосил бўлишига эришиш керак.

Ақли заиф болаларда кўп ҳолларда шахс мотивлари билан ҳаракатлари ўртасида бир хил боғлиқлик йўқлигини айтиб ўтиш муҳимдир. Жуда катта истак бўлишига қарамай, кўпинча ҳаракат мутлақо рўй бермайди. Ақли заиф болалар психологиясида унинг хулқатворини йўналтириб турадиган бошқа омиллар ҳам борки, улар орасида шахснинг интеллектуал ва ҳиссий-иродавий активлиги муҳим аҳамиятга эга. Ёрдамчи мактаблардаги тарбиявий жараён, шахснинг эҳтиёж, мотивларини қанчалик бойитса ва қайта қурса, унинг интеллектуал ва ҳиссий-иродавий активлигини қанча кўпроқ ривожлантирса, бу жараённинг самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Ақли заиф ўқувчига меҳнатнинг фойдали ва қадрли эканлигини қанча уқтируманг, агар бола меҳнатнинг таъсирини, чарchoқни, меҳнат завқини ўзи татиб кўрмаса, кўнгилдаги натижага эришиб бўлмайди. Шу сабабли ёрдамчи мактабда тарбия ишининг асл моҳияти бола билан ўтказиладиган турли суҳбатларда эмас,

балки бола ҳаётини ташкил этишдадир. Тарбия иши аввало ташкилотчининг ишидир.

Хулқ-автор кўнникмалари ва одатлари бамисоли инсоннинг зарурий эҳтиёжига айланган ҳаракатлар ва ҳулқ-авторининг **барқарор шакллари бўлиб**, уларниг бажарилмаслиги нохуш, кўнгилсиз, баъзан оғир оқибатларга олиб келади. Инсон қанчалик кўп оқилона ва фойдали ишларни ўзи учун одат қилиб олса, унинг ҳаёти шунчалик мазмунли, самарали бўлади. Яхши одат инсоннинг ахлоқий бойлиги эканлиги барчага маълум. Одоб тўғридан-тўғри шахсий хусусият бўлмасдан, балки муайян шароитларда тарбияланиб боради.

И. П. Павлов одамнинг олий асаб фаолиятини ўрганар экан, бу фаолиятнинг ниҳоятда мосланувчани эканлигини доимо таъкидлар эди. Ҳеч нарса ҳаракатсиз, таъсирсиз қолмайди, балки ҳамма нарсага ҳамиша эришиш мумкин, яхши томонга ўзгартириш мумкин, бунинг учун фақат тегишли шароитлар яратилиши лозим. Бу сўзларда ўқувчи фаолиятининг ривожланишига ишонч, педагогик оптимизм, тарбиянинг ғоят катта имкониятларини тан олиш ифодаланган. Ажаб эмаски, И. П. Павлов шу катта, жуда сермазмун жумласида ақли заиф болаларни ҳам назарда тутган бўлса. Чунки юқоридаги гапда тагига чизилган жумлалар тўла Л. С. Виготский қарашларига мос келади.

И. П. Павлов ва унинг шогирдлари асарларида таълим-тарбия жараёни мураккаб, кўп томонлама, шартли рефлектор актидан иборат эканлиги тасдиқланган. Тарбия ва таълим воситаси билан ташқи таъсир ва муайян жавоб фаолияти ўртасида шартли рефлекс деб аталадиган алоқа вужудга келади. Организмга бир неча бор такрорланадиган систематик таъсир динамик стереотипни, шартли боғлиқликни вужудга келтирадики, бу боғлиқлик муайян даражада доимийлик, стабиллик, барқарорлик хусусиятига эга бўлади.

Асаб тизимининг бу хусусиятини билган педагоглар бир хил ҳаракатларни, бир хил ишларни кўп марта такрорлаш асосида ақли заиф ўқувчилар хулқ-авторининг мустаҳкам кўнникма ва одатларини ҳосил қилиш имкониятларига эга бўладилар.

Ёрдамчи мактабда тарбия принципларининг қўлланилиши

Ёрдамчи мактаблардаги тарбия принциплари бутун тарбия жарабёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланиладиган қонун-қоидалар мажмуасидир. Бу қоидаларга тарбиянинг мазмуни, усуллари, ташкил этиш шакллари киради. Барча мактабларда тарбия принциплари умумий курнишга эга. Аммо, ёрдамчи мактабларда ақли заиф болаларнинг психологик, жисмоний, ҳиссий нуқсонларига кўра ўзига хос принциплардан ҳам фойдаланилади.

Олигофренопедагогикада таркиб топган ва миллий асосланган тарбия принциплари тизими тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлигини, шахсий, жамоада ва жамоа орқали тарбиялашни, тарбиявий таъсирнинг изчиллигини ва давомийлигини, тарбияланувчи шахсига нисбатан талабчанлик билан ҳурматнинг бирлигини, тарбиянинг ақли заиф болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мослигини, таълим ва тарбиянинг боғлиқлигини, тарбияда атрофлича ёндашиш принципларини ўз ичига олади.

Ақли заиф ўқувчи шахсини ғоявий ва маънавий шакллантириш манфаатлари педагогнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини тарбиянинг мақсадлари билан қиёслашни, унинг амалга оширилишига режали тарзда ва қунт билан эришишни талаб қиласди. Ҳар бир тарбиявий тадбирнинг қиммати унинг ақли заиф ўқувчилар жамоаси ҳаётини қанчалик бойитганлиги, ишончни шакллантиришга қанчалик ёрдам бериши билан ўлчанади. Афсуски, қатор ёрдамчи мактабларда тарбиявий тадбирлар хўжакўрсинга режалашибтирилади. Булар оқибатда болаларда қизиқиш, жўшқинлик ва ҳиссий шаклланишнинг имконини бермайди. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини тарбиялаш воситаси бўлган фаолиятнинг барча турларига пухта йўналиш берилиши шарт.

Ёрдамчи мактабда тарбиянинг ҳаёт билан, амалиёт билан боғлиқлик принципи етакчи принцип ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, тарбияга жамиятнинг иқтисодий ва маънавий муносабатларини, воқеиликнинг қадрияларини, ахлоқи ва эстетикасини татбиқ этишдан иборат. Ёрдамчи мактабда ўқувчиларни моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатга, касбни асосли тарзда танлашига ўқитувчилар, ўқувчилар

ва ота-оналар томонидан чуқур англаб олиниши керак. Баъзан тарбиянинг турмуш билан боғлиқлигини тарбиявий иш ҳамда ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг унумли меҳнати ўртасида алоқа ўрнатишдангина иборат деб қаралади. Аммо ҳаёт унумли меҳнатга қараганда анча кенгроқ ва мазмунлироқ тушунчадир. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини меҳнат фаолиятининг хилма-хил шаклларига жалб этаётганда бу нарсани ўқувчилар жамиятга хизмат қилиш мактаби, моддий ва маънавий мўл-кўллиги учун умумхалқ курашининг таркибий қисми деб идрок этишлари ҳамда ғамхўрлик қилишлари керак. Қилинаётган барча тарбиявий тадбирлар ҳаётӣ, яъни ақли заиф болалар билан улар эшитган, кўрган нарсаларга асосланган тарзда олиб борилса яхши самара беради. Акс ҳолда ўтказилган тадбирлар болалар учун тушунарсиз нарса бўлиб қолиши мумкин.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини жамоада жамоа орқали ва жамоа учун тарбиялаш принципи ҳам ўзига хос ўринга эга. Бу принцип тарбия тизимининг жамият талабларидан келиб чиқадиган принципларидан бири бўлиб, унинг табиати ишлаб чиқариш воситаларига муносабат, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари билан характерланади.

Жамоа шундай «гимнастика залидирки», унда шахснинг хилма-хил фазилатлари машқ қилинади ва шаклланиб боради. Бизнинг педагогикамиз икки томонлама: тарбиячи ва тарбияланувчи педагогикасидан фарқли ўюштирилган педагогик жараённи афзал кўради. Биргаликда фаолиятда, бир мақсадни кўзлаб ташкил этилган жамоа ҳаракатларида инсонга нисбатан мумкин қадар кўпроқ талабчанлик қилиш, лекин шу билан бирга унга мумкин қадар кўпроқ ҳурмат билан қараш керак.

Шу принципга амал қилиб, ёрдамчи мактаб ўқитувчилари ўқувчилар билан муносабатларнинг шундай услуби ва тарзини танлайдики, ақли заиф ўқувчиларнинг руҳини туширмайди, балки уларнинг кучига эркинлик беради. Бу услугуб ижобий ҳаракатлар ва хулқ-атворга ундейди, ўз қадр-қиммати ва ўз хулқ-атвори учун масъулият туйғусини сингдиради. Тирноқ орасидан кирқидириш, икир-чикир гапларга берилиш билан алоқаси бўлмаган талабчанлик инсонга нисбатан энг олий ҳурматдир. Классик педагоглар таъбири билан айтганда, инсонга ишониб ёндашиш керак, бунда ҳатто айрим

таваккалчиликка ҳам йўл қўйиш мумкин. Педагог ўқувчида ижобий фазилатларни тарбиялашни назарда тутиб ва шунга таяниб, ишончга асосланиб, инсонни ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш руҳида тарбиялади.

Тарбиявий таъсирнинг изчиллиги, системалилиги, яхлитлиги ва узлуксизлиги принципи ҳам тарбиявий тадбирларнинг самарадор бўлишида зарурпй принциплардандир. Бу принципларга амал қилиш педагогика тизимини шундай қуришни тақозо этадики, унинг тарбиявий қисмлари ва элементлари бир-бири билан ёнма-ён бўлмасдан, яхлит бирликни ташкил этиши керак. Педагогик таъсирнинг бирор тизимга эга эмаслиги тарбиявий ишга тамомила зиддир. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига нисбатан талабларнинг турличалиги тарбияга кўп зарар етказади. Афсуски, амалда кўпинча шундай бўладики, оила мактаб ташаббусини қўллаб-қувватлаши у ёқда турсин, балки қарама-қарши таъсир кўрсатади. Баъзан ўқитувчилар орасида ҳам талаблар бирлиги таъминланмайди. Тарбия кўплаб кишилар иштирок этадиган, узоқ муддатли жараёндир. Шу сабабли уларнинг ишида изчилликка, эришиш, давомийликка риоя қилиш, ўқувчиларнинг тарбияланиш даражасини, яқин орадаги ривожланиш зонасини ўз вақтида аниқлаш ниҳоятда муҳимdir.

Ёрдамчи мактаблардаги ўзига хос тарбиявий принциплардан яна бир мактаб ўқувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олишдир. Бу принципни амалга ошириш ўқувчилар фаолиятининг мазмун ва шаклларини уларнинг ёши, ҳаётий тажрибаси, кучи ва имкониятларига мувофиқлаштиришни талаб этади. Айни вақтда ҳар бир бола — бу алоҳида дунёдир. Шу сабабли тарбия жараёни таълим жараёнига қараганда ҳам анча индивидуал бўлиши керак. Агар ўқитувчи муайян пайтдаги талаб ва қизиқишлирга таяниб, уларни қондиришни хулқ-атвор ва фаолият мотивларининг ҳал қилувчи негизи бўлган янги талаблар ва янги қизиқишлирги вужудга келтирадиган шакл ва усуслари ни топа олса, бу мақсаддага эришиши мумкин бўлади. Ақли заиф болалар билан иш олиб борадиган ўқитувчи, тарбиячилар барча таълим-тарбия жараёнларида умумий камолотида бирор нуқсони бор болалар билан ишлаётгандигини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Шундагина, улар амалда учраб турадиган ҳар хил кўнгил-

сиз, нохуш ҳолатларни тўғри тушунадилар ва уларнинг олдини ола биладилар. Акс ҳолда, ақли заиф болаларнинг нуқсонлари сабабли юз берадиган турли нохуш ҳолатларни тушуниб етмайдилар. Демак, бундай болалар билан яккама-якка тарбиявий иш олиб борилмайди.

11. ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ

Тарбия усуллари деганда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш мақсадида боланинг онги, ҳисстийғулари, иродаси, хулқ-автори ва муносабатлари тизимиға таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак.

Тарбия усуллари таълимида бўлганидек айрим элемментларга бўлинниб, улар тарбия йўллари деб аталади. Ердамчи мактаб ўқитувчиси ёки тарбиячиси биринчи бор синфни тозалаш бўйича шанбалик ташкил қиласди. У болаларнинг ишини муайян қисмларга тақсимлашдан аввал қандай ювиш, қандай артиш, полни ювиш осон бўлиши учун парталарни қандай суриш кераклигини тушунтиради ва кўрсатади. Ўқитувчининг ана шундай тушунтириши мазкур ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари болага таъсир кўрсатишдангина иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб, ўқитувчи, тарбиячи фаолияти билан ўқувчи фаолиятини бирлаштиради. Боланинг тарбиявий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун уни муайян шароитга қўйиш, унинг актив фаолиятини ташкил этиш керак. Шу сабабли педагогика фанида тарбиянинг ташкилий шакллари ўқувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятини педагогик нуқтаи назардаң мувофиқ равишда ташкил этиш усуллари деб ҳисобланади. Синф мажлисларини, эрталиклар, сұхбатлар, болалар билан турар жойларда олиб бориладиган ишларни, клублар ишини ва бошқаларни тарбиянинг ташкилий шакллари дейиш мумкин. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мақсадга мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб аталади.

Болалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган нарсалар (кургазмали қуроллар, китоблар, радио, телевидение) ҳамда болалар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари була олади. Кинофильмлар, санъат асарлари, мураббий ўқитувчининг жонли сўзи,

болаларнинг ўйинлари, жамоатчилик, жисмоний тарбия ва ҳаваскорлик тўғараклари тарбия воситалари вазифасини бажаради. Тарбия натижаси тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари, воситалари, шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ.

Ёрдамчи мактабда тарбия усулларининг қўлланиш самарадорлиги ва ҳаракатлантирувчи кучлари, ақли заиф болаларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари ва тарбияланганлик даражаси билан, бола яшаётган конкрет педагогик вазиятнинг табиати билан қанчалик ҳисоблашишига ҳам боғлиқ. Тарбия усулини татбиқ этиш муайян ёшдаги бола фаолиятининг етакчи типига, болаларнинг руҳий, жисмоний ҳолатига мос келса муваффақиятли бўлади. Амалда тарбия усуллари ўзаро анча мураккаб, баъзан эса қарама-қарши алоқада на-моён бўлади. Шубҳасизки, қандайдир алоҳида усул тарбиянинг бошқа усулларидан ажралган ҳолда қўлланиши ҳам мумкин, лекин у албатта бошқа усуллар билан ўзаро алоқада булиши мумкин. Ёрдамчи мактабда тарбиячи тарбияланувчиларга мактабда, синфда юриш-туриш қоидаларини, уртоқлари билан муомалани ўргатади. Ўқитувчи ҳам биринчи кундаёқ ўз синфини, бутун мактабни кўрсатади, ўқувчилар ўзларини қандай тутишларини, улар қандай шуғулланишларини, дарсда қандай ўтиришлари, танаффус вақтида қандай дам олишлари лозимлигини ўргатади. Тушунтириш билан бир қаторда тарбиячи уларни ўқитувчи, директор ва бошқа катта ёшдаги кишиларга салом бериш учун партани тақиллатмасдан ўринидан туришни, синфдан чиқишини, иш жойида тартибга риоя қилишини, ўқитувчига, тарбиячига мурожаат қилиш тартибини ва ҳоказоларни ўргатади. Ёрдамчи мактабга келган биринчи синф ўқувчилари ривожланиши, хусусиятлари жиҳатидан хилма-хилдир. Бирлари тарбиячи гапларини тушуниб, барча тарбияланувчиларга қаратилган унинг илтиносини тезда бажарадилар, топшириқларни қунт билан ишлайдилар. Айримлари эса, тарбиячининг гапига яхши қулоқ солмайдилар, тушунмайдилар, тарбиячининг ҳамма тарбияланувчиларга қилган мурожаатини дарҳол англаб етмайдилар. Ёрдамчи мактаб болалари рағбатлантиришни айниқса яхши кўрадилар. Дастребаки кунларданоқ тарбиячи тарбияланувчиларнинг айримларини яхши хулқи учун мақтаб қўяди, бошқаларига

эса, гапга эътибор билан қулоқ солиш кераклигини тушуниради. Шу тарзда ақли заиф болаларни тарбиялаш жараёнида ёрдамчи мактаб тарбиячиси таъсир этишнинг турли усул ва йўлларидан фойдаланиб, ақли заиф болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият характерини ҳисобга оладики, бу нарса айрим тарбияланувчилар ва умуман ёрдамчи мактаб манфаатлари йўлида ҳар хил ечимларга келишни талаб қиласди.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари билан амалий ишлашда тарбия усулларидан фойдаланиш кўникмалари ва малакаларини ўрганиш ва ҳосил қилиш қулай бўлиши учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бирлаштириш мумкин. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари онгиги шакллантириш усуллари, жамоатчилик хулқ-авторини шакллантириш йўллари, рағбатлантириш усуллари ва ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳам қўлланилади. Шуни айтиб ўтиш ўринлики, айрим адабиётларда юқорида айтиб ўтилган тарбия усуллари ҳам сон жиҳатдан баъзан мазмун жиҳатдан ҳам ўзгача баён этилган. Масалан, 1985 йилда Киевда чиқарилган И. Г. Еременконинг олигофренопедагогика қўлланмасида тарбия усуллари З та: машқ қилдириш, ишонтириш ва рағбатлантиришдан иборат дейилган. Демоқчимизки, бундай масалалар муаллифлар томонидан қатъий бир шаклда, бир кўринишда берилмаган ва берилиши ҳам шарт эмас.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларида дунёқараш ва эътиқодлар тизимини шакллантириш мақсадида уларнинг онги, хис-тўйфуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усуллари ҳам тарбия усулларига киради. Бу тоифадаги усулларнинг моҳияти шундан иборатки, уларнинг воситаси билан жамият ёш авлодга нисбатан қўллаётган талаблар бола онгига етказилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини тарбиялашда тарбиячи дастурхон атрофида, кўчада, катталар билан муомалада тўғри ҳатти-ҳаракатлар қилиш одатларини таркиб топтиришга, ана шу муомаладан завқланиш, яхши хулқи учун катталар мақтovидан мамнун бўлиш туйфусини шакллантиришга кўпроқ эътибор беради. Ёрдамчи мактаб қуий синфларида тушунтириш эътиқод ҳосил қилишнинг кенг қўлланиладиган усулидир. Тушунтиришдан мақсад — болага ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар, ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабларнинг ижтимоний, маъ-

навий, эстетик мазмунини очиб беришда, унга хулқ-атвор ва инсоний муносабатларга тұғри баҳо беришни шакллантиришда күмаклашишдан иборат. Ердамчи мактабда тарбиячининг ва ўқитувчининг жонли сўзи ҳамиша бола шахсининг гоявий ва маънавий шаклланишида таъсиран чан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Тарбиявий мазмунли суҳбатлар турли мазмунларда: этик (жамиятдаги инсонларнинг юриш-туришлари ҳақида; эстетик (атрофдаги воқеаларнинг, инсоний муносабатлар ва хулқ-атворнинг гўзаллиги ҳақида); сиёсий-таълимий бўлиши мумкин.

Тарбиянинг асосий, етакчи усуулларидан бири намуна асосида тарбиялашдир. Бошланғич синф ўқувчиси катта бўлишга интилаётганида катталар, узи ҳурмат қилидиган кишилардан намуна олиб, уларга тақлид қилишга ҳаракат қиласи. Тақлид қилиш асосида турли сабаблар бор. Айниқса улардаги ҳаётий тажрибаларнинг етишмаслиги юриш-туришнинг барқарор одатлари камлиги ҳам тақлидга сабаб бўлади. Ёш улғайган сари тақлид қилиш даражаси кенгайиб боради.

Баъзан ёрдамчи мактаб тартибини бузувчилар. уларнинг қўпполлиги, қўрслиги, ўжарлиги, сохта жасорати айрим болалар эътиборини жалб этади. Ҳар доим ҳам ақли заиф болаларни ёмон ўrnакдан ажратиб қўйишнинг иложи бўлавермайди.

Тарбияда муваффақият қозониш учун оилада ва мактабда бола ҳаётини шундай ташкил этиш зарурки, бу нарса унинг учун зерикарли, мазмунсиз, мажбурий бўлмасдан, ақли заиф болаларни ёмон ўrnакдан ҳазар қилишга, унга қарши туришга ўргатиш лозим. Ҳар бир шахс алоҳида, тақрорланмас шахс сифатида ўзига хос равишда ривожланишига эришиш керак. Болани ўраб олган барча шахслар болага ўrnак бўладиган даражада бўлиши лозим. Тарбиячиларнинг таъкидлашича, тарбия тұғри хатти-ҳаракатга ўргатувчи машқдан бошқа нарса эмас. Машқ болаларнинг оқилона, бир мақсадга қаратилган ва ҳар томонлама фаолиятини қабул қилинган ахлоқий нормалар ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишдир. Машқ муайян ҳаракатлар ва ишларни кўп марта тақрорлашни ўз ичига олади. Машқни айнан бир ҳаракатнинг ўзини механик тарзда тақрорлайверишдан иборат деб тушуниш ярамайди, лекин бусиз ҳам ақли заиф болаларда ижобий одатлар ҳосил қилиб бўлади. Бола учун машқ онгли, ижодий жараён бўлиши

керак. Турли машқлар натижасида болаларда малака, кўнікмалар, одатлар шакллантирилиб, янги билимлар ҳосил қилинади, ақлий қобилият ривожланади. Одатлар улар фикрича, эътиқодни майлга айлантирадиган ва фикрни ишга айлантирадиган жараёндир.

Тарбия усуллари ичидаги рағбатлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Рағбатлантириш руҳлантириш демакдир. Тарбиячилар болаларга турли талаблар тизимини ишлаб чиққанлар. Талабларнинг шакли ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ булади. Агар бир болага эслатиш ёки шама қилиш кифоя қиласа, бошқасига қатъийроқ талаб қўйиш керак бўлади. Болага секин, ишчанлик вазиятида кескин оҳангда талаб қўйиш мумкин. Талаблар тўғридан-тўғри, билвосита, маслаҳат тарзида, ўйин шаклида, ишонч орқали, ишончсизлик, илтимос, шама, маъқулловчи, қораловчи, шартли бўлади. Қўйилаётган талабларнинг самарадорлиги ҳам боланинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, у тушиб қолган вазиятга, ўқитувчи кўзлаётган мақсадга ва бошқа ҳолатларга боғлиқ.

Мусобақа ўқитувчи-тарбиячининг ҳар бир боланинг имкониятларини кўриш ва баҳолашда, олга ҳаракат қилиш давомида имкони бўлган истиқболни белгилашда, ирова ва ҳарактерни тарбиялашда ёрдам беради. Мақтов ва жазо рағбатлантириш усулига киради. Мақтов алоҳида ўқувчи хатти-ҳаракатларини, феъл-авторини ижобий баҳолаш йўли билан педагогик таъсир кўрсатишдир. Жамоа ўзининг у ёки бу аъзосини рағбатлантириб, болаларнинг ижобий хулқ-авторини мустаҳкамлайди, бу билан уларнинг ахлоқини йўлга солиб туради. Мақтов боланинг ўз фаолияти ёки юриштуришидан мамнуният туйғусини келтириб чиқаради. Шу сабабли мақтовга берилиб кетмаслик муҳимдир. Акс ҳолда, у манманлик хотиржамлик туйғусини келтириб чиқаради.

Уқитувчи-тарбиячи ёки жамоа айрим болаларнинг хулқ-авторидан, унинг муносабатидан, муомаласидан мамнун бўлмаса, болага ўз хулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазолаш усулидан ҳам фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам боланинг хулқ-авторини йўлга солиб турди ҳамда унинг ўзини ноқулай сезишга, уялишга мажбур қиласди.

Шу сабабли бу усулдан боланинг индивидуал хусусиятларини яхши билган ҳолда фойдаланиш даркор.

Ўқитувчининг адолатсиз жазо бериши ўқувчи билан ўзаро муносабатларида низоли вазият вужудга келтиради. Боланинг ўз кучига ишончидан маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Жазо бериш пайтида ўқитувчи ўқувчинг нима учун, қайси хатти-ҳаракати учун жазоланганини англаб олишга эришиши айниқса муҳимдир.

Савол ва топшириқлар

1. Тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
3. Тарбия принципларини айтиб беринг.
4. Тарбия усулларини айтинг ва таърифланг.
5. Ёрдамчи мактаб тарбия жараёнларидаги ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?

Ёрдамчи мактабларда ахлоқий тарбия

Ахлоқий тарбия деганда шаклланаётган, ривожланыётган, ўсиб келаётган авлодда хулқ-одоб меъёrlа-рига мос келувчи сифатларнинг шаклланишини тушуна-миз. Албатта, барча тарбия турлари болалар тарбиясида ўзига хос ўринга эга. Бусиз мумкин эмас. Аммо, ахлоқий тарбия, унинг моҳияти алоҳида шахс учунгина эмас, балки жамиятнинг келажаги, унинг қандай жамият бўлиши учун ҳам муҳимдир. Бу ерда муболаға йўқ. Чунки ахлоқий тарбияланган шахсларсиз етук кишилик жамияти қуриш мумкин эмас. Ахлоқий тарбия бошқа тарбия турларидан ўзининг аҳамияти билангида аж-ралиб қолмасдан, балки мураккаблиги билан ҳам аж-ралиб туради. Бу ўринда машҳур француз педагоги, шифокори Эдуард Сегеннинг фикрлари эътиборга ло-йиқ «Ақли заиф бола ақлан билмайди, жисмонан ба-жара олмайди, руҳан хоҳламайди. Ақли заиф бола ақлан била оларди ҳам, жисмонан бажара оларди ҳам, агар у хоҳласа. Барча бало шундаки, дастлаб у хоҳламайди».

Демак, ақли заинф болалар бирор иш қилишни топшириqlар бажаришни хоҳламас эканлар. Умумий психологиядан, тарбия назариясидан маълумки, агар тарбияланувчи бирор иш қилишни хоҳламаса у билан қилинадиган ишлар оғир, муракқаб кечади. Ахлоқий тарбияни шакллантириш усуллари, ахлоқий тарбия принципларига оид фикрлар кишилик жамиятида жуда эрта мутафаккирлар эътиборини тортди. Буларга мисол қилиб Аристотель, Платон, Гелен, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, А. Навоий, Абдулла Авлоний, X. Ниёзий,

С. Айний ва бошқа қатор мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид нодир, дурдона асарларини, фикрларини кўрсатишимиш мумкин. Замонамиздан минг йил олдин яшаб ижод этган Абу-Наср Ал Форобий ўзининг «Бахтга йўл кўрсатиш» асарида шундай дейди. «Яхши хулқ ва ақл кучи биргаликдагина инсоний ютуқдир... Барча гўзал ва жирканч ахлоқий сифатлар ҳаёт давомида орттирилади». Форобий асарларида дидактика масалалари, таълимнинг назарий, психологик масалалари ҳам очиб берилган. Унинг кўрсатишича, инсоннинг маънавий камолоти қалб, онг ва тафаккур билан белгиланади. Унинг илғор фикрлари Ибн Сино, Ибн Рушд, Раджер, Бекон, Спиноза ва бошқа мутафаккирларнинг ижодига ижобий таъсир этади.

Абу Райхон Беруний ҳам ахлоқийликка алоҳида эътибор билан қараган. Ахлоқийлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, тўғри сўзлик, ор-номус масалаларига алоҳида эътибор берган.

Тиббиёт асосчиси Абу Али ибн Сино педагогик қарашларида ҳам бизларга оид мазмун бор деб ўйлаймиз. Унинг фикрича, таълим-тарбияда болаларнинг мойиллик ва қобилиятларига алоҳида эътибор бериш керак. Инсон онгли, мавжудот эканлиги билан ҳайвонлардан фарқ қилиши, атроф-муҳитга таъсир қилишини айтиб ўтади. Ётук инсон тарбиялаш бир кишининг иши бўлмасдан, балки узоқ вақт қунт билан ишлашни талаб эта-диган жараёндир деб таъкидлайди.

Ахлоқий тарбия шахснинг баркамол шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам педагогикада ахлоқ масалаларига катта аҳамият берилади. Хуш, шундай экан ахлоқнинг ўзи нима? Ахлоқ — ижтимоий онг шакли бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида инсоннинг хулқ-авторини йўлга солиб турадиган принциплар, талаблар, меъёрлар ва қоидалар йиғинди-сидан иборат. Ахлоқий тушунчалар: яхшилик, шараф, виждон ва бошқалар баҳоланувчи характеристерга эга. Ахлоқ мазмуни муайян қадрият йўл-йўриқларини, хулқ-автор меъёрлари ва мотивларини, инсонлараро муомала шаклларини ўз ичига олади ва айни вақтда уларни асослайди. Ахлоқ қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида гапирибгина қолмай, балки нима учун бошқача эмас, бевосита шундай ҳаракат қилиш кераклигини тушунтиришга интилади. Нуқсанли болаларни ахлоқий тарбиялаш — ақли заиф болаларда ахлоқий сифатлар, характер

белгилари, ахлоқий хулқнинг малака ва кўникмаларини тарбиялашдан иборат»,— деб таъкидланади дефектологик луғатда. Ақли заиф болалар шахсининг ўзига хос хусусиятлари: ақлий етишмаслик дараҷаси ва қоллиқлари, ахлоқий тасаввурлар, тушунчалар, ижтимоий мотивлар, ўзларига танқидий қарашнинг йўқлиги билан белгиланади. Бундай қатор нуқсонларни тўғрилаш учун қатъий режа асосида иш олиб борилиши даркор. Нуқсонли болаларни ахлоқий тарбиялаш учун қўйидаги асосий принципларга риоя этиши алоҳида аҳамиятга эга.

1. Маълум тоифадаги нуқсонли болаларга тегишли умумий ва индивидуал хусусиятларни аниқлаш учун уларни атрофлича ўрганиш. Бирламчи ва иккиласми чархи нуқсонларни таҳлил этиш.

2. Нуқсонли болаларнинг нисбатан сақланган, кучли имкониятларини аниқлаш ва шунга асосланиб иш олиб бориш.

3. Педагогик жараённинг болалар нуқсонларини тўғрилаш ва уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилиши. Асосий эътиборни тарбияяга осон бериладиган иккиласми нуқсонларга қаратиш.

4. Турли тоифа нуқсонлиларга алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиш, айрим болаларга индивидуал ёндошиш.

Олигофренопедагогикада ақли заиф болаларни ахлоқий тарбиялаш масаласи атрофлича очиб берилмаганини инобатга олиб, улар билан олиб бориладиган унумли иш усулларини қидириб топиш керак. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ахлоқий тарбияси турмуш ва фаолиятнинг турли соҳаларида амалга оширилади. Ақли заиф болалар оиласда, тенгдошлари орасида, ёрдамчи мактабларда, кўчада ахлоқий таъсирни сезадилар. Кўпинча бу таъсир ахлоқий талабларга монанд бўлмайди. Юксак ахлоқий шахсни сурункали тарзда, событ қадамлик билан тарбиялаш ёрдамчи мактабда, уюшган болалар жамоасида рўй беради. Ёрдамчи мактабда шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган маҳсус тузатиш — тарбиявий ишлар амалга оширилади. Ёрдамчи мактаб ўқитувчилари, тарбиячилари ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлар эканлар, уларни ҳар вақт камтар, ҳалол, ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини жиловлаб туришга, Ватанини севиш, меҳнат қилиш, одамларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр бўлишга ўргата-

дилар. Ана шу ва бошқа маънавий фазилатлар ахлоқий жиҳатдан тарбияланган шахсга хос бўлади. Ёрдамчи мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти ана шундай шахсни тарбиялашга қаратилган бўлиб, у ахлоқий тарбиянинг қўйидаги вазифаларини ҳал этади:

— ахлоқий онгни, мустаҳкам ахлоқий эътиқодни тарбиялаш;

— ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг Ватанга, жамиятга, меҳнатга, ўзига, бошқаларга муносабатини англаб олишга қаратилган ахлоқий туйғуларни тарбиялаш;

— одоб кўнукмалари ва одатларини тарбиялаш.

Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар бир болада фаол ҳаётий нуқтаи назар ҳосил қилишдан иборат.

Ёрдамчи мактаб тарбиявий ишининг умумий тизимида ўқувчиларда ахлоқий хислатларни тарбиялаш Энг мураккаб ва шу билан бирга масъулиятли вазифадир. Чунки ақли заиф ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш самараси ўқувчиларда ахлоқий хислатлар қанчалик тарбияланганлигига боғлиқ бўлади.

Ахлоқий тушунчалар, одам хулқининг меъёри ва малакалари, ўнинг меҳнатга бўлган муносабати, интизомлилиги дадир. Буларнинг ҳаммаси тарбия натижаси, болага мактаб, оила ва атрофдагиларнинг мураккаб ва доимо таъсир этиш натижасидир. Шунинг учун болада маълум бир ахлоқий сифатни вужудга келтириш мақсадида режалаштирилган, мақсадга қаратилган педагогик таъсирни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ақлий нуқсонли болаларни ахлоқий тарбиялашда ёрдамчи мактаб олдида турган вазифалардан бири ўқувчиларнинг хулқида, ўқишида ва меҳнатида интизомликни тарбиялашдан иборатdir. Интизомлилик мураккаб хислатdir. Уни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади. Кичик ўқувчиларда оддий бўйсунишдан тортиб, катта ўқувчиларда хулқ талабларини онгли равишда бажаришдан иборат. Ақли заиф болаларни ахлоқий тарбиялаш тизимини яратишда дефектологларимиз бу болаларнинг билиш имкониятларидан келиб чиқадилар.

Ёрдамчи мактаблардаги ахлоқий тарбиянинг ўзига хослигига ақли заиф болаларнинг ривожланиш хусусиятлари, яъни улар билиш фаолиятларининг ўзига хослиги, ҳиссий-ирода соҳаларининг ривожланмаганлиги, ха-

рактер шаклланишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Қуйида шуларга тұхтalamиз.

Ақли заиф болалар билиш фаолиятининг бузилиши натижасыда, уларнинг теварак-атроф билан муносабати қийинлашади. Натижада ақли заиф бола ёрдамчи мактабга қабул қилинишида етарли даражада ахлоқий тажрибага эга бўлмайди. У ҳакиқатни билишда уларни тушуниб етмайди, кишилар ва ижтимоий ҳаёт воқеалари ўртасидаги муносабатни тушунмайди. Хулқ-автор норма ва қоидаларини таҳлил қилиш учун етарлича ахлоқий тасаввур ва тушунчаларга эга бўлмайди. Шунинг учун у ўз хулқ-авторини атрофдагилар хулқ-автори билан таққослай олмайди. У ёки бу муомаланинг оқибатини ўзича аниқ тасаввур эта олмайди. Ахлоқий истакларга тўғри баҳо бера олмайди. Буларнинг ҳаммаси ақли заиф болаларнинг хулқ-автор нормаларини бузишига, ахлоқий ножӯя қилиқлар қилишига олиб келади. Лекин ёрдамчи мактаб таълимни жараёнида юқоридаги бу нуқсонлар нисбатан тузатилиб боради. Ақли заиф болаларнинг тафаккури, нутқи қизиқишлиари билан бирга ахлоқий сифатлари ҳам такомиллашиб боради. Ёрдамчи мактабни битириш арафасида, ақли заиф болалар ҳаётда ўз ўринларига эга бўла бошлайди. Коллективда хулқ-автор нормасини ўзлаштиради. Шундан эътиборан бу болаларда меҳнатга нисбатан тўғри муносабат ҳам шакллана бошлайди.

Ақли заиф болалардаги ўзига хос ҳиссий-иродавий сифатлар ҳам уларни ахлоқий тарбиялашда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун олигофренопедагог ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини билган ҳолда уларнинг ҳар бирига алоҳида йўл тутиши лозим. Маълумки турли нуқсонли болаларнинг ҳиссий-иродавий соҳалари бир-бирларига тўғри келмайди. Бирорлари тортинчоқ, уятчан, камгап, йиғлоқи бўлсалар, бирорлари шаддот, қайсар, безбет, уятсиз бўладилар. Албатта, буларнинг ҳар бирига ўзича муносабат керак. Бундай ҳолда индивидуал иш режасини белгилаш талаб этилади. Баъзан болаларни ҳаддан ташқари авайлаб-асраси бўлса, баъзан ҳаддан ташқари қаттиқ қўллик оқибатида қатор салбий хислатлар шаклланиб боради. Баъзи оиласарда эса болалар ўқий олмайди, шунинг учун уйда ишлаши керак қабилида иш тутадилар. Бунинг натижасыда болаларда меҳнатга нисбатан салбий ахлоқий хислатлар шаклланиб боради. Буларни фақат болага нис-

батан тўғри муносабатда бўлиш, унинг индивидуал хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш билан йўқотиш мумкин.

Хиссий-иродавий камчиликлар билан боғланган ахлоқий тарбия қийинчиликларини йўқотиш мақсадида болаларни ишлаб чиқариш ва жамоага оид ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Болалар характеридаги камчиликлар ҳам улар ахлоқий тарбиясида маълум қийинчиликлар келтириб чиқаради. Характер — бу ҳаётий таъсир ва тарбия натижасида тўпланган ва мустаҳкамланган кишилар хулқ-одати ва аниқ муносабат услубидир. Кишининг индивидуал характер хусусиятлари ижтимоий шароит таъсири остида унинг ҳаёти ва тарбиясида вужудга келади. У ёки бу киши характерининг асосий сифати қандай бўлишини шароитнинг ўзи белгилайди. Мактабни ҳаёт билан боғлаш, хилма-хил фаолият турларини ташкил қилиш асосида бола характерини шакллантириш мумкин.

Олигофренопедагогикада ахлоқий тарбиянинг қўйидаги қатор принциплари мавжуд. Буларга ахлоқий тарбиянинг мақсад сари йўналганлиги, ҳаёт билан боғлаб олиб борилиши, жамоа учун ва жамоа орқали тарбиялаш, боланинг шахсига нисбатан ҳурмат ва унинг хулқига нисбатан талабчанлик, тарбиянинг ягона бир бутун жараён эканлиги, ахлоқий тарбияда онглилик ва изчиллик, болаларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқалар киради. Ахлоқий тарбияни амалга ошириш, маълум усуллар орқали белгиланади. Ахлоқий тарбиянинг усуллари деганда педагогик фаолиятнинг усул ва йўналишларини тушунилади. Булар орқали болаларда ахлоқ тушунчалари ва хулқ-атворларини шакллантириш, уларнинг ахлоқий ҳис-туйғуларини ўйфотиш ва ривожлантириш йўлларини тушунамиз. У ёки бу усулнинг қўлланилиши конкрет шароитга, айрим шахс ёки жамоанинг хусусияти ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Үқитувчи ва тарбиячилар ўқувчиларда тарбияланаётган асосий сифатларининг характерига, уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига қараб ҳар хил усул ва йўллардан ўз ўрнида усталик билан фойдалангандагина тарбиянинг натижаси кутилгандек бўлиши мумкин.

Тарбия моҳиятини тушунишга мувофиқ бу умумий усулларни икки асосий гурӯҳга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий ахлоқий таркиб топтириш усуллари — ўргатиш ва машқ қилдириш, намуна кўрсатиш, ўйин, топшириқлар бериш, мусобақалар ўтказиш.

2. Ахлоқий онгни таркиб топтириш — сұхбатлар, мунозаралар, бадиий асарлар ва кинофильмларни муҳокама қилиш.

Шуларнинг айримлари ҳақида тұхталиб ўтамиз.

Машқ қилдириш. Ахлоқий хулқ-автор одатларини тарбиялашда етакчи усул машқ қилдириш ҳисобланади. Машқ қилдиришнинг ёрдамчи мактабларда қўйидаги йўлларидан фойдаланиш мумкин. Талабнома — катталар билан учрашганда саломлашиш трамвай, троллейбус, автобусларда катталарга жой бериш, хонага катталар кирганда ўрнидан туриш, хонадан чиқаётганда йўл бериш каби усуллардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ақли заиф болалар айниқса, ишониш талаби шаклида берилган талабларни бажонудил бажарадилар. «Мен ишонаманки, сен бошқа ҳеч қачон ўртоқларингни алдамайсан, сен яхши, тўғри боласан».

Ёрдамчи мактабларда агар ўқувчи озгина бўлса-да муваффақият қозонса, мъқуллаш талаби шаклидан фойдаланиш керак. «Берилган вазифани ўз вақтида бажардинг».

Ибрат-намуна усули ёрдамчи мактабларда яхши самаралар беради. Ибрат-намуна усули деганда биз ўқувчиларга ижобий намуналар кўрсатиш йўли билан тарбиялашни тушунамиз. Бунда ўқитувчи, тарбиячининг намунаси ахлоқий тарбиянинг жонли мисоли бўлиши керак. Ҳеч нарса ёш болаларнинг қалбига ўқитувчининг таъсиридан кучли таъсир этмайди.

Ахлоқий одатларни тарбиялаш мақсадида турли мазмун ва шаклдаги ўйинларни муваффақият билан қўллаш мумкин. Ўйин жараёнида фаҳм-фаросатга ва фойдали одатлар билан боғланган ҳаракатларга ижобий муносабатлар яратилади.

Ижтимоий фойдали фаолиятни ташкил қилиш орқали болаларда муҳим ички мотивларни юзага келтириш мумкин. Ахлоқ тарбиясини амалга оширишда ўқувчиларни турли жамоат ишларига тортиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғуллантириш, мактабда ва оиласда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш каби ишларни топшириш, мактаб, колхоз ёки бошқа корхоналардаги унумли меҳнатга тортиш роль ўйнайди. Буларнинг

ҳаммаси уларнинг хулқи ва онгига таъсир этиб меҳнат-севарлик, ватанпарварлик, онгли интизом, меҳнат ахлига ҳурмат билан муносабатда бўлиш каби ижобий фазилатларни тарбиялайди.

Ёрдамчи мактабларда таълим-тарбия олаётган ақли заиф болаларни ахлоқий тарбиялаш жараёнида жинсий тарбияни ҳам амалга ошириш керак. Чунки бундай болаларда аксарият жинсий ризојланиш, етилиш эрта юз беради. Агар ақли заиф болалар турли ахлоқиз сұхбатларнинг гувоҳи бўлсалар секин-аста уларда ёмон иллатлар пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли мумкин қадар болаларни ўз ҳолига ташлаб қўймасдан турли фойдали фаолиятларга жалб этиш керак. Баъзан бундай нохуш, ахлоқиз қилиқларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг ётиш жойларини, ётиш ҳолатларини назорат қилиб туриш даркор. Кун тартибини мазмунли ташкил этиб, турли ҳаракатли ўйинлар, гимнастик машқлар, меҳнатга жалб этиш яхши натижалар беради. Ётишдан олдин гавданинг пастки қисмини ва оёқларини илиқ сувда ювиш тавсия этилади. Маълум ёшларда ота-оналар болалар билан бошқа жинсдагиларга тегишли сұхбатлар ўтказиш тавсия этилади. Енгил, юзаки жинсий алоқаларнинг оғир оқибатлари түғрисида тозалик ҳақида, вояга етмасдан фарзанд кўришининг салбий оқибатлари хусусида ҳам сұхбатлашиш керак. Мумкин қадар эрта ёшдан болаларда чекишга, гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишга қарши профилактик тадбирлар кўриш талаб этилади. Зоро, «Расуллулоҳ ҳам ҳар қандай маст қилувчи ва бўшастирувчи нарсаларни истеъмол қилишни ман этганлар».

Ёрдамчи мактабларда ахлоқий тарбиянинг таҳминий мазмунини қўйдагича баён этиш мумкин.

I—III синфлар. I бўлим. Ижтимоий хулқ-автор кўникма, малака ва одатларини вужудга келтириш.

I. Интизомли хулқ-автор, кўникма ва одатларни тарбиялаш:

— кун тартибини бажариш кўникмаси: ўз вақтида туриш, эрталабки ва кечки ҳожатхонага бориш, дарс ва машғулотларга кеч қолмаслик;

— дарсга зарур бўлган жиҳозларни ташлаш кўникмаси: китоб, дафтар, ручка, қалам ва ҳоказо ҳамма ортиқча нарсаларни партадан ўз вақтида йиғишишириш:

— уй вазифасини бажаришда тинчлик, осойишталик ва тартибга риоя қилиш:

— дарсда ұзини тұғри тутиш күникмаси;
— навбатчи үқувчи ва үқиувларга эътиroz билдирмай итоат қилиш одати;

— жамоа жойларда (театр, кино, клуб, магазинларда) хулқ-атвор қоидасига амал қилиш күникмаси: қич-қирмаслик, қаттиқ гапирмаслик;

— шаҳар транспортидан тұғри фойдалана олиш күникмаси (тұғри чиқиш ва түшиш, чипта силиш);

— күчадан үтиш қоидасига риоя қилиш.

2. Атрофдагилар билан хушмуомала бўлиш күникма, малака ва одатларини вужудга келтириш:

— одобли саломлашиш, хайрлашиш, эътибор, диқ-қат ва хизмати учун ташаккур билдириш күникмаси;

— ўртоқларининг илтимосини бажону дил, вижданан бажариш одати.

3. Фамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиш күникма, малака ва одатларни тарбиялаш;

— бетоб ва нимжон ўртоқларига ёрдам кўрсатиш күникмаси;

— ўз ўртоқларининг ўйин вақтида, ўқиша эришган муваффақиятларини тұғри баҳолай олиш күникмаси;

— ўртоқлари билан ўйинчоқ, китоб, қалам, дафтар ва ҳоказоларни бўлишиш күникмаси;

— қария ва бетобларга хизмат кўрсатиш күникмаси;

— ҳайвонларни боқиш, ўсимликларни парвариш қилиш күникмаси.

4. Жамоани ташкил қилиш:

— жамоатчиликка оид топшириқларни вижданан бажариш күникмаси;

— турли кўринишдаги жамоа фаолияти (ўйин, ўқиши, ижтимоий фойдали меҳнат) да актив қатнашиш күникмаси;

— жамоадаги хулқ-атвор меъёри ва қоидаларининг бузилишларига бефарқ бўлмаслик күникмаси.

II бўлим. Ахлоқий тасаввур, тушунча ва сезгиларни вужудга келтириш

1. Ватанга муҳаббат асосидаги тушунча ва тасаввурларни вужудга келтириш.

2. Бурч, виждон, инсоф ҳақидаги тасаввурларини вужудга келтириш.

3. Ўртоқлик, дўстлик тасаввурларини шакллантириш.

4. Бирламчи ахлоқий-эстетик тасаввурларни вужудга келтириш.

IV—VIII синфлар

I бўлим. Ижтимоий хулқ-автор кўникма ва одатларини тарбиялаш.

1. Интизомли хулқ-автор кўникма, малака ва одатларни вужудга келтириш:

— дарс, машғулот ва ўтказиладиган тадбирларга ўз вақтида келиш одатини тарбиялаш;

— дарс, уй вазифаси ва синфдан ташқари вазифаларни бажаришда зарур бўлган жиҳозларни танлаш кўникмаси;

— уй вазифасини ва жамоат топшириқларини ўз вақтида вижданан, бажариш кўникмаси;

— ўқитувчи, тарбиячи ва бошқа ўзидан катта ўртоқларининг тушунтиришларини диққат билан тинглаш кўникмаси;

— ўз камчиликларига тортишмасдан, осойишталик билан тўғри қараш кўникмаси;

— синф ишида фаол қатнашиш кўникмаси.

2. Атрофдагилар билан хушмуомалада бўлиш кўникма, малака ва одатларини вужудга келтириш:

— ўз сухбатдошининг гапини бўлмай, охиригача тинглаш кўникмаси;

— ўз илтимосини тушунарли ва камтарлик билан ифодалаш кўникмаси;

— ноқулай вазиятдан тўғри ва мустақил йўл топиб чиқиб кетиш кўникмаси.

3. Ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиш кўникмаси, малака ва одатларини тарбиялаш:

— кичик ўртоқларига уй вазифасини бажаришда, ўйин вақтида ёрдам бериш одати;

— синфда, гурӯҳда, жамоа аъзолари ўртасида яхши ўзаро муносабатни тиклашда кичик ўртоқларига ёрдам бериш кўникмаси;

— катталарга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш кўникмаси.

4. Жамоани ташкил қилиш:

— умумий меҳнат ва ўқув интизомини қувватлаш кўникмаси;

— умумий мақсадга эришиш жараёнида ўртоқларига ўз талабларини айти олиш кўникмаси;

— жамоа фаолиятида иштирок этиш жараёнида шахсий ва жамият манфаатларини бирга қўша олиш кўникмаси;

— жамоа ҳаёти меъёларини бузувчиларга қарши курашиш кўникмаси.

II бўлим. Ахлоқий тасаввур, тушунча ва сезгиларни вужудга келтириш:

1. Ватанга нисбатан севги, ҳалқлар дўстлиги ҳақида тушунча ва тасаввурларни вужудга келтириш.

2. Бурч, виждон, инсоф ҳақидаги тасаввурларни вужудга келтириш, кенгайтириш.

3. Ўртоқлик, дўстлик ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш.

4. Бирламчи ахлоқий-эстетик тасаввурларни вужудга келтириш ва ривожлантириш.

Савол ва топшириқлар

1. Ахлоқ деганда нимани тушунасиз?

2. Ахлоқий тарбиянинг ақли заиф бола шахсининг шаклланнишидаги аҳамияти нимадан иборат?

3. Ахлоқий тарбия принципларини айтиб беринг.

4. Ахлоқий тарбияни қандай йўллар билан амалга ошириш мумкин?

5. Ахлоқий тарбия ҳақида қайси мутафаккирларнинг ишларини биласиз?

Ёрдамчи мактабларда меҳнат тарбияси

Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат тарбияси нуқсонли болаларни меҳнат фаолиятида тарбиялаш мажмуасидир, деб таъкидланади дефектологик луғатда. Ҳозирги даврда меҳнат тарбияси бошқа тарбия турларидан ҳар тарафлама устунлиги билан ажralиб туриши керак. Махсус мактаблардаги меҳнат эса алоҳида ташкил этилиши лозим. Чунки меҳнат фаолиятида нуқсонли болалардаги психофизик етишмовчиликлар кўпроқ тузатилиди ва бартараф этилади. Меҳнат жараёнлари ёрдамчи мактаб болаларини атрофлича ривожлантириш ва ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосидир. Бу мактаблардаги меҳнат тарбиясининг вазифалари ўқувчиларни меҳнат малака ва кўникулар билан қуроллантириш, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда жамоа ҳисларини таркиб топтириш ва хулқ меъёларини шакллантиришдан иборатdir. Махсус мактаблардаги меҳнат тарбияси турли фаолиятларда: ўқув, мαιший ва ижтимоий меҳнатда амалга ошириб борилади. Бу меҳнат турларининг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Ўқув меҳнатида ўқувчилар меҳнатда керак бўладиган билим-

ларни эгалласалар, миший меҳнатда эса оддий, содда, тушунарли меҳнат турлари билан танишадилар.

Нуқсонли болаларни тарбиялашда ижтимоий фойдалари меҳнат катта аҳамиятга эга. Буларга ўз-ўзига хизмат қилиш, турли кечалар ташкил этиш ва ўтказиш, кўргазмалар, конкурслар, мактабни ободонлаштириш ишлари, ҳосилни йиғишириб олиш, тўгарак ишлари ва бошқа қатор меҳнат турлари киради. Бу меҳнат турлари мазмунининг турли-туманлиги нуқсонли болаларнинг кенг ҳажмда билимлар эгаллашларига имконият яратади. Махсус мактаблардаги меҳнат тарбияси, ишлаб чиқариш меҳнатларида самарали натижалар беради. Меҳнатнинг қимматлиги шундаки, меҳнат орқали болалар турли фанларга оид назарий билимлар олиш билан бирга, уларда шахсий сифатлар шаклланиб бориши асосида, меҳнат даволаш вазифаларини ҳам ўтайди. Барча меҳнат жараёнларида хатти-ҳаракатлар оқибатида физиологик жараёнлар яхшиланниб боради. Руҳиятга ижобий таъсир этади. Уларнинг иродавий сифатларини шакллантиради. Улар фаолиятига ташкилий маъно беради, асосий, меҳнат туфайли ақли заиф болалар ўз касалликларига оид фикрлардан чалғиидилар. Лекин бунда меҳнат топшириқлари болалар касаллиги даражасига, хусусиятларига қараб берилиши керак, шундагина у самарали натижаларга олиб келади. Пировард натижада махсус мактабларни, хусусан ёрдамчи мактабларни тутгатган болалар турли ташкилотларга ишга жойлашадилар.

Тажрибалар ҳамда илмий изланишларнинг кўрсатишича, ёрдамчи мактаб ўқувчилари меҳнат фаолиятининг турли жабхаларида муваффақиятли иштирок этишлари мумкин. Жамоа бўлиб меҳнат қилиш асосида ўқувчилар ақлий, эстетик, жисмоний ривожланиб уларнинг дунёқарашлари, ахлоқий сифатлари, характеристики шаклланиб боради. Ақли заиф болаларни меҳнат таълимисиз, тарбиясиз ривожлантиришни тасаввур этиши мумкин эмас. Ёрдамчи мактабларда меҳнат тарбиясини амалга оширишда меҳнат ҳақида сұхбатлар, айрим меҳнат жамоалари ҳақида ҳикоя қилиб бериш, машхур, илғор кишилар тўғрисида маълумот бериш, қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида савол-жавоблар ташкил этиш яхши натижалар беради. Турли мавзуларда қизиқарли сұхбатлар ўтказиш, ақли заиф болалардаги қатор салбий сифатларнинг тўғриланишига олиб келади. «Барча

каслар керак», «Бизнинг режаларимиз — бизнинг ишимиз», «Бизлар учун, ким, қаерда ишлайди», Барча меҳнат фахрлидир», «Ўсимликларни асранг», «Нонни тайёрлаш жараёни» ва бошқа мавзулар болалар томонидан севиб ўрганилади. «Ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштириш орқасида мактаб меҳнат устахоналаридаги меҳнатга бошқача муносабатда бўладилар»,— деб таъкидлайди Я. Я. Кравалис.

Демак, саёҳат фақат томоша учун ўтказилмайди, балки болаларда ижтимоий онгни шакллантиришга ҳам хиэммат қиласр экан. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик ишлари олиб борилади. Турли корхоналарга, колхоз ва совхозларга экскурсиялар уюштириш орқасида болаларда ўзига хос ишонч ҳосил қиласр. Ҳаётда асосий нарса — вижданан меҳнат қилиш керак деган фикр пайдо бўлади. Меҳнатдаги ютуқлар учун берилган турли мукофотлар, танқидий суръатлар кўриш асосида болалар қандай яшаш, ишлаш, кераклиги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Ҳар бир саёҳат охирида якуний суҳбат ўтказилади.

Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат тарбиясини амалга оширишда қўл меҳнати натижаларини намойиш этувчи тўғарак ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу тўғаракларда қатнашиш орқали ақли заиф болаларни тарбиялаш, ҳаётга тайёрлаш яхши натижалар беради. Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат орқали болаларда касбга тайёргарлик, касб танлашга ҳавас ўйғотиб борилади. Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат таълими орқали ўқувчиларни ҳозирги замон саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт, хизмат курсатиш соҳасининг асослари билан танишириш билан бирга ўқувчиларда кўп қўлланиладиган ўлчов асбоб-ускунлари билан ишлаш кўнникмалари ҳам тарбияланади. Ўқувчиларда умумий иш маданияти, ўз иш ўрнини ташкил эта билиш, иш қуролларини ҳамиша тартибли ҳолда сақлаш, иш вақти ва материалларни тежаш, жамоа меҳнатини уюштира билиш, қийинчилик туғилганда ёрдам кўрсатиш каби шахсий сафатлар шакллантирилади. Таълимнинг унумли меҳнат билан бирлаштирилиши натижасида ақли заиф болаларнинг касб танлашига шароит яратилади.

Ёрдамчи мактаблардаги меҳнат тарбияси мақсад асосида, системали тарзда олиб борилади. Ҳозирги замон ёрдамчи мактабида меҳнат тарбиясининг ўзига хос

изчил тизими таркиб топган. Булар бирмунча оддий меҳнат турларидан бошланиб борган сари мураккаблашиб борувчи меҳнат турини ўз ичига олади.

Психологлар фикрича, ақлий меҳнат бола учун энг оғир меҳнат экан. Чунки бу меҳнат боладан ақлий зўр бериши талаб этади. Шунинг учун ёрдамчи мактаблардаги ўқув меҳнати болаларнинг қурби етадиган дарражада бўлиши керак. Акс ҳолда ижобий таъсир ўрнига салбий таъсир этиши мумкин. Ўқув меҳнатининг бош вазифаси болаларни ўқишига ўргатишдан, уларни ўқув меҳнати усуллари билан қуроллантиришдан иборатdir. Ўқув меҳнати жараёнida ҳосил қилинадиган қўникма ва малакалар ақли заиф ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали, унумли меҳнатда қатнашишига ижобий таъсир кўрсатади, ўқувчиларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун пойдевор бўлади. Ижтимоий фойдали меҳнат аҳамияти аниқ ифодаланган, бир мақсадга қаратилган, онгли, режали, ихтиёрий фаолиятдир. Ўқувчиларнинг бажариш шарт бўлган ва ижтимоий дастурларга мувофиқ амалга ошириладиган ижтимоий фойдали меҳнат синфдан ташқари ишларда амалга оширилади.

Ижтимоий фойдали меҳнат турли шаклларда ташкил этилиши мумкин. Бундай меҳнат жараёнларида ўқувчиларда масъулият, ижтимоий мулкни эҳтиёт қилиш, интизом, ижодий, фаоллик каби ахлоқий фазилатлар шаклланиб боради. Бу меҳнатининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу шунчаки қилинадиган меҳнат эмас, балки меҳнат фаолиятининг ҳар бир қатнашчиси атрофидаги кишилар ҳақида, мактаб ҳақида ғамхўрлик қилишда намоён бўладиган меҳнатдир. Турли ижтимоий фойдали меҳнат жараёнida ақли заиф ўқувчиларда ақлий, эстетик ва жисмоний сифатлар ривожлантирилиб борилади. Ёрдамчи мактаб бошлангич синфларидаёқ болалар меҳнат иштирокчилари бўлиб қолмасдан, балки бу ишларни ташкил этишда ўқитувчининг ёрдамчиси ҳамdir.

Ижтимоий фойдали меҳнат мунтазам олиб борилсангина ижобий, тарбиявий таъсир этади. Бу нарса ишни танлаш билангира эмас, балки пухта режалаштириш билан ҳам таъминланади. Режада ижтимоий фойдали меҳнатининг санитария, гигиена, техника хавфсизлиги қойдаларига риоя қилинадиган ҳолда ўтказилиши ҳам белгиланади. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ижтимоий

Фойдали меҳнатнинг энг оддий ва оммабоп туридир. Бу меҳнат тури уйда ва мактабда ўзларига хизмат қилишга бўлинади. Ёрдамчи мактабларда бу меҳнат турига жиддий эътибор берилади.

Олигофренопедагогика фанида болаларни тарбиялаш тажрибаларининг кўрсатишича, ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда оила катта роль ўйнайди. Дефектологлар оиласидаги болалар меҳнатга катта эътибор берганлар, уларнинг кўрсатишича, оиласинг ҳар бир аъзоси хонадондаги умумий меҳнатнинг қатнашчиси бўлган жойдагина оила ахил жамоа сифатида ривожланади. Айнан ана шу оиласидаги меҳнат болаларда ота-оналарнинг меҳнатига ҳурмат билан қарашни, оиласинг кичик аъзоларига ғамхўрлик қилиш руҳини тарбиялар экан. Агар болалар уйда ўзларига хизмат кўрсатишига, оила аъзоларига ёрдам беришга ўргатилган бўлсалар, мактабда уларнинг ўзларига хизмат кўрсатишини ташкил этиш осон кечади. Ёрдамчи мактабдаги бундай ишларга ўқув қўлланмалари ва мактаб жиҳозларини таъмирлаш, синфда гул ўстириш, макулатура ва металл тўплаш, мактаб ер участкасидаги ишлар, ўқувчилар ва тарбияланувчилар учун ўйинчоқлар тайёрлаш, синфда, мактабда, ошхонада навбатчилик қилиш ишлари киради. Ана шундай топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда ахлоқий тушунча мустаҳкамланади, улар жамоатчилик фаолиятига қизиқа бошлайдилар. Бундай меҳнат натижасида уларда одат, эҳтиёжлар шаклланади, мақсад сари интилиш ривожланиб боради. Бериладиган барча топшириқлар болалар хусусиятига мос бўлиб, уларни бажариш учун маълум вақт берилади. Ақли заиф болаларни ишлатиб тарбиялаш муҳим педагогик масала саналади. Болаларни меҳнатда тарбиялаш жараёни тўлақонли бўлиши учун қатор талабларга ва шартларга амал қилиш керак. Буларга қўйидагилар киради:

1. Болалар меҳнатга қанча эрта жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли ўтади.
2. Болаларнинг меҳнати ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши керак.
3. Чарchoқ, ҳориш ҳиссини туғдирадиган меҳнатгиба болаларга қувонч бағишлайди. На жисмоний, на ақлий куч талаб этмайдиган, енгил меҳнат самара бермайди.
4. Катталар болаларнинг меҳнатини одоб доираси-

да назорат қилиши, боладаги ўз кучига ишончни қўл-лаб-қувватлаши керак. Агар бола мөҳнат топшириғини бажарганидан кейин ўз муваффақиятидан қувонса, қилган иши билан фахрланса, ҳақиқий инсон сифатида камол топади, ўзини баҳтиёр киши деб ҳис қила бошлияди.

5. Болалар мөҳнати дам олиш билан алмаштириб борилиши керак. Мөҳнат турларининг навбат билан бажарилиши ҳам чарвоқни босади.

6. Ҳар қандай мөҳнат топшириғи фойдали, имкони борича натижали бўлиши керак. Бу натижа жамоат учун ва ўзи учун қанчалик аҳамиятга эга бўлса, мөҳнатнинг тарбиявий таъсири шунчалик кучли бўлади. Классик педагоглар хўжакўрсинга қилинадиган ёки болаларнинг вактини оладиган ишга қатъий эътиroz билдирган эдилар.

7. Унумли мөҳнатда болаларнинг шахсий, моддий манфаатдорлигини рад этиш керак эмас. Тажрибаларнинг кўрсатишича, фақат шахсий манфаатдорлик орқалигина бола тўла куч билан ишлаши, ўрганиши, жамоага сингиб кетиши ва шу тарзда тўла қимматли мөҳнаткаш даражасига кўтарилиб, шу асосда бурч ва шарафга биноан ишлаш имкониятини берадиган юксак онг ҳосил қилиши мумкин.

8. Мөҳнат фаолиятини ташкил қилиш ахлоқий тарбия билан боғланиши лозим.

9. Мөҳнат ақли заиф болаларнинг ёш, индивидуал, психофизик ҳусусиятларига монанд бўлиши керак. Бошланғич синф ўқувчилари ва айниқса биринчи синф болалари фаолиятининг асосий тури ўйин билан боғлиқdir. Мактаб ёшидаги болаларнинг ўйинларида албатта мөҳнат элементлари бўлади (қурилиш материалларидан, ўйинчоқлардан фойдаланиб ўйнаш). Ўйин жараёнида ҳосил қилинган ташкилотчилик қўнимларига аста-секин мөҳнатдаги ташкилотчилик қўнимларига айланиб боради. Ишда бўлгандек ўйинда ҳам фаол фикр юритилади. Ўйин ва иш болага қувонч бағишлайди. Ишда бўлганидек ўйинда ҳам масъулият бўлиши керак. Мөҳнат фаолияти жараёнида ўқувчилар ўзларига топширилган ишларни бажарибгина қолмай, ўз ишларини мустақил ташкил этишини ҳам ўрганишлари зарур.

Одам қўли фақат мөҳнат қуроли бўлиб қолмасдан, мөҳнат маҳсули эканлигини эътиборга оладиган бўл-

сак, ақли заиф болаларнинг ривожи учун меҳнатнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги янада равшанлашади. Бургут кўзи жуда узоқ масофадан кичик нарсаларнинг қўмирлашини сезади, аммо инсон кўзи бургут кўра олмаган нарсаларни кўра олади. Итнинг ҳид билиш аъзолари ниҳоятда нозик бўлиб, яхши ривожланган бўлса ҳам инсон сезган ҳидларнинг барчасини сеза олмайди. Инсон қўлидаги туюш сезгиларга ҳеч бир ҳайвон сезгиси тенглаша олмайди. Одам организмининг бу даражада такомиллашишига сабаб, минг йиллаб давом этаётган меҳнат жараёнидир. Шу сабабли ёрдамчи мактабларда болалар вақтини шундай ташкил этиш керакки, улар мияси фикрлашсиз, қўли ишсиз қолмасин, акс ҳолда қатор нохуш ҳолатлар, кўнгилсиз воқеалар худди шу бекорчи вақтда юз беради.

Савол ва топшириқлар

1. Бошқа тарбия турлари ичida меҳнат тарбияси қандай аҳамиятга эга?
2. Ақли заиф болалар психофизик нуқсонларини тузатишида меҳнат тарбиясининг аҳамияти нималардан иборат?
3. Ёрдамчи мактабда меҳнат тарбиясининг воситалари ҳақида гапириб беринг.
4. Ёрдамчи мактабда меҳнат тарбиясининг зарурлигини асослаб беринг.

Ёрдамчи мактабларда эстетик тарбия

Эстетик тарбиянинг вазифалари жуда кенг ва ранг барангdir. Шу вазифалардан бири ёш авлодда эстетик сезги ва эстетик идрокни тарбиялашдан иборат. Ҳаётда, санъатда гўзалликни кўра билиш ва сезиш ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Бир киши қуёш ботишидаги ранглардан кўз узолмаса, иккинчи бир киши бу ҳолатга бефарқ бўлиши мумкин. Эстетик сезгирилик, идрок, диққат-эътибор эстетик тарбия асосини ташкил этади. Бу вазифа боланинг бевосита борлиқдаги гўзалликларни сезиши жараёнида бажарилади. Болалардаги эстетик сезги маданияти маҳсус мусиқа, расм машғулотларида ривожлантириб борилади. Эстетик тарбиянинг иккинчи вазифаси болаларда эстетик тушунча, баҳолаш ҳиссини шакллантиришdir. Бола гўзалликни фақатгина сезиши эмас, балки уни тушуниши, у ҳақда фикр юритиши зарур. Бунга билимларсиз эришиб бўлмайди. Таасвирий санъат машғулотлари

давомида болалар шакл, ранг, ёруғлик, зулматнинг роли ҳақидаги билимларни әгаллаган бўлишлари даркор. Улардан мусиқа ва ашулада товушни фарқлай билиш ҳам талаб қилинади. Шу билан бир қаторда ўқувчилар бадиий сўзнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги билимлардан ҳам хабардор бўлиши керак.

Бадиий дид тарбиялаш ҳам эстетик тарбия вазифаларига киради. Эстетик дид — бу гўзалликни сезиш, гўзаликка ҳиссий муносабат, эстетик сезгилар маданияти, эстетик баҳо бера олиш, гўзалликнинг объектив мезонларини тушуниш билан чамбарчас боғлиқдир. Санъат асарлари намуналарини баҳолаш даражаси бадиий дид кўрсаткичларидан биридир. Шу асосда муайян шахснинг диди ҳақида фикр юритиш мумкин.

Бадиий диднинг иккинчи кўрсаткичи: гўзалликка баҳо бериш, меъёрида танлаш масаласида, ҳақиқий гўзалликни сохта гўзалликдан ажратা олишда кўзга ташланади.

Бадиий диднинг учинчи кўрсаткичи: санъат асарларида юксак талабда, сохталикка қарши курашда, тасвиirlардаги образларни чуқур кўра билишда намоён бўлади. Эстетик дид атрофимиздаги нарсаларнинг, табиатнинг, меҳнат маҳсулотларининг, кишилар муносабатининг, ҳақиқий санъат намуналарининг таъсири остида ривожланиб боради. Эстетик дид гўзалликни тушуниб идрок этишда, гўзалликка онгли муносабатда ҳам шаклланиб боради.

Табиатнинг нозик ҳолатларини, кўринишларини ҳисқила олиш учун инсонда маълум даражада ҳиссиёт ривожланган бўлиши керак. Акс ҳолда инсон бундай гўзаликларга бефарқ қарайди. Кишиларда эстетик фаолликни ривожлантирмасдан туриб ҳақиқий эстетик тарбиянинг вазифаларини амалга ошириш мумкин эмас. Эстетик фаоллик инсоннинг тарбияланганлик белгисидир. Бу фаоллик эстетик идрокнинг тезлигига намоён бўлади. Болаларда эстетик фаоллик тарбиялашда ҳар сир болада сезгирикни, нозик табиатликни шакллантириб боришимиз керак. Эстетик фаоллик эстетик сезгирик билангина чекланиб қолмасдан, балки кишининг ҳаётга гўзаллик олиб кириши ҳамдир. Шахснинг бошқа хислатлари каби эстетик маданияти ва эстетик диди фаолиятда ривожланиб боради. Агар боланинг бутун ҳаёти: меҳнати, ўқиши, дам олиши эстетик маъно билан йўғилган бўлса, у ўз ҳаётига гўзаллик эле-

ментларини олиб киради. Оилада ва мактабда болалар бундай кўникма ва малакаларни эгаллаб борадилар.

Ота-оналар болаларига уйни йиғиштириш, бичишикиш ишларини ўргагиб борадилар. Мактабда ўқувчилар деворий газеталар чиқарадилар, уларни безайдилар, байрамларга альбомлар ишлайдилар, стендлар тайёрлайдилар, бадиий кечалар уюштирадилар, яхши ашулачи, ўйинчи кўрикларида қатнашадилар. Турли ўйинчоқлар ясайдилар. Бевосита шундай эстетик йўналган фаолият турларида эстетик фасллик ривожланниб боради. Тарбиячилар ҳар бир боланинг ясаган нарсаларини диққат, эътибор билан кўздан кечиришлари керак.

Эстетик тарбиянинг зарурий вазифаларидан яна бири болаларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришдир. Инсон—гўзаллик ижодкори бўлганлиги сабабли мактаб ўз ўқувчиларини мана шунга тайёрлаши лозим. Мактабларда ўқувчиларнинг эстетик имконият ва қобилиятларини максимал даражада юзага чиқариш керак. Мусиқий ижод мусиқани тушуниш, эшитиш билан узвий боғлиқ. Бамисоли гимнастик машқлар танани тўғрилаганидек мусиқа ҳам қалбни ардоқлашини, мусиқий тарбиясиз боланинг етук ақлий ривожланиши мумкин эмаслигини унутмаслигимиз керак.

Қўрсатиб ўтилган эстетик тарбия вазифалари бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирларига боғланниб кетади. Эстетик тарбияни атрофлича амалга ошириш учун инсонлар орасидаги муносабатларда ҳам эстетик талабларга риоя қилиш керак. Кийиниши ҳам, хатти-ҳаракатлар, мимика ҳам маълум эстетик дидга боғлиқ. Шулар орқали шахсни тарбиялаб бориш мумкин. Ота-оналар, ўқитувчилар болаларда эстетик маданиятни тарбиялашга эътибор беришлари керак.

Табиат гўзаллик манбаидир. Агар оила, мактаб болаларни шу гузалликни сезишга тайёрлассалар, албатта бола бу гузалликка бефарқ қарамайди. Табиат эстетик сезги, хаёлнинг ривожланиши учун бой материал беради. Табиат манзаралари инсоннинг эстетик кечинмаларида, хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади.

Болаларда эстетик идрокни ривожлантириш учун ўқитувчи турли восита, усууллардан фойдаланиши зарур.

Мактабларда болаларнинг иш маҳсулотларига эс-

тетик мезон киритиш лозим. Қим чиройли ясади? Нима учун унинг қўғирчоғи чиройли? Қандай яхши қилиш мумкин? каби саволлар бериш ўринлидир. Болаларни эстетик тарбиялашда санъатнинг роли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Адабиёт, ашула, расм дарслари болаларда бадий дидни тарбиялашга хизмат қилади. Бадий адабиёт эстетик тарбиянинг зарурий манбаидир. Бадий асарлар ўқиш орқали эстетик дид тарбиялануб борилади. Тасвирий санъат ҳам эстетик тарбияда катта имкониятларга эга. Мактаблардаги эстетик тарбияга оид суҳбатлар, маъruzалар ҳам яхши натижалар беради. Мусиқа ва ашула болалар ҳаётига кириб борар экан, уларнинг ҳиссий тажрибалари ортиб боради. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари мактабни тутатгач, ишлаб чиқариш корхоналарига йўлланма оладилар. Шу сабабли бу болаларнинг иш жойини, ишлаб чиқараётган маҳсулотга эстетик дид билан муносабатда бўлишни тарбиялашимиз керак. Меҳнат эстетикаси меҳнат тарбиясини юксалтиришга хизмат қилади. Эстетик идрок қилиш фақат хурсанд бўлиш, яхши кайфият эмас, балки хурсанд бўлиб йиғлаш ҳам, қойил қолиш, ҳайратланиш, нафратланиш ҳам мумкин.

Муҳими шундаки, киши тўлқинланади, ҳаяжонланади. Ақли заиф болалар ўзларининг интеллектуал ва ҳиссий нуқсонлари оқибатида гўзалликни юзаки идрок этадилар. Тузатиш-тарбиявий ишлар оқибатида уларда сезги хусусиятлари ўзгариб, ривожланиб боради. Ўқув материалларининг кўргазмалилиги, конкретлилиги маълум эстетик қўйматга эга. Болаларнинг ёшига, индивидуал хусусиятларига касаллик характеристига мос келувчи кўрсатмалар, картиналар, халқ ҳунармандлари асарларини намойиш этиш мумкин. Ўқув дастурода 4—6-синифларда тасвирий санъат асарлари устида суҳбат уюштириш берилган. Ақли заиф болаларда эстетик тарбия ниҳоятда секин амалга ошади. Ҳатто ёрдамчи мактаб биринчи синфига келган болалар теварак-атрофидаги нарсалардан муайян рангни, товушларни ажрата олмайди. Бола сезги органлари соғ бўлса-да, унинг функциялари тўғри кечмайди. Бола қулоқ соладиу, лекин эшитмайди, қарайдиу, аммо кўрмайди. Бу болалар билиш фаолиятларининг чекланганлиги оқибатида эстетик идрок этишлари ҳам секин кечади. Шу сабабли ёрдамчи мактаб таълим мининг биринчи кунидан бошлаб, эстетик дидни ривожлантириш, идрок этилган-

ларни таҳлил қилиш, тақослаш малакаларини ривожлантириш талаб этилади. Ёрдамчи мактабда болани ўраб турган барча нарсалар эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши керак. Мактаб, синф, гуруҳ хонаси, ошхона, устахона, бола қаерда бўлмасин, ўша жойлар болани эстетик тарбиялаши лозим. Ҳатто хоналардаги ранглар ҳам эстетик талаблар асосида танланган бўлиши даркор. Ёрдамчи мактабда болаларнинг гавдасини тўғри тутишга, чиройли юришга, ўртоқлари ва катталар билан осойишта ва тўғри гапиришига, хушуммоалада бўлишига асосий эътибор бериш лозим. Жўрофия ва табиатшунослик дарсларида табиатга нисбатан ўқувчиларда ҳавас уйғотиш ўқитувчининг нуқсонларни тузатиш-тарбиялаш вазифаларидан биридир. Расм, чизмачилик, қўл меҳнати дарслари болаларда гўззаликни идрок этишни ўргатади. Болалар ўзлари идрок этган гўззаликни расм, аппликация, лой ва пластилиндан ёғоч, қофоздан ясаган буюмларида гавдалантрадилар. Ақли заиф болаларда ҳиссиёт ва ички кечинмаларнинг сустлиги оқибатида улар намойиш этилаётган суратлардаги воқеаларнинг фақат юзаки белгиларини идрок этиш билан кифояланадилар. Суратлардаги ички яширин маъноларни англаб етмайдилар. Эстетик тарбиянинг натижаси ижодий фаолиятида кўзга ташланади.

Маълумки, ақли заиф болаларнинг ташқи дунё ҳақидаги тасаввурлари юзаки, идрок этишлари ноаниқ ва дифференциялашмагандир. Шу сабабли ақли заиф болалар билан эстетик тарбияга оид синфда, мактабда, синфдан, мактабдан ташқари иш турлари танланганда шу хислатларига эътибор бериш керак. Акс ҳолда қилинган ишлар натижасиз қолиши мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг эстетик идрокини ривожлантирища расм дарсларининг аҳамияти нималардан иборат?
2. Ақли заиф болалар эстетик тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Эстетик тарбиянинг вазифаси нималардан иборат?
4. Эстетик дид нима?

Ёрдамчи мактабларда жисмоний тарбия

Жисмоний тарбия боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун асосий омил эканлиги қадимдан эътироф

этилган. Мунтазам равиша жисмоний тарбия билан шуғулланганларда ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланиш уйғунлашиб боради.

Жисмоний тарбия нима? Күренишидан жуда содда, тушунарли туулган бу жумла маҳсус мактабларда янада эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки жисмоний тарбияни оддий жисмоний машқлар, ҳаракатлар йиғиндиси деб ўйлаш катта хато бўлади. Жисмоний тарбия деганда ўқувчиларга ташкил қилинган жисмоний машқлар, табиатнинг табиий кучлари ва гигиеник омиллар билан таъсир этиш орқали уларда жамият талабларига мос келадиган сифатларни ривожлантириш тушунилади.

Саломатлик инсоннинг ривожланиши, унинг барча куч ва қобилиятларининг намоён бўлиши учун асосий омиллар. Мактаб ёшида боланинг ўсиши ва нормал тараққиёти маълум даражада организмнинг интеллектуал, ҳиссий-иродавий ривожланишига боғлиқ бўлади. Шу сабабли бошланғич синф болаларининг соғлигини асраш жисмоний тарбиянинг етакчи вазифаси бўлиб, бевосита шу ёшда жисмоний тарбия организмга самарали таъсир этади. Зоро шу даврда бола организмига жисмоний машқларнинг, соғ ҳавонинг, қуёш нурларининг, тоза сувнинг ижобий таъсиридан унумли фойдаланиш зарур.

Жисмоний тарбия ёрдамчи мактаблардаги барча таълим-тарбия ишларининг мухим қисми ҳисобланади. Ёрдамчи мактабларда болалардаги мавжуд нуқсонларни тузатиш вазифаларининг ҳал этилиши жисмоний тарбиянинг асосий, етакчи мақсади ҳисобланади. Ақли заиф болаларнинг жисмоний, психик ривожланиши ўзига хос, мураккаблигини ҳисобга оладиган бўлсак, ёрдамчи мактабларда жисмоний тарбиянинг аҳамияти янада ортади. Чунки бу болаларнинг кўпчилигида бош мия, юрак-қон, томир, нафас олиш аъзоларининг ўзига хос касалликлари бўлиб, уларда мускул тонуслари бўшашган бўлади. Жисмоний ўсиш асосан нуқсонли болаларда орқада қолади. Бу ҳол болалар буйининг яхши ўсмаганилигида, мускуллар кучининг заифлигига, гавда тузилишининг номутаносиблигига, умуртқа поғонасининг нуқсонларида кўзга ташланади. Ақли заиф болалар ўзларидаги нуқсонларни мустақил ҳолда бартараф этиш қобилиятига эга эмаслар. Улар жисмоний машқларнинг моҳиятига тушуниб етмайдилар.

Уларда ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш учун чидам, ирода, мақсадга интилиш жиҳатлари етишмайди. Бундай вақтларда ёрдамчи мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари болаларга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ёрдамчи мактаблардаги жисмоний тарбия асосан ақли заиф болалардаги нуқсонларни тұғрилаш ва уларни меҳнат фаолиятига тайёрлашдан иборат. Шу сабабли ҳам бу соҳадаги ишлар маҳсус мазмун касб этиши керак. Чунки нормал болалар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия усуллари тұғридан-тұғри ёрдамчи мактабларга ўтказылмайди.

Машхур рус дефектологларидан А. Н. Граборов, Д. И. Азбукин, Г. М. Дульнев ишларида ёрдамчи мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилген. Улар тузатиш-соғломлаштириш ишларида, ўқувчиларни ижтимоий фойдалы меҳнатта тайёрлашда жисмоний тарбияга катта аҳамият билан қараганлар. Нуқсонли шахсни ривожлантириш учун қўйи синфлардаги жисмоний тарбияга алоҳида масъулият билан ёндашиб керак. Чунки бошланғич синф боланинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди. Кичик мактаб ёши нуқсонларни тузатиш учун жуда қулай давр ҳисобланади. Чунки иш қанчалик эрта бошланса, шунча яхши самара беради. Бошланғич синфларда яхши ташкил этилган ҳаракатли машғулотлар ёзувда, сурат чизишда, қўл меҳнатида алоҳида ўринга эга.

Жисмоний машқлар бола организмига умумий ижобий таъсир этиб, бутун тананинг ҳаёт фаолиятини юксалтиришга ёрдам беради. Айниқса, тоза ҳавода ўтказиладиган машқлар модда алмашувининг яхшиланишига, нафас олиш жараёнларининг такомиллашишига олиб келади. Булар оқибатда ақли заиф бола организмининг умумий ҳолати яхшиланишига олиб келади. Ақлий ишчанликни оширишда жисмоний тарбия дарслари айниқса ижобий таъсир этади. Жисмоний меҳнат билан жисмоний тарбия воситаларини усталик билан қўшиб олиб боргандагина, уларни тұғри жисмоний ривожлантириш мумкин. Ёрдамчи мактаблардаги жисмоний тарбия машғулотлари ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал ҳусусиятларини албатта ҳисобга олиши лозим. Акс ҳолда жисмоний тарбия бирига фойда келтирса, иккинчи сига зарар келтириши мумкин.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялашда асосан қуйидаги усууллар, талабларга риоя этилади:

1. Ақли заиф боланинг кун тартибини гигиена талабларига мос тарзда ташкил этиш, унинг бажарилишини назорат қилиш.

2. Уз вақтида ва етарли овқатланиш.

3. Болаларга шахсий гигиена қоидаларини ўргатиш ва кўникуммалар ҳосил қилиш.

4. Ақлий ва жисмоний меҳнатни бир-бири билан, алмаштириб туриш, изчил жисмоний тарбия билан шуғулланишни таъминлаш,

5. Болани оиласда, мактабда жамоат ишларига жалб этиш.

6. Ёзги таътилни түғри ташкил этиш ва уюштириш.

Маълумки, ёрдамчи мактабнинг ҳар бир синфида ақли заифликнинг ифодаланишига кўра, турли дараҗадаги болалар учрайди. Уларнинг кайфиятлари, жисмоний ҳаракат имкониятлари ҳам турлича бўлади. Шуларни изчил ўрганиш асосидагина муваффақиятли жисмоний тарбияни амалга ошириш мумкин. Жисмоний тарбия ходимлари шифокорлар билан узвий ҳамкорликда ишлашлари зарур.

Савол ва топшириқлар

1. Жисмоний тарбияни таърифлаб беринг.

2. Жисмоний тарбиянинг умумий тарбиядаги аҳамияти нимадан иборат?

3. Ёрдамчи мактабда жисмоний тарбиянинг ўрни нимадан иборат?

4. Психологик, жисмоний нуқсонларни тузатишда жисмоний тарбиянинг аҳамиятни гапиринг.

12. БОЛАЛАР ЖАМОАСИНИ ЎРГАНИШ, ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАРБИЯЛАШ

Жамоа тушунчаси педагогикада асосан асримизнинг 20-йилларидан бошлаб атрофлича кенг қўлланила бошланди. Ваҳоланки, бу тушунча ундан олдин ҳам тарбиячилар, психологлар, тарихчилар, социологларнинг диққатини тортиб келган.

Болаларни жамоада тарбиялаш ғояси ўқитувчи, тарбиячилар томонидан илиқ кутиб олиниди. Жуда кўп илмий-амалий кузатишлар амалга оширилди. Бу текшириш маълумотларининг кўрсатишича, жамоа фақат-

тина болаларда ўртоқлик, жамоатчилик, ижтимоий фаоллик шакллантириб қолмасдан, балки болаларда атроф-муҳитга нисбатан муносабатини белгилаб, унга ижтимоий йўналиш берар экан. Жамоада тарбиялаш орқали болаларнинг асосий шахсий сифатларидан характер, иродани тарбиялаб бориш мумкин экан. Жамоасиз ҳар томонлама етук шахс тарбиялаш мумкин эмас, деб таъкидлашади классик педагоглар. Жамоа ҳақидаги назария, шахснинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиб беради. Болаларнинг жамоага бирлашишларидағи манба ягона мақсаднинг борлигидир. Шу мақсадга эришиш учун жамоа асосидаги фаолият ташкил этилади. Мақсаднинг бирлиги жамоа аъзоларида ягона, умумий қарашларнинг тикланишига олиб келади.

Ҳар доим мақсад турғунлиги муваффақиятлар гарови бўла олмайди. Масалан, ўсмирларнинг қонунбурзар гуруҳларини жамоа дея олмаймиз. Демак, системали алоқа, айрим умумий мақсаднинг бўлиши жамоа бўлиш учун етарли эмас экан. Жамоа ҳақида дарсликда қуидагича таъриф берилган. «Ижтимоий қийматга эга бўлган мақсад асосида, шу гуруҳ аъзоларининг ягона фаолиятга бирлашишлари, ўзаро муносабатда, бир-бирларига боғлиқ бўлишлари, ўзаро жавобгарларлари, улар бурч ва ҳуқуқларининг тенглигига асосланган шахслар гуруҳига жамоа дейилади. Жамоа ўз раҳбар органларини сайлайди, бошқа жамоалар билан яқин алоқада бўлади».

Жамоа манбалари турли-туман фаолият турлари бўлиши мумкин. Буларга меҳнат, ўйин, ўқиш, оммавий маданий ишлар, спорт, эстетик фаолият, майший топшириқларни бажариш киради. Уларга қўйиладиган талаблар эса жамоа фаолиятининг ижтимоий фойдали йўналиши, жамоа аъзолари имкониятларига тўғри келишидир.

Мунтазам ўсиб борувчи, олға ҳаракат қулувчи, борган сари мураккаб ҳаёт фаолияти тажрибаларини эгаллаб борувчи жамоагина ҳақиқий шахснинг баркамол ўсишини таъминлайдиган жамоа бўла олади, жамоанинг муваффақияти асосан бирламчи, сон жиҳатдан энг кичик жамоага боғлиқ. Бу ерда болалар кундалик фаолият билан бир-бирларига боғлиқ бўлиб, изчил мулоқотда бўладилар. Мактаб жамоасини шакллантириш

узоқ, мураккаб давом этувчи жараён бўлиб, маълум қонуниятларга бўйсунади.

Ҳақиқий жамоа бўлиш учун маълум вақт талаб этилади ҳамда маълум босқичлар босиб ўтилиши керак. Биринчи босқичнинг асосий вазифаси жамоа манфаатларини тўғри тушунадиган, идрок этадиган болаларни аниқлашдан иборат. Келгусида шу болалар жамоанинг ўзагини ташкил этади. Демак, бу босқичда болаларни яхшилаб ўрганиш ҳам керак. Жамоада умумий интизомнинг қарор топиши билан биринчи босқич якунланиши мумкин.

Жамоанинг яхши аъзолари ўқитувчининг талабрага бўйсунадилар. Аммо, ташқаридан интизомли бўлиб кўринган болалар педагогик ишларимизнинг асосий мақсади эмас. Бу бевосита кейинги изчил ишларимизга пойдевор бўла олиши мумкин. Шу тариқа жамоанинг шаклланишида иккинчи босқич бошланади. А. С. Макаренконинг таъкидлашича, бу босқичда болалар фаоллари жамоага талаблар қўя бошлайди. Демак, жамоада педагогик раҳбарлик тўғридан-тўғри бўлмай, балки фаоллар орқали амалга оширилади. Бу босқичдаги жамоа шунчаки юзаки, мақсадсиз бирлашган болалар эмас, балки ўзларининг ҳаётий масалаларини мустақил ечадиган болалар гуруҳидир. Бу босқичда фаоллар билан, ўз-ўзини бошқариш аъзолари билан, бирламчи жамоа билан зарур педагогик ишларни амалга ошириш керак. Фаоллар билан ишлашнинг моҳияти шундан иборатки, улардан ўқитувчи, тарбиячиларнинг талабларини қувватлашгина эмас, балки бутун синфни ўз орқаларидан етаклай билиш талаб этилади. Бундай мураккаб вазифани бажариш оддий иш эмас. Бунинг учун қатъий бирлашган, фикрлар бирлигига эга бўлиш керак.

Шу тахлитда фаолларнинг жамоа ҳаётидаги роли ортиб боради. Мактаб ҳаётида аслида биринчи ва иккинчи босқичлар бир-бирларига аралашиб, киришиб кетади. Аммо, бу босқичда асосий эътибор фаолларда принципиаллик, ижтимоий фаоллик, жамоа ишига содиқлик тарбиялашга қаратилиши лозим. Бирламчи жамоани тўғри ташкил эта олиш кейинги босқичлардаги муваффақият гаровидир. Шундай қилиб, жамоа тарбиялашдаги иккинчи босқич мураккаб босқич бўлиб, ўз-ўзларини бошқаришга ўтиш билан белгиланади.

Жамоанинг ривожланишидаги учинчи босқич ўзи-

нинг сермаҳсуллиги, асосий босқич эканлиги билан ажралиб туради. Узаро фаолиятда қатнаша туриб, болалар жамоа кўникма, малакаларни ўзлаштириб борадилар. Жамоа фаолияти умумий мақсад асосида бажарилаётгани учун болаларнинг ўзлари ташкилотчилар сифатида ҳаракат қиласидар. Фаолият натижасида умумий жаевобгарлик, умумий муносабат юзага келади.

Бу босқичда жамоа ўз талабларини ҳар бир алоҳида шахсга қаратади. Бундан алоҳида шахсни қийнаш, унга тазийқ ўтказиш фикри келиб чиқмаслиги даркор. Лекин бу ҳол баъзан учраб туради. Ҳар бир ўқувчнинг жамоадаги ўрни, унинг хулқи, қилиқлари жамоа талаблари билан белгиланади. Воқеаларга баҳо беришда умумий тажриба, ягона фикрнинг юзага келиши учинчи босқичнинг ҳарактерли белгисидир. Умумий ишларга қизиқиш, биргаликдаги ҳаракатларга тайёр туриш шу босқичга хосдир. Бу босқичдаги педагогик ишлар асосан иккита бир-бирига боғлиқ вазифани ҳал этади. Буларга ижтимоий, умумий фикр ва анъаналар тарбиялаш киради. Жамоада анъаналарнинг борлиги шу босқичнинг шаклланганлигидан дарак беради. Унинг умумий тарбия жараёнида аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳақиқий анъаналар қийинчиликсиз, осон амалга оширилади. Агар анъаналар бузилса, унга нисбатан қониқмаслик ҳолатлари кузатилади.

Қатор анъаналар фақатгина моҳияти билангина ўқувчилар диққатини жалб этиб қолмасдан, балки жонлилиги, рангдорлиги билан ҳам болаларни ўзига тортади. Жамоадаги анъаналар жамоа ҳаётий тажрибаларининг чуқурлиги, даражасини билдиради. Шу сабабли анъаналарни сунъий равишда киритиш мумкин эмас.

Жамоа тараққиётидаги тўртинчи босқич бевосита учинчи босқич давоми ҳисобланади. Ҳар бир ўқувчи жамоага тажрибаси асосида ўзига талаблар қўяди. Жамоанинг ахлоқий нормаларини бажариш ҳар бир ўқувчининг шахсий эҳтиёжига айланади. Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига ўтади. Жамоа ҳаётини шундай ташкил этиш керакки, унинг ҳар бир аъзоси ўз қобилиятларининг максимал рӯёбга чиқишига ҳаракат қиласин.

Юқоридагилардан маълум бўладики, болалар, ўқувчилар жамоасини тарбиялаш узоқ вақт талаб этадиган педагогик жараён экан. Махсус мактаблардаги таъ-

лим-тарбия жараёнларини амалга оширишда ҳам жамоа жуда катта аҳамиятга эга. Ақли заиф болалар шахсини тарбиялашда жамоа катта имкониятларга эга. Нормал болалар билан олиб бориладиган жамоага оид барча ишлар, ёрдамчи мактабларда қатор объектив сабабларга кўра амалга оширилмайди. Ўқитувчи, тарбиячилар ҳар бир боланинг психофизик имкониятларини билган ҳолда уни жамоага киритиб боради. Болалар ўртасида ўртоқлик ғужудга келтириш учун ўқитувчи, тарбиячилар улар билан маҳсус иш олиб борадилар. Уларни ўзаро ёрдамга чақирадилар, ўртоғи тўғрисида ғамхўрлик қилишга ўргатадилар. Улар билан умумий ўйин, суҳбатлар ташкил қиладилар, дўстлик темасига оид ишлар олиб борадилар. Шулар натижасида болалардаги одамовилик, уятчанлик йўқолиб боради. Болаларда бир-бирларига дўстона муносабат юзага кела бошлайди. Болалар жамоат ишларига жалб этиладилар. Дастреб болаларга алоҳида топшириқлар берилса, кейинчалик ижтимоий топшириқлар бериб борилади. Шу таҳлитда ҳар бир бола жамоада ўз ўрнига эга бўла боради. Фаол болалар аста-секин бошқа ўқувчиларга таъсир этишиб, улардан ижтимоий жойларда интизом, хулқ-автор қоидаларига амал қилишни талаб қилиб ўқитувчи, тарбиячиларга ёрдам бера бошлайдилар.

Жамоада қатнашиш туфайли илгари ёрдамчи мактаб ўқувчисига тушунарсиз бўлган кўпгина ахлоқий тушунчалар улар томонидан ўзлаштирилиб борилади. Жамоанинг ақли заиф болаларга ижобий таъсири ҳақида қатор илмий ишлар мавжуд. Ақли заиф болаларда жамоага қўшилиш учун эҳтиёж тарбиялаш зарур. Ўқувчи синф ва мактаб жамоаси ҳаётидаги иштирок эта бориб, ўзидағи бир қатор нуқсонларни енгиб боради. Нуқсонларга жамоа орқали таъсир қилиш улардаги ақлий, жисмоний, шахсий етишмовчиликларни бартараф этишда самарали ҳисобланади.

Жамоани ташкил этиш дарсда ва дарсдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий жараённинг бир ҳисми ҳисобланади. Болалар жамоасига қанчалик кўпроқ таянилса, шунчалик кўп муваффақиятларга эришиш мумкин. Машғулотларни, кун тартибини, болалар ўйинини ташкил этиш пухта ўйлаб олиб борилсангина, болаларнинг жамоага жипсроқ бирлашишига ёрдам беради. Ёрдамчи мактабда ўқитувчилар ва синф раҳбар-

ларининг вазифаси синфда, мактабда ташкилотчилик вазифалари кўпчилик болалар қўлида бўлган ўзини-ўзи бошқариш тизимини вужудга келтиришдан иборат.

Жамоанинг мавжудлиги ақли заиф болаларда жамоа шарафи, ўртоқларча бирдамлик, бошқаларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш, юксак ахлоқий түйғулар шакллантириш учун қулай шароит яратади. Тарбияловчи жамоа инсонпарварлик муносабатлари, ўртоқларча манфаатдорлик, бир-бирларига эътибор билан муносабатда бўлиш, синфдаги ўртоқларигагина эмас, балки бошқа жамоа аъзоларига ҳам ёрдам беришга тайёр туриш билан характерланади. Синфда вужудга келтирилган соғлом жамоатчилик фикри ўқувчилар жамоасида айрим болаларга ёки ўқувчиларнинг айрим гуруҳларига таъсир кўрсатишда ёрдам беради.

Тарбияловчи жамоани вужудга келтириш бирмунча узоқ давом этадиган жараёндир. Жамоада болалар ташкилотчилик малака ва қўнилмаларини эгаллаб борадилар, ўртоқларининг хатти-ҳаракатига ахлоқий жиҳатдан баҳо беришга ўрганадилар. Ёрдамчи мактабда бошланғич жамоалар умуммактаб жамоаси билан яқин алоқада бўлган тақдирдагина тарбиявий вазифаларни самарали амалга оширадилар. Болаларни шундай фаолиятга жалб этиш керакки, бу фаолият уларда жамоа камчиликларини биргалашиб йўқотишга доимий интилишни келтириб чиқарсин. Ёрдамчи мактабда жамоа фаолиятини ташкил этишда болаларнинг ёш хусусиятларини ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш лозим. Ҳар қандай фаолият турлари жамоанинг вужудга келишига ёрдам бермайди. Аввало фаолият ақли занф ўқувчиларга қизиқарли бўлиши керак. Фаолият турларига мумкин қадар кўпроқ ўйин элементларини киритиш мақсадга мувофиқdir. Ўқув фаолияти ўз мазмуни, таълим усуллари билан синфда уюшган болалар жамоасини шакллантиришга ёрдам берадиган тарзда ташкил этилиши лозим.

Ёрдамчи мактабда ўйин болалар жамоасини жиспешлаширадиган ва ривожлантирадиган асосий фаолият турларидан биридир. Болалар ўйинига эътибор билан разм солинса, уларнинг ўйинларида катталар дунёси қандай акс этишини, улар ўйин орқали атрофдаги воқеиликни қандай билиб олаётгандикларини кўриш мумкин. Ёрдамчи мактаблардаги ўйин фаолиятининг қиммати шундаки, ўйин жараённида ақли заиф ўқувчилар

кўпинча турли қийинчиликларни енгадилар, ўз хатти-харакатларини бошқариши ўрганадилар, довюрак, иродали бўлиб борадилар. Ижодий ва мазмунли ўйинларда ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг барча руҳий жараёнлари билан биргаликда индивидуал хусусиятлари ҳам шаклланиб боради. Ёрдамчи мактабдаги тарбиячи ҳеч қачон болаларнинг ўйинларига бефарқ қарамаслиги керак. «Ўйин, шунинг учун ҳам ўйинки, у болалар учун соғ мустақил фаолиятдир»— деган эди К. Д. Ушинский. Шу сабабли, болаларнинг ўйинларига бўлар-бўлмасга аралашавермаслик даркор.

Жамоа ҳақидаги фикрларни умумластирадиган бўлсак, қуидагича таърифлаш мумкин. Жамият учун фойдали бир мақсад асосида бирлашган, контакт бирликка эга бўлган, ўз манфаатини жамоа манфаатига бўйсундира оладиган шахслар уюшмаси жамоани ташкил этади.

Демак, жамоа бўлиш учун учта талабга жавоб бериш керак. Жамият учун фойдали мақсад, бир-бирлари билан яқин алоқада бўлиш ҳамда ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишидир. Ҳар бир алоҳида болани тарбиялаш орқали жамоани тарбиялашга эришиш мумкин. Еки жамоа орқали шахслар тарбияланади.

Савол ва топшириқлар

1. Жамоа қандай талабларга жавоб беради?
2. Ривожланган шахс тарбиясида жамоа қандай роль уйнайди?
3. Жамоани шакллантириш қандай босқичларни босиб ўтади?
4. Ақли заиф болаларнинг умумий тарбиясида жамоанинг роли нимадан иборат?

Ёрдамчи мактабларда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар

Синфдан ташқари ишлар ёрдамчи мактаблардаги бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, нуқсонли болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, ижтимоий фойдали фаолиятда фаол иштирок этишга тайёрлашга хизмат қиласи. Синфдан ташқари ишлар асосан таълим-тарбия ишларини давом эттириб, ақли заиф болалардаги руҳий ва жисмоий камчиликларни юмшатишга, тузатишга яхши шароит яратади. Синфдан ташқари ишлар ўз мазмунига

кўра ижтимоий, таълимий, ижтимоий фойдали, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, санъатнинг турли соҳалари, ўқувчиларнинг маданий дам олишлари бўйича ташкил этилиши мумкин. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни турлича бўлишига қарамасдан, буларнинг барчасида асосий эътибор ўқувчилардаги нуқсонни тузатиш ишларига қаратилади. Болалардаги турли руҳий, жисмоний нуқсонлар характеристери иш мазмунини танлашга ёрдам беради.

Синфдан ташқари ишлар дарсдан ташқари вақтларда ўтказилади. Уларнинг тизими изчил бўлиши, ақли заиф болаларнинг психофизик имкониятларини, уларнинг қизиқишлигини, қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши даркор. Синфдаги ўқув-тарбиявий ишлар билан синфдан ташқари ишлар орасида узвий мантиқий боғланиш бўлиши керак. Агар болалар дарсда маълум фанлардан назарий, амалий билимлар олсалар, синфдан ташқари ишларда эса дарсда олган билимлар мустаҳкамланади, кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. Шунингдек, синфдан ташқари ишлар давомида синфда олган билимларни амалда қўллай олиш малакалари шакллантирилади.

Синфдан ташқари ишларга асосан ўқитувчи ва тарбиячилар раҳбарлик қиласидилар. Синфдан ташқари ишларда ўқув ишларидан ташқари ўзларини бошқариш малакалари ҳам шакллантирилиб борилади.

Ёрдамчи мактаблардаги синфдан ташқари ишлар ўтказилиш шаклига кўра оммавий, гуруҳли, индивидуал бўлиши мумкин.

Синфдан ташқари ишларга сиёсий ахборотлар, мактаб кечалари, эрталиклар, саёҳатлар уюштириш, кўргазмалар намойиш этиш киради. Гуруҳли синфдан ташқари ишларга эса суҳбатлар, ўйин, майший меҳнат турлари киради.

Синфдан ташқари ишларга синфдан ташқари ўқиши ҳам киритиш мумкин. Синфдан ташқари ўқиши нуқсонли болаларнинг шахсий сифатларини шакллантиришда асосий, етакчи воситалардан саналади. Унинг асосий вазифаси нуқсонли болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан ривожлантириб, уларда мустақил ўқишига қизиқиши тарбиялашдан иборатдир. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари содда, кичик ҳажмли, яхши эстетик жиҳозланган бадиий адабнётларни ўқишлиари тавсия этилади. Синфдан ташқари ўқиши алоҳида соатлар-

да ўтқазилади. Бошланғич синф ўқувчилари тарбиявий гуруҳларда шуғуллансалар, юқори синф ўқувчилари эса турли тұғараларда шуғулланишлари мүмкін. Тарбиявий гуруҳларда болалар индивидуал ёки жамоа бўлиб ўқийдилар. Ўқитувчи ўқилган темаларни тушунтириб беради. Индивидуал ўқиш учун бирмунча сода, кичик матнлар танланади. Тұғараларда эса асосан ўқувчилар индивидуал шуғулланадилар. Талаб этилса, ўқитувчига мурожат этадилар. Барча турдаги синфдан ташқари ўқишга ўқитувчилар бошчилик қиласидилар, маслағат берадилар, экскурсиялар ташкил этадилар, диафильм ва кинофильмлар курадилар, ўқиганлари ҳақида фикр алмашадилар. Синфдан ташқари ўқишга раҳбарлик ишларига оила ҳам жалб этилиши мүмкін. Ота-оналар тиғилишларыда ўқитувчи ота-оналарни болаларга тавсия этилган адабиётлар билан таниширади. Китоб билан ишлаш усусларини тушуниди.

Синфдан ташқари ўқиш ҳисобга олинади, лекин баҳоланмайди. Синфдан ташқари ўқиш, назорат қилиш, ҳисобга олиш шакли асосан ўқилган адабиётлар юзасидан сухбатлар уюштиришdir. Ердамчи мактаблардаги мактабдан ташқари ишлар ҳам, синфдан ташқари ишлар каби таълим-тарбиявий, оммавий-маданий ишлардан иборат бўлади.

Мактабдан ташқари ишлар мазмунан, шаклан, вазифалари бўйича синфдан ташқари ишларга ўхшаб кетади. Мактабдан ташқари ишлар асосан мактаб раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бу ишларда болаларнинг имкониятлари албатта инобатга олиниши керак. Турли тоифадаги болаларга ёзги умумий ва маҳсус лагерлар ташкил этилади.

Синфдан, мактабдан ташқари ишлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Уларни тұғри ташкил этиш, мактабнинг ақли заиф болаларга бўлган таълим-тарбиявий таъсирни оширишга имкон беради. Ўқув метериаларини пухта ўзлаштириш болаларни атрофлича ри-вожлантириш учун зарур шароит яратади. Синфдан ташқари ишларда дарс материалларини такрорлашга имконият яратилади. Ўқувчиларнинг сенсор тажрибалари бойиб боради. Уларнинг ҳаракат системалари ри-вожланади. Синфдан ташқари ишлар ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда мустақил ишлаш учун шароит яратади. Болаларда маданий хулқ-

автор малакаларини тарбиялайди. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини уюширишга ёрдам беради. Ақли заиф болаларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятда фаол қатнашишига қўмаклашади.

Синфдан ташқари ишларнинг яна бир тури тўғарак ишларидир. Тўғарак ишларига асосан 4—8- синф ўқувчилари қабул қилинади. Баъзан эса ёши катта 3- синф болалари ҳам қабул қилинни мумкин. Тўғарак ишлари ҳафтада бир марта маълум соатларда ўтказилиди. Баъзан ўқувчилар иккита тўғаракка ҳам қатнашишлари мумкин. Тўғарак ишларининг оғир, енгиллигига қараб, машғулотни бошлашдан олдин тайёргарлик вақти, танаффус белгиланади. Тўғаракка ўқувчилар ўз хоҳишлари билан қатнашадилар. Болаларнинг қизиқишлари, имкониятлари, қобилиятлари ҳисобга олиниши керак. Тўғарак ишлари бир йилга режалаштирилади. Тўғарак раҳбарлари қайси материални қачон, қандай ўрганиш кераклигини яхшилаб кўриб чиқиб, режалаштиради. Машғулот учун танланған мавзу ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантирадиган, чамалаш хусусиятларини ўстирадиган, нутқидаги камчиликларни тузатадиган бўлиши керак. Машғулот жараёнида луғат устида ҳам иш олиб борилади. Ўқувчилар янги сўз ва атамаларга дуч келсалар, ўқитувчи шу сўз ҳақида тушунча бериб, машғулот учун тутилган дафтарга янги сўзларни ёздириб боради. Тўғаракда ҳар бир ўқувчининг муваффақиятини ёритиб борувчи алоҳида журнал бўлади. Синфдан синфга кўчириш, тавсифнома бериш вақтларида шу журнал материялларидан ҳам фойдаланилади. Ўқувчиларнинг тўғарак ишларига киришиб кетишлари учун машғулот жараёнида уларнинг руҳини кўтарувчи, қизиқишларини орттирувчи характердаги материаллардан кўпроқ фойдаланиш керак. Ҳар бир боланинг ақлий ривожланиши, машғулотга тайёргарлиги, чарчаши каби хислатларига алоҳида эътибор берилади. Ўқувчилардаги тиришқоқлик, берилган ишни мустақил бажаришига интилиш қўллаб-қуватланиши керак. Дарсда тортинчоқ, камгал болаларнинг айримлари тўғарак ишларida фаол қатнашадилар. Тўғарак ишлари ўтказилиши мазмуни, шаклига кўра дарсдан фарқ қилганилиги сабабли, болалар тўғаракларда бирмунча унумли ишлайдилар. Тўғарак ишлари иложи борича бола-

ларнинг қизиқишиларига, имкониятларига мўлжаллаб олиб борилса, яхши натижаларга олиб келади.

Ёрдамчи мактабларда турли фанлардан синфдан ташқари ишлар олиб бориш мумкин. Математикадан олиб бориладиган синфдан ташқари ишларнинг нуқсонни тузатиш аҳамияти катта. Бу машғулотларда болалар мантиқий фикрлашга, хотиранинг ўсишига, диққатнинг турғунлашувига эришадилар. Дарсда математикадан олган билимлар синфдан ташқари ишларда мустаҳкамланади, амалий мазмун касб этади. Болалар турли ҳаётий ҳисоблаш ишларини бажарадилар. Ақли заиф болаларнинг майдонларни ўлчаш вақтда мўлжал олиш ишларини, савдо ишларидағи ҳисоб-китобларни бажаришлари уларга зарур бўлган кўникма ва малакаларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Синфдан ташқари ишлар давомида болаларга фаяқт мъялум билим бериш, уларда турли ижобий хислатлар тарбиялаш билан чегараланиб қолмайди, балки бу ишлар жараёнида ақли заиф болаларнинг ўзлари ҳам атрофлича ўрганилади.

Савол ва топшириқлар

1. Ёрдамчи мактабда синфдан ташқари ишларнинг қандай турлари бор?

2. Ёрдамчи мактабда синфдан ташқари ишларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти нимадан иборат?

3. Мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишда қандаи қийинчилклар учрайди?

4. Мактабдан ташқари ишларнинг ақли заиф бола нуқсонларини тузатишдаги аҳамияти нимадан иборат?

Ёрдамчи мактаб ўқитувчиси, синф раҳбари ва тарбиячиси

Синф раҳбари кундалик ўқув-тарбиявий ишларни ўюштирувчи, синфда ўқувчилар жамоасини ташкил этишни амалга оширувчи ўқитувчидир.

Ёрдамчи мактабнинг бошланғич синфларида синф раҳбари вазифасини шу синфларни бошқарувчи ўқитувчининг ўзи бажаради. IV синфдан бошлаб синф раҳбари директор томонидан шу синфда ишловчи ўқитувчилардан тайинланади. Одатда синф раҳбари она тили ва адабиёт ўқитувчиларидан тайинланади. Чунки улар ўқувчилар мактабни тугатиб кетгунларигача улар билан алоқада бўла оладилар.

Синф раҳбари ишининг асосий вазифалари болалар жамоасини уюштириш, уларда меҳнатсеварликни, жамоатчилик ҳиссини тарбиялаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларни жамоат ишларига фаол жалб этишдан иборат.

Ҳар бир ўқувчини ва синф жамоасини изчил ўрганиш синф раҳбари ишининг асосий мазмунини ташкил этади. Шу мақсадда синф раҳбари ўқувчиларнинг давомати, ўзлаштириши ва интизомини кузатиб боради, уларнинг қизиқишини, қобилиятини, оиласидаги турмуш шароитини ўрганади. Шу сабабли кўпчилик синф раҳбарлари кундалик тутиб борадилар, унда кузатишлар ёзилиб, мунағазам равишда таҳлил қилиб борилади.

Синф раҳбари болаларнинг маданий дам олишини ташкил этади. Улар билан индивидуал ва умумсинф суҳбатлари, синф мажлислари ўтказилади. Ўқувчилар билан китоблар ўқишиб, уни мұхокама қилишади. Бунтандын ташқари, синф кўргазмасини уюштириш, табиат бурчаги, деворий газета чиқариш устидан раҳбарлик қиласади, ўқувчиларни умумий мактаб тўгаракларда қатнашишга жалб этади. Синф раҳбари умумий мактаб байрамларида ўқувчиларнинг қатнашишлари учун тайёргарлик ишлари билан шуғулланади.

Синф раҳбари синф ва мактаб ўқувчилар ташкилоти ҳамда синф ишига конкрет ёрдам кўрсатади. Улар билан яқин алоқада бўлиб, ўқувчиларда мустақиллик, фаоллик, ўртоқлик ва ўзаро ёрдам ҳиссини, онгни, интизомни тарбиялади.

Синф раҳбари болани мактабда ва оиласада тарбиялашда ягона талаб бирлигига эришмоқ учун ўқувчиларнинг ота-оналари билан доимий иш олиб боради. Шу мақсадда синф раҳбари ўқувчиларнинг ота-оналари билан индивидуал суҳбатлар ва умумий ота-оналар мажлиси ўтказади, оиласада болани тарбиялаш ва боланинг нутқи устида ишлаш масалалари юзасидан ота-оналарга маърузалар уюштиради, илмий-оммабон кино-фильмлар намойиш қиласади, ўқувчиларнинг уйига қатнаб, ота-оналарни турли синфдан ташқари тадбирларни уюштиришга, мактабнинг ота-оналар қўмитаси ишига, ўқувчиларнинг дарсларига киришига қизиқтиради.

Синф раҳбари фан ўқитувчиларининг синф журналини тўғри тўлдиришларига қарайди, ўқувчиларнинг давоматини ҳисобга олиб боради. Ўқувчини бошқа мактабга ўтказишда синф раҳбари мукаммал тавсифно-

ма тайёрлайди ва уни мактаб педагогик кенгашида тасдиқлади.

Синф раҳбарининг режаси мактабнинг ўқув-тарбиявий режасига мувофиқ, параллел синфларнинг синф раҳбарларини режаларини ҳамда ўз синфи ва мактаб режаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир чоракка, айрим ҳолларда ярим йилга мўлжалланган бўлади. Режада конкрет тадбирлар, уларни ўтказиш шакллари, усуллари ва вақти кўрсатилади. Режа синф раҳбарлари услуг бирлашмаларида муҳокама қилинади ва директор ёки мактаб илмий бўлим мудири томонидан тасдиқланади. Синф раҳбари ўз ици юзасидан педагогик кенгашида ёки синф раҳбари услуг бирлашмаларида вақти-вақти билан ҳисобот бериб туради. Мактаб директори синф раҳбарлари ишига ҳамда синф раҳбарларининг услуг бирлашмалари ишига раҳбарлик қиласди.

Ердамчи мактаб тарбиячиси. Ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиши устида ёрдамчи мактаб-интернат ва куни узайтирилган мактабларда олиб бориладиган бутун, кўп қиррални иш асосан тарбиячи томонидан амалга оширилади.

Тарбиячи ўқитувчи каби ишга вилоят халқ маорифи бўлими томонидан тайинланади. Тарбиячи ишининг мазмуни ва ташкилий шакллари жуда турли-тумандир. Тарбиячи ўқувчиларнинг юқори ўзлаштиришларини тъзминлашга йўналтирилган иш олиб боради, уларни ғоявий-сиёсий тарбиясини ва ахлоқ хислатларини ташкил топишини, меҳнат, жисмоний ва эстетик тарбияни амалга оширади. Болалар фаолиятини уюштиради, уларни санитария-гигиена малакаларига одатлантиради, уларнинг ташқи кўринишига ва кайфиятига қарайди, ота-оналар билан иш олиб боради ва ҳоказо.

Тарбиячининг асосий вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Узига бириткирилган гуруҳдаги болаларнинг нормал тарбиясини амалга ошириш, уларни ҳаётга тайёрлашни амалга оширади.

2. Тарбиячи ўз гуруҳидаги болалар билан синфдан ва мактабдан ташқари ишларни олиб боради.

3. Болаларни ижтимоий-фойдали меҳнатга ва ўз-узига хизмат кўрсатишга жалб этади. Тарбиячи ўқув-

чилар билан, мактаб шифокори ва логопеди билан доимий алоқада бўлади.

4. Боланинг ота-оналари билан алоқани узмайди.

Уқитувчининг **ҳуқуқи** қандай бўлса, тарбиячининг ҳуқуқи ҳам шундайдир.

Ёрдамчи мактаб ўқитувчиси. Уқитувчи-дефектолог қандай хислатларга эга бўлиши керак?

1. Аввало ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ақли заиф болага ота-она кўзи билан қарамоғи, унга нисбатан меҳр-муҳаббатда бўлмоғи зарур.

2. Болаларнинг келажагига ишонч билан қарashi керак.

3. Ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, жамоани жипслаштира олиши, бошланган ишни ниҳоясига етказиши керак.

4. Ўқувчилар ичига кириб кета олиши, уларнинг психологик хусусиятларини чуқур билиши керак.

5. Ўзини тута билиши керак.

6. Ўз фанини чуқур билиши керак.

7. Ўз билимини ўқувчилар онигига етказа олиш хислатларига эга бўлиши керак.

8. Диққатни бўла олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

9. Ўқувчилар ўртасида обрў қозониши, уларга шахсий ўрнак бўлиши керак.

Савол ва топшириқлар

1. Уқитувчининг бурчи ва вазифалари ҳақида гапиринг.

2. Тарбиячининг вазифалари нималардан иборат?

3. Синф раҳбарининг вазифалари ҳақида гапиринг.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Республикамизда дефектология фанининг тараққиёти ҳақида айрим маълумотлар	4
I б о б . Олигофренопедагогиканинг умумий масалалари	8
1. Олигофренопедагогика фанининг мавзу баҳси ва услублари	8
Олигофренопедагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси	11
Олигофренопедагогикада фойдаланиладиган тадқиқот услублари	14
2. Ақли заиф болалар — ўрганиш, тарбия ва таълим манбай	16
3. Нуксонли болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи муассасалар тармоғи	26
4. Ёрдамчи мактаб, унинг мақсади ва вазифалари	30
Таълим-тарбия, ривожлантириш ва тузатиш ишлари ягона педагогик жараёндир	36
II б о б . Ёрдамчи мактабларда таълим назарияси	46
5. Ёрдамчи мактабларда таълим жараёнининг моҳияти	46
6. Ёрдамчи мактабларда таълим принципларининг қўлланниш хусусиятлари	52
Тарбияловчи таълим принциплари	53
Ўқитишида билимларни пухта ўзлаштириш принципи	55
Ўқитишида мустақиллик принципи	58
Ўқитишида тушунарлилик принципи	60
Ўқитишида онглилик ва фаоллик принципи	62
Фронтал ишга дифференциялашган ва индивидуал ёндашишини бирга қўшиб олиб бориш принципи	65
Илмийлик, тизимлилик ва изчиллик принциплари	69
Ўқитишида кўргазмалик принципи	71
7. Ёрдамчи мактабларда таълимнинг мазмуни	74
Ўқув режалари	76
Ёрдамчи мактаб дарслеклари	80
8. Ёрдамчи мактабларда ўқитиши услубининг қўлланиш хусусиятлари	80
Оғзаки услуб	82
Суҳбат услуби	83
Кўрсатмали услублар	87
Амалий услублар	89
Дидактик ўйин услуби	90
9. Ёрдамчи мактабда ўқитишини ташкил қилиш. Ёрдамчи мактабларда дарс ва дарслар тизими	91
Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг билим, кўнишка ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолаш дарслари	101
Ёрдамчи мактабларда меҳнат таълими	106
III б о б . Ёрдамчи мактабларда тарбия назарияси.	114
10. Ёрдамчи мактабларда ўқувчиларни тарбиялашнинг мақсади, вазифаси, принциплари ва усуллари	114
Ёрдамчи мактабда тарбия принципларининг қўлланилиши	122

11. Тарбия усуллари	125
Ёрдамчи мактабларда ахлоқий тарбия	130
Ёрдамчи мактабларда меҳнат тарбияси	140
Ёрдамчи мактабларда эстетик тарбия	146
Ёрдамчи мактабларда жисмоний тарбия	150
12. Болалар жамоасини ўрганиш, ташкил қилиш ва тарбиялаш	153
Ёрдамчи мактабларда синфдан ва мактабдан ташқари ишлар	159
Ёрдамчи мактаб ўқитувчиси, синф раҳбари ва тарбиячиси	163

КАМОЛ ҚУРШУМОВИЧ МАМЕДОВ,
МИРҲИДОЯТ ИНОЯТОВИЧ СОАТОВ,
ЛАРИДА МУХИДДИНОВНА ПҰЛАТОВА

ОЛИГОФRENOPEDAGOGIKA АСОСЛАРИ

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг
дарсликларни қайта кўриш маҳсус комиссияси
маъқуллаган

Тошкент «Ўқитувчи» 1995

Муҳаррир С. Ҳусниддинов
Бадний муҳаррир Э. Нурманов
Техник муҳаррир Т. Золотилова
Мусаҳдиҳ М. Минаҳмедова

ИБ№ 6703

Теришга берилди 07. 02. 94. Босишига рухсат этилди. 20. 07. 94. Формати $84 \times 108_{-12}$. Тип. қогози. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8,82. Шартли кр-отт. 9,03. Нашр. т. 8,28. Нусхаси 5000. Буюртма № 45.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий нӯчаси 30.
Шартнома 12—198—93.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара нитоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд нӯчаси, 44. 1944.